

17 ёшида Нобель мукофотига сазовор бўлган
муаллифдан ҳаётий қисса



МЕН МАЛАЛАМАН

Тик туриб таълим олган ва
толибонлар томонидан хўрланган қизалоқ

Малала Юсуфзоӣ • Кристина Ламб

Малала Юсуфзой • Кристина Ламб

17 ёшида Нобель мукофотига
сазovor бўлган муаллифдан ҳаётий қисса

Мен Малаламан



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

УЎК: 821(549.1)

КБК: 84(5Пок)

Ю – 91

Юсуфзой, Малала

Мен Малаламан: автобиографик қисса / Малала Юсуфзой, Кристина Ламб. Таржимон А.Шариф. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2023. – 368 б.

ISBN 978-9943-20-818-6

Ушбу асар «23,5 бурчак остида» (<https://t.me/burchak-ostida>) лойиҳаси доирасида илк бора ўзбек тилига таржима қилинди. Асар Нобел мукофоти лауреати, 24 ёшли покистонлик Малала Юсуфзой томонидан ёзилган бўлиб, муаллиф бу асарда ўз мамлакатидagi қизлар таълимига нисбатан тўсқинликлар, аёллар ҳуқуқининг поймол бўлиши ҳақида ёзади. Бир қанча қийинчиликларга қарамай, илм олиш ҳамда ўзининг ва бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан чекинмаган Малала кўплаб ёшларга ўрнак бўлади, деган умиддамиз.

УЎК: 821(549.1)

КБК: 84(5Пок)

Инглиз тилидан

Аҳроп ШАРИФ

таржимаси

ISBN 978-9943-20-818-6

© Малала Юсуфзой, Кристина Ламб, «Мен Малаламан». «Янги аср авлоди», 2021 йил.

© Малала Юсуфзой, Кристина Ламб, «Мен Малаламан». «Янги аср авлоди», 2023 йил.

МУҚАДДИМА

Ҳаётим ўзгарган кун

Мен ярим тунда яратилган мамлакатда туғилгандекман. Ўлим ёқасига келиб қолганим тахминан пешин вақтига тўғри келади.

Бундан бир йил олдин мактабга бориш учун уйдан чиқиб кетдим ва ортга қайтмадим. Толибонларнинг ўқи кўксимни тешиб ўтди ва Покистондан ҳушсиз ҳолда олиб чиқиб кетилдим. Баъзи одамлар энди ҳеч қачон уйингга қайтмайсан, деб айтишади, аммо мен ич-ичимдан қачондир қайтишимни ҳис қиламан. Албатта, киндик қони тўкилган Ватан билан абадий хайрлашишни ҳеч ким хоҳламаса керак.

Ҳар тонг кўзимни очганимда майда-чуйда буюмларимга тўла эски хонамни, ҳар ерда сочилиб ётган кийимларимни ва токчадан ўрин олган мактабда қўлга киритган ютуқларимни кўришни жуда хоҳлайман. Аммо Сват водийсида жойлашган уйим бу ердан анча узоқда экани, бошқа мамлакатда яшаётганим ва бу ердаги вақт Покистондан беш соат орқадалиги мени ранжитади. Севимли Ватаним ҳозир мен яшаётган ўлкадан анча ортда қолган. Бу ерда инсон яшаши учун зарур бўлган барча қулайликлар мавжуд. Жўмракни бурашингиз билан хоҳласангиз иссиқ, хоҳласангиз совуқ сув келади. Бу ердаги одамлар ёғ лампалари нима эканлигини аллақачон унутиб юборишган – тунги чироқлар кўчаларни худди кундузгидек ёритади. АЁҚШга бориб газ баллон тўлдириб келишга ҳожат йўқ – ошхоналарда газ плиталар мавжуд ва табиий газ ҳеч қачон узилиб қолмайди. Замон шу қадар ривож-

– Жани мун, ўрнингдан турадиган вақтинг бўлди.

«Жани мун» форс тилида «жондан азизим» деган маънони билдиради – отам мени доим шундай чақирарди.

– Аба, яна озроқ ётай, илтимос, – дедиму кўрпанинг тагига шўнғидим.

Қанийди шу билан ҳаммаси тинчиса. Қаёқда! Онам тепамга келиб «Пишо» деганча бошимни силади. Бу «мушукчам» дегани эди. Онам мени доим шунақа эркаларди.

Шу онда кечикканимни пайқаб қолдим ва бақирдим: «Биби, кечикибман-ку!»

Урф-одатларимизга кўра, барча бир-бирига ака-ука, опа-сингил. Ҳамма бир-бирига биродар, қадрдон. Ўзаро худди шундай муносабатда бўламиз. Отам илк бора онамни мактабга олиб борганларида барча ўқитувчилар онамга «акамнинг хотини» маъносини англатувчи «биби» деб мурожаат қилишган. Ўшандан бери бу одат тусига айла-ниб қолди. Ҳозир ҳаммамиз уни «биби» деб чақирамиз.

Уйнинг олд қисмидаги катта хонада ухлардим. Хонам фақат диван ва шкафдан иборат эди. Буларни водийда тинчлик ўрнатиш ва қизларнинг мактабга бориш ҳуқуқини ҳимоя қилиш кампаниясига бошчилик қилганим учун мукофот тариқасида берилган пулнинг бир қисмига сотиб олгандим. Токчаларда мактабда ўтказилган мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаганим учун ҳадя қилинган олтин рангли кубоклар ва эсдалик совғалари жой олганди. Умримда бор-йўғи икки маротаба иккинчи ўринни олгандим ва ҳар иккала гал ҳам Малка-и-Нур исмли қиз биринчилиқни қўлга киритган. Энди бунақа ҳодиса такрорланмаслигига аҳд қилгандим.

Мактаб уйимиздан унча узоқ эмасди, бошида ҳаммамиз у ерга пиёда қатнашга ўргангандик, аммо охириги йили мактабга автобусларда қатнай бошладик. Сафаримиз беш дақиқага чўзиларди. Автобус шаҳар аҳолиси чиқинди ташлайдиган дарё бўйлаб юриб бориб, дўхтир Ҳумоюннинг соч экиш клиникасининг реклама бан-

нери олдидан ўтарди. Ҳар сафар бу ердан ўтганимизда бирорта кал ўқитувчимиз дўхтирнинг миждози бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиб, кулишар эдик. Автобусда юриш менга жуда ёқарди – жазирамада терга ботиб, пиёда юришни ким ҳам хоҳлайди дейсиз?

Шунингдек, автобусда биз «Бҳай Жан» (ака) деб чақирадиган Усмон Али билан чақчақлашиб кетишимиз ҳам менга жуда манзур бўлар, у доим қизиқарли воқеаларни айтиб бериб, бизни кулдириб кетарди.

Онам кўчада ёлғиз юришимдан хавотир олгани учун ҳам автобусга чиқардим. Доимо кўрқувда яшардик. Баъзан газеталарда очикчасига таҳдид қилишар, баъзида уйимизга хат ташлаб кетишарди. Онам мендан қаттиқ хавотир олардилар. Мен эса толибонлар ҳеч қачон қиз болани олиб кетгани келишмайди, деб ҳисоблардим, шу сабаб ҳам кўпроқ отамдан хавотирда эдим. У кўп жойларда толибонларга қарши гапириб қўйганди. Отамнинг яқин дўсти ва шериги Зоҳидхонни шу йилнинг август ойида отиб ўлдириб кетишганида отамга қараб: «Тайёрлан, эндиги навбат сеники», дейишган экан.

Кўчамизга машина кирмас эди, шу сабабдан автобусдан тушганимдан сўнг уйга боргунимгача сой ёқалаб юриб, темир дарвозадан бошқа кўчага ўтиб, тошли зинапоялардан тепага кўтарилишимга тўғри келарди. Бу зинапоялардан юраётиб қачондир менга ўқ узишлари мумкинлигини ўйлаб, юрагим орқага тортиб кетарди. Мен ҳам отамга ўхшаб хаёлпараст эдим. Баъзи пайтларда дарсда хаёлим қочиб, ўзимнинг жангари кинолардаги ҳаётга тушиб қолганимни тасаввур қилардим, хаёлимдаги террористлар мени айнан ўша зинапоя устида отиб ўлдиришарди. Ўша ҳолатга тушиб қолсам, қандай йўл тутишим мени доимо ташвишга соларди. Балки туфлимни ечиб, жангарининг юзига зарба берарман? Лекин шунақа қилсам, менинг ҳам жангаридан фарқим қолмайди-ку! Яхшиси, бунақа деб қўя қоламан: «Хўп, мени отиб

ташла, аммо, аввал, сўзларимга диққат қил. Сен қилаётган иш хато. Мен сенга шахсан қарши эмасман, шунчаки, ҳар бир қизнинг мактабга боришини хоҳлайман, холос».

Бу мени кўрқита олмасди, бироқ кечкурун дарвозани кулфлаганимга ишонч ҳосил қилганимдан сўнг Худодан бу дунёни тарк этганларни қандай ажр кутаётганини сўрардим. Энг яқин дугонам Мониба менинг энг яқин сирдошим ҳам эди. Биз ёшлигимиздан бир кўчада ўйнаб катта бўлганмиз, мактабга бориб, синфдош бўлганимиздан сўнг эса бир-биримиздан ҳеч нарсани қизғанмайдиган бўлиб кетган эдик. Жастин Бибернинг кўшиқлари, «Сумерки» киноси, юз терисини юмшатадиган кремлар... Мониба модельер бўлишни чин дилдан орзу қиларди, аммо оиласи буни билса, қарши чиқишини англагани ҳолда ҳаммага: «Дўхтир бўлишни хоҳлайман», деб ёлғон гапирарди. Бизнинг жамиятда аёл киши ишлашни хоҳласа ҳам, у фақат иккита касбни эгаллаши мумкин: шифокор ёки ўқитувчи. Аммо менга фарқи йўқ эди. Мен шифокор эмас, ихтирочи ёки сиёсатчи бўлишга қатъий қарор қилганимни ота-онамдан яшириб ўтирмасдим. Мониба ҳам менинг орзуларимдан хабардор ва доимо мендан хавотирда эди.

– Кўй, хавотир олма, толибонлар кичик қизча учун бу ерга келиб ўтиришмайди, – ўзимча Монибага таскин бергандек бўлардим.

Автобусни кўришимиз билан ҳаммамиз у томон шошилдик. Баъзи қизлар эшикдан чиқиши билан бошларини рўмол билан ўраб олишди ва автобусга ўтиришди. Автобус, аслида, биз «дайна» деб атайдиган, оқ «Toyota town» юк машинаси эди. Унда учта ўриндиқ мавжуд бўлиб, иккитаси девор бўйлаб, биттаси ўртада жойлашган эди. Автобусда жами 12 нафар қиз ва 3 нафар ўқитувчи кетар эдик. Чап тарафимда Мониба, ўнг тарафимда Шазиа Рамзан исмли қиз, ўртада мен имтиҳон файлларини кўксимга босиб, мактаб сумкасини оёқларим орасига жойлаганча кетаверардим.

Хаёлларим бироз тўзғиб кетди... Аммо автобус иссиқ ва тиқилинч бўлгани кечагидек ёдимда. Изғиринли кунлар яқинлашиб келаётган, Ҳиндукуш тоғларининг чўққилари аллақачон музлаган пайтлар. Биз ўтирган орқа ўриндиқ тарафда ҳеч қанақа ойна йўқ, шунчаки, ён томонлари сарғайган ва чанг босган қалин пластик қоплама билан қопланган. У орқали биз мовий осмон парчасини, Қуёшнинг ғира-шира нурларини ва чанг босгандек кўринадиган булутларни кўра олардик, холос. Автобус одатдагидек асосий магистралдаги назорат пунктидан чиқиб, ўнг тарафга бурилиб, ташландиқ крикет майдонини айланиб ўтгани эсимда. Қолгани ёдимдан кўтарилибди.

Тушларимда отам ҳам автобус ичида бўлади ва мен билан бирга ўқ еб, ҳалок бўлади, бирдан ҳамма ерни эркаклар босиб кетади ва мен улар орасидан отамни излай бошлайман.

Ҳаётга қайтамиз. Бизни тўсатдан тўхтатишди. Чап томонимизда Сватнинг биринчи молия вазири Шермуҳаммад Хоннинг қабри, ўнг томонимизда эса қандолат фабрикаси жойлашган эди. Назорат пунктидан тахминан 200 метрлар узоқда эдик.

Эгнига ёрқин ранг кийиб олган, кўзларининг атрофини ҳам соқол босиб кетган бир йигит автобусга яқинлашди ва ҳайдовчидан сўради.

– Бу «Ҳушал мактаби»нинг автобусими?

Автобуснинг ён тарафига мактабимиз номи кўрга ҳассадек ёзиб қўйилгани учун бу савол ҳаммамизга қулгили туйилди.

– Ҳа, – эриниб жавоб берди Усмон ака.

– Мен бир қанча қизлар тўғрисида маълумот олишим керак.

– Мактаб идорасига мурожаат қилинг.

Ҳайдовчи ва бояги йигит гаплашиб туришганида оқ танли бошқа бир йигит автобусга яқинлашди.

– У биздан интервью олишни истаган журналист бўлса керак, – тахмин қилди Мониба.

Отам билан мен қизларнинг таълим олиш ҳуқуқи учун курашишни бошлаганимиздан бери журналистлар, ҳаттоки, чет эллик журналистлар ҳам тез-тез мендан интервью олишган, бироқ улар ҳеч қачон йўлнинг ўртасида интервью олишмасди.

Бейсбол кепкасини бошига қистириб олган, худди грипп юқтириб олишдан қўрққандек оғзи ва бурнини рўмолча билан беркитган бир йигит биз тарафга яқинлашди. Кўринишидан у коллеж талабасига ўхшарди. Йигитча биз тарафга янада яқинлашди ва қўпол равишда сўз қотди:

– Қайси биринг Малаласан?

Ҳамма жимиб қолди, аммо қизлар бирваракайига менга қарашди. Фақат менинг юзим рўмол билан тўсилмаган эди.

Бояги йигит дабдурустдан қора тўппончасини бизга қарата ўқталди. Кейинчалик мен унинг маркаси «Solt-45» эканлигини билиб олдим. Қизлар қўрқувдан дағ-дағ титрашарди.

Монибанинг қўлидан қаттиқ сиқдим.

Дўстларимнинг айтишича, у кетма-кет уч марта ўқ узган экан. Биринчи ўқ чап кўзимнинг чаноғини ялаб ўтиб, чап елкаминг пастки қисмига тегди. Монибанинг тиззасига йиқилдим. Чап қулоғимдан тинмай қон оқарди. Қолган иккита ўқ бошқа қизларга «насиб этди». Бир ўқ Шазианинг чап қўлига тегди. Яна бири унинг чап елкасини ялаб ўтиб, Коинот Риазнинг ўнг қўлининг тепа қисмига қадалди.

Кейинроқ дўстларим ўқ узаётган жангарининг қўллари қалтираганини айтиб беришганди.

Шифохонага етиб келганимизда менинг узун сочларим ва Монибанинг тиззалари қонга беланганди.

Малала аслида ким? Малала – бу мен ва бу китоб – менинг ҳикоям. Энди сизларга ўз ҳаётимда бўлган воқеаларни батафсил баён этаман. Яхшилаб жойлашиб олинг.

ЯНГИ ТУҒИЛГАН ҚИЗАЛОҚ

Мен дунёга келганимда қишлоқдошларим онамга ачиниш ҳисси билан қарашган, отамни эса ҳатто табрик-лашмаган ҳам. Онамнинг айтишича, мен сахар пайти, энг сўнгги юлдузлар осмонда милтиллаб турган пайтда туғилган эканман. Биз пуштунларда бу пайтда чақалоқ дунёга келиши хосиятли ҳисобланади. Отамнинг онамни шифохонага олиб бориш, дояга тўлаш учун етарли маблағи бўлмаганлиги туфайли туғилишимга кўшни аёл кўмаклашган. Ота-онамнинг биринчи фарзанди ўлик туғилгани учунми, ўшанда менинг йиғимни эшитишлари билан қувончдан бақириб юборишган экан. Ўғил туғилса, қувончдан осмонга ўқлар ёғдириладиган, қиз туғилса, эсини таниши билан паранжи ортига яшириладиган мамлакатда туғилдим. Бу ерда аёлларнинг вазифаси фақат овқат тайёрлаш ва фарзанд дунёга келтиришдан иборат.

Пуштунлар оиласида қиз фарзанд дунёга келса, қайғули воқеа сифатида кутиб олинади. Мен туғилганимда ота-онамни кутлаш учун деярли ҳеч ким уйимизга ташриф буюрмаган, фақатгина Жаҳон Шерхон Юсуфзой исмли отамнинг жияни чин дилдан суюниб, алоҳида табриклашга уйимизга келган ва кўрмана сифатида бироз пул ҳам ташлаб кетган. У, шунингдек, бизга оиламиз шажара дарахтининг расми чизилган катта ватман қоғозини ҳам ҳадя қилган. Бобомнинг бобоси Далохел Юсуфзойдан бошланган шажара дарахтининг «барг»ларида фақат эркакларнинг номлари қайд этил-

ган бўлиб, аёлларнинг номи бу ерда қайд этилиши урф-одатларимизга зид эди. Кўпчилик пуштун эркакларидан фарқ қиладиган отам Зиёвуддин бир нечта барглар орасидан ўз исмини излаб топган ва унинг пастидан чизиқ тортиб, баргга ўхшаган шакл чизиб, ичига «Малала» исмини ёзиб қўйган экан. Буни кўрган дадамнинг жияни ҳайратдан ёқа ушлаган, аммо дадам бунга заррача парво қилмаган. Кейинчалик отамнинг айтиб беришича, мен туғилишим биланоқ кўзларимга боқиб, қалбига илиқлик уруғлари экилган экан. Ёшим каттаргани сари бу илиқлик уруғи униб чиқа бошлади ва отамнинг менга бўлган меҳри тобора кучайиб борди. Отам: «Аниқ биламан, бу қизим келажакда катта одам бўлади», деб айтиб юрганида қишлоқдошларим бу гапга истехзо билан кулиб қўйган бўлишса, ажаб эмас. Туғилганимда у дўстларидан фақат ўғил болалар учунгина бажариладиган урф-одатлар – бешигим ичига қуритилган мевалар, ширинликлар ва тангалар ташлашни илтимос қилган экан.

Исмим Афғонистоннинг буюк аёл қахрамони – майвандлик Малалай шарафига қўйилган. Пуштунлар – Афғонистон ва Покистон мамлакатларида турли қабилалар кўринишида яшайдиган мағрур миллат. Биз бир неча асрлардан бери «Пуштунвали» қонун-қоидалар тўпламига қатъий риоя қилган ҳолда яшаб келмоқдамиз. Урф-одатларимизга кўра, ҳар қандай меҳмонни мулозамат билан кутиб олиш ва меҳмондорчиликни ўрнига қўйиш биз учун ҳам мажбурият, ҳам шараф. Номуссиз деган ном орттириш биз пуштунлар учун ўлим билан тенг. Шармандалик – пуштун эркаклари эшитишни ҳам хоҳламайдиган сўз. «Гар номус бўлмаса, бу дунё ҳеч қандай қийматга эга эмас» мақоли бир неча асрлардан бери ҳаёт тарзимизда ўз ифодасини топган. Ўзаро курашлар бизда шу даражада авж олганки, «тарбур», яъни «амакивачча» сўзи, аслида, «душман» деган маънони

англатади. Аммо биз юртимизни босиб олишга интиланган ташқи душманларга қарши доимо бирлашганимиз билан мақтана оламиз. Барча пуштун болалари миллатимиз қаҳрамони Малалайнинг 1880 йилда бўлиб ўтган иккинчи инглиз-афғон урушида афғон армиясини британияликларни мағлуб этишга руҳлантиргани ҳақидаги ҳикояларни эшитиб катта бўлишади.

Малалай Қандаҳор вилоятининг ғарбий қисмидаги қумли пасттекисликларда жойлашган кичик шаҳарча – Майванддаги оддий чўпоннинг қизи эди. Ўспиринлик пайтида унинг отаси ва бешиккерт қилинган бўлажак турмуш ўртоғи бошқа эркаклар сингари британияликларга қарши курашиш учун жанг майдонларида жавлон уришган. Малалай бир нечта қишлоқдош аёллар билан биргаликда ярадор ватандошларининг жароҳатларини боғлаб қўйиш ва Ватан ҳимоячиларига сув етказиб бериш учун жанг майдонига кўрқмасдан кириб борган. Афғон эркакларининг устунликни бой бераётганлигини кўриб чидаб тура олмаган жасур қиз ерда ярадор ҳолда ётган байроқ кўтарувчининг қўлларидан байроқни юлиб олиб, қўшин ичига мардонавор қадамлар билан кириб борган ва бор овозида ватандошларига мурожаат қилган:

«Азиз биродарлар, агар бугунги жангни бой берсангиз, Худо ҳаққи, авлодларимиз бизнинг бу шармандагарчилигимиз учун бошларини кўтара олмай қолишади. Шуни хоҳлайсизми?»

Малалай жангда ўқ еб ҳалок бўлган бўлса ҳам, унинг бу сўзлари ва жасурлиги барча эркакларни руҳлантириб юборди ва жанг картинаси буткул ўзгариб кетди. Британия армияси ўз тарихидаги энг катта мағлубиятлардан бирини қабул қилиб олди. Афғонлар бу ғалабадан шунчалик руҳланиб кетдиларки, сўнгги афғон подшоси Майванд ғалабаси шарафига Кобул марказида ёдгорлик ҳам

ўрнаттирди. Мактабда ўқиб юрган кезларимда «Шерлок Холмс»ни ўқиб, дўхтир Уотсон буюк детективга ҳамроҳ бўлишидан олдин ушбу жангда қатнашиб, ярадор бўлганлиги ҳақида билиб олдим. Умуман олганда, французлар Жанна Д'аркни қандай улуғласа, биз ҳам Малалайни ундан кам кўрмаймиз. Афғонистондаги кўпчилик қизлар мактабларига унинг номи берилган. Аммо диний олим ва қишлоқ имоми бўлган отамнинг отаси, яъни бобом менга бу исмнинг берилишини унчалик ҳам хушламаган, у бу қарорини «Малала – ғамгин исм», дея изоҳлаган экан.

Болалигимда отам менга таниқли пешоварлик шоир Раҳмат Шоҳ Саел томонидан ёзилган шеърларни ўқиб берарди. Уларнинг айримлари ёдимда қолган:

Оҳ, майвандлик Малала!

*Пуштунлар шараф қўшиғини тинглаши
учун яна ўрнингдан кўзғал!*

Сенинг сеҳрли сўзларинг дунёни ўзгартирди.

Ўтинаман, яна ўрнингдан тур!

Уйимизга ким келишидан қатъи назар отам томонидан айтиладиган Малалай ҳикоясини эшитишга мажбур бўларди. Мен бу ҳикояни қайта-қайта эшитишдан чарчамасдим, отамнинг қўшиқлари қулоғимга мойдек ёқарди, исмимни айтиб чақиритилганларида фахр ҳиссини туярдим.

Ўз туғилиб ўсган еримни дунёдаги энг гўзал маскан деб биламан. Сват водийси – сервиқор тоғлар, мағрур шаршаралар, тип-тиниқ кўллардан иборат. Худди жаннатга тушиб қолгандек бўласиз. Шунга мос равишда водийга кираверишдаги йўл четида «ЖАННАТГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!» деган ёзув қаршингиздан чиқади. Қадим замонларда водийимиз Уддиана, яъни «боғ» деб аталган экан. Бу ерда ёввойи гуллар билан ўралган ўтлоқ-

ларни, сархил мевали боғларни, зумрад конларини ва дунёдаги камёб балиқлари бўлган дарёларни учратишингиз мумкин. Кўпчилик Сват водийсини «Шарқ Швейцарияси» деб атайдди. Бу ерда Покистондаги биринчи чанғи курорти ташкил этилган. Покистоннинг энг бадавлат кишилари бу ерга водийнинг тоза ҳавосидан ва сўфийларнинг мусиқа ва рақс фестивалидан баҳраманд бўлиш учун ташриф буюришади. Улар билан бир қаторда водийдан чет элликларнинг ҳам қадами узилмайди. Биз уларнинг ҳаммасини «ангрезан», яъни инглиз деб атардик. Ҳаттоки, Англия қироличасининг шахсан ўзи водийимизга ташриф буюрган ва бутун дунёга донг таратган «Тож Маҳал» билан бир хил мрамрдан қурилган «Оқ сарой»да бир муддат яшаган. Бу сарой Сват водийсининг биринчи валийси ва ҳукмдори томонидан қурилган.

Водийнинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Ҳозирги кунда Сват водийси кўпчилик покистонликлар КПК деб атайдиган Ҳибер Пактуква вилоятининг бир қисми ҳисобланса-да, илгари Покистон мамлакатидан мустақил бўлган. Қўшнилариимиз Читрал ва Дир сингари ўзимизнинг алоҳида қироллигимиз бўлган. Мустамлака пайтида водий қироли инглизларга номигагина бўйсунар, мамлакатни эса ўз билганича бошқарарди. Британия 1947 йилда Ҳиндистонга мустақиллик бериб, уни иккига бўлиб юборганидан кейин бизнинг ҳудудимиз Покистонга ўтиб кетган, аммо мухторият ҳуқуқи сақланиб қолган. Ўзаро муомалада Покистон рупиясидан фойдалансак ҳам, Покистон ҳукумати фақатгина ташқи ишларимизга аралаша олган. Ҳукмдоримиз жумҳуриятимизда адолатни тиклаган, ўзаро зиддиятдаги қабилаларни яраштириб, даромаднинг ўн фоизи миқдоридан олинадиган ушр солиғини йўллар, шифохоналар ва мактаблар қурилишига йўналтирган. Покистон

пойтахти Исломобод билан ўртамиздаги масофа 160 чақиримни ташкил этса ҳам, мамлакат бизга бегонадек туйилаверади. Саёҳат камида беш соат давом этади ва сиз йўл-йўлакай қадим замонларда инглиз қўшинларига қарши курашган буюк уламо Мулла Сайдуллоҳ (инглизлар телба Фақир деб аташган) шарафига номланган Муллақанд довонининг гўзаллигидан баҳраманд бўлишингиз мумкин. Ўша инглизлар орасида кейинчалик бу ҳақида китоб ёзган Уинстон Черчилл ҳам бор эди. Гарчи бу китобда халқимиз шаънига яхши гаплар ёзилмаган бўлса ҳам, тоғ чўққиларидан бири «Черчилл чўққиси» деб аталади. Довоннинг охирида яшил гумбазли мақбара жойлашган бўлиб, одамлар эсон-омон манзилга етиб келганига шукроналар айтиб, у ерга танга ташлаб кетишади.

Деярли ҳеч қайси танишим Исломободда бўлмаган. Бошимизга кулфатлар ёғилишидан олдин Сват аҳолисининг аксарият қисми водийдан ташқарига чиқа олмаган.

Биз водийдаги энг катта, умуман олганда, ягона бўлган шаҳар – Мингорода яшардик. Дастлаб кичик ва осойишта бўлган бу шаҳар кейинчалик қўшни қишлоқлардан одамлар кўчиб келиши ортидан анча гавжумлашган. Шаҳримиз меҳмонхоналари, коллежлари, гольф майдонлари ва миллий каштачилик маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар ва қўл меҳнатидан тайёрланган буюмлар сотиб олиш мумкин бўлган таниқли бозори билан машхур. Шаҳар бўйлаб Марғузур сойи оқиб ўтади. Пластик идишлар ва полиетилен пакетларга солинган чиқиндиларга тўлиб оқадиган бу сойнинг суви одамлар тирикчилик учун балиқ овлайдиган ва биз байрамларда ташриф буюрадиган шаҳар ташқарисидаги тоғли ҳудуддан оқиб ўтадиган Сват дарёсининг сувидан мутлақо фарқ қилади.

Бизнинг уйимиз шаҳарнинг Гулкада, яъни «гуллар макони» деб номланган даҳасида жойлашган. Гулкаданинг эски номи «Буткара», яъни «Будда ҳайкали» бўлган. Уйимиз яқинида сирли харобалар билан қопланган майдон ястаниб ётади. У ерда синган устунлар, бошсиз таналар, сакрашга тайёрланаётган шернинг ҳайкаллари, тошдан ясалган соябонларни учратишингиз мумкин. Водийга ислом дини XI асрда – Султон Маҳмуд Ғазнавий водийни бўйсундирганида кириб келган. Ундан олдин водий буддавийлар ҳукмронлиги остида бўлган. II асрда водийга кириб келган буддавийлар мамлакатни 500 йилдан кўпроқ муддат давомида бошқарган. Хитойлик тарихчилар Сват дарёси бўйида 1400дан ошиқ буддавийлик ибодатхоналари бўлгани, кўнғироқларнинг сеҳрли овози бутун водийни қамраб олгани ҳақида ёзиб қолдиришган. Бу ибодатхоналар аллақачон йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, Сват водийсига элтадиган барча йўлларда, наврўзгул ва бошқа ёввойи гуллар орасида ибодатхона қолдиқларига кўзингиз тушиши мумкин. Табиат кўйиغا чиққанимизда биз жилмайиб турган будданинг тасвири туширилган қоятошларни томоша қилардик. Будданинг қадами жаннатмакон водийимизга етган, дафн этилган кулининг зарралари водий ҳудудида ҳозир ҳам сақланиб қолган, деган ривоятлар ҳам йўқ эмас.

Буткара қолдиқлари беркинмачоқ ўйнаш учун жуда қулай эди. Бир пайтлар бу ерда қазишма ишларини олиб борган чет эллик археологлар қадим замонларда бу ерда зиёратгоҳ бўлганлиги, буддавий подшоҳларнинг қабрлари жойлашган тилла гумбазли ҳайбатли ибодатхоналарни кўриш учун бу ерга минглаб одамлар ташриф буюрганлигини айтишганди. Отам мусулмон масжидлари ва буддавийлик ибодатхоналари ёнма-ён келиб қолгани тасвирлаб берилган «Буткаранинг ёдгорликлари» шеърида шундай деганди:

*Минорадан ҳақиқат овози кўтарилганда,
Будда жилмаяди.
Ва тарихнинг узилган занжири қайта боғланади.*

Биз Ҳиндукуш тоғларининг соясида яшардик. Ёввойи эчки ва тустовуқларни овлаш эркакларнинг сеvimли машғулоти эди. Бир қаватли уйимиз бетон плиталаридан бунёд бўлганди. Уйимизнинг чап томонида болалар доим крикет ўйнайдиган майдонча бор эди. Биз ўйин ўйнаб бўлишимиз билан отам ва унинг дўстлари у ерда ўтириб чой ичишга одатланишган, мен ҳам томга чиқиб олиб, кўшниларнинг мўрисидан чиққан тутунларни томоша қилишни хуш кўрардим.

Водийимиз мевали дарахтларга тўла, анжир, анор ва шафтоли каби меваларнинг донғи ён атрофдаги ҳудудларга ҳам кетганди. Боғимизда узум, нок ва хурмо дарахтлари бор эди. Олд ҳовлимизда олхўри дарахтидан мева олиш учун доимо қушлар билан курашардик ва аксарият ҳолларда қушлар бу курашда ғалаба қозонишарди.

Қушлар билан суҳбатлашиш онамнинг сеvimли машғулоти эди. Ҳовлимизнинг орқа тарафида маҳалламиз аёллари йиғиладиган айвон бўлиб, очлик нима эканлигидан яхшигина хабардор бўлган онам ҳар доим кўшимча овқат пишириб, муҳтожларга тарқатарди. Овқатнинг қолган қисми қушларга насиб этарди. Биз пуштун тилида айтиладиган «тапи», яъни икки мисрали кўшиқларни куйлашдан олам-олам завқ туяр, онам эса қушлар учун дон сепаетиб, шундай дерди:

*Боғдаги кабутарларни ўлдирманг,
бирини ўлдирсангиз, иккинчиси келмайди.*

Томда ўтирганча пурвиқор тоғларга боқиб хаёл суриш жону дилим эди. Пирамида шаклидаги Элум чўқ-

қиси тоғнинг энг баланд жойи ҳисобланади. Шу қадар баландда жойлашганидан паға-паға булутлар уни маржон каби ўраб олган. Ёзнинг жазирама кунларида ҳам у ердан қор топиш муаммо бўлмайди. Мактабда ўтилган тарих дарслари орқали буддавийлар водийимизга келишидан анча олдин, милоддан аввалги 327 йилда, Александр Македонский минглаб филлари ва аскарлари билан Афғонистондан Ҳиндистон томон кетаётганида водийга бостириб кирганини билиб олганмиз. Сват аҳолиси худолардан нажот излаб, тоғнинг энг тепасига чиқиб олишади. Бироқ тадбирли Александр ёғочдан ясалган баланд майдончалар қуришни ва уларга каттапулталар ўрнатишни буюради. Ушбу аслаҳалардан ёғдирилган ўқлар чўққининг энг тепасигача етиб боради. Александр ўз ҳокимиятининг рамзи ҳисобланган Юпитер юлдузига тегиш учун чўққининг энг тепасигача етиб боради.

Томда ўтириб тоғлар ҳам фаслларга қараб ўзгаришини билиб олганман. Кузда этни жунжиктирадиган салқин шабада эсиб туради. Қишда эса ҳамма жой оппоқ қорга бурканиб, биз уриб туширишни канда қилмайдиган тарновга ханжардек қадалган сумалакларни кўриб кўзингиз қувнайди. Биз болалар йиқилиб-сурилиб қорбўрон ўйнаймиз, қорбобо ясаймиз, қор парчаларини кўлимизга тутиб олмоқчи бўламиз. Баҳор келиши билан табиат уйқудан уйғониб, ҳамма ёқни яшиллик қоплайди. Бодом гуллари хонага учиб кириб, онамдан бошқа ҳамманинг кўзини қувнатадиган манзара ҳосил қилади (Онамнинг бундан қувонмаслигига сабаб – дарахт гуллари билан тўла хонани супуриш айнан унинг зиммасида эканлиги). Шамол бурнимизга гуруч далаларининг ифорини «ташиб келтириш» билан шуғулланади. Мен ёзда туғилганман, шу сабаб бу ойда ҳаддан зиёд иссиқ ва қуруқ об-ҳаво ҳукм суриши ҳам, сой суви одамлар

ташлаган чиқинди билан тўлиб оқиши ҳам бу фаслга бўлган муҳаббатимга заррача таъсир кўрсата олмайди.

Мен туғилганимда оиламиз жуда ҳам камбағал бўлган. Отам ва унинг дўсти бир амаллаб мактабга асос солишган, биз эса мактаб рўпарасидаги икки хонали хароба кулбада истиқомат қилардик. Мен ва ота-онам бир хонада ухлаган бўлсак, яна бир хона меҳмонлар учун мўлжалланганди. Бизда ошхона ҳам, ҳаммом ҳам йўқ эди, онам ҳовлидаги ўчоқда овқат қилар, кирлар эса сой сувида ювиларди. Уйимиздан доимо меҳмон аримасди. Меҳмондўстлик пуштун миллатининг асосий қадриятларидан бири эканлигини юқорида айтиб ўтгандим.

Мен туғилганимдан икки йил ўтиб кичик укам Хушал дунёга келди. У ҳам худди мендек уйда туғилди, бахтга қарши, бу даврга келиб ҳам на шифохона учун, на доя учун отамда пул бор эди. Унинг исми яна бир пуштун миллати қаҳрамони Хушал Хон шарафига «Хушал» деб қўйилди. Сезиб турганингиздек, мактабимизнинг номи ҳам «Хушал мактаби» эди. Онам ўғил бўлишига чин дилдан умид қилгани сабаблими, укам туғилганида қувончдан бақриб юборган эди. Янги туғилган укам менинг кўзимга жуда озғин ва кичик, пуф деса эгилиб кетадиган қамиш сингари кўринарди. Онам уни еру кўкка ишонмас, унинг ҳар бир истаги сўзсиз қондирилиши эса бироз ғашимни келтирарди. У ҳар куни нонушта дастурхонида чой, сут, шакар ва хандон писта бўлишини талаб қиларди, натижада эса онамнинг тоқати тоқ бўлди ва тантик ўғлининг бу эркалигини кўтармай қўйди. Укам яп-янги бешикда ётган, модомики, мен туғилганимда отамнинг янги бешик сотиб олишга қурби етмасдан, кўшнилари-нинг ишлатилмаётган бешигидан фойдаланиб туришга мажбур бўлган. Орадан деярли беш йил ўтиб оиламизга яна бир меҳмон ташриф буюрди – Аталнинг порлаб турган кўзларини аланглатиши бизга катта қувонч ҳадя

қилди. Шундан сўнг отам етарлича фарзанд кўрдим деб ҳисоблаб, оиламизни бошқа кенгайтирмасликка қарор қилган. Ваҳоланки, водий анъаналарига кўра, 3 фарзандли оила кичик ҳисобланади, аксарият ота-оналар 7-8 нафардан фарзанд дунёга келтиришади.

Орамизда бор-йўғи икки ёш фарқ бўлганлиги учун мен, асосан, Хушал билан ўйнардим. Аммо ҳар сафар ўйинимиз жанжал билан якунланарди. У йиғлаганча ойим томонга чопар, мен эса отамга шикоят қилиш учун югурардим.

— Нима бўлди, Жани? — отам менга юзида кулги аралаш савол берарди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам отам мени юпатиш учун сўз топа оларди. Отам билан орамизда қанақадир умумий ўхшашлик бўлиб, ҳар доим бир-биримизни тушуна олардик. Онам жуда гўзал аёл бўлиб, водийдаги бошқа эркаклар учун эса бу хусусият мутлақо ёт ҳисобланса ҳам, отам уни еру кўкка ишонмасди. Онамнинг исми Тор Пекай бўлиб, бу ибора «қарға кокил» деган маънони билдирарди. Ваҳоланки, онамнинг сочлари малла эди. Бобом Жансер Хон бу исмни онам туғилишидан сал олдинроқ Афғонистон радиосидан эшитган экан. Онамдек териси нилуфар гулидек оппоқ, сарвқомат ва сеҳрли жилога эга ям-яшил кўзли бўлишни жуда хоҳлардим, аммо менга отамдан қорамтир тери, жигарранг кўзлар ва қалин бурун мерос бўлиб қолганди. Бизнинг маданиятимизда одамларнинг бир-бирига лақаб қўйиши одат тусига кирган, туғилганимдан бошлаб онам мени «Пишо», баъзи қариндошларим эса «Лачо» деб чақирришади. Бу пуштун тилида «хандон писта» деган маънони англатади. Умуман, бизда қоп-қора одамни «оппоғой», бўйи кичкина одамни эса «найнов» деб чақирриш тез-тез учрайдиган ҳолат. Бу бизнинг одамларимиз юмор ҳиссига бойлигидан далолат.

Оиламизда ҳаммамнинг лақаби бўлгани сингари дадам ҳам бу «бахт»дан мосуво қолиб кетмаган, биз уни

«ҳайста» дада деб чақирамиз, бу «келишган» деган маънони англатади.

Тахминан тўрт ёшимда отамдан сўраган эканман:

– Ота, сизнинг рангингиз қанақа?

– Аниқ билмайман, бироз оқ, бироз қора.

– Худди сут билан чойнинг аралашмасига ўхшаб-а?

У бу гапимдан хандон отиб кулганидан сўнг, менга ўз ҳаётида содир бўлган бир воқеани айтиб берганди. Отам ёшлигида терисининг қоралигидан жуда ташвишланганидан далага бориб сугир сутини юзига сурган ва бу ишидан ўзича хурсанд бўлиб, шундан сўнг юзи мўъжизавий равишда оқариб кетишидан умидвор бўлган экан. Фақатгина онамни учратиб, терининг ранги ҳеч қанақа аҳамиятга эга эмаслигини англаб етганидан сўнггина хотиржам тортган, ақлдан оздирадиган даражадаги гўзал қиз уни севиб қолганидан қувват олган экан.

Жамиятимизда бўлажак келин ёки куёвни фақатгина ота-оналар танлашига қарамай, ота-онам ўзаро кўнгил кўйиб, турмуш қурган бармоқ билан санарли оилалардан бири бўлишган. Мен уларнинг дастлабки учрашуви тўғрисидаги ҳикояни минг марталаб эшитганман. Улар Сватнинг юқори қисмидаги Шангла деб номланган чекка қишлоқда яшашган. Отам биринчи марта амакисининг уйига таълим олиш учун борганида онам кўшни уйда яшайдиган аммасиникига меҳмонга келган. Бир-бирларини ёқтириб қолишлари учун биргина қараш кифоя қилган. Аммо бу жамиятда ҳиссиётларни ошкор қилиш қатъиян ман этилади. Бунинг ўрнига отам онам ўқишни билмаслигидан беҳабар ҳолда куйидаги мисраларни қозғаб битиб жўнатган:

Ошиқу беқарор бўлдим ақлига,

Ожиз қолдим бу гўзаллик қаршисида.

Яна бир муаммо уларнинг бахтига тўғоноқ бўлиши мумкин эди. Иккала бобом умуман келиша олмаган. Отам онамнинг кўлини сўрамоқчи эканлигини оила аъзоларига билдирганида икки томон ҳам никоҳни кулиб қарши олмаслиги кундек равшан бўлган. Ниҳоят, отамнинг отаси бироз эгардан тушиб, онамнинг уйига совчи юборишга рози бўлади ва пуштунлар анъанасига кўра, маҳалла сартароши онамнинг уйига совчи бўлиб боради. Она томондан бобом Малик Янсер Хон бу таклифни қатъиян рад этади, шунга қарамай, ўжар отам қайтадан совчи жўнатишини илтимос қилиб, бобомни ҳолу жонига қўймайди. Янсер Хоннинг хужраси одамлар сиёсат тўғрисида баҳс-мунозаралар олиб борадиган манзил бўлиб, отам бу хужра атрофида ҳам хира пашшадек ўралашаверган. Ахийри, орадан тўққиз ой ўтиб бобом онамни отамга беришга рози бўлган.

Онамнинг оиласида аёллар ҳукмрон бўлиб, эркаклар уларнинг рухсатисиз ёнғоқ ҳам чақа олишмаган. Унинг бувиси айни ўйнаб куладиган даврида бир этак бола билан етим қолгани етмаганидек, тўққиз ёшли тўнғичи Янсер Хон қабилавий жанжалларга аралашиб қолиб, қамоққа олинади. Менинг катта бувим «бақувват» амалкисининг ўғлининг озодликка чиқишига ёрдам беришидан умид қилиб, қирқ чақирим йўлни пиёда босиб ўтади. Мабодо, мен ёки укаларимдан бирининг бошига кулфат тушса, менинг онам ҳам худди шундай қаҳрамонлик қилишига ҳеч қандай шубҳам йўқ. Онам ўқиш-ёзишдан мутлақо беҳабар бўлса ҳам, отам кўнглидаги борини онамдан ҳеч қачон яширмас эди. Кайфияти яхшилигида ҳам, ёмонлигида ҳам, иши юришганида ҳам, юришмаганида ҳам, отам доимо онамга борини тўкиб-соларди. Онам эса отамнинг кўнглини кўтариб, ўз маслаҳатларини аямас эди. Бу эса аксарият пуштун эркакларининг кулгисига сабаб бўларди. Чунки бизда ўз муаммоларини хотини

билан ўртоқлашган эркак ожиз ҳисобланади. Отамни орқаворатдан «хотин қули» дея мазах қилишарди. Ота-онаминг доимо кулиб турган юзлари улар бахтли эканлигидан нишона эди.

Онам жуда тақводор аёл бўлиб, беш маҳал намозни канда қилмасди. У бизга рақс тушишни қатъиян тақиқлаган, у бу хатти-ҳаракатини бу Худога хуш келмаслиги билан изоҳлаганди. Лекин каштали кийимлар, тилла маржон ва билагузуклар билан безаниб олиш онаминг жону дили эди. Мен учун эса бу жуда эриш туюлар, сабаби, отамга ўхшаганим учунми, кийим-кечак ва заргарлик буюмларига умуман қизиқмас эдим. Бозорга боришни ўлгудек ёмон кўрардим. Аммо эшикни беркитиб қўйиб, синфдош қизлар билан рақсга тушишдан завқланардим. Ёшимиз каттаргани сари биз болалар кўп вақтимизни онамиз билан ўтказга бошладик. Отамиз жуда банд, мактабдан ташқари ҳам бир қанча адабий жамиятлар ва жирға (оқсоқоллар кенгаши)да фаолият юритар, шунингдек, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва водийни сақлаб қолиш ишларига бош-қош бўларди. Отам чекка қишлоқда туғилиб-ўсган бўлса ҳам, кучли шахсияти туфайли билим олишга, ном чиқаришга ва оиласига муносиб ҳаётни тақдим этишга муваффақ бўлган.

Одамлар у билан суҳбатлашишга интилишар, уйимизнинг меҳмонга тўлиши мени жуда қувонтирарди. Онам тўшаган узун пластик ёпқич атрофида жамланиб ўтирардик ва одатга кўра ўнг қўлда таомланардик. Қош қорайиши билан, ёғ лампалари ёруғида ўтириб, мароқ билан учаётган чивинларнинг соясини девордан томоша қилишга роса қизиқардик. Баъзи-баъзида, ёзнинг ўртасида ҳам чақмоғу момақалдиروқлар содир бўлиб, бундай вақтларда дамим ичимга тушиб кетиб, отамнинг тиззасига яқинроқ жойлашиб олардим.

Отамнинг жанговар қабилалар, пуштун миллати қаҳрамонлари ва авлиёлари ҳақидаги ҳикояларини мароқ билан тинглаб, шеър ўқиётган оҳангдор овозидан роҳатланиб, кўзлари нега ёшланаётганини тушунмасдан, қандай ухлаб қолганимни билмай қолардим. Сват водийсидаги кўпчилик одамлар Юсуфзой қабиласининг авлодлари ҳисобланишади. Покистон ва Афғонистон ҳудудидаги пуштунларнинг энг катта қабилаларидан бири ҳисобланадиган Юсуфзойларнинг асл келиб чиқиши Қандаҳорга бориб тақалади.

Аждодларимиз водийга XVI асрда Кобулдан келиб ўрнашишган. Улар ўз юртидан ҳайдаб солинган Темурийлар сулоласининг вакилига (З.М. Бобур – таржимон.) Кобул тахтини олишга ёрдам беришган. Бунга жавобан янги ҳукмдор Юсуфзойларни армия ва давлат бошқарувидаги муҳим лавозимларга тайинлайди. Аммо унинг қариндошлари ва дўстлари Юсуфзойларнинг қудрати ошиб кетишидан ташвишга тушиб, Темурий ҳукмдорни тахтдан ағдарилиш хавфидан огоҳ қилишади. Ҳукмдор қабиланинг барча етакчиларини зиёфатга чақиради ва ҳамма ширакайф пайтида оммавий қирғин уюштиради. Олти юзга яқин одам қатл этилади. Фақатгина икки нафаригина тасодифан омон қолиб, қочишга муваффақ бўлади ва қабилadoшлари билан Пешовар томон йўл олади. Бироз нафас ростлашгач, баъзи қабилалар ҳукмдорларини хоин ҳукмдорга қарши иттифоқ тузишга кўндириш мақсадида Сват водийсига қараб йўл олишади. Аммо жаннатмакон водийни кўришгач, бу қарордан зудлик билан воз кечишади ва қайтанга бу ердаги қабилаларни водийдан қувиб-солишади.

Юсуфзойлар барча ерларни қабиланинг эркак аъзолари ўртасида тақсимлади. Бу ҳар беш-ўн йилда барча оилалар ўзаро қишлоқларини алмаштириб, янги қишлоқнинг ерларини эркаклар ўртасида тақсимлаб бе-

радиган «веш» деб номланган ўзига хос тизим эди, шу орқали барча қабила аъзолари ҳам яхши, ҳам ёмон ерларда ишлаш имкониятига эга бўлиши таъминланарди. Бундан асл мақсад кейинчалик қабилавий низолар бўлишининг олдини олиш бўлган. Қишлоқларни хонлар бошқариб, оддий халқ вакиллари – хунармандлар ва мардикорлар уларнинг ижарачиси ҳисобланган. Хонлар ижара ҳақини, одатда, ҳосилнинг бир қисми кўринишида олган. Уларнинг яна бир вазифаси хон армиясида хизмат қилишдан иборат бўлган – ҳар бир хонадондан бир нафар аскар хон кўшини сафида хизмат қилиши мажбурий этиб белгиланган. Хон юзлаб қуролланган одамларни қишлоқ аҳолисини тинч сақлаш, бошқа қишлоқларни босиб олиш ва талаш учун ушлаб турган.

Сватдаги Юсуфзоӣларнинг бирон-бир ягона ҳукмдори бўлмаганлиги сабабли хонлар ва ҳаттоки, оилалар ўртасида ҳам катта-катта жанжаллар кузатилган. Эркакларга ҳар доим ҳушёр туришлари кераклиги уқтирилган. Гарчи ёнида олиб юрмаса ҳам, ҳозиргача ҳар бир пуштун эркагида шахсий милтиқ бўлиши шарт. Бобом навқиронлик даврларини ҳикоя қилиб берар эканлар, деярли ҳар куни отишма бўлганини айтардилар. Ўтган асрнинг бошларида водий аҳолиси мамлакатни бошдан-оёқ назорат қилган инглизлар ўз ерларини тортиб олишларидан таҳликага тушишган. Тўхтовсиз қон тўкилиши водий аҳолисининг тинчасини қуритган. Шу сабабдан ҳам ҳудудни бошқариш ва келишмовчиликларни ҳал қилиш учун холис ҳукмдор топишга қарор қилишган.

Дастлабки икки ҳукмдор ишончни оқлай олмаганидан сўнг оқсоқоллар ўзаро кенгашиб Мангул Абдул Вадод исмли кишини қирол қилиб сайлашган. Гарчи ўқиш-ёзиш бахтидан бебаҳра бўлса ҳам, Соҳиб подшоҳ номи билан танилган бу шахс водийда тинчлик ўрната

олди. Пуштун эркагидан милтиқни тортиб олиш унинг ҳаётини тортиб олиш билан тенг бўлгани сабабли Соҳиб подшоҳ аҳолини тўлиқ қуролсизлантиришга муваффақ бўла олмади. Бунинг ўрнига у мунтазам қўшин тузди ва бутун водий бўйлаб истехкомлар қурдирди. Ниҳоят, 1926 йилга келиб инглизлар уни давлат бошлиғи сифатида расман тан олишди ва ўшандан бошлаб «вали» (бизнинг тилда ҳукмдор) унвонини қўлга киритди. Водийга биринчи телефон линиясининг етиб келиши айнан унинг даврида содир бўлди, дастлабки мактаб ҳам айнан унинг номи билан боғлиқ. Уй-жой олди-сотдисига йўл бермайдиган, шунингдек, одамларнинг қулай турар-жойлар қуриш ва дарахтлар экишга бўлган рағбатини сўндирадиган «веш» тизимини бекор қилиши билан у минглаб одамларнинг олқишига сазовор бўлди.

Покистонга асос солинганидан икки йил ўтиб, 1949 йилда, Мангул Абдул Вадод катта ўғли Мангул Абдул Хон Жаҳанзоб фойдасига тахтдан воз кечди. Отам доим: «Соҳиб подшоҳ тинчлик олиб келган бўлса, ўғли фаровонлик келтирди», деб айтарди. Водий халқи Жаҳанзоб ҳукмронлик қилган йилларни «олтин давр» деб айтишдан чарчамайди. Пешавордаги инглиз мактабида ўқиган Жаҳанзоб, отаси саводсиз бўлгани учунми, халқ таълими тўғрисида жуда қайғурган, шу сабаб ҳам кўплаб мактаблар, шунингдек, шифохоналар ва йўллар қурдирган. Жаҳанзоб 1950 йилда турар жойлар учун ижара тўлови тўлаш тизимига чек қўйди. Афсуски сўз эркинлиги ҳар доим водийимизни айланиб ўтган. Кимда-ким валини танқид қилса, у кучли тазйиққа учраб, охири водийдан чиқиб кетишга мажбур бўлган. Отам дунёга келган 1969 йилда водиймиз Покистоннинг шимоли-ғарбий чегара вилоятининг бир қисмига айланди, бир неча йил ўтгач эса Хайбер-Пахтунхва деб номланди.

Шу сабаб биринчи навбатда ўзимни Сват водийсининг фуқароси деб ҳисобласам ва пуштун миллатига мансублигимни ҳеч қачон унутмасам ҳам, туғилишимданоқ Покистон қизи бўлганман ва ватаним билан ҳозиргача фахрланаман. Мен ва укаларим ён қўшнимизнинг мен тенги фарзанди Сафина ва унинг укалари, Бобур ва Босит билан биргаликда кўчада ёки томда крикет ўйнардик, лекин ич-ичимдан мени ҳам улғайганим сари худди бошқа қизлар каби уйдан кўчага чиқмаслик қисмати кутаётганини ҳис қилардим. Қиз боланинг вазифаси – оиладаги эркакларга овқат тайёрлаш ва уларнинг бошқа юмушларини бажариш ҳисобланади. Эркаклар шаҳар ташқарисида ҳам бемалол юра олишади, уларга ҳамма нарса мумкин, аммо аёл киши остона ҳатлаб кўчага чиқиши учун унинг ёнида эркак қариндоши бўлиши шарт, ҳеч бўлмаганда унга беш яшар укаси ҳамроҳ сифатида эргашиши керак. Бу асрлар давомида шаклланган анъана.

Мен ушбу анъанага бўйсунитишни хоҳламаслигимни жуда эрта англадим. Отам ҳам бу борада мени руҳлантирарди:

– Малала, она қизим, сен эркин қушсан.

Мен ҳам худди Александр Македонский сингари Юпитер юлдузига қўлим билан тегиш учун водийни тарк этиб, Элум чўққисининг энг юқорисига чиқишни жуда истардим. Айниқса, самода эркин қанот қоқиб юрган қушларни кўриб, ўзимга ўзим савол берардим: «Мен ҳам бир куни қушдек эркин бўла оламанми?»

2-боб

МЕНИНГ ОТАМ – ЛОЧИН

Доим отамнинг нутқида нуқсон борлигини сезганман. Баъзан сўзлар машина ғилдираги лойга ботиб қолганидек, оғзида «тиқилиб қолиб», қайта-қайта чайналар, сўзнинг бир бўғини қайта-қайта талаффуз қилиниб, навбатдаги бўғиндан ҳа деганда дарак бўлавермасди. Унинг айтишича, бундай пайтларда унинг томоғида қанақадир тўсиқ пайдо бўлиб, баъзи сўзларни охиригача етказиб қўйишига йўл қўймас экан. «М», «П», «К» товушлари оиламизнинг ашаддий душмани эди, отам, асосан, шу ҳарфларни талаффуз қилганида дудуқланиб қоларди. Отам мени «Жани» деб чақиришини олдин ҳам таъкидлаган эдим, тўғриси айтман, аслида, Малала деб чақириш унга қийинчилик туғдиргани учун ҳам мен «Жани»га айланганман. Сўзга чуқур эҳтиром кўрсатган ва шеър ўқишни жон дилдан суюдиган одам учун дудуқланишдан ортиқ азоб бўлмаса керак. Отам ирсий сабабларга кўра дудуқланиш «бахт»ига мушарраф бўлган – унинг икки амакиси ҳам дудуқланиш муаммосидан азият чеккан. Отам ёшлик пайтларида дудуқланганида бобом ўлганнинг устига тепгандек момақалдиروқнинг гулдурашидек кўрқинчли овози билан унга қараб ўшқирган:

– Тўғри-тўғри гапир!

Отам қачон дудуқланса, бобомдан дакки эшитган.

Бобомнинг исми Роҳул Амин бўлиб, бизнинг тилда бу «ҳалол руҳ» деган маънони англатади. Бу Жаброил

алайҳиссаломнинг муқаддас исми. Бобом ўз исмидан шу қадар фахрланардики, кимгадир ўзини таништираётганида «Қуръон»да ўз исми келган оятни айтиб беришдан эринмасди. Бобом сал нарсага бетоқатланиб, уй атрофида ўралашиб юрган товуқ ёки ювилмаган пиёла каби арзимаган нарсаларга гувоҳ бўлса, бутун уйни бошига кўтариб, жанжал кўтарар, кўзи қонга тўлиб, қўлига учраган нарсани деразадан улоқтирарди. Бувимни эслай олмайман, аммо дадамнинг айтиб беришича, у бобомга: «Мен-ку доим сизнинг совуқ нигоҳингиз ва кулги югурмаган юзингизни кўрдим, мен ўлганимдан кейин, илоҳим, Худо сизга ҳеч қачон кулмайдиган хотин ато қилсин», деган экан.

Ўғлининг дудуқланишидан ташвишланган бувим ёшлигида уни авлиё ҳузурига олиб боради. Авлиёнинг ҳузурига етиш учун автобусда бир неча соатлик йўл босилганидан сўнг у яшайдиган тепаликка кўтарилиш учун ҳам камида бир соат вақт зарур бўлган. Онамнинг жияни Фазли Ҳаким отамни елкасига кўтариб олган. Ўша машҳур авлиёнинг исми Левано пир бўлиб, ойпарастларни мўъжизавий йўл билан тузата олгани билан машҳур бўлгани учун «тентаклар авлиёси» номи билан танилган. Отамни авлиё олдига ётқизишгач, авлиё унга шакарқамиш қиёмидан тайёрланган қанақадир дамлама берган. Бувимга ҳам қанақадир ўсимлик поясидан бир нечта тутқазиб, отам уни ҳар куни оз-оздан ейиши кераклигини уқтирган. Афсуски, бу муолажа ўз самарасини бермаган. Баъзи қариндошларимизнинг айтишича, айнан шу ҳодисадан кейин отам олдингидан ҳам кўпроқ дудуқлана бошлаган.

Отам 14 ёшида бобомга нотиклик танловида қатнашишни истаётганини билдиради. Бунини эшитган бобом:

– Қандай қилиб? Ахир, битта гапни гапириш учун икки дақиқа сарфлайсан-ку! – деганча хандон отиб кулади.

– Ташвишланманг ота, сиз матнини ёзаверинг, уни одамларга етказиш мендан.

Ўз даврида бобомнинг нутқлари эл-юрт ичида донг таратган. У Шопур қишлоғидаги ҳукумат мактабида илоҳиётдан дарс берган ва масжидда имомлик қилган. Унинг маърузалари ҳар қандай кишини сеҳрлаб қўйган. Бобомнинг жума маърузалари шу қадар машҳур бўлганки, бундай бахтдан қуруқ қолмасликни истаган одамлар тоғдан эшак билан, ҳаттоки, пиёда ҳам тушиб келишган.

Отам жуда катта оиладан чиққан. Унинг мен Дадахон деб чақирадиган Саид Рамазон исмли укаси ва беш нафар опаси бўлган. Улар яшайдиган Баркана қишлоғи жуда кичик ва камбағал бўлиб, бу ерда яшайдиган аҳоли қор-ёмғирли кунларда чакки томадиган лойсувоқ томли уйларда яшашган. Кўпгина оилаларда бўлгани каби бу ерда ҳам қизлар уйда ўтирган, ўғил болалар эса мактабга боришган. «Опаларим фақат турмушга чиқишларини кутишарди», деб кейинчалик ёшлигини эслаганди отам.

Аммаларим фақатгина мактабга боришдан мосуво бўлишмаган. Отам эрталаб сутни ичиб, қаймоққа нон ботириб ўтирганида улар оддий чой хўплаб, отамга еб қўйгудек тикилган бўлишса, не ажаб? Мабодо, тухум олиб келинса ҳам, у фақат ўғил болаларга насиб этган. Тушлик дастурхонига товуқ гўшти тортилса ҳам, қизлар фақат қанотлар ва бўйин билан кифояланишар, гўштнинг энг тотли жойлари отам, амаким ва бобомнинг ошқозонига тушган. «Болалигимдан ўзимнинг опаларимдан устун эканлигимни ҳис қилиб катта бўлганман», деганди ёшлигини ҳикоя қилиб берган отам.

Отам туғилиб-ўсган қишлоқда кўнгил ёзиш учун маскан топиш жуда-жуда мушкул эди. Ҳатто крикет майдончаси ҳам бўлмаган қишлоқнинг фақатгина бир хонадонидагина телевизор мавжуд эди. Жума куни отам ва амаким масжидга чиқиб намоз ўқишар, масжид минорасидан туриб, оталарининг ваъз ўқишини мароқ билан тинглашар эди.

Бобом Ҳиндистонда таҳсил олган бўлиб, Муҳаммад Али Жинноҳ (Покистон асосчиси), Жавоҳарлал Неру, Маҳатма Ганди, Хон Абдул Ғаффор (мустақиллик учун курашган буюк пуштун етакчиси) каби инсонларни ўз кўзи билан кўрган. Бобом, ҳаттоки, 1947 йил 14 августдаги Ҳиндистоннинг Британия мустамлакачиларидан тўла озод бўлишига гувоҳ бўлган.

Бобом амакисининг уйида осилган радиода айтилдиган янгиликларни эшитишни канда қилмаган. Унинг жумадаги ваъзларида дунёда бўлиб турган янгиликлар, тарихий воқеалар билан бир қаторда Куръон ва ҳадисдан ҳикоялар айтиб ўтилган. У сиёсат тўғрисида гапиришни жуда хуш кўрган. Отам туғилган 1969 йилда Покистон таркибига кирган Сват аҳолиси бундан норози бўлиб, Покистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат қилган. Бобом синфий тузумга, хонларнинг мутлақ ҳокимиятига, шунингдек, бойлар ва камбағаллар орасидаги фарқнинг ошиб кетишига мутлақо қарши бўлган.

Ташкил этилганига унчалик кўп бўлмаган Покистон давлатининг тарихи урушлар ва ҳарбий можароларга бой. Генерал Зиёул-Ҳақ ҳокимият тепасига келганида отам саккиз ёшда бўлган. Уйимизда бу генералнинг расми ҳалигача сақланади. Орқага таралган силлиқ сочлар, эгасининг ғазабнок эканлигини кўрсатиб турган қоп-қора кўзлар, эътибордан четда қолмайдиган қозиқ тишлар...

Унинг буйруғига кўра, давлатга хиёнат қилишда айбланган Зулфиқор Али Бхутто ҳибсга олинган ва Равалпинди қамоқхонасида осиб ўлдирилган. Аммо Покистон халқи ҳалигача Бхуттони харизматик сиёсатчи сифатида эслайди. Гарчи у катта ер эгасининг ўғли ҳисобланса ҳам, оддий халқ ҳуқуқларини ҳимоя қилган Покистоннинг дастлабки сиёсатчиси сифатида эсланади. Бхуттонинг қатл қилиниши бутун мамлакатни ҳайрат кўчасига етаклади ва миллатни чуқур қайғуга ботирди. Америка мамлакатга берилаётган ёрдамни тўхтатди.

Генерал Зиёул-Ҳақ ўз халқининг ишончини қозониш учун исломлаштириш сиёсатини фаол тарзда олиб борди. У Покистонни нафақат географик, балки мафкуравий чегараларни ҳам кўриқлайдиган ҳақиқий мусулмон мамлакатига айлантириш ниятида эканлигини билдирди. Ҳукуматга сўзсиз итоат этиш исломнинг асосий тамойилларидан бири эканлигини бир неча бор таъкидлади. Генерал Зиё қандай ибодат қилиш кераклигини одамларга етказмоқчи бўлиб, ҳар бир туманда, ҳаттоки, бизнинг узоқ қишлоғимизда ҳам намоз кўмиталарини тузиб, мамлакат бўйлаб 100 минг намоз инспекторини тайинлаган. Бунгача эса муллалар унчалик ҳам обрў-эътиборга эга бўлишмаган. Отамнинг айтишига кўра, илгари муллалар тўй-маъракаларда ҳам бир бурчакда, овозини чиқармай ўтиришган экан. Аммо Зиёул-Ҳақ режими муллаларни нуфузли шахсларга айлантирди ва кўпчилик муллалар Исломбоддаги хутбалар учун олиб кетилди. Уларнинг орасида менинг бобом ҳам бор эди...

Генерал Зиё ўрнатган режим аёллар ҳаётини янада мураккаблаштирди. Покистон асосчиси Жиннаҳ: «Эр-каклар аёллар билан тенг ҳуқуқли бўлмас экан, ҳеч қанақа ривожланиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Дунёда иккита куч бор: бири қилич, бири қалам. Аммо бу иккаласидан ҳам қудратлироқ бўлган, аммо кўпчи-

лик эътибордан четда қолдирадиган яна бир куч мавжуд. Бу – аёл», деган эди. Аммо Зиё аёлларнинг судда берадиган гувоҳлиги эркаклар гувоҳлигининг ярмига тенг бўлишини қонунга киритди. Тез орада қамоқхоналар ҳеч қанақа жиноят қилмаган, аксинча, зулм кўрган ёш-ёш қизлар билан тўлиб кетди. Бу қизларнинг аксарияти 13-14 ёшларида зўрланиб, ҳомиладор бўлиб қолган, аммо зўрлаган шахснинг жиноятчи эканини тасдиқлайдиган тўртта эркак гувоҳни топа олмай, «туҳмат қилгани» учун жазога тортилганди. Эркакларнинг рухсатисиз аёлларнинг банкда ҳисоб-рақам очиши тақиқланди. Мамлакатимиз чим устида хоккей спорт тури бўйича ном қозонганди, Генерал эркакларга шортида хоккей ўйнашни тақиқлаб, шалварда ўйнашни мажбурий қилиб қўйди, аёлларга эса спорт билан шуғулланиш мутлақо тақиқланди.

Зиё мамлакатда бир қанча мадрасалар ва диний мактаблар қурдирди, мактабларда ўтиладиган «Диншунослик» фани олиб ташланиб, унинг ўрнига «Исломшунослик» фани жорий этилди. Бу ҳолат ҳалигача сақланиб келмоқда. Янги тарих дарсликлари ишлаб чиқилиб, унинг муаллифлари Покистонга 1947 йилда асос солинганлигини унутиб қўйгандек, Покистоннинг қадим замонлардан буён ҳақиқий исломни яхудийлар ва ҳиндуларнинг ҳийла-найрангларига кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилганлигига, «исломнинг асосий қалъаси» эканлигига асосий урғуни бердилар. Тарихий фикрини шуларни ўқиб шакллантирадиган авлод энг ашаддий «душман»имиз Ҳиндистон билан бўлган учта уруш мағлубият билан эмас, балки Покистоннинг ғалабаси билан тугаган, деган таассуротни миясига сингдирди.

Отам 10 ёшга кирган 1979 йилнинг Янги йил байрамидан сўнг ҳаммаси ўзгариб кетди. Тиш-тирноғигача қуролланган Россия (СССР – таржимон) армияси қўш-

ни Афғонистон мамлакатига бостириб кирди. Чегарадан ўтиб келган минглаб қочоқларга бошпана тақдим этилди. Пешовар атрофида ҳайбатли қочоқлар лагери ташкил этилиб, уларнинг айримлари ҳозирги кунга қадар сақланиб келмоқда. Покистон разведка хизмати лагерлардаги партизанлар ёки мужоҳид афғон қочқинларини ўқитиш бўйича катта дастур ишлаб чиқди. Афғон эркаклари жангдан қочмасликлари билан танилган бўлишса ҳам, дастурга бошчилик қиладиган полковник Имом: «Уларга тартиб-интизомни ўргатгандан кўра, қурбақаларни бунга ўргатсам, кўпроқ натижага эришардим», дея таъкидлаган.

СССР босқини бутун дунёнинг Зиёга бўлган муносабатини ўзгартирди, золим одам бир думалаб буюк озодлик ҳимоячисига айланиб олди. Россиянинг асосий душмани бўлган Америка биз билан дўстлашишга уринди. Бир неча ойдан сўнг қўшни Эронда инқилоб юз берди ва шоҳ тахтдан ағдарилди. Америка марказий разведка бошқармаси Шарқдаги энг йирик базасини йўқотиб, Покистон Эроннинг муносиб вориси бўлиши мумкинлигини ҳис қилди. АҚШ ва Ғарб мамлакатларининг миллиардлаб доллар пуллари Покистон ғазнасига келиб тушди. Шунингдек, мамлакат Афғонистоннинг қизил армияга қарши кураши учун ёрдам тариқасида келтирилган қурол-яроғлар омбори вазифасини ўтади. Генерал Зиё «Оқ уй»га таклиф этилиб, президент Роналд Рейганнинг шахсан ўзи у билан учрашди.

Бир пайтлари бош вазир Зулфиқор Бхутто генерал Зиёни бош қўмондон этиб тайинлаганида келажақда Зиёда унинг ўрнига ўтириш иштиёқи пайдо бўлиб қолиши мумкинлиги етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, шу сабаб унга самимий муносабатда бўлиб, «маймун» деб лақаб қўйган. Аммо Зиё айёр ва тадбирли эканини исботлади. У нафақат Афғонистондаги СССР коммуниз-

мини таг-туги билан йўқотиб юборишга тайёр турган ғарбликларни, балки мусулмон биродарларини кофирлар зулмидан қутқариш учун Судандан Тожикистонгача етиб келганларни ҳам қўллаб-қувватлаган. Бутун араб дунёсидан, айниқса, Саудия Арабистонидан пул оқимлари ва кўнгилли жангчилар Покистонга келиб, мусулмон биродарларига ёрдам бериш учун шайланишган. Улар орасида саудиялик миллионер Усама бин Ладен ҳам бор эди.

Покистон ва Афғонистон мамлакатларининг фуқаролари бўлган биз пуштунлар 100 йил олдин инглизлар чизиб кетган чегарани тан олмаймиз. Советлар босқини ҳақида эшитганимизда эса миллий сабабларга кўра қонимиз қайнаган. Масжидлардаги хутбалар пайтида имомлар Россия Афғонистонни босиб олиши мумкинлиги тўғрисида тез-тез гапиришар, рус босқинчиларини лаънатлашар ва барча мусулмонларни ўз бурчларини адо этишга – жиҳодга қатнашишга чақиришар эди. Генерал Зиё даврида исломнинг 5 та устунни (имон, намоз, рўза, закот, ҳаж) ёнига яна бир устун қўшилди – жиҳод.

Отам жиҳод сўзи АҚШ марказий разведкасининг пропагандаси бўлган, дер эди. Қочқинлар лагерларидаги болалар учун Америка университетлари томонидан тайёрланган арифметик масалаларнинг шарти қуйидагича бўларди: «15 нафар кофир аскар 5 нафар биродар аскар томонидан ўлдирилса, қолган аскарлар нечтадан одам ўлдиради?»

Сўфи Муҳаммад исми мулла қишлоққа келиб, ёшларни ҳақиқий эътиқод йўлида туришга ва руслар билан уришишга даъват қила бошлаган кунни отам кўп ҳикоя қилиб беради. Ва унинг мурожаатига лаббай деб жавоб берилиб, тез орада кўнгиллиларнинг эски милтиқлар, болталар ва базукалар билан қуролланган отряди йўлга чиққан. Ўша пайтда бу мулланинг бўла-

жак толибонларнинг Сватдаги ноиби бўлади, деб ким ҳам ўйлабди дейсиз? Ушанда отамнинг ёши 12 да бўлиб, у катта жанглarda қатнашиш салоҳиятига эга бўлмаган.

Йилдан йилга отамнинг кучига куч, ақлига ақл қўшилиб борар ва ҳамон унга жиҳодда қатнашиш истаги тинчлик бермасди. Отам вояга етиши билан, ибодат қилмаса ҳам, ҳар тонг ўрнидан туриб, масжид жойлашган қўшни қишлоққа жўнаб кетган. У ерда у катта толиблар раҳбарлигида Қуръонни ўрганган. Уша пайтларда «толиб» сўзи фақат «диндор талаба» деган маънони англатарди. Улар биргаликда Қуръоннинг барча ўттиз бобини ўрганиб чиққан ва шарҳлаб кўришга ҳаракат қилган.

Толибнинг баландпарвоз гаплари отамни асирга айлантирган. Улар отамга нуқул ҳаётнинг жуда қисқалиги, ҳар қадамда ўлим келиши мумкинлиги, шу сабаб кўп нарсага улгуриб қолиш кераклигини уқтиришган. Отамнинг кўплаб синфдошлари кўмир конларида ишлаш учун Жанубга кетишган, отам эса бошқача йўл танлашни дилига тугиб қўйган. Кон иши жуда қийин ва хавфли бўлиб, йилига бир неча марта қишлоғимизга бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этганларнинг жасадлари солинган тобут олиб келинарди. Аксарият қишлоқ йигитларининг орзуси Саудия Арабистони ёки Дубайга бориб, қурилишда ишлаш бўлган. Отамни эса бу заррача қизиқтира олмади. У фақат жаннатга боришни, у ердаги етмиш иккита ҳурни кўришни хоҳларди. Отам ҳар кун тунда Худога нола қилган: «Эй Аллоҳ, жиҳодда қатнашиб шаҳид бўлишим учун мусулмонлар ва кофирлар ўртасида уруш бўлсин».

Отам бир қанча вақт давомида мусулмончилик қонун-қоидаларига амал қилишни ҳар нарсадан устун қўйган. У Зиёвуддин Панчпири (диний оқим) номи остида имзо қўйиб, соқол ўстира бошлади. Кейинчалик у буларнинг

ҳаммасидан «мияни ювиш» учун фойдаланилганини тушуниб етди. Агар ўшанда имконият юзага келганда, отамнинг худкуш-террорчи бўлиб, ўлиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Отам ёшлигидан ҳамма нарсага қизиқувчан бўлиб, унинг бирор нимани тўғри деб қабул қилиши учун ўша нарсани жуда узоқ вақт текшириб чиқиши талаб этилган. Аммо Покистон мамлакатларидаги ёзилмаган қоидаларга кўра, ўқитувчига савол бериш ҳурматсизлик белгиси сифатида қабул қилинарди.

Хаёлида шаҳид бўлишни ва жаннатга боришни орзу қилар экан, отам онасининг укаси Файз Муҳаммадни учратиб қолиб, бўлажак хотинининг оиласи билан алоқада бўлиб, онам томонидан бобомнинг хужрасига тез-тез қатнаб қолади. Бобомнинг оиласи дунёвий миллатчи партияга мансуб бўлиб, урушда қатнашишга мутлақо қарши бўлган. Таниқли Пешовар шоири Раҳмон Шоҳ Саел ўша даврдаги Афғонистон воқеалари ҳақида гапира туриб, шундай дейди: «Икки фил – АҚШ ва СССРнинг жанги асло бизнинг жанг эмас. Пуштунларни икки баҳайбат ҳайвоннинг туёқлари томонидан эзилган майсага ўхшатмоқдаман». Болалигимда отам менга бу гапни тез-тез айтиб берар эди, лекин ўшанда мен бунинг маъносини умуман илғай олмаганман.

Файз Муҳаммад отамда катта таассурот қолдирган. Улар ижтимоий ўзгаришларнинг деярли амалга оширилмаётганлиги, барча миллий бойликлар бир нечта шахслар қўлида тўпланганлиги ва камбағаллар йилдан йилга қашшоқлашиб кетаётганига чек қўйиш тўғрисида жуда кўп гаплашишган. Худди шу вақтга келиб отам икки ўтнинг орасида қолиб кетди – бир томондан исломни ҳимоя қилмоқчи бўлса, бошқа томондан тинч ижтимоий ислохотларни амалга оширмоқчи бўларди. Охир-оқибат, олтин ўрталикни топа олди.

Отам ўз отасини фақат яхши ном билан эслаб, менга у қилган ажойиб ишлар тўғрисида ҳикоя қилиб берар, аммо менинг наздимда бобом бошқалар учун қўйган юқори талабларига ўзи жавоб бера олмайдиган инсон сифатида гавдаланарди.

Бобомнинг нутқлари тингловчиларга шунчалик кучли таъсир кўрсатганки, кўпчилик одамлар анчадан бери излаб юрган саволларига айнан бобомнинг маърузаларида жавоб топа олган. Пуштунларда, агар амакиваччаси ўзидан кўра кучлироқ ёки муваффақиятлироқ бўлса, унга ҳасад қилиш одати жуда кенг тарқалган. Бобомнинг мактабда ўқитувчилик қиладиган бир амакиваччаси бўлган. Унинг ишга кириши билан биринчи қилган иши ёшини ўзгартириш бўлган. Бизнинг одамлар туғилиш санасини аниқ эсда сақлаб қолмайдилар – бунақа ҳодисалар машҳурроқ воқеаларга боғланган ҳолда эсланади. Масалан, «Усмон зилзила бўлган йили, анжир пишган маҳалда туғилган». Аммо ўзидан бир неча ёш катта амакиваччасининг ёшини кичрайтириши бобомнинг тепа сочини тикка қилган. У ғазабнинг кучи билан қандай автобусга ўтириб, Мингорага етиб бориб, таълим вазирининг хонасига кириб қолганини билмай қолган.

– Соҳиб, менинг ўзимдан 10 ёш катта бир амакиваччам бор, аммо сиз уни мендан 10 ёш кичик қилиб рўйхатга олгансиз.

– Хўп, мен сизга нима ёзиб берай? Келинг, туғилган йилингни ўзгартирамиз. Кветтада зилзила бўлган йилга нима дейсиз?

Бобомга бу гап мойдек ёқиб тушган ва у ортга «1935 йилда туғилган» деб ёзилган гувоҳнома билан қайтишга муваффақ бўлган. Бу, албатта, унинг амакиваччасининг ёшидан бир неча ёш катта эди.

Албатта, болалар ҳам оилавий рақобатга киришиш «бахтидан» Мосуво қолишмаган. Отам ва унинг амакиваччалари ўртасида доимий рақобат бўлган. Отамнинг ташқи кўриниши бобомни умуман қониқтирмаган, мактаб ўқитувчилари чиройли болаларга бошқача кўз билан қарашлари бунга асосий сабаб бўлган. Амакиваччалари ҳар доим отамнинг мактабдан қайтишини пойлаб, уни «куйган пирожний» деб масхара қилган. Пуштун қонун-қоидаларига кўра, бундай ҳақоратлар учун, албатта, қасос олиниши керак, аммо отам амакиваччаларига қараганда анча кичик ва нимжонроқ эди...

Отам ҳеч қачон бобом хоҳлагандек фарзанд бўла олмаслигини ич-ичидан ҳис қиларди. Бобомнинг хусниҳати қишлоқдаги энг яхшиси бўлган, отам ҳам бобомдек хусниҳат соҳиби бўлиш учун кечалари ухламасдан нималардир ёзиб чиққан, аммо ҳеч қачон унинг ишлари мақтовга сазовор бўлмаган.

Бувим эса ўғлининг кўнглини қандай кўтариш кераклигини яхши билган – айнан у отамни порлоқ келажак кутаётганлигига ишонтира олган. Бувим ўғлига бўлган меҳри кучлилик қилганидан ўзи учун ажратилган гўшт ва сутни ҳам отамга илинади. Илмга чанқоқ отам учун электр токи мавжуд бўлмаган қишлоқда ўқиш жуда мушукул эди. Бу ерда дарс қилишга иштиёқманд бўлганлар шамчироқдан фойдаланишлари керак эди. Бир куни отам тунда китоб ўқиб турганида ухлаб қолади ва чироқ ағдарилиб кетади. Бу вақтда бувим тўсатдан уйғониб кетади ва ўғлидан хабар олиш учун унинг ёнига ошиқади. Менимча, унинг кўнгли қандайдир офат келатганини сезиб, ғашланган. Она кўнгли шунақа бўлади ўзи. Отам ҳар доим айнан она меҳри ва ишончи унинг ўз йўлини топишига кўмакчи бўлганини айтишдан чарчамайди. Мен эса ҳозирги даражага етишимга сабаб бўлган меҳр ва ишончни отамдан олганман.

Аmmo бир марта бувим отамдан қаттиқ ранжиган. Ўша пайтларда Дераи Сайдан деб номланган муқаддас қадамжода кун кечирадиган дарвеш қишлоқма-қишлоқ саёҳат қилиб, одамлардан садақа сўраб юрарди. Бир куни уйда фақат отам қолганида шу дарвеш ун сўраб келиб қолган, хотамтой отам эса ун сақланадиган ёғоч сандиқдаги мурватни синдириб, дарвешнинг хуржунини ун билан тўлдириб берган. Бобом ва бувим уйга келгач, бўлиб ўтган воқеадан дарғазаб бўлишган ва отамни калтаклашган.

Пуштун халқи, меҳмонлар олдида сахийлиги тутиб қолса ҳам, ўзининг анчайин тежамкорлиги билан машхур. Бобом ҳам пулга роса қаттиқ бўлган. Болаларидан бири тасодифан сут ёки овқатни тўкиб қўйса, уйда қиёмат-қойим бўлган. У жуда ҳам виждонли бўлиб, бошқаларнинг ҳам ўзидек бўлишини жуда хоҳларди. Ўша пайтда ўқитувчиларнинг фарзандларига спорт ёки бошқа тўгаракларга қатнашиш учун чегирмалар берилган, ammo кўплаб ўқитувчилар бунини эътибордан четда қолдирган. Бир тийин устида тик турадиган бобом эса фарзандлари учун чегирма қилиб беришларини қаттиқ талаб қилган. Отам чегирма талаб қилиб идорама-идора юришдан қаттиқ уялган. У бу воқеаларни қуйидагича эслайди: «Мактаб директори хонаси олдида навбат кутиб ўтириб, қора терга ботиб кетдим. Ўшанда ўзимни худди виждонимни 5 рупияга сотгандек ҳис қилганман».

Бобомнинг отамга янги дарсликлар олиб беришидан кўра хўрознинг тухум туғишига кўпроқ ишониш мумкин бўлган. Йил охирида у ўзи ўқитган ўқувчиларидан дарсликларини ташлаб юбормасликни талаб қилган ва улардан отамни ёнларига жўнатганида дарсликларни бериб юборишларини тайинлаган. Отам бундан жуда уялган бўлса ҳам, саводсизликдан қутулиш учун тиши-

ни тишига қўйиб сабр қилган. Унинг барча китобларида бошқа болаларнинг исмлари ёзилган бўлиб, ҳеч қачон ўз шахсий китоби бўлмаган.

– Сирасини айтганда, фойдаланиб бўлинган китобларни бошқаларга улашиш ёмон иш эмас. Мен, шунчаки, яп-янги китобда фақат ўзимнинг исмим ёзиғлик туришини орзу қилардим, холос, – деб ҳикоя қилиб берганди отам.

Бобомнинг зиқналигидан азият чекиб катта бўлган отам моддий ва руҳий жиҳатдан жуда сахий одамга айланди. У асрлар давомида шаклланиб келган амакиваччаларнинг шафқатсиз рақобатига чек қўйишга аҳд қилди. Мактаб директори оғир касалга чалинганида отам ҳеч иккиланмай унга қон беришга тайёрлигини билдирди. Бундан директорнинг боши осмонга етди ва отамдан ўтмишда қилган барча ҳақоратлари учун чин дилдан узр сўради. Отам менга болалиги ҳақида гапириб берар экан, бобом жуда зиқна ва қаттиққўл бўлса ҳам, унга энг катта совғани – таълим олиш имконини берганини завқ-шавқ билан таъкидлайди. Муллаларнинг кескин танқидига учраганига қарамай, бобом отамни мадрасага эмас, инглиз тилини ўргатадиган ҳукумат мактабига беришдан чўчимаган. Бобом отамга ўқишга чин дилдан киришиши, шунингдек, ҳар бир инсоннинг хоҳиш-истаклари, эътиқоди, шахсий фикрига ҳурмат билан ёндашиши кераклигини уқтирган. Жума кунги маърузаларида у феодал муносабатлар ислом томонидан қораланиши, бойлар ва камбағалларни ажратиб турадиган жарликни йўқ қилиш кераклигига тинмасдан урғу берган. Форс ва араб тилларида эркин гаплаша олган бобомнинг Саъдий Шерозий, аллома Иқбол ва Жалолиддин Румий ғазалларини кучли қироат билан ўқиб бериши отамнинг адабиётга бўлган муҳаббати шаклланишига сабаб бўлган.

Отам дудуқланишдан халос бўлишни ва бобомга ўхшаган кучли нотикқ бўлишни чин дилдан хоҳларди. Бобом унинг келажакда шифокор бўлишни орзу қилишини билиб турса ҳам, математика ва табиий фанларга қизиқмаслиги отамнинг келажакда дўхтир бўла олмаслиги эҳтимолини ошириб юборди. Албатта, бобом бундан жуда ранжир эди, шу сабаб отам мамлакат бўйлаб ўтказиладиган нотиклар танловида қатнашиб, отасининг ишончини қозонишни кўнглига тугиб қўйди. Ўз ниятини бошқаларга айтганида ҳамма отамни жиннига чиқарган. Ўқитувчилари ва синфдошлари уни бу йўлдан қайтаришга жуда қаттиқ киришган, бобом эса унга нутқ ёзиб беришга ҳадеганда рози бўлавермаган. Охиروқибат, отам бобомни кўндира олди ва у ёзиб берган нутқ устида машқ қилаверди, қилаверди... Уйида ўзини эркин ҳис эта олмасдан далага чиқиб кетди. Унинг тингловчилари кушлар, ўт-ўланлар бўлди. Кунига 100 марта битта нутқни қайтараверди, қайтараверди.

Отам яшайдиган ҳудудда кўнгил ёзадиган жойларни топиш амримаҳол бўлгани сабабли нотиклар мусобақасини кузатиш учун жуда кўп одам тўпланди. Нутқи жуда чиройли ва равон бўлган бир нечта йигит саҳнага чиққанидан сўнг ниҳоят, навбат отамга келди. У кейинчалик ушбу воқеани эслар экан, «Минбарга чиқар эканман, қўлларим, оёқларим, умуман, бутун танам ҳаяжондан титрай бошлади. Кўзим олдида туман пайдо бўлди, томошабинлар ҳам кўзимга ғира-шира кўрина бошлади. Баданимни тер босиб, оғзим қуриб қолди. Шу онда «Менга ҳар доим душманлик қилиб келган ундошлар бугун ҳам ҳаммасини расво қилиб қўйса-я», деган фикр миямга келди ва бундан даҳшатга туша бошладим. Аммо ... Бирдан мўъжиза юз берди. Сўзлар менинг оғзимдан шу қадар равон, шу қадар жонли чиқар эдики, ўзим ҳам бундан ҳайратга тушдим. Тўғри, нутқим отам-

никичалик чиқмаётган бўлса ҳам, атрофдагилар худди булбулнинг хонишини тинглаётгандек менга махлиё бўлиб қолишди. Гапираверганим сари ўзимга бўлган ишонч ортиб бораверди».

Нутқ тугаши билан хурсандчилик ва қарсак овозлари атрофни қуршаб олди. Энг муҳими, отам биринчи ўрин учун топшириладиган кубокни олиш мақсадида шоҳсупага кўтарилаётганида бобомнинг қарсак чалаётгани ва атрофдагилар унинг елкасига қоқиб қўяётганини кўриб еттинчи осмонда уча бошлади. Отамнинг бу ютуғи унинг илк бора бобомнинг юзига кулги югурганини кўришига сабаб бўлди.

Шундан сўнг отам бир нечта мусобақаларда қатнашди. Бобом унга нутқ ёзиб бераверар, отам эса бунга жавобан деярли ҳар бир мусобақада ғалаба қозонаверар эди. Отамнинг заифликни кучга айлантира олганини кўпчилик учун ўрнак сифатида кўрсатиш мумкин. Бобом отамни танишларига мақташни бошлади. «Зиёвуддин – ҳақиқий лочин!» деб кўксига уриб қўярди у. Бобомнинг бундай дейишига сабаб лочиннинг ҳар қандай қушдан баландроқ парвоз қила олиши бўлган. Ҳаттоки, ўшандан кейин отам ўз исмини «Зиёвуддин Шаҳен» деб ёза бошлаган, аммо лочин қушлар ичида энг йиртқичи эканлигини билганидан сўнг бу фикридан қайтган ва исмини оддийгина қилиб «Зиёвуддин Юсуфзой» деб ёзадиган бўлган.

3-дод

МАКТАБ

Онам олти ёшида мактабга борган, аммо унда бир неча ой ўқиган, холос. У яшаган қишлоқда камдан-кам оилалар қизларини мактабга беришган. Онам синфидаги ягона қиз бола ўқувчи бўлган. У мактаб сумкасини мағрур кўтариб, қиз болаларнинг ўғил болалардан ҳеч қандай кам жойи йўқлигини исботлашга уринган. Бу йўлда соатлаб дарс қилишдан чарчамаган. Аммо кун бўйи шаталоқ отиб ўйнайдиган амакисининг қизларини кўргач, ўйланиб қолган: «Барибир, сен ҳам келажакда овқат пишириш, уй тозалаш, фарзанд тарбиялаш ишларидан бўшамайсан. Шу сабаб шунча зўр бериб ўқишинг шартми?» Охир-оқибат, онам дарсликларини тўққиз аннага пуллаган, пулни ширинликларга сарфлаб юборган ва мактаб эшигига бошқа қадам босмаган. Онамининг отаси бу қарорга қарши чиқмади. Балки қизининг мактабни ташлаганидан унинг хабари ҳам бўлмагандир. Онамининг отаси ҳар куни эрталаб жўхори нонни қаймоқ билан нонушта қилиб бўлиши билан немис тўппончасини белига осиб, маҳалладаги эркаклар билан маҳаллий ва халқаро сиёсатни муҳокама қилишга кетарди. Онамдан ташқари бобомнинг 7 нафар фарзанди бўлиб, унинг ўз муаммоси ўзига етарли эди.

Онам отам билан учрашганидан сўнггина мактабни ташлаб кетганидан роса афсусланган. Ўзига атаб отам томонидан ёзилган шеърларни ўқий олмаганидан ўкинган. Аммо онам отамнинг бутун умрлик орзуси бўлган мактаб очиш ишларига қўлидан келганча ёр-

дамини аямади. Мактаб очиш учун катта маблағ керак бўлиб, отамнинг бунга қурби етмас, шу сабабли бу орзунинг амалга ошишини узоқ йиллар давомида кутиш талаб этиларди. Отам билимдан бошқа муҳимроқ нарса йўқ эканлигига ишонарди. У болалигида шарқираб оқатган дарёга боқиб, нега сув ҳеч қачон тўхтамаслиги устида бош қотирган. Ёмғирдан денгизгача сув айланиши тўғрисида эшитганидан сўнги отам сувнинг қаердан келиб, қаерга кетиши ҳақидаги саволига жавоб топди.

Отам яшаган қишлоқдаги мактаб жуда кичик ва тор бўлиб, кўпчилик дарслар дарахт тагида ўтилган. Мактабда ҳожатхона бўлмаганлиги сабабли болалар истаган ерларида табиий эҳтиёжларини қондириб кетаверган. Шунча ноқулайликларга қарамай, отам илм олиш бахтига мушарраф бўлганидан шод эди. Опаларининг барчаси мамлакатдаги миллионлаб қизлар қаторида мактабга бориш бахтидан мосуво эди. Отам ёшлигидан таълим энг катта неъмат эканлигини пайқаган. У Покистондаги аксарият муаммоларнинг илдизи сифатсиз таълим тизимига бориб тақалишини англаб етган. Инсонлар жоҳил бўлганлиги ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслиги сабабли сиёсатчилар уларни хоҳлаганича лақиллатишлари ва зулм ўтказишлари мумкин эди. Хоҳ ўғил бола бўлсин, хоҳ қиз бола, хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал, отам барча болалар элементар билимларни эгаллаши керак, деб ҳисобларди. Замонавий парталар, доскалар, компьютерлар, кутубхона, деворлардаги кўргазмали қуроллари бўлган замонавий мактаб яратиш орзуси отамга ҳеч қачон тинчлик бермаган.

Аммо бобом отамнинг шифокор бўлишини хоҳларди. Бобомнинг атиги икки нафар ўғли бўлиб, у ўғилларининг иккаласи ҳам оилавий бюджетга фойда келтирадиган касбни эгаллашидан умид қиларди. Отамнинг акаси Саид Рамзан узоқ йиллар маҳаллий мактабда

Ўқитувчи бўлиб ишлаган. У ўз оиласи билан бобомнинг уйида яшарди. Унча-мунча пул йиғиб, уйнинг четидан меҳмонлар учун бетон хужра қуриб берди. Мактабни тугатганидан сўнг тоққа ўтин териш учун чиқиб кетган амаким бироздан сўнг яна ортга қайтиб, бобомнинг буқаларини ҳайдаб далага чиқиб кетди. У, шунингдек, бобомга томдан қорни тозалаш каби оғир ишларда қўмаклашарди.

Отам ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатганлиги сабабли унга Сват водийсидаги энг яхши таълим муассасаси – Жаҳанзеб коллежига ўқишга кириш имконияти тақдим этилди. Аммо бобом яшаш харажатлари учун ўзи пул топиши кераклигини айтиб, отамга пул беришдан бош тортди. Бобомнинг Деҳлидаги таълими мутлақо текинга тушган – у масжидда толиб сифатида яшаган ва маҳаллий аҳоли талабаларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаб турган. Жаҳанзебдаги таълим текин бўлса ҳам, отам кундалик сарф-харажатлар учун пул топиши керак эди. Покистон банклари талабаларга ҳеч қандай қарз бермас, шу сабаб банкка бориб ўтиришдан ҳеч қанақа маъно бўлмаган. Коллеж Мингорага қўшни бўлган Саиду Шариф шаҳрида жойлашган бўлиб, бу ерда отамнинг қариндоши ёки таниши ҳам йўқ эди. Бир сўз билан айтганда, у фақат ўзига ишониши зарур эди. Шанглада бошқа коллеж бўлмагани туфайли отам мабодо коллежни ташлаб кетса, кейин ҳеч қачон қишлоқни тарк эта олмаслиги ва орзусини амалга ошира олмаслигини ич-ичидан ҳис қиларди.

Муаммони қандай ҳал қилишни билмай боши қотган отам умидсизликка тушиб, йиғлаб юборишига салгина қолган. Мактабни битиришидан бироз олдин онасининг вафот этиши ҳам унга қаттиқ зарба бўлганди. У агар онаси тирик бўлганида, қандай қилиб бўлмасин, ўғлини қўллаб-қувватлашига ишонарди. Ўжар ва зиқ-

на отасидан бирор нима кутишдан эса маъно йўқ эди. Унинг бирдан бир умиди Карачида яшайдиган опасининг эридан эди. Бобом агар қизи ва куёви отамнинг коллежга боришини қўллаб-қувватлашга рози бўлса, бунга қаршилиқ кўрсатмаслигини билдирган. Тез орада отамнинг опаси ва поччаси қишлоққа, бувимнинг таъзиясига келишлари кераклигини айтиб, отамнинг хурсандчилигига сабаб бўлган.

Отам опаси ва поччасининг келишини интизорлик билан кутиб, уларнинг рози бўлишларини сўраб, Худога ёлворди. Аммо бобом улар келиши билан бу ҳақида гап очиб, ҳамма ишнинг пачавасини чиқарди. Автобусда йўл босилган уч кунлик саёҳатнинг чарчоғидан суякларини зирқираётган куёв уйнинг остонасини кесиб ўтиши билан қайнисини боқиб олиш таклифини олди ва чарчоқ сабабими ёки кайфияти йўқлиги сабабми қатъий рад жавобини берди. Бундан ғазабланган бобом уларга бир сўз демай, хонасига кириб кетди ва қайтиб кетишга ётганида ҳам уларни кузатмади. Отам сўнгги имконият қўлдан бой берилганини, эндиги қисмати худди қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилаётган акасиникидек бўлишини ич-ичидан ҳис қилди. Саид Рамзан ишлайдиган мактаб тоғли Севур қишлоғида жойлашган бўлиб, бобомнинг уйдан чиқиб бир соат пиёда юрилса, манзилга етиб борилар, мактаб ҳаттоки, ўз биносига ҳам эга эмасди. Беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган юздан ортиқ болалар масжиднинг катта залида таълим оларди.

Севур қишлоғида азал-азалдан Гужар, Кўхистоний ва Миан уруғлари яшаб келишган. Қадим замонлардан бери Миан уруғи вакиллари асосан бой ва зодагон ер эгаларидан, Гужар ва Кўхистонийлар эса чорвадор-деҳқонлардан таркиб топганди. Пуштунларнинг ўзлари жуда камбағал бўлишса ҳам, Гужар ва Кўхистонийларни камситишар, уларни «иркит», «саводсиз» ва «жирканч»

сўзлари билан ҳақоратлашар, «Бу иркитлар ўқиб шаҳар олиб берардими?» деган гапни тилларидан туширишмасди. Ўқитувчилик касбини танлаган инсон борки, бу қишлоққа келиб ишлашдан безилларди. Шу мактабда ишлаётган пешонаси шўр ўқитувчилар эса ҳар куни мактабга «саёҳат қилиш» заруратидан халос бўлиш учун ўзаро ўрин алмашиб ишлашга келишиб олгандилар. Ўқитувчилар биринчи навбатда узун калтак билан болаларни тинчлантириб ўтиришга жавобгар эдилар, сабаби бу қишлоқ болаларининг бирортасининг «одам бўлиши»га ўқитувчиларнинг кўзи етмаган.

Аммо мўмин-қобил бўлган амаким биз «иркит» деб аталадиган болаларни жуда яхши кўрар, уларнинг аянчли ҳаётини кўриб, роса ачинарди. У ҳар куни мактабга боришни канда қилмас ва ҳар борганида болаларга ниманидир ўргатишга интиларди. Мактабни битирганидан сўнг отамнинг акасига ёрдам беришдан бошқа иложи қолмади. Аммо отамнинг бошига тўсатдан бахт қуши кўнди. Унинг яна бир опаси айнан шу қишлоқда яшовчи Носир Пошшо деб аталмиш инсонга турмушга чиқди. Бу инсон умрининг бир неча йилини Саудия Арабистонидаги қурилишларда ўтказган, ортга бир дунё пул билан қайтган «янги бой»лардан эди. Отам бу инсон билан бир маротаба гаплашиб, унда яхши таассурот қолдирганди. У ўзининг Жаҳанзебдаги коллежга ўқишга кирганини айтиб берган бўлса ҳам, отасининг пул бермаётгани ва ўқишга қурби етмаслигини айта олмаган. Аммо отамнинг кўзларидаги маънони ўқиб олган Носир Пошшо унга ўз уйида қолишни таклиф қилган. Отам эса бунга бажонидил рози бўлган.

Носир Пошшо ва унинг рафиқаси Жажжай отамнинг ҳаётида муҳим ўрин қолдирган. Оқсарой йўлидаги мўъжаз Спал Банди қишлоғида жойлашган уй отамга илҳом манбаси бўлиб хизмат қилган. Бу қишлоқ билан

Ўз қишлоғини солиштирар экан отам ўзини шаҳарга келиб қолгандек ҳис қилади. Уй эгалари отамга жуда яхши муносабатда бўлишар, Жажжай аммам отамга онасидан кейинги иккинчи онасидек бўлиб қолганди. Қишлоқ аҳолисидан отамнинг йўлнинг нариги бетига қизга кўзини қисаётгани ҳақидаги шикоятларини эшитган аммам укасини ҳимоя қилиб, уларга «Зиёвуддин мусичадек беозор, яхшиси, ўз қизларингизни йиғиштириб олинглар», дея жавоб берган.

Спал Банди қишлоғини кўриб, отамда «Дунёда эркинроқ яшайдиган ва ўранмайдиган аёллар бор экан», деган тушунча шаклланган. Спал Бандидаги аёлларнинг тоғ тепасида жойлашган баҳаво жойда ўзаро учрашиб, узоқ вақт суҳбатлашиб ўтиришларига ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмаган. Ваҳоланки, шу ёшигача отам аёлларнинг дарвоза ташқарисида тўпланиб туришларини ҳам тасаввурига сиғдира олмасди. Айнан ўша ерда отам коллежда ўқий олмай бутун умри афсус-надоматлар билан ўтган устози Акбар Хон билан учрашган ва бу инсон унинг ўқиши учун пул бериб турган. Акбар Хон онамга ўхшаб саводсиз бўлса ҳам, жуда донишманд инсон эди. Шу сабаб, отам уни ўзига устоз деб билар, у ҳақидаги илиқ хотираларни мен билан ўртоқлашарди. Акбар Хон ва Носир Пошо мисолида агар муҳтож одамга ёрдам берилса, Худо бошқа томондан ўрнини тўлдиришига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Отам коллежда ўқиётганида Покистон тарихидаги энг муҳим воқеалар содир бўлаётганди. Отам тоғлар орасида дарс ўтар экан, диктатор Генерал Зиё тўсатдан сирли авиаҳалокат сабабли вафот этди. Ҳамма ёқда бу ҳалокатга манго мевалари солинган қўтига жойлаштирилган бомба сабаб бўлди, деган миш-мишлар тарқалиб кетди. Отам коллежга боришидан кўп ўтмай, мамлакатда миллий сайловлар бўлиб ўтди. Бир неча йил олдин

диктатор томонидан қатл этилган бош вазирнинг қизи Беназир Бхутто ушбу сайловда мутлақ ғалабага эришди. Нафақат Покистонда, балки бутун ислом оламида биринчи мартаба аёл киши бош вазир лавозимини эгаллади. Бу воқеа кўпчилик покистонликлар қалбида некбинлик туйғуларини уйғотиб, келажакка ишонч пайдо қилди.

Зиё даврида тақиқланган талабалар ташкилотлари қайта тикланди ва фаоллашди. Отам улардан бирига қўшилиб, тезда истеъдодли нотиқ ва жамоатчилик фаоли сифатида шуҳрат қозонди. Орадан кўп вақт ўтмай у Пуштун талабалари федерациясининг бош котиби этиб сайланди ва пуштунларга панжобликлар билан тенг ҳуқуқлар берилишини талаб қилди. Анъанага кўра, бадавлат ва нуфузли вилоятлардан келган панжобликлар армия ва ҳукуматда муҳим лавозимларни эгаллаб келишган эди.

«Жамоат-и-Исломий» диний партиясининг талабалар қаноти бўлган «Исломий Жамоат-и Талаба» ташкилоти Покистондаги кўплаб университетларда катта таъсирга эга эди. Талабаларга бепул дарсликлар тарқатган ва грантлар ажратган бу ташкилотнинг қарашлари радикализм ва тоқатсизликка асосланган бўлиб, ташкилот аъзолари университетдаги рақс ва мусиқа мусобақаларини бекор қилиш учун жон бериб ҳаракат қиларди. Генерал Зиёга яқин бўлган бу партия сайловда шармандаларча мағлубиятга учради. Бу ташкилотнинг Жаҳанзеб коллежидаги етакчиси Эҳсон Ал-Ҳақ Ҳоқоний бўлиб, у отамнинг ашаддий рақобатчиси эди. Аммо бу рақобат уларнинг муносабатларига заррача таъсир қилмас, улар бир-бирини жуда ҳурмат қилиб, жуда яқин дўстга айланиб кетишганди. Ҳоқоний агар отамнинг отаси бой-бадавлат бўлганида, у, шубҳасиз, катта сиёсатчи ёки Пуштун талабалар федерациясининг раиси бўла олишини

айтган экан. Ҳаётнинг ёзилмаган қондаси шу: юқори лавозимга эришиш учун катта «танка» керак.

Отам коллежда ўқиган биринчи йилнинг энг қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ҳодисаси Мумбайда Салмон Рушдийнинг «Шайтоний оятлар» китобининг нашр этилиши бўлди. Бу китобда очикдан-очик пайғамбаримизнинг устидан қулинганди. Бундан ғазабланган мусулмон олами китобни куфр деб атади, одамлар барча муаммоларини унутиб қўйиб, мана шу китоб ҳақида муҳокама қила бошлашди. Ажабланарлиси, бу китоб сотувга чиқиб, Ҳиндистон бўйлаб тарқалганида ҳамма «ухлаётган»ди – фақатгина урду газеталаридан бирида асар ҳақида нафратга тўла мақола пайдо бўлгандан кейин бутун мусулмон аҳли жунбишга келди. Мақола муаллифи бу китобни пайғамбар шахсига тўғридан-тўғри ҳақорат деб баҳолаб, барча диндор қатламни унинг нашр қилинишига қарши чиқишга ундади. Тез орада Покистондаги барча муллалар китобни лаънатлаб, унга таққ қўйилишини қатъий талаб қилиб чиқа бошлади, бу ҳам етмагандек, мамлакат бўйлаб норозилик намойишлари бошланиб кетди. Энг катта намойиш 1989 йил 12 февралда Исломободда бўлиб ўтди. Бу хунрезликдан ғазабланган оломон Америка элчихонаси ёнида ҳилпираб турган Америка байроғини ёқиб юборди. Ваҳоланки, китоб муаллифи ҳам, ноширлар ҳам британияликлар эди. Полиция ўқ узишга мажбур бўлди, оқибатда беш киши бевақт ҳаётдан кўз юмди. Эрон ҳам ўз ғазабини дунё ҳамжамиятидан яшириб ўтирмади – Эрон раҳбари Оятуллоҳ Ҳоманойи Рушдийни ўлдиришга фатво чиқарди.

Отамнинг коллежи ҳар куни одамлар билан тўлиб кетар, хоналарда қизғин баҳс-мунозаралар содир бўлар, кўплаб талабалар китобни тақиқлаш, ёқиб юбориш ва муаллифини ўлдириш фикрига тўлиқ қўшилишларини билдирарди. Отам ҳам бу, шаксиз, мусулмон дунёсига

қилинган ҳақорат эканлигини эътироф этиб, шу билан бирга ҳар бир инсонда сўз эркинлиги ҳуқуқи борлигини ҳам унутмаслик кераклигини доимо уқтириб келарди. Унга нисбатан тана-дашномлар кўпаявергач, отам бор овозида йиғилганларга мурожаат қилди:

– Нега китобни тўлиқ ўқимай, фикр билдириямиз? Хўп, нега бу китобга бошқа китоб билан жавоб бермаяпмиз? Ислом битта китобга ёки қарама-қарши фикрга чидай олмай, жазавага тушадиган даражада кучсизми? Мен унақа деб ўйламайман... Менинг исломим бунақа майдачуйда масалалар билан пачакилашиб ўтирмайди...

Агар бобом бу гапларни эшитганида, отам билан фахрланган бўлар эди...

Отам коллежни битирганидан сўнг дастлабки йилларда таниқли хусусий коллежда инглиз тилидан дарс берди. Аммо у ердан олинadиган 1600 рупия (12 фунт) маош жуда кам бўлиб, бобом оила бюджетига ҳисса қўшмаётганлиги учун отамни ҳолу жонига қўймаган. Бундан ташқари, суюклиси Тор Пекай билан қовушишига йўл очадиган тўй харажатлари учун ҳам бел анчамунча бақувват бўлиши талаб этиларди.

Мактабдаги ҳамкасблари орасида отамнинг энг яқин дўсти Муҳаммад Наим Хон бўлиб, улар бакалавр ва магистр даражаларини бир пайтда қўлга киритган, иккаласи ҳам халқ таълимининг жонқуярларидан эдилар. Маъмурий буйруқбозлик ва раҳбариятнинг доимий иш жараёнига аралашуви икки дўстнинг мактабдан кўнгли совишига сабаб бўлган. Мактабда ҳеч бир масалада ўқитувчиларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам фикрига қулоқ солинмас, ўқитувчилар орасидаги дўстлик амалидан қўрқадиган раҳбарларнинг ғашини келтирарди. Итоаткорлик ва бўйсунувчанлик ҳар нарсадан устун бўлган муҳитда отамга ўхшаган инсонлар бўғилиб ўлиб кетишлари ҳеч гап эмасди. У мустақил фикрлаш ва ўқувчилар-

га уларнинг ижодкорлигини ривожлантиришга йўналтирилган таълим беришни хоҳлар, давлат мактабида буни амалга оширишнинг иложи йўқлигига кўзи етиб, тезроқ ўз мактабига эга бўлишни истарди. Охир-оқибат, Наим раҳбарият билан зиддиятларга келиб қолганида улар биргалашиб янги мактаб очишга қарор қилишди.

Дастлаб улар отам туғилган Шохпур қишлоғида мактаб очишни режалаштиришган эди. Аммо бу қишлоққа бино қидириш ниятида борганларида бу ерда мактаб очилаётгани тўғрисидаги эълонни кўриб, ҳайратга тушишди ва кимдир улардан олдинроқ қамчи босганини англаб етишди. Охир-оқибат, Сват водийсига келадиган туристлар сонининг кўпайиши ва инглиз тилига бўлган талабнинг ошганлигини ҳисобга олиб, улар Мингорода инглиз тилига ихтисослашган мактаб очишга қарор қилишди.

Отам коллежда ишлашда давом этар, Наим эса керакли бино топиш учун соатлаб кўчада тентираб юрарди. Бир куни Наим хурсанд ҳолда отамнинг ёнига келди ва ниҳоят, мактаб учун муносиб жой топганини билдирди. Бу жой Ландикас ҳудудида жойлашган икки қаватли кўркам бинонинг биринчи қавати бўлиб, у ерда ўқувчилар йиғилиши мумкин бўлган ҳовли ҳам мавжуд эди. Олдинги ижарачилар ҳам айнан шу ерда Рамада номли мактаб ташкил этишган, бу ном мактаб эгаси бир пайтлар Туркияга ташриф буюрганлиги ва у ерда Рамада меҳмонхонасида истиқомат қилганлиги билан боғлиқ эди. Аммо фақат зарар кўравериб, қарзга ботиб кетган таъсисчиларнинг мактабни ёпишдан ўзга чоралари қолмаган. Бу гапларни эшитган икки дўстнинг кўнглига ғулғула тушди. Бундан ташқари, бино дарё бўйида жойлашган бўлиб, аҳолининг тинимсиз чиқинди ташлаши оқибатида юзага келган аянчли ҳидга чидаш учун ҳам кишидан катта матонат талаб этиларди.

Юлдузлар чақнаб, Ой тўлишиб, оқшомги шамол да-
рахт шохларини майин силкитаётган пайтда отам иш-
дан чиқди ва мактаб биноси билан танишгани йўл олди.
«Мен жуда бахтли эдим, ахир, орзуларим ушалаётган
эди-да!» деб тўлқинланиб эсларди бу воқеаларни отам.

Наим ва отам бор пулини ўртага ташлади, жамға-
рилган 60.000 рупия бино ижараси учун сарфланди.
Шунингдек, бинони таъмирлаш ва яшаш учун йўлнинг
нариги бетигаги кулбани ижарага олиш учун 30.000
рупия қарз олинди. Ташкилий ишлар якунланганидан
сўнг навбат уйма-уй юриб, ўқувчи излашга келганида,
икки дўст ҳамма машаққат олдинда эканлигини кўн-
гилларидан ўтказишди. Инглиз тилини ўрганиш кўп-
чиликни қизиқтирмас, ишлар улар режалаштиргандек
кетмаётганди. Бу вақтга келиб отам ҳали ижтимоий-
сий жараянларда фаол иштирок этишни тўхтатма-
ган, унинг баҳс-мунозара учун келган ҳамфикрлари
кулбага келиб, тушлик қилиб кетишни канда қилмасди.
Бу ишлар Наимнинг тепа сочини тикка қилар, доимо
отамга: «Бу майнавозчиликни давом эттиришга қурби-
миз етмайди», деб минғирларди. Тез орада дўстлар ҳар
қанча яқин бўлишса ҳам, шерикликдаги бизнес умуман
бошқа нарса эканлиги кундек равшан бўлди.

Бундан ташқари, отамнинг кулбаси ҳақида эшитган
меҳмонлар Шанглага оқиб кела бошлади, улар отам-
нинг кулбасини зиёрат қилиб кетишни ҳам фарз, ҳам
қарз деб билиб, «меҳмоннинг иззати уч кун» деган қои-
дага амал қилмай, ҳафталаб қолиб кетадиган бўлишди.
Пуштунлар меҳмонларнинг ташрифи уларга бир қанча
ноқулайликлар туғдирса ҳам, ҳар доим илиқлик билан
кутиб олишга мажбур. Бизда инсоннинг шахсий хоҳиш-
истаклари, режалари ҳурмат қилинмайди, одамлар
олдиндан хабар бермасдан, меҳмонга бораверишади.
Меҳмонларнинг қачон келиб, қачон кетишлари ҳақида

аниқ қоида йўқ, улар хоҳлаган пайтлари келиб, хоҳлаган пайтлари кетишлари мумкин. Наим учун муттасил ташриф буюрадиган меҳмонлар қўрқинчли тушга айланди. У отамга кесатиб, унинг ортидан келган ҳар бир меҳмон учун жарима қўллаши кераклигини айтиб, ҳазиллашарди. Бунга жавобан эса отам: «Сенинг ҳам қариндошларинг келаверсин, эшигимиз очиқ», деди ва мавзу ёпилди.

Орадан уч ой ўтиб Наимнинг жони ҳалқумига тиқилди ва отамга қараб шундай деди: «Аслида, биз даромад келтирадиган мактаб очишимиз керак эди, аммо кўриб турганингдек, текин меҳмонхона соҳибларига айландик. Бундай давом этишини асло хоҳламайман!»

Бу вақтга келиб икки дўст деярли гаплашишмас, ўртадаги муаммони ечиш учун маҳаллий оқсоқолларнинг воситачилигига эҳтиёж сезишарди. Бутун умр шахсий мактаби бўлишини орзу қилган отам Наим киритган сармойани қайта тўлаб бериш шартига рози бўлди ва мактабни ўзида сақлаб қолди. Лекин пулни қандай қайтариш ҳақида ўйласа, тунлари ухлолмай чиқиши ҳам бор гап эди. Отамнинг бахтига коллеждаги Ҳидоятulloҳ исмли эски дўсти отамнинг кулбасига меҳмонга келганида мактаб учун Наимнинг ўрнига сармоя киритишга рози бўлди. Икки янги ҳамкор уйма-уй юриб, янги турдаги мактаб очилганини эълон қилиб чиқди. Отамга жозиба ва одамларни ўзига жалб қилиш қобилияти берилгани бор гап. Ҳидоятulloҳнинг таъкидлашича, отам кимнинг уйига меҳмонга борса, уй эгасида яхши таассурот қолдириб, дўст бўлиб қайтар экан. Аммо одамлар отам билан суҳбатдан олам-олам таассурот олишган бўлса ҳам, ўз болаларини давлат мактабига беришни афзал кўришган.

Улар мактабга буюк қаҳрамон, Сват водийсининг жанубий қисмидаги Акоре шаҳрида туғилган шоир ва

жангчи Хушал Хон Хаттак номини беришди. Бу қаҳрамон XVII асрда яшаб ўтган бўлиб, у уришаётган паштун қабилаларини яраштириб, уларни муғулларга қарши курашиш учун бирлаштиришга ҳаракат қилган. Мактабга шундоққина кираверишда кўйидаги шиор осиб кўйилди: «БИЗ СИЗГА ЯНГИ ДАВР МУАММОЛАРИНИ ЕНГИШГА ЁРДАМ БЕРИШ УЧУН КЕЛДИК». Эшик устида қалқон тасвири туширилган бўлиб, унга Хушал Хоннинг ушбу машҳур сўзлари ёзилган эди: «Мен афғон халқининг номусини ҳимоя қилиш учун қилич кўтардим». Отам тез-тез биз миллий қаҳрамонларимиздан ўрнак олишимиз, аммо ўз замонамиз қонунларига мувофиқ, қилич билан эмас, қалам билан, илм ва маърифат билан ватанимиз шарафини ҳимоя қилишимиз кераклигини уқтирарди. Хушал Хон чет эл босқинчиларига қарши курашиш учун пуштунларни бирлаштирган бўлса, отам халқни жоҳилликка қарши курашиш йўлида бирлаштиришни орзу қиларди.

Бахтга қарши, жуда кам инсонлар отамга ишонч билдиришди. Отам мактабни 3 та ўқувчи билан бошлашга мажбур бўлди. У ҳар куни ўқувчилардан давлат мадҳиясини кўйлашни талаб қиларди. Шундан сўнг отамнинг жияни Азиз Покистон байроғини баландга кўтарарди.

Ўқувчилар жуда камлиги сабаб мактабни зарур жиҳозлар билан таъминлашга маблағ етишмасди. Тез орада шериклар бир тийинсиз қолишди. Иккаласининг ҳам оиласи уларга бир тийин пул бермаслиги аниқ бўлди. Отамнинг қарзга ботганини ва қарз берганлар доимий равишда пулни қайтариб беришни талаб қилаётганини билган Ҳидоятулло ноқулай ҳолатга тушди.

Бундан ҳам ёмонроғи, отам мактабни расмий равишда рўйхатдан ўтказиш учун борганида юз берди. У бир неча соатни кутиш залида ўтказганидан сўнггина креслода чой ичиб, ялпайиб ўтирган халқ таълими бўлими бошлиғининг хонасига киришга муваффақ бўлди.

– Бу қанақа мактаб? – сўради бошлиқ у ёзган аризани кулумсираб ўқир экан. – Нечта ўқитувчиси бор?.. Учта! Ўқитувчиларингиз малака оширишдан ўтмаган. Мактаб очиш сизга ўйинчоқми? Ҳар қандай кўчадан келган одам мактаб очаверади деб ўйладингизми?

Хонадаги бошқа одамлар ҳам отамни мазах қилиб, хандон отиб кула бошлашган. Отамнинг эса бундан ғазаби қайнаб кетди. Бошлиқнинг пора олишни истаётгани кундек равшан эди. Пуштунлар бундай хўрланишга дош бера олмайди, шунингдек, отам бепул қўлга киритиши керак бўлган нарсалар учун пул тўлашга икки дунёда ҳам рози бўлмасди. Мабодо иши битиши учун ҳаммасига кўз юмиб пора бермоқчи бўлса ҳам, бунинг заррача имкони йўқ эди – уларнинг топган-тутганлари зўрға қорин тўйғазишга етарди. Мактабни рўйхатдан ўтказиш «нархи» 13.000 рупияни ташкил этиб, мутасаддилар мактаб эгасининг пули кўплигини билиб қолишса, бу «ставка» ошиши ҳеч гап эмасди. Бундан ташқари, мактаб эгалари вақти-вақти билан расмийларни кечки овқатга таклиф қилишлари, уларни гўшт, шароб ва яна бошқа ноз-неъматларга тўла дастурхон ёзиб меҳмон қилишлари зарур эди. Отам бу одатни жуда яхши билса ҳам, унга амал қилмоқчи эмасди: «Биз товуқ фермаси эмас, мактаб очмоқчимиз!» Бу отам Ҳидоятуллоҳга айтган гаплар эди.

Товламачиликка дуч келган отам чидай олмай, расмийларга сўз қотди: «Сизга мен билан бу оҳангда гаплашишга ким ҳуқуқ берди? Мен жиноятчиманми? Полиция маҳкамаси ёки суд биносида ўтирган айбланувчиманми?»

Айнан ушбу воқеа отамнинг хусусий мактаб эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларни талончилик ва коррупциядан ҳимоя қилишга аҳд қилишига сабаб бўлди. Бу ишни ёлғиз амалга оширишнинг имко-

ни бўлмагани сабабли у Сват хусусий мактаблари уюшмасига аъзо бўлди. Отам бу ташкилотга қўшилганида унда жами 15 та аъзо мавжуд эди, отам тез орада вице-президент лавозимини эгаллади.

Бошқа барча мактаб эгалари пора беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишган бўлса, отам коррупция аталмиш балони биргаликдаги саъй-ҳаракатлар эвазига енгиш мумкинлигига амин эди. «Мактаб очиш жиноят эмас-ку! Биз нима учун пора беришимиз керак? Ахир, биз фоҳишахона ёки қовоқхона очаётганимиз йўқ-ку! Биз халқнинг боласини ўқитяпмиз! Давлат амалдорлари бизнинг бошлиқларимиз эмас, балки хизматкорларимиздир! Улар бизга хизмат кўрсатишлари учун маош олишмоқда. Биз эса болаларни ўқитишимиз керак!» Отам бу гапларни бир нечта мактаб эгалари йиғилганида айтиб ўтган.

Тез орада отам ташкилот президентига айланди, муассаса аъзолари сони эса 400 нафарга етди. Мактаб эгалари ҳам енгилмас кучга айланишди. Отам мактабга пул келадиган эмас, балки билим берадиган жой сифатида қарар, Ҳидоятulloҳ эса анча оғир аҳволга тушиб қолганди. Маҳалладаги дўкон қарзга озиқ-овқат беришни тўхтатиб қўйди, шу сабабли ҳам улар иккаласи чой ва шакарсиз қолиб кетишди. Шериклар даромадларини ошириш тўғрисида узоқ вақт ўйлаб, мактабда ширинликлар ва болаларга ёқадиган майда-чуйда маҳсулотларни сотишни йўлга қўйишди. Отам маккажўхори сотиб олар, туни билан бодроқ тайёрлаб, уни идишларга солиб чиқарди.

«Шундай вазиятлар бўлганки, бутунлай тушкунликка тушиб, боши берк кўчага кириб қолганмиз, аммо Зиёвуддиннинг иродаси кучлилиги бизнинг бир қанча муаммоли вазиятларни енгиб ўтиб кетишимизга сабаб бўлган», деганди кейинчалик Ҳидоятulloҳ.

Отам катта-катта нарсаларни орзу қиларди. Бир куни Ҳидаятуллоҳ янги ўқувчиларни қидириб топиш ишларидан чарчаган ҳолда уйга қайтиб келганида, отамнинг Покистон телевидениеси вакили билан суҳбатлашаётганининг устидан чиқиб қолди. Ходим кетиши билан Ҳидаятуллоҳ кулиб юборди ва отамга «Зиёвуддин, бизда телевизор йўқ-ку! Мактабимизни телевизорда реклама қилсак ҳам, ўзимиз уни томоша қила олмаймиз-ку!» деб айтди. Доим қалбида некбинлик туйғулари яшайдиган отам ҳеч қачон умидини йўқотмаган эди.

Бир куни отам Ҳидаятуллоҳга бир неча кунга туғилиб ўсган қишлоғига бориб-келиши кераклигини билдирди. Аслида, у уйланиб келишни мақсад қилган, бироқ Мингорадаги дўстларини тўйига айтиш имконияти йўқлиги сабабли тўйни ҳаммадан сир тутганди. Одатларимизга кўра, тўйлар бир неча кун давом этарди. Онам ўз тўйининг аксариятида қатнашмаган отамни биз катта бўлганимизда ҳам маломат қиларди. Отам фақат никоҳнинг охирги кунда келин-куёвнинг бошларига Қуръон ва рўмол тутиб, кўзгудан бир-бирига қаратишганларида ҳозир бўлганди. Аксарият ҳолларда айнан шу маросим бўлажак келин-куёвнинг илк бора бир-бирларини кўриши сифатида тарихда қолади. Сўнгра бўлажак оиланинг ўғиллари кўп бўлиши учун келин-куёв бир муддат ёш болаларни тиззаларига олиб ўтиради.

Урф-одатларимизга кўра, келин ўз ота-онасидан мебель ёки бошқа уй жиҳозларини, куёвнинг ота-онасидан эса тилла тақинчоқни совға сифатида қабул қилиб олади. Бобомнинг зиқналигини ва бўлажак келинига тилла тақинчоқ совға қилса, юраги ёрилиб ўлиб қолиши мумкинлигини ҳисобга олиб, шундоқ ҳам қарзга ботиб кетган отам яна қарз олиб онамга тилла тақинчоқ харид қилади. Тўйдан кейин онам амаким ва янгам ҳам яшайдиган бобомнинг ҳовлисида яшай бошлайди.

Отам ҳар 3-4 ҳафтада бир ундан хабар олгани келиб-ке-тиб туради. Отамнинг режаси мактаб ишлари юришиб кетгач, ўша ердан яхшироқ уй ижарага олиб, онамни ҳам кўчириб олиб кетиш эди. Аммо бобом ҳадеб онамни боқаётганлиги оғирлик қилаётганини айтиб, унинг ҳаётини дўзахга айлантириб қўйган. Шу сабабли отам йиққан-терган пулларига фургон ёллаб, онамни Мингорага кўчириб олиб келишга мажбур бўлган. Икки ёш биргаликда ҳаёт кечира бошлашди, аммо уларда бу ёғига қандай кун кечиришлари тўғрисида аниқ тасаввур мавжуд эмасди. «Бошида отамдан жуда қаттиқ ранжигандим. Аммо кейинчалик ундан миннатдор бўлдим, сабаби айнан у сабаб мустақил ҳаётга қадам қўйгандим», дея ҳикоя қилиб берганди отам.

Бир муаммо бор эди – отам Ҳидоятulloҳга уйланигани ҳақида айтишни мутлақо унутганди. Отамнинг икки киши бўлиб қайтганини кўрган шериги даҳшатга тушди ва «Биз оила боқишга қодир эмасмиз-ку! У қаерда яшайди?» дея отамни саволга тутди. «Ҳавотир олма, дўстим. Унинг бизга зарари тегмайди. Овқатимизни қилиб, киримизни ювиб юраверади».

Онам Мингорани кўриб, ҳайратга тушади. Бу ер унинг қишлоғига қараганда анча ривожланган эди. Болалигида дугоналари билан дарё бўйида ўтирганча ўз орзуларини ўртоқлашганларида кўпчилик қизлар шунчаки оила қуришни, фарзанд кўришни ва эрларига ширин-ширин овқатлар пишириб беришни исташларини айтишарди. Навбат онамга келганида у ўз орзуларини қуйидагича баён қиларди: «Мен шаҳарда яшайман, овқат пиширмайман, хизматкорларим менга кабоб ва палов олиб келиб беришади». Албатта, шаҳар ҳаёти у орзу қилгандек эмаслиги тез орада ойдинлашди. Отам шериги билан яшайдиган уйнинг атиги икки хонаси бўлиб, бирида отам ва Ҳидоятulloҳ ухласа, бири кичик

кабинетга мўлжалланганди. Ошхона ёки ҳожатхона тўғрисида гапирмаса ҳам бўларди. Онам келгач, Ҳидоятulloҳ кабинетга кўчиб ўтишга ва у ердаги ёғоч диванда ухлаш «бахти»га мушарраф бўлди.

Бир неча ойдан кейин онамнинг ҳомиладор эканлиги аён бўлди. Мендан икки ёш катта бўлган ота-онамнинг биринчи фарзанди ўлик туғилди. «Менимча, ҳеч қандай санитария меъёрларига жавоб бермайдиган ифлос кулбада яшашимиз сабаб жигарбандим ўлик туғилган», деб эсларди бу воқеани отам ўкинч билан. «Хотинимни туғруқхонага олиб боришни жоиз топмадим. Онам ўн боласини ҳам уйда дунёга келтирган, дея ўзимга ўзим тасалли бердим. Афсуски, мана шу ерда болам менинг жоҳиллигим қурбонига айланди...»

Мактаб зарар кўришда давом этди. Орадан бир неча ой ўтгач, ҳатто мактаб ижараси ва ўқитувчиларнинг маоши учун ҳам пул етишмай қолди. Заргар отамдан онамга тўй совғаси сифатида ҳадя қилинган тилла тақинчоқнинг пулини тинмасдан сўрайверар, отам эса унга бир пиёла чой ва суви қочган нондан бошқа нарса таклиф қила олмасди. Буни эшитган Ҳидоятulloҳ ўзини тутиб туролмади ва: «У сенинг чойингни бошига урадимиз? Унга фақат пул керак», деганча қаҳқаҳа отиб юборди.

Вазият шу даражага етдики, отамнинг тилла тақинчоқни сотиб юборишдан ўзга чораси қолмади. Ирим-сиримларга кўра, эр-хотинни боғлаб турадиган тўй совғасини сотиб юбориш яхши оқибатларга олиб келмайди. Бироқ кўпинча аёллар тўй тақинчоқларини эрлари иш бошлаши ёки чет элга кетиши учун сотишга мажбур бўлишади. Онам илгари ҳам отамнинг жиянининг коллеж тўлови учун билагузукни сотишни таклиф қилган, бахтларига отамнинг амакиваччаси Жаҳон Шер Хон уларнинг жонларига оро кириб, коллеж учун пул тўла-

ган, айнан шу сабаб билагузукнинг қарзга олинганлиги тўғрисидаги сир онамнинг қулоғига етиб бормаганди. У кейинчалик ҳам бир неча бор отам нега билагузукни сотишни пайсалга солаётгани устида бош қотириб, жиғибийрон бўлган.

«Камбағални эшакнинг устида ҳам ит қопади» деганларидек, тез орада ҳудудга сув тошқинлари яқинлашиб кела бошлади. Ҳукумат аҳолини кун бўйи челақлаб қўйган ёмғир натижасида юзага келиши мумкин бўлган тошқинлар хавфидан огоҳ бўлишга чақирди. Кўпчилик туманни тарк этди. Ўша пайтда онам қишлоқдаги қариндошлариникига меҳмонга кетган, Ҳидоятulloҳ эса мактаб жиҳозларини тез кўтарилаётган сувдан қутқариш учун бинонинг иккинчи қаватига судраб боришни бошлаган, лекин нарсалар жуда кўплиги сабаб ёлғиз ўзи бу ишни эплай олмаслиги кундай равшан эди. Устига-устак, ўшанда отам ҳам қаергадир ғойиб бўлган, Ҳидоятulloҳнинг жон ҳолатдаги «Зиёвуддин, Зиёвуддин», деб қичқиришларига ҳеч ким жавоб бермаган. Ҳидоятulloҳ тез орада ўлиб кетиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб, даҳшатга тушади. Мактаб ташқарисидаги тор кўчани тўла сув босган, бу вақтга келиб сув Ҳидоятulloҳнинг елкасигача кўтарилганди. У осилиб турган электр симларининг шамолда тебраниб, сувга тегай-тегай деб турганини кўриб, кўрқувдан дағ-дағ титради ва агар сув яна озроқ кўтарилса, сув симларгача етиб боришини англаб, калима қайтаришни бошлади.

Кейин Ҳидоятulloҳга жон ширинлик қилдими ёки бошқа сабабданми, у иродасини бир муштга жамлаб, сувда сузганча олдинга интила бошлайди ва тўсатдан отамга кўзи тушиб, анча хотиржам тортади. Бу пайтда отам эри сув тагида қолиб кетган бир аёл билан гаплашиб турган, бироздан сўнг эса сувга шўнғиб, сув тагида қолган эркакни хавфсизроқ жойга олиб чиққан экан.

Аёлнинг йиғиси хурсандчиликка айланган ва бироздан сўнг у яна талвасага тушиб қолган: «Ахир, бор бисотимиз бўлган музлаткич ҳам сув тагида қолиб кетди-ку!» Отам тағин сувга шўнғиб, аёлнинг музлаткичини ҳам олиб чиққан ва шу пайт кўзи тўсатдан Ҳидоятulloҳга тушган. Отам дўсти ёнига сузиб келиши билан ундан «ширин гаплар» эшитган:

– Аёлнинг музлаткичигача қутқардинг, бу ерда эса дўстинг ўлиб кетишига бир бахя қолди, ҳе...

– Биласан-ку, дўстим, йиғлаб турган аёлни кўрсам, чидай олмайман.

Сув ортга чекиганида, уй ва мактаб тамоман абгор ҳолатга келиб қолганди: мебеллар, гиламлар, китоблар, кийимлар ва аудиотизим – ҳамма-ҳаммаси бир қарич лой билан қопланганди. Отам ва Ҳидоятulloҳнинг ухлаш учун ётоғи, кийишга кийими қолмади. Бахтларига, қўшнимиз Омониддин ака уларни ўз уйида тунашларига рухсат берган.

Мактабни тартибга келтиришга бир ҳафта вақт кетди. Орадан ўн кун ўтиб бу гал на отам ва на Ҳидоятulloҳ уйда бўлганларида иккинчи тошқин «меҳмонга келди» ва уларнинг барча меҳнатини зое кетказди. Орадан кўп вақт ўтмай, отамнинг ёнига WAPDA сув ва электр таъминоти корхонаси вакиллари келишди ва ҳисоблагичлар атайин ўчириб қўйилганини айтиб, пора талаб қилишди. Табиийки, отам уларни ҳайдаб солди, аммо тез орада конвертда отнинг калласидек жарима қоғози етиб келди. Отамнинг бу жаримани тўлашга заррача имконияти йўқлиги сабабли унинг нуфузли идораларда ишлайдиган танишларига ёрдам сўраб мурожаат қилишдан ўзга чораси қолмади.

Худди ҳамма ишлар мактабга қарши бўлаётгандек таассурот уйғотар, аммо отам ўз орзусидан осонликча воз кечадиган анойилардан эмасди. Бундан ташқари,

унинг бўйнига ола-хуржун аллақачон илинган, оиласини боқиш унинг устувор вазифаларидан бирига айланган эди. 1997 йил 12 июль куни мен дунёга келдим. Бир қанча аёлларни осонликча туғдирган қўлингиз қўшни кампир менинг ҳам эсон-омон дунё юзини кўришимга кўмакчи бўлди. Туғруқ жараёни бошланганида отам мактабда игнанинг устида ўтиргандек ўтирган, хушхабарни эшитиши билан эса ичига сиғмай, оёғини қўлга олиб, уй томон югурган. Онам отам қиз фарзандни қандай қабул қилиши борасида иккиланиб, хавотирланиб ўтирганида хонага хурсандчилиги ичига сиғмаётган отам кириб келган ва мени кўриб, кўзлари бахтдан чақнаб кетган.

– Малала омад ва бахт олиб келди, – дер эди Ҳидоятуллоҳ. – У туғилиши билан ҳаммаси яхши тарафга ўзгара бошлади.

Аммо ҳаммаси осонликча юз бермади. 1997 йил 14 августда Покистон ташкил этилганлигининг эллик йиллиги муносабати билан бутун мамлакат бўйлаб парадлар ва маросимлар ўтказилди. Аммо отам ва унинг дўстлари Покистон билан бирлашиш Сват водийсининг тақдирига салбий таъсир кўрсатганлигини рўкач қилиб, бу воқеалардан хурсанд бўлишга асос йўқ, деб ҳисоблашди. Улар байрамда енгларига қора тасмалар тақиб кўчага чиқишди ва бу кунни оммавий равишда нишонлаш учун ҳеч қандай сабаб йўқлигини билдиришди. Бу уларга қимматга тушди – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари уларни ҳибсга олиб, тўлашга қурби етмайдиган миқдордаги жаримага тортди.

Туғилганимдан уч ой ўтиб мактабнинг иккинчи қаватидаги уч хона бўшаб қолди ва биз ҳаммамиз у ерга кўчиб ўтдик. Деворлари бетондан бўлган, оқова сув тизими мавжуд бўлган бу хоналар пахсадан қурилган эски уйимиздан анча яхши эди. Аммо бу уй ҳам бизга торлик

қилар, сабаби энди оиламиз аъзолари сони уч кишига етган, устига-уштак, отамнинг қариндошлари ҳам уйимизга меҳмонга келишни канда қилмас, Ҳидоятуллоҳ ҳам энди «ортиқча» одамга айланиб қолганди.

Мактаб жуда кичик бўлиб, аралаш бошланғич мактаб талабларига зўрға жавоб берарди. Мен дунёга келганимда мактабда бор-йўғи беш-олти нафар ўқитувчи ишлар, ўқиш учун эса юзга яқин ўқувчи ойига юз рупиядан пул тўларди. Отам мактабда ҳам ўқитувчи, ҳам ҳисобчи, ҳам директор вазифасини бажарарди. У хоналарни супуриш, полларни артиш ва ҳожатхонани тозалаш каби ишларни ҳам қилишдан уялмасди. Баландликдан ўлгудек қўрқса ҳам, нарвоннинг биринчи поғонасига чиқса, оёғи қалтираб, юраги орқага тортиб кетса ҳам, электр устунга чиқиб, мактабга чорлайдиган реклама баннерларини илишгача ўзи бажарарди. Сув тизими ишламай қолгудек бўлса ҳам, отам қудуққа тушиб, уни созлашга киришиб кетарди. Ҳар сафар отам қудуққа тушганида менга у энди ҳеч қачон ортга қайтмайдигандек туюлиб, йиғлашни бошлардим. Маошлар ва ижара ҳақи тўланганидан сўнг бизда яшаш харажатлари учун жуда кам пул қолар, шу сабабдан сут билан ичиладиган қора чой олишга қурбимиз етмай, фақат кўк чой ичардик. Энг муҳими, мактаб энди зарарга ишламаётганди, бундан руҳланган отам иккинчи мактабни очишни режалаштира бошлади, унинг номи ҳам аллақачон тахт бўлиб улгурганди – «Малала академияси».

Болалигимда мактаб менга ўйин майдончаси бўлиб хизмат қилди. Отамнинг айтишича, эндигина эмаклай бошлашим билан дарсларга кириб, ўзимни ўқитувчидек тутиб, бола тилида ўқувчиларга қараб ўдағайлар эканман. Улфат хоним сингари баъзи аёл ўқитувчилар мени арзанда қилиб, тиззаларига ўтирғизишар ёки бир муддат ўзлари билан бирга уйларига олиб кетишар экан.

Уч-тўрт ёшимда тез-тез катта болаларга дарс ўтилаётган хонага кириб ўтириб, ҳайратдан оғзимни очиб, ўқитувчининг тушунтиришларини тинглай туриб, беихтиёр унинг юз ифодаларини такрорлар эканман. Хуллас, мактабда туғилиб ўсганман деб бемалол айта оламан.

Отам дўстона муносабатлар ва бизнес шериклигини уйғунлаштира олиш жуда ва жуда мушкул иш эканлигини тушуниб етди. Биргаликда бизнес юритиш Намдек дўстидан ажралиб қолишига сабаб бўлди. Отамнинг иккинчи шериги Ҳидоятulloҳ ҳам охир-оқибат ўз мактабини очишини айтиб, мактабни тарк этди. Улар ўқувчиларини иккига бўладиган ва навбати билан 4 йилдан, жами 8 йил таълим берадиган бўлишди, аммо ўқувчиларига бу ҳақида лом-мим дейишмади. Чунки ўша пайтда улар одамлар онгида мактаб кенгаймоқда ва шу сабаб битта бино етмай қолиб, иккинчи бинони ҳам ижарага олишяпти, деган фикрнинг шаклланишини хоҳлашганди. Бу вақтга келиб отам Ҳидоятulloҳ билан гаплашмай қўйган бўлса ҳам, у мени жуда соғинар ва кўргани тез-тез келиб турарди.

2001 йил сентябрь ойида Нью-Йоркдаги иккита осмонўпар бино хужумга учрагани тўғрисида хабар келганда Ҳидаятуллоҳ бизнинг уйда меҳмон бўлаётган эди. Тез орада уйимизни одам босиб кетди. Ўшанда тўрт ёшли тирмизак бўлганим учун, табиийки, ҳеч нарсани тушунмасдим. Бу вақтда Америка нимаю Нью-Йорк нима, мен учун барибир эди. Менинг дунём мактаб деворлари билан чекланганди. Ҳатто катталар ҳам самолётнинг бинога қандай урилганини тасаввурларига сиғдира олишмади – Сват водийсидаги энг баланд бинолар бўлган меҳмонхона ва шифохонанинг баландлиги уч қаватдан ошмаган. Ўшанда ҳеч биримиз 11 сентябрь куни ҳаммаси ўзгарганини ва бу ўзгаришлар натижасида водийимизга уруш кириб келишини англаб етмагандик.

4-боб

ҚИШЛОҚ

Пуштунларнинг одатига кўра, бола туғилганидан етти кун ўтиб «вома» номли маросим ўтказилади (бу сўз пуштун тилида «етти» маъносини англатади). Маросимда қариндошлар, дўст-ёронлар, қўшнилар тўпланишиб, янги туғилган чақалоққа энг яхши тилакларни билдиришади. Мен туғилганимда бу маросим ўтказилмай қолиб кетган, чунки ота-онамнинг маросимни ўтказиш учун зарур бўлган эчки ва гуручни сотиб олишга маблағлари бўлмаган. Қиз бола бўлганлигим сабабли бобом ҳам отамга ёрдам беришдан бош тортган. Укаларим туғилгач бобом пул жўнатганида отамнинг набираларини жинсига қараб ажратган бобомдан жаҳли чиқиб, бу пулни қайтариб юборган. Отамнинг отаси туғилишимдан унчалик хурсанд бўлмаган бўлса-да, у мен тирик ҳолда кўрган ягона бобом эди – онамнинг отаси мен туғилганимдан анча олдин боқий дунёга риҳлат қилганди. Бобом билан эса аста-секин дўстлашиб олганмиз. Ота-онам менинг ҳар иккала бобомдан ҳам баъзи фазилатларни мерос қилиб олганимни айтишарди. Онамнинг отасидан менга донишмандлик ва юмор ҳисси ўтган бўлса, отамнинг отаси шу ерда ҳам зикналик қилиб, фақатгина баланд овозни раво кўрганди. Йиллар ўтгани сари бобомнинг соч-соқоли оқариб борди ва анча мулойим инсонга айланиб қолди. Болалигимда қишлоққа боришни жуда хуш кўрардим.

Бобом мени кўриши билан қувончдан қўшиқ куйлашга тушиб кетар, «қайғуга ботган» деган маънога эга

исмимнинг маъюслигидан ташвишланиб, исмимга бироз кувонч «қарз» беришга уринарди:

*«Малала Майванд вала да
Па толь жеҳан кед а хушала да».
(Майвандлик Малала,
Дунёдаги энг бахтли инсон.)*

Биз ҳар ҳайит байрамида эгнимизга энг яхши либосларимизни кийиб, кузовлари занглаб кетган, моторининг товуши оламни бузадиган микроавтобусга ўтириб, Шимолга – отамнинг киндик қони тўкилган қишлоққа йўл олардик. Ҳайит санаси радиода эълон қилингандан сўнг дарҳол саёҳатга тайёрланар, кетишимиздан бир кун олдин тунда ҳаяжонланганимиздан кўзимизга уйқу келмасди.

Йўлни ёмғир ва кўчкилар аянчли ҳолатга олиб келгани учун саёҳат одатда беш соат давом этар, микроавтобус тонг саҳарда йўлга отланарди. Қариндошларимиз учун совғалар – каштадан тикилган рўмоллар, ширинликлар, писта, қишлоқда топиб бўлмайдиган дори-дармонларга тўла сумкаларни судраб, эрта тонгда автовокзал томон йўл олардик. Баъзи йўловчилар ўзлари билан қопда ун ва шакар орқалаб олишарди. Одатда юклар автобус томига арқон билан маҳкамланарди. Юк ортилганидан сўнг дераза томондаги жойни эгаллаш учун апил-тапил автобусга ўзимизни урардик. Тўғри, деразалар жуда ифрослигидан атрофни кузатиб кетишга имкон бўлмасди, лекин бу ҳеч нима кўринмайди дегани эмасди. Сват автобусларининг ён томонларига ёрқин пушти ва сариқ рангли гуллар, тўқ-сарик йўлбарслар ва қорли тоғлар манзаралари чизилган бўларди. Гарчи отам сиёсатчилар атом бомбасини яратишга сарфлайдиган маблағни мактаб қуришга сарфлаганларида кўп-

роқ нарсага эришишимиз мумкинлигини бот-бот так-
рорласалар ҳам, биз F-16 қирувчи самолётлари ва атом
ракеталари тасвири туширилган микроавтобусларга
чиқишга ишқибоз эдик.

Одамлар билан гавжум бозорни, оппоқ тишларини
кўрсатиб, жилмайиб турган аёлнинг тасвири туши-
рилган тиш дўхтирининг реклама баннерини, ойнаси-
дан тиллаларнинг жилоланиши яққол кўриниб турган
заргарлик дўконини, йўл четида сотиладиган жўжалар
солинган катта-катта қафасларни ортда қолдириб, йў-
лимизда давом этавердик. Гавжум ва кенг кўчалардан
ўтганимиздан сўнг, Мингоранинг шимолий қисмида-
ги тўкилай-тўкилай деб турган пахсали уйлар бизни
кутиб олди. Ва ниҳоят, қишлоққа элтадиган сўнгги
манзил – вали томонидан қуриб, халққа анча енгил-
лик туҳфа этган трассага етиб келдик. Трассанинг чап
тарафида Сват дарёсининг зилол сувлари шилдираб
оқса, ўнг тарафида мамлакат иқтисодиётида ўзига хос
улушга эга бўлган зумрад конлари жойлашган эди. Дарё
бўйида чет эллик сайёҳлар учун мўлжалланган ойнали
ресторанлар жойлашган бўлиб, бизга ўхшаган оддий
халқ вакиллари у ерда овқатланишни ҳатто тушимизда
ҳам кўрмасдик. Баъзан орқасига оғир қоп орқалаб олган-
нидан бели букчайиб, юришга қийналаётган болаларга,
баъзан эса чўпоннинг гапига қулоқ солмай, ҳар томонга
тарқалиб кетган эчкилар подасига кўзимиз тушарди.

Автобус шаҳардан узоқлашиши билан манзара туб-
дан ўзгарди. Энди кўз ўнгимизда ўрик, хурмо, беҳи
дарахтлари, шунингдек, сув билан бўктирилган шоли
далалари намоён бўларди. Дарёнинг ёнида жойлашган
тош йўллардан ўтаётганимизда, сув кимёвий моддалар
таъсирида оқариб кетганини кўрган отамнинг қошла-
ри чимирилди, «Жиноятчилар водийимизнинг гўзал
табиатини ўз қўллари билан ўлдиришмоқда!» деб бақи-

риб юборди. Йўл дарё бўйидан чапга бурилиб, ўрмонли тепаликлар томон кўтарилган сайин қулоқларимиз бита бошлади. Йўл давомида биринчи вали томонидан қурилган қалъа харобалари сақланиб қолганлигига гувоҳ бўлдик. Автобус қулоқни қоматга келтирадиган товуши билан секин олдинга илдамлар, тик жарликка кўтарилганимиз сари ҳайдовчининг оғзидан шу пайтгача эшитмаган сўкинишларни ўзимиз учун кашф қилиб борардик. Ака-укаларим бу ҳолатдан жуда завқланиб, мени масхара қилар, жарликдан қулаб тушган машиналар ва автобусларнинг қолдиқларини менга кўрсатиб, қиқир-қиқир кулишарди.

Ниҳоят, бизга Ернинг тугашию осмоннинг бошланишидек бўлиб туюлган Шангла довонига етиб келдик. Биз мактабдалигимизда биз учун етиб бўлмасдек туюлган довон энди кўз олдимизда виқор билан гавдаланарди. Автобус бу ерда бироз тин олди ва йўловчилар чой ичиш ва нафас ростлаб олиш мақсадида автобусдан тушишди. Тоғнинг тепасида, қарағай ва садр ҳидига тўйинган тоза ҳаводан нафас олиш нақадар мароқли! Шундоққина ёнгинангда қайнаб чиқаётган булоқ ва бироз пастроқдан кўриниб турган шаршарани кўриб кўзинг қувнайди. Шангла, ўз номи билан тоғларнинг тоғи, Ернинг тугаб, осмоннинг бошланиши. Довонни ошиб ўтгандан кейин йўл пастга тушиб бориб, Ғурбан дарёси бўйлаб чўзилиб, аста-секин торайиб, тошли йўлга айланади. Дарёдан ўтиш учун биргина йўл мавжуд эди, бу ҳам бўлса, бир неча йиллардан бери фойдаланиб келинаётган осма кўприк. Чет элликлар буни ажал кўприги деб атаса ҳам, биз учун бу кўприк жуда қадрли эди.

Агар харитадан Сват водийсига кўз ташласангиз, четида бир нечта дарахтлар бир текисда экилган магистраль кичик водийга туташганини кўрасиз. Биз бу водийларни дара деб атаймиз. Бизнинг қишлоқ Шарқда, Кана

дарасида жойлашган бўлиб, ҳар томондан тоғлар билан ўралган. Қишлоғимизда уйлар кичкина ва зич жойлашганидан, крикет ўйнаш учун ҳам жой топа олмай қоламиз. Биз қишлоғимизни Шопур деб атаймиз. Умуман, водийда учта катта қишлоқ бор: энг каттаси Шопур, отам туғилиб ўсган Баркана, онам яшаган Каршат. Қишлоғимизни тўрт тарафидаги пурвиқор тоғларнинг номлари қуйидагича: Тортоғ, Қоратоғ, Бурматоғ, Оқтоғ.

Биз одатда отам туғилиб ўсган, бобомнинг уйи жойлашган Барканада яшаганмиз. Бобомнинг уйи атрофидаги кўпгина уйлардан фарқ қилмасди – текис том, лой билан сувалган тош деворлар... Шундай бўлса-да, бетондан қурилган, ҳаммомли уйлари бўлган онамнинг қариндошлари яшайдиган Қаршатда яшаш менга афзалроқ эди. Бундан ташқари, бу ерда мен билан ўйнайдиган болалар ҳар доим топиларди. Онам ва мен биринчи қаватдаги аёллар хонасида жойлашган эдик. Аёллар кун бўйи эрлари ва болалари учун овқатлар тайёрлаб, иккинчи қаватдаги хужрада ялпайиб ётадиган эркакларга хизмат кўрсатишарди. Аниса ва Сумбул исмли бўлаларим билан биргаликда бир хонада ухлардим. Деворда масжид шаклидаги соат, шунингдек, бобомдан қолган милтиқ осиб қолган турарди.

Қишлоқда аёллар тонг саҳардан, хўроз қичқириғига қараб уйғонишади ва дарҳол нонушта тайёрлашга киришиб кетишади. Уйқуни жон-дилидан суюдиган менга ўхшаган қизлар ҳам идишларнинг тақир-туқуридан уйғониб кетишга мажбур бўлишади. Қуёш Тортоғнинг чўққиларидан мўралай бошлаганда, бомдод намози ўқиладиган бўлади. Намоз вақти тугаб, атрофга назар солсангиз, чап томонда кўтариладиган Қуёш нурлари натижасида Бурматоғ ёнбағирлари гўзалликка бурканади, тоғлар орасидан қоқ пешонасига Жумар Тика – олтин тож тақиб олган Қуёш мўралаб туради. Бу ўлкага

ёмғир тез-тез меҳмонга келиб туради, меҳмондорчилик ўз ниҳоясига етганидан сўнг, атроф янада кўркамлашиб, ажиб бир гўзаллик ҳосил қилади. Булутлар тепаликларнинг юқорисида ястаниб ётган майсаларда бироз ҳордиқ чиқариб, навбатдаги меҳмондорчилик сари йўл олади. Бу ерда каштан ўстириладиган томорқаларни учратиш одатий ҳолга айланган. Асалари уяси ҳам анча сероб. Мен асални жуда яхши кўрганим сабаб, уни каштанга қўшиб еганларимни эсласам ҳозир ҳам энтикиб кетаман. Пастда, Каршат дарёсининг бўйида одамлар мол-ҳолини суғоради. У ерда, шунингдек, сув тегирмони жойлашган бўлиб, унинг тошлари тинимсиз буғдой ва маккажўхорини майдалаб, ун тайёрлаб беради, бу ерда ишлайдиган ёш йигитлар эса тайёр унни қопларга жойлайди. Тегирмондан сал олдинга юрилса, шийпон тагида бир-бирига чирмашиб кетган симлардан иборат трансформатор жойлашган. Ҳукумат қишлоғимизни электр энергияси билан таъминламагани туфайли, аҳолимиз нолиб ўтирмай, ўзи учун шароит яратган ва ўзига яраша гидро электростанция бунёд этган.

Кун ёришиб, Қуёш баландга кўтарилгач, Оқтоғнинг каттагина қисми сахий Қуёшнинг нурларидан баҳраманд бўла бошлайди. Намозшом вақтида Оқ тоғга соя тушади ва Қуёш энг сўнгги нурлари Қоратоғнинг чўққилари томон йўл олади. Қуёшнинг жойлашувига қараб, одамлар ибодат вақтини белгилаб олишади. Оқтоғ бизга ҳар томондан кўриниб туради, буни юртимиз тинчлиги ва фаровонлигининг рамзи, водиймиз устида ҳилпираб турган оқ байроқ деб таърифлаймиз. Ёшлигида бутун дунёни водийдан иборат деб ҳисоблаган отам тоғнинг нариги тарафида ҳам ҳаёт борлигини тасаввурига ҳам сиғдира олмаган.

Мен шаҳарда туғилган бўлсам-да, табиатга бўлган муҳаббат ҳеч қачон мени тарк этмаган. Она тупроқни,

ердаги ҳар бир майсани, ўтлоқларни, далада ўтлаб юрган сигирларни ва атрофдан гўзаллик излаб юрган капалакларни ўз яқинимдек кўраман. Қишлоқ аҳли жуда камбағал бўлса ҳам, бизнинг ташрифимиз ҳаммага хуш ёқиб, катта тантаналарга сабаб бўлади. Аёллар товук, мол гўшти, гуруч ва сабзавотларни катта қозонга ташлаб, тансиқ таомлар билан сийлашади. Албатта, байрам олмали пирогсиз ва водийнинг ташриф қоғози – сутли чойсиз ўтмайди. Ҳеч қайси болада ўйинчоқ ёки китоб мавжуд эмас. Болалар одатда ёпишқоқ лента билан маҳкамланган полиэтилен пакетлардан ясалган тўп билан крикет ўйнашади.

Қишлоғимизни унутилган гўша десак ҳам бўлаверади. Бунга сабаблар ҳам бисёр: сув ташиб келтирилади, фақатгина эркаклари конларда ишлаш учун Жанубга кетган ёки Форс кўрфази мамлакатларидан бирида ишлаётган оилаларнинг уйигина бетондан қурилади. Ер юзидаги 40 миллион пуштундан 10 миллион нафари чет элларда истиқомат қилади. Албатта, уларнинг ўзлари буни хоҳлашмаса ҳам, оилаларини боқиш учун чет элларда сарсон-саргардон яшашга мажбур бўлишади. Аксарият фарзандлар учун оталарини бир йилда бир маротаба кўриш катта бахт. Лекин оталар бир йилда бир келиб кетса ҳам, анча-мунча ишга улгуриб қолишади – орадан тўққиз ой ўтганидан сўнг оилага янги меҳмон ташриф буюради.

Тепаликларнинг қия жойларида бобомнинг уйига ўхшаган пахса уйлар қурилган бўлиб, бу уйларни кўпинча сел оқизиб кетади, уларда яшайдиган болаларнинг совуқ еб, ўлиб қолиши тез-тез кузатилади. Бутун бошли тумандаги ягона шифохона Шопурда жойлашган бўлиб, агар бошқа қишлоқлардан бирор ким касал бўлиб қолса, қариндошлари беморни ёғоч замбилга солиб, касалхонага элтишади. Биз бу замбилни ҳазиллашиб «Шангла

тез ёрдам машинаси» деб атаймиз. Мабодо, беморнинг пешонаси шўр бўлиб, жиддийроқ касалликка йўлиққан бўлса, шалоғи чиқиб кетган автобусда Мингорога қараб йўл олади. Бемор йўл-йўлакай бел оғриқ орттириб олиши ҳеч гап эмас.

Сиёсатчилар бу ерда фақатгина сайловолди ташвиқот пайтида қорасини кўрсатишади, тез орада йўллар, касалхоналар ва мактаблар қуришларини, электр энергияси ва сув таъминотини ташкиллаштиришларини айтиб, қоп-қоп ваъдалар бериб, маҳаллий аҳолининг қулоқларига лағмон осиб кетишади. Улар бу билан чекланмай, қишлоқнинг саводли одамларига пул тутқизиб, қолган одамларни ҳам ўзига овоз беришга даъват қилишларини сўрайдилар. Албатта, сайлаш ҳуқуқи фақат эркакларга тааллуқли, аёлларнинг сайловда қатнашиши мумкин эмас. Сайловлардан сўнг сиёсатчилар Олий кенгаш ёки вилоят кенгашига сайланганларига қараб Исломободда ёки Пешоварда ўрнашиб олиб, кейинги сайловгача думларини тутқазिशмайди. Шу билан уларнинг ваъдалари ҳам ўз-ўзидан унутилиб кетади.

Шаҳарда туғилиб ўсганим учун менинг одатларим бўлаларимга ғалати туюлади. Яланг оёқда юришни ёқтирмайман, аммо китоб ўқиш жону дилим. Мен уларнинг шевасида эмас, шаҳар шевасида гаплашаман, нутқимга улар тушунмайдиган, Мингорода ишлатиладиган шевага хос сўзларни кўп қўллайман. Менинг кийимларимнинг ҳаммаси дўкондан сотиб олинган бўлса, уларники қўлда тикилган. Қариндошларим мендан товуқ гўштига тобим қалайлигини сўрашганида, «Товуқда нима айб? Товуқларни ўлдирмаслигимиз керак!» деб жавоб бераман. Улар шаҳарда туғилиб ўсганим учун мени замонавий деб ўйлашади. Исломобод ёки Пешоварда яшайдиганлар билан ўртамизда Ер билан осмонча фарқ борлигини тасаввурларига ҳам сиғдира олишмайди.

Баъзан болалар билан биргаликда тоққа чиқсак, баъзан таниш сўқмоқлар бўйлаб дарё соҳилига борамиз. Кунлар исиши натижасида қорлар эриганда дарё сувга тўлиб-тошади ва йигитлар ўз қўллари билан ясаган қармоқларининг игнасига чувалчангни хўрак сифатида жойлаштириб, кўз-ўнгимизда балиқ овлашади. Баъзи йигитлар тинимсиз ҳуштак чалиб, балиқнинг диққатини тортишга ҳаракат қилади. Бу балиқлар мазасиз, қилтиғи кўп бўлса ҳам, балиқ ови жараёнида олинадиган завқ йигитларни балиқ овлашга чоғлантиради. Қизлар эса уйларида гуруч, шарбат ва бошқа ноз-неъматлар олиб келиб, табиат қўйнида ўтиришни хуш кўришади. Бизнинг севимли ўйинимиз – тўй. Бу ўйиннинг шартлари қўйдагилардан иборат: икки гуруҳга бўлинамиз, ҳар бир гуруҳ алоҳида оила ҳисобланади. Сўнгра, куёв томон келин томонни кига «совчиликка боради». Қиз тараф розилик берганидан сўнг, тўй-томоша бошланиб кетади. Мен қишлоқ қизларига қараганда замонавий эканлигим, шунингдек, шаҳарда яшаганим учун ҳамма мени ўз гуруҳига қўшилишимни истади. Орамиздаги энг чиройли қизнинг исми Танзила бўлиб, биз уни бошқа оилага бериб турардик ва уни ўзимизнинг оилага келин қилиб олиб келардик.

«Сохта» тўйимизнинг энг қувончли воқеаларидан бири – заргарлик буюмларимизни кўз-кўз қилиш ҳисобланади. Келинни безатиш учун ҳамма уйдан яширинча билагузуклар, занжирлар, узук ва сирғалар олиб чиқади, Болливуд киноларидаги қўшиқларни билганимизча айтиб, дунё ташвишларини унутиб, рақсга тушамиз. Навбат келиннинг юзини макияж қилишга келганида, оналаримиз ишлатадиган упани келиннинг юзига сурамиз. Иссиқ оҳактош ва сода билан ишқалаб, оқартирилган қўлларга турли хил рангдаги хиналар қўйиб чиқамиз. Ҳаммаси тайёр бўлганидан сўнг, келинимиз ёлғондан

йиғлай бошлайди ва кайвонимиз келиннинг елкасига қоқиб, унга тасалли беради: «Қизим, никоҳ ҳаётимизнинг бир қисми. Қайнона-қайнотангдан яхши муомала олиш учун ҳормай-толмай уларнинг хизматида бўл. Эрингнинг айтганидан чиқма. Шунда бахтли бўласан».

Қишлоғимизда бўлиб ўтадиган ҳақиқий тўйлар ҳақида-ку, гапирмасак ҳам бўлади. Энг ками 4-5 кун давом этадиган тўй базмлари сабабли тўй эгалари бўйнигача қарзга ботиб кетишади. «Қишлоқдаги ҳамма камбағал бўлса, урф-одатларни бажараман деб, хонавайрон бўлишинг шартми?» дейдиган одам йўқ. Келин жимжимадор кийимларда, тилла маржон ва билагузукларга кўмилиб саҳнага чиқмаса, ҳисоб эмас. Албатта, бу тиллалар ўз ўзидан келмайди, тўй эгалари бутун умр емай-ичмай йиғиб келган пуллари бир кунлик ҳашамат учун сарфлаб юборилади. 1980 – 1990 ва 1993 – 1996 йилларда Покистон бош вазири бўлган Беназир Бхутто исрофгарчиликка ҳожат йўқлигини одамларга кўрсатиб бериш учун шиша билагузук тақиб, ўз тўйини ўтказган. Аммо халқимиз келинни тиллага кўмиш анъанасини ҳали-бери йўқотмаса керак.

Баъзида кўнгилсиз воқеалар ҳам бўлиб туради. Конда ишлаш чоғида бахтсиз ҳодисага дучор бўлиб, бевақт дунёдан кўз юмган қишлоқдошларимизнинг жасадлари темир тобутда олиб келинади. Бир нечта аёллар марҳумнинг хотини ёки онасининг уйида йиғилиб, уввос солиб йиғлаши натижасида йиғи овози бутун водий бўйлаб акс-садо беради. Бундай овозларни эшитганимда эгим жунжикиб кетади...

Қишлоққа тун бостириб кирганидан сўнг, атрофни зулмат қоплайди, фақатгина уйларнинг деразаларидан мойчироқларнинг хира шуъласи кўриниб туради. Вояга етган қариндошларимдан биронтаси ҳам ўқиш ва ёзиш илмидан беҳабар бўлишса-да, кўплаб қизиқарли ҳикоя-

ларни билар, биз «тапа» деб атайдиган шеърий дostonларни ёддан айтиб бера оларди. Бувим ҳам бир қанча дostonларни ёддан билиши билан ажралиб турарди. Дostonларнинг аксарияти ўтли муҳаббат ва ватанга садоқат мавзусига бағишланганди. Бувим: «Ҳеч бир пуштун ўз хоҳиш-иродаси сабаб юртини тарк этмайди. Фақат севги ёки қашшоқлик уни ҳаракатга келтириши мумкин», деб таъкидларди доим. Амма-холаларим айтиб берган арвоҳу инс-жинслар ҳақидаги ҳикоялар гоҳида бир неча тунни ухламасдан ўтказишимга сабаб бўларди. Кўплаб даҳшатли ҳикояларнинг қаҳрамони бўлган йигирмата бармоқли Шалгватайнинг ярим кечаси уйларга яширинча кириб, ухлаб ётган болаларни еб кетиши ҳақидаги кўрқинчли ҳикоялар тунда ҳеч кўз олдимиздан кетмасди. Ўша пайтда даҳшатдан дағ-дағ титраган бўлсак, кейинчалик ҳар бир одамда 20 та бармоқ бўлишини билиб, ҳеч қанақа Шалгватай йўқ эканлигига амин бўлдик. Катталар бизни ювинтириш учун Шашака исмли махлуқ аёл тўғрисидаги ҳикояни айтиб беришган, биз болалар чўмилгимиз келмаганида ҳам, Шашакани кўз олдимизга келтириб, дарров ҳаммомга чопардик. Шашака ҳақидаги ривоятга кўра, у иркит болаларнинг ёнига келиб, қўлларини боғлаб, танасига ҳар хил ҳашаротларни қўйиб юборади, сочларини эса каламушнинг думига айлантиради. Унинг қўлидан одам ўлдириш ҳам келади. Қиш ойларида болалар ота-онасининг хоҳиш истагига қарши бориб, қорда ўйнаш учун кўчага чиқмоқчи бўлганларида, қор пайтида оч қолиб кўчада ўйнаб юрган болаларни еб кетиши мумкинлиги тўғрисидаги ҳикоялар ишлатилади.

Улғайганим сари қишлоқ ҳаётидан зерика бошладим. Бутун бошли қишлоқда умуман компьютер йўқ, қишлоқнинг аксарият одамлари компьютер нима эканлигини ҳам билмайди...

Қишлоқдаги барча аёллар паранжи ёпиниб олишадди, яқин қариндоши бўлмаган эркакка юзини кўрсатиш нари турсин, гапириш ҳам катта гуноҳ саналади. Мен уларга нисбатан анча замонавий кийинаман. Мана ўсмир ёшига етибманки, ҳали ҳам юзимни паранжи билан тўсмаганман. Эркак қариндошларимнинг бундан жаҳли чиқиб, отамга: «Нега бу қизингиз ўранмайди?» деб сўраганида, отам жуда ажойиб тарзда жавоб берган:

– Бу менинг қизим. Ишларинг бўлмасин. Ўз ишингиз билан шуғулланинг. Оилавий масалаларимга бурнингизни суқманг!

Аммо қишлоқнинг аксарият аҳолиси отам ва мени ғийбат қилиб, пуштунларнинг шараф қонунига амал қилмаётганликда айблашади.

Пуштун бўлганимдан фахрлансам-да, миллатимизнинг одоб-ахлоқ қоидаларида жуда кўп кераксиз қоидалар мавжуд, деб ҳисоблайман. Аёллар амал қилиши керак бўлган қонун-қоидалар эса шунчаки даҳшатнинг ўзгинаси. Қўшнимиз Шоҳида опанинг айтиб беришича, отаси уни ўн ёшлигида қариб қуюлмаган, хотини бўлса ҳам, ёшроғини қўнгли тусаб қолган чолга сотиб юборди. Қизлар ҳар доим ҳам тўй-томоша билан ота уйлари-ни тарк этишмайди.

Қишлоғимизда 15 ёшли жуда гўзал Сима исмли қиз яшарди. Бутун қишлоқ унинг бир йигит билан севишганини яхши биларди. Нигоҳлар тўқнаш келганида меҳр билан бир-бирига тикилишганини кўрган бошқа қизлар ҳасад ўтида ёнарди. Бизнинг одатларга кўра, қиз бола бировни севиб қолса, оиласини иснодга қўйган бўлади. Эркаклага эса ҳамма нарса мумкин. Орадан бироз вақт ўтиб Сима ўзини осгани ҳақидаги хабар бутун қишлоққа тарқалди, аммо кейинчалик қиз оила аъзолари томонидан захарлаб ўлдирилгани ойдинлашди.

Пуштунлардаги «Свара» деб номланган одатга кўра, ўзаро келиша олмай қолган қабилалар куда-анда бўлиш орқали бир иттифоққа келишади. Ҳозирда бу одат қонунан тақиқланган бўлса ҳам, амалда давом этмоқда. Масалан, қишлоқда Сорая исмли бева аёл яшаб, ўз оиласига зид бўлган қабилага мансуб эркакка турмушга чиққан. Одатларимизга кўра, ҳеч ким оиласи билан маслаҳатлашмасдан туриб, бева билан турмуш қура олмайди. Унинг турмуш қурганини эшитган қариндошлари ғазаб отига минди ва ушбу муаммоли вазиятни ҳал қилишда кўмаклашиш учун «жирға» оқсоқоллар кенгашини чақирди. Қиз тараф ўз қизларини куёвнинг ота-онаси билан маслаҳатлашмасдан бериб юборгани учун, айбдор деб топилди ва жаримага тортилди. Куёв ва келин ажралишди. Солинган жаримани қизнинг отаси бир амаллаб тўлади. Нега шу ерда ҳам аёллар ҳуқуқи поймол қилинди экан-а?

Бу воқеалардан таъсирланиб, отамга дарди-ҳол қилганимда, отам менга Афғонистондаги аёлларнинг аҳволи янада аянчли эканлигини айтиб берди. Мен туғилишимдан бир йил олдин бу мамлакатда бир кўзли мулла бошчилигидаги Толибон номли ҳаракат ҳокимиятни қўлга киритган ва барча аёллар мактабларини ёқиб юборган. Толибонлар эркаклар учун соқол ўстиришни, аёллар учун эса паранжи ёпиниб юришни мажбурий қилиб қўйди. Паранжидаги кўриш учун мўлжалланган тор тирқиш билан юриш ҳақиқий азобдир, айниқса, жазирма кунларда паранжида юрган аёл ўзини қизиб турган ҳаммом ичидагидек ҳис қилади. Шахсан мен, ҳеч қачон паранжи киймасликка қарор қилганман. Шунингдек, толиблар аёлларнинг баланд овозда кулишини ва оқ ранг «фақат эркакларга тегишли ранг эканлиги учун» туфли кийишини тақиқлади. Тирноғига лак қўйган аёллар калтаклана бошланди.

«Анна Каренина»га ўхшаган китоблар, шунингдек Жейн Остин романларини ўқиб, отамнинг: «Малала Қушдай эркин бўл!» деган сўзларини эслаб таскин топардим.

Афғонистондаги вазият билан танишгач ўзимни «жаннат»да яшаётгандек ҳис қила бошладим. Ҳар ҳолда, бизда қизларнинг мактабга бориши маъқул кўрилмаса ҳам, таъқиб ҳам қилинмасди. Мен учун туғилиб ўсган жаннатмакон Сват водийси дунёдаги энг қуёшли жой бўлиб қолди ва тоғлар ортида тўпланиб турган қора булутларни эса, афсуски, илғамасдим. Мени отамнинг қуйидаги сўзлари тинчлантирарди: «Хаёлингни бўлмасдан, орзуларинг уммонида сайр қилавер. Мен сени доимо ҳимоя қиламан».

НЕГА МЕН СИРҒА ТАҚМАЙМАН ВА ПУШТУНЛАР «РАҲМАТ» СЎЗИДАН ФОЙДАЛАНИШМАЙДИ?

Етти ёшимда мактабга борган бўлсам, ўшандан бери синф «юлдузи» бўлиб келганман. Тенгдошларимдан ўзиб кетганим сабаб, ўзлаштиришда қийналаётган ўқувчиларга ёрдам қўлини чўзардим. «Малала – даҳо қиз!» дер эди синфдошларим. Бундан ташқари, ҳеч қайси тадбир ёки мусобақа менсиз ўтмасди – бадминтон, драма, крикет, рассомчилик, кўшиқ куйлаш...

Малка-и-Нур исмли янги қиз синфимизга келиб қўшилганида аввалига унчалик аҳамият бермадим. У билан биринчи суҳбатлашганимда берган саволим ҳали ҳам ёдимда:

- Катта бўлсанг, ким бўлишни хоҳлайсан?
- Покистондаги биринчи аёл ҳарбий раҳбар.

Унинг онаси бошқа мактабда ўқитувчи бўлиб ишлар, синфдаги қолган болаларнинг оналари эса ҳеч қаерда ишламасди. Малка-и-Нур мактабда иложи борича кўзга ташланмасликка ҳаракат қилар, кам гапирар, мен эса ҳали ҳам энг яқин дўстим ҳисобланган Монибани асосий рақибим деб билардим. Мониба чиройли хуснихати билан бутун мактабда ном қозонган, дафтар-китобларнинг чиннидек ярақлаб туриши ўқитувчиларни ҳам баҳридилини очиб юборарди. Бироқ билим ва ёзилган матнларнинг мазмуни бўйича мен ундан анча устунроқ эдим. Йиллик имтиҳонлардан сўнг, Малка-и-Нурдан кейинги иккинчи ўринни олганимни эшитганимда дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Уйга қайтгач, уввос солиб

йиғладим. Ҳеч нарса егим, ҳеч нарса дегим келмасди. Онам мени ҳар қанча юпатишга ҳаракат қилмасин, удалай олмади.

Орадан бироз вақт ўтиб, бошқа уйга кўчиб ўтдик. Илгариги уйимизга Монибаларнинг уйи яқин, аммо янги кўчамизда бирорта ҳам ўртоғим йўқ эди. Тез орада кўшни уйда яшовчи Сафина исмли қиз билан танишдим. У мендан сал ёшроқ бўлиб, тез орада ажралмас дугонага айландик. Сафина ота-онасининг эркатойи бўлгани сабабли, ўйинчоқлари жуда ҳам кўп бўлиб, уларнинг ҳаммасини катта сандиқда сақларди. Аммо шунча ўйинчоғи туриб, отам совға қилган пушти уяли алоқа телефонига кўз тиккани менга ғалати туюларди. Мен ҳам унинг кўзини куйдириб, отамга тақлидан ўйинчоқ телефонда узоқ вақт суҳбатлашар, худди ўзимни муҳим масалани ҳал қилаётгандек кўрсатардим. Аммо бир куни ўйинчоқ тўсатдан ғойиб бўлиб қолди. Орадан бир кун ўтиб, Сафинанинг қўлида менинг телефонимга икки томчи сувдек ўхшайдиган ўйинчоқ телефон пайдо бўлди.

– Телефонни қаердан олдинг?

Уни сўроққа тута бошладим.

– Бозордан, албатта.

Унинг гапларига ўзимни ишонгандек кўрсатдим. Миямга ҳар хил фикрлар кела бошлади, ичимдан кимдир: «Малала, у сенинг буюмингни ўғирлади, сен ҳам худди шу тарзда жавоб бер!»

Мен Сафинанинг уйига биргаликда дарс қилиш учун деярли ҳар куни борардим. Энди унинг уйига борганимда ўйинчоқ сирғалари ва маржонларини чўнтагимга солиб қўядиган бўлдим. Аввалига юрагим қўрқувдан титраб, виждоним қийналиб кетарди, лекин бу туйғулар тез орада мени тарк этди. Ўғирлик мен учун одат тусига кирди. Ўзимни бу одатдан тўхтата олмай қолдим.

Бир куни мактабдан уйга қайтиб, шошиб ошхонага кирдим. Ошхонада ўтирган онамга салом бериб, қорним роса очиб кетганини айтганим жавобсиз қолди. Ерда чўккалаб олган онам негадир қопдаги зирани ошхонага сепиш билан машғул эди. Хона эса аксиртирадиган даражага келган, онам кўзда ёш билан қилаётган ишини давом эттирарди. У менга қиё ҳам боқиб қўймади. Нима қилдим экан-а? Кўнглим ғаш бўлиб, хонамга бордим. Шкафни очганимда, ҳаммаси аён бўлди. Дугонамниқидан ўғирлаб олган барча буюмлар жойида йўқ, мен эса қўлга тушгандим.

Шу тобда жияним Рина хонамга кириб келди ва менга қараб сўз қотди:

– Улар сенинг ўғирлик қилаётганингни аллақачон билишган. Фақат сен айбингни тан олиб, бу йўлдан қайтишингни кутишган.

Ичимдан бир нима узилгандек бўлди. Онамнинг ёнига бошимни эгиб бордим. Онам ҳам нимадирлар дейишга тайёргарлик кўриб турган эканми, бирданига гап бошлади:

– Бу нима қилганинг Малала? Бизнинг бундай ўйинчоқлар олиб беришга қурбимиз етмаслигидан уялдингми?

– Бўлмаган гап, мен ҳеч нима ўғирламаганман.

Онамнинг мен айтган ёлғонимга ишонишига ўзим ҳам инонмаётган бўлсам ҳам, сал ўзимни тутиб гапимда давом этдим:

– Аслида, Сафинанинг ўзи бошлаган. Дадам олиб берган пушти рангли ўйинчоқ телефонимни ўғирлаб олган. Онам ҳаракатсиз қолди.

– Ахир, Сафина сендан кичкина-ку! Сен ўз хатти-ҳаракатинг билан унга ўрнак бўлишинг керак эмасми?

«Номерим» ўтмай қолганини сезиб, отамга айтмасликларини ўтиниб-ўтиниб сўрадим. Отамнинг кўнгли-

ни қолдириш мен учун тасаввуримга ҳам сиғмайдиган ҳодиса эди.

Ўғирликдек мудҳиш гуноҳга олдин ҳам қўл урганман. Мен жуда кичик пайтимда, онамга эргашиб бозорга борганман ва кўзимга чиройли кўриниб кетган бодомни кўриб, ўзимни тўхтата олмаганман ва ҳеч кимга билдирмасдан бир ҳовучини чўнтакка уришга интилганман. Онам буни сезиб қолиб, савдогардан узр сўраган. Аммо сотувчи сўкиниб кетиб, бизни тушунишни истамаган. Онам вазиятни юмшатиш учун чўнтагига қўл солган, афсуски, 4-5 тангадан ортиқ пул чўнтак ўлгурда бўлмаган. Онам шунда ҳам умид билан савдогардан сўраган:

– Ҳаммаси учун 10 рупия етадимми?

– Эсингни егансанми? Бу жуда қиммат бодом!

Бу воқеадан қаттиқ ранжиган онам уйга келибоқ ҳамма гапни отамга айтиб берди. У зудлик билан бозорга бориб, айнан ўша савдогардан бир сумка бодом сотиб олиб, уйга олиб келганини кейинроқ билдик. «Бодом соғлик учун фойдали. Ухлашдан олдин уни сут билан кўшиб еган кишининг ақлига ақл кўшилади». Бу отамнинг гаплари эди.

Аммо мен бодом биз учун жуда қиммат эканлигини билмайдиган даражада аҳмоқ эмасдим. Отам уни ақлли бўлиб ўсишим учун ҳам сотиб олмаганди. Отам олиб келган бодом менга жиноятларимни эслатиб туриши керак эди. Ўша ондаёқ энди ҳеч қачон ўғирлик қилмайман, деб ўзимга ваъда бердим. Бироқ... ваъдамнинг устидан чиқиш насиб этмади. Онамнинг талабига биноан Сафинадан ва ота-онасидан кечирим сўраш учун уларникига ташриф буюрдик. Бу мен учун жуда оғир синов бўлди. Сафина шу ерда ҳам ноҳақлик қилди – ўғирлаган телефони ҳақида бирор оғиз гапирмади. Мен ҳам буни эслатиб паст кетгим келмади.

Барибир, узр сўраганимдан кейин ўзимни анча енгил ҳис қилдим. Ўша кундан бошлаб ҳеч қачон ёлғон гапирмасликка ва ўғирлик қилмасликка онт ичдим ва Худога шукрки, ҳали қасамимни бузганимча йўқ. Ҳаттоки, отамнинг шимини юваётганимда чўнтагидан чиқадиган танга-чақаларни ҳам қайтариб берардим. Шушу заргарлик буюмларига бўлган қизиқишим сўнди ва умуман тақишни тўхтатдим.

Ўзимга-ўзим қуйидагича савол бердим: «Менга бу аҳмоқона тақинчоқлар керакми? Мана шу оддий темир-тақалар мени васвасага солишига йўл қўяманми?» Жавобим қатъий бўлди: «Йўқ». Шунга қарамай, ўша машъум воқеаларнинг асорати ҳалигача юрагимда сақланмоқда – ҳозир ҳам айбдорлик ҳисси мени тарк этмаган, шу сабаб ҳар куни ибодатларимда гуноҳимни кечиришини сўраб Худодан ёлвораман.

Ота-онамнинг бир-бирларидан яширадиган сирлари йўқ эди, шу сабабли ҳам отам тушкунликка тушиб қолганида, фақат онамдан нажот топарди. Менинг қилмишимдан отам жуда қаттиқ ранжигани кўзларида яққол акс этарди. Мен эса унинг мактабда қўлга киритган ютуқларим учун совғалар олиб келган кунлардагидек мен билан фахрланишини чин дилдан хоҳлардим. Отам эса мендаги кўнгил ғашлигини сездими, буюк қаҳрамонлар ҳам болалигида содир қилганлиги ҳақида гапириб, мени юпатди ва Маҳатма Гандининг ушбу сўзларини иқтибос сифатида келтирди: «Эркинлик – бу ажойиб нарса, фақат хато қилиш эркинлиги бундан мустасно».

Мактабда биз Покистон асосчиси Муҳаммад Али Жиннаҳ ҳақидаги ҳикояларни севиб ўқирдик. У болалигида уйда чироқ йўқлиги сабабли Ой ёруғида ўқишга мажбур бўлган, бошқа болаларга қум ва лой ўйнаб, кийимларини кир қилишнинг ўрнига, крикет ўйнашни маслаҳат берган. Отаси ўз кабинетининг эшигига Ав-

раам Линколннинг шахсан ўзи ўғлининг ўқитувчисига ёзган (ва пуштун тилига таржима қилинган) рамкали хатни осиб қўйган. Бу хатда ажойиб маслаҳатлар ўрин олганди:

Хурматли жаноб, агар иложингиз бўлса, унга китоблар мўъжиза эканлигини тушунишни ўргатинг. Шунингдек, унга бўш вақт тақдим этиб, осмон, қушлар, асаларилар, Қуёш ва гулларнинг гўзаллигидан баҳраманд бўлиб, гўзалликдан завқланишга унданг. Энг муҳими, ўзини алдаб юргандан қўра, синаб қўриб муваффақиятсизликка учраган яхшироқ эканлигини уқтиринг».

Менимча, умрида ҳеч қачон хато қилмаган инсон бўлмаса керак. Энг муҳими, ўз хатоларингиздан тўғри хулоса чиқаришдир. Шунинг учун ҳам мен пуштунларнинг шараф қонунларига риоя қилишим жуда қийин. Унда келтирилган қоидаларга қўра, ҳеч бир иш жавобсиз қолмаслиги ва албатта, қасос олиниши зарур ва шарт. Аммо ҳамма қасос олаверса, ёмонликка ким чек қўяди?

Агар бир оиланинг аъзолари бошқа оилага тегишли бўлган одамни ўлдирса ёки ярадор қилса, бу оилалар ўртасида ҳақиқий уруш бошланади. Бу уруш икки томоннинг ҳам деярли барча эркакларининг ўлими билан якунланади. Мақолларимиз ҳам бунақа ваҳшийликларни қўллаб-қувватлайди: «Кимдир оилангни ҳақорат қилса, дарҳол қасос олишга шошил!»

Умуман олганда, биз мақолсевар халқмиз. Мақоллардан яна бири: «Пуштуннинг темири сувда ҳам зангламайди». Ушбу мақол халқимизнинг ҳеч нарсани унутмаслиги ва ҳеч нарсани кечирмаслигини англатади. Пуштунлар жуда камдан-кам ҳолларда «рахмат» сўзини ишлатади, чунки яхшиликка яхшилик билан, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтарилишини ҳамма жуда яхши билади, шундай экан, раҳматга не ҳожат? Биз-

нинг фалсафамизга кўра, хайрли иш учун доимо хайрли иш билан миннатдорчилик билдириш керак, қуруқ «рахмат»нинг ўзи кифоя қилмайди. Аксарият пуштунлар атрофни кузатиб туришга имконият берадиган «қўриқчи» болохоналари бўлган баланд деворли уйларида яшайдилар. Қанчадан-қанча одамлар арзимас келишмовчиликларни деб ўлиб кетишади. Улардан бири – бир пайтлар отам билан бир синфда ўқиган ва доимо отамдан яхшироқ баҳолар олган Шер Замон. Бобом ва амаким отамнинг ғашига тегиб, уни Шер Замондан паст эканлигини доим юзига солишган.

Шер Замондек бўла олмайсан», «Шер Замондек ақлли эмаслигингга афсуслан» – отам бу сўзларни эшита-вериб зада бўлган. Шер Замон коллежда ўқишга қурби етмаганидан, қишлоқ дорихонасида фармацевт бўлиб ишлашга мажбур бўлган. Бир куни отаси ва амакилари ўртасида кичик келишмовчилик содир бўлган ва икки акаси билан далага ишлашга кетаётганида амакиси ва ўғиллари орани очиб олиш учун йўлда кутиб туришаётган бўлган. Натижада, уч ака-ука ҳам қотиллик қурбонига айланган.

Отам жамиятнинг обрўли аъзоси сифатида оилавий низоларни ҳал қилиш ва уришаётган томонларни яраштириш учун тез-тез таклиф қилинарди. У қасос олишга зарурат йўқлигини одамларга уқтиришга ҳаракат қилар, ўзаро адоват қўзғаш ҳар икки томон учун ҳам ҳалокатли эканлигига бошқаларни ишонтиришга уринарди. Қишлоғимизда отамнинг гапларига қулоқ солмайдиган иккита оила бор эди. Улар кўп йиллар давомида адоватда бўлиб, охир-оқибат ўртадаги адоват нимадан келиб чиққанини унутиш даражасига етишди. Лекин ҳеч ким орадаги адоватни бас қилиш ҳақида ўйламасди... Натижада, ғазаб учқуни аланга олиб, бир неча одамнинг ҳаётига зомин бўлишгача борди. Расмий

статистикага кўра, айнан қасос олиш пуштунлар учун шараф эканлиги туфайли мамлакатимизда жиноятчилик даражаси бошқа, пуштун бўлмаган ҳудудларга қараганда анча юқори.

Менимча, кимдир сизнинг биродарингизни ўлдирган бўлса, сиз унинг қотилини ёки унинг ака-укасини ўлдириб, адолатни тиклай олмайсиз. Масалани қонун йўли билан ҳал қилиш ва қотилга қилган иши нотўғри эканлигини, шунингдек, бир умр виждон азобида қийналиб яшашга маҳкумлигини айтиш мақсадга мувофиқдир. Хон Абдул Ғаффор (Маҳатма Гандининг шогирди) исмли файласуфнинг китобини ўқиб, фикримда қайсидир маънода жон борлигига амин бўлганман. У зўравонликни лаънатлаган ва қоралаган, шунингдек, пуштунлар маданиятига хос бўлган шафқатсизликни енгишга ҳаракат қилган.

Ўғирликни энг ёмон жиноят деб бемалол айта олам. Баъзи одамлар менга ўхшаб сири очилиб қолганидан сўнг, ҳеч қачон бошқа ўғирлик қилмасликка онт ичишади. Айримлар эса «Нима қилибди, арзимаган нарсани ўғирладим-ку, давлат қашшоқланиб қолмайди», деганча қилган ишидан заррача афсусланмайди. Бунинг ортидан кетма-кет ўғирликлар содир бўлаверади, не-не бегуноҳ одамлар ўғирлик, талончилик қурбонига айланаверади. Майда ўғирларни қўя турайлик, мамлакатимизни ҳар томонлама кемириб ётган катта ўғирлар биз учун асосий хавф ҳисобланади. Чунки халқ пулининг ўмарилиши айнан ўша халқнинг хонавайрон бўлишига сабаб бўлади. Муттаҳам амалдорлар давлат ғазнасидан бемалол пул ишлатишади, ўртага тушиб, яқин қариндошларига кредит олиб беради ва бу кредитни ими-жимида ёпиб юборади, дўстлари ва қариндошларининг фирмаларига давлат тендерларида ютишга амалий ёрдам беради ва бунинг ортидан

ўзининг ҳам чўнтагини қаппайтиради. Аксариятининг мол-мулки чет элда бўлиб, фарзандлари чет элнинг нуфузли университетлари талабаси ҳисобланишади. Тўғриси, электр узатилишидаги узилишлар сабаб туннинг аксарият қисмини шам ёруғида ўтказаётган оилаларни кўриб, уларнинг виждонларини қандай чидай олиши ҳақида ўйласам, дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетади.

Оддий одамнинг боласи ота-онасига қарашиш учун мактабга бормаи ишлашга мажбур бўлаётган бир вақтда амалдорларнинг боласи қайси юз билан чет элдаги нуфузли университетларда айнан халқнинг пули эвазига ўқишини ҳеч қачон тушуна олмайман. Отам инсофсиз сиёсатчилар Покистон бошига келган бало эканлигини бот-бот такрорларди. Агар бутун мамлакатни самолёт билан таққосласак, сиёсатчиларнинг вазифаси кабинада ўтириб, самолётни бошқариш бўлса-да, амалда улар бу ишни қилишдан қочиб, юмшоқ «бизнес-класс» ўриндиқларига ўтиришни, яхши овқат ва ичимликларни истеъмол қилишни афзал кўришмоқда ва «эконом-класс»да учаётганлар ҳақида заррача қайғуришмаяпти.

Аmmo мен туғилган пайтда мамлакатда демократия шабадалари эсиб турганди. Ўн йил давомида Беназир Бхутто ва Навоз Шариф ҳукуматлари ўзаро ўрин алмашди, бир-бирининг гўштини еди, бир-бирини коррупцияга ботган тизим яратганликда айблашди.

Мен туғилганимдан икки йил ўтгач, ҳарбийлар яна ҳокимият тепасига ўрнашиб олган. Бунинг ортидан юзага келган воқеалар ҳақида бутун бошли сериал олса арзийди. Ўшанда бош вазир бўлган Навоз Шариф армия кўмондони, генерал Парвез Мушарраф билан жанжаллашиб қолган ва уни лавозимидан озод этган. Айнан ўша пайтда генерал Мушарраф миллий авиакомпания-мизнинг Шри-Ланкадан учиб кетаётган самолётида бамайлихотир парвоз қилиб келаётган эди. Генералнинг

ўз истеъфосига бўлган муносабатидан чўчиган Намоз Шариф самолётнинг Покистон ҳудудига тушишга йўл қўймасликка буйруқ берди. Унинг буйруғига биноан Карачи аэропортида сигнал берувчи чироқлар ўчирилди, ўт ўчириш машиналари учиш-қўниш йўлагига олиб чиқилди. Натижада, бортида генералдан ташқари, 200 йўловчи бўлган самолёт қўниш имкониятидан маҳрум бўлди. Экипажнинг бошқа мамлакатга учиб кетишга имкони ҳам йўқ эди – самолётда бунинг учун зарур ёнилғи таъминоти мавжуд эмасди. Телевизорда генерал Мушаррафнинг истеъфоси ҳақида эълон қилинганидан бир соат ўтгач, кўчаларни танклар босиб кетди ва қуролли қўшинлар газета идоралари ва аэропортларни эгаллаб олишди. Генерал Ифтихор бошчилигидаги отряд Карачи аэропортини бир неча дақиқа ичида тозалаб ташлади, натижада, Мушарраф учиб кетаётган самолёт қўнишга муваффақ бўлди. Мушарраф ҳокимиятни қўлга киритиши биланоқ дарҳол Шарифни қамоққа ташлади. Халқ орасида обрў-этибори яхши бўлмагани сабабли, халқ унинг кетганидан дўпписини осмонга отди. Аммо бу хабар отамнинг кўз ёшларига сабабчи бўлди. У энди мамлакатда ҳарбий диктатура ўрнатилишига заррача шубҳа қилмасди. Шариф давлатга хиёнат қилишда айбланди, бироқ Саудия Арабистони қироллик оиласи вакилларининг аралашуви туфайли ўлим жазосидан олиб қолинди. Ҳарбийлар собиқ бош вазирга мамлакатни тарк этишга рухсат беришди. Генерал Мушарраф Покистоннинг тўртинчи ҳарбий-диктаторига айланди. Ўзидан олдинги ҳукмронлар сингари у ҳам аввало, телевидение орқали халққа мурожаат қилди.

У собиқ бош вазирни Покистондаги ҳукмронлиги даврида «шаъни, кадр-қиммати ва ҳурматини йўқотганликда» айблади. Катта миқёсдаги коррупцияга чек қўйиб, «миллий бойликни талон-торож қилганларни»

муносиб равишда жазолашига қасамёд қилди. Шунингдек, ўзи ҳам, ҳар йили ўз мол-мулки ва солиқ декларацияларини эълон қилишини ваъда қилди. Мамлакатни жуда қисқа муддат давомида бошқариш ҳақида ваъда берган бўлса ҳам, бунга ҳеч ким ишонмади. Бу худди Генерал Зиёнинг тўққиз кунга ҳукмронлик қиламан, деб оммани ишонтириб, 11 йил давомида мамлакатни бошқарганига ўхшарди.

Мушаррафнинг нутқларини эшитган отам: «Тарих такрорланади», деган гапни қайтаришдан чарчамасди. Кейинчалик бу гаплар ўз тасдиғини топди. Мушарраф бир ҳовуч амалдорлар қўлида тўпланган ҳокимиятга барҳам беришга ва ҳукуматга янги қон қуйишга, шу жумладан, икки йил ичида ўзи билан елкама-елка ишлайдиган ёш, ҳеч нимадан қайтмайдиган ва беғубор кадрлар келишига ваъда берди. Барча ваъдалар қуруқ гап бўлгани кейинчалик аён бўлди – Мушаррафнинг атрофида ишлайдиган эски ҳамтовоқлари орадан йиллар ўтса ҳам ўзгармади. Покистоннинг халқаро майдондаги обрўси ҳам кучсизланмасдан қолмади – мамлакат Миллатлар Ҳамдўстлиги иттифоқидан чиқариб юборилди, халқаро ташкилотлар томонидан, зулм мамлакати, дея эълон қилинди. Америка мамлакатимизга берадиган ёрдамини тўхтатди, дунёдаги аксарият мамлакатлар Покистонга бойкот эълон қилишди.

Ҳурматли ўқувчим, мана нега Сват водийси аҳолиси ўз ерлари Покистон таркибига кириб қолганидан норози эканлигини тушуниб етгандирсиз?

Исломободдан Сват водийсини бошқариш учун келадиган раҳбарлар тез-тез ўзгариб туради. Инглизлар мустамлакаси даврида ҳам худди шундай бўлган. Водийга келадиган амалдорларнинг халқ билан ҳеч қанақа иши қолмаган – улар фақат соққа қилиш учун раҳбарликка келишади ва бўкиб қолганидан сўнг ўрнига бошқаси

келади. Сватдан кетаётган раҳбар ортга қуруқ қўл билан қайтмайди. Уларнинг Сват водийси манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг ривожланишига кўмаклашиш нияти борлиги ҳақида кимдир гапирса, кулгидан ўзимни тўхтата олмайман. Вали режимда танқид қилган одамнинг ёстиғи қуритилгани сабабли халқимиз жуда итоаткор бўлиб қолган ва оз-моз ҳукуматни танқид қилиб қўйсақ, «Сиёсатга аралашма», деб оғзимизга уришади. Ҳукуматга ёки мамлакат раҳбарига нисбатан ҳурматсизлик билан гапиришга йўл қўйган ҳар қандай одам бутун оиласи билан бирга Сват водийсидан (баъзида мамлакатдан ҳам) чиқиб кетишга мажбур бўлади. Пойтахтдан жўнатилган амалдорлар водийда ўзларини ҳокими мутлақ ҳисоблашади ва кўнгилларига келган ишни қилишади.

Сафина билан бўлган воқеадан кейин дўстларимни бошқа ҳеч қачон хафа қилмасликка қасам ичдим. Отам болалигимдан одамлар билан дўстлашиш ва уларга ёрдам бериш жуда муҳимлигини уқтириб келган. У коллежда ўқиб юрганида, баъзан-баъзан, ейишга ҳеч вақоси қолмай, қийналиб юрганида дўстлари жонига оро кирганини фахр билан ҳикоя қилиб берарди.

Дўстларим унча кўп эмасди, пичоққа илинадиганларининг сони атиги 3 та эди – кўшни уйда яшовчи Сафина, қишлоққа борганимда кўришадиган Сумбул ва синфдошим Мониба. Мониба билан бир кўчада яшаганимиз туфайли мактабга бирга қатнардик. Болалигидан ақл-заковати ва эҳтиёткорлиги билан бошқалардан ажралиб турган бу қиз билан негадир жуда кўп жанжаллашардик. Жанжалларнинг аксарият қисми, айниқса, мактабга бориш ёки қайтиш чоғида юз берарди.

Монибанинг оиласи жуда катта бўлиб, учта опанглиси ва тўртта акаси бор эди. Гарчи Монибадан олти ой олдин туғилган бўлсам ҳам, мен уни катта

опам деб билардим. Бунинг сабаби оддий – қоидаларни у ўрнатар, мен эса бу қоидаларга сўзсиз итоат қилишим зарур ва шарт эди. Ҳеч кимга айта олмайдиган сирларимни Мониба билан ўртоқлашардим. Мен бошқа қиз билан яхши муносабатда бўла бошласам, Монибанинг жаҳли чиқар, мени қизғанар ва танимаган-билмаган одамлар билан яхши муносабат ўрнатмасликка ундарди. У ҳар доим бир гапни такрорларди: «Малала, биласан, бир эмас, икки эмас, тўртта акам бор. Агар бирон бир хатога йўл қўйсам, улар мактабга боришимни тақиқлаб қўйишади».

Ўша ўғирлик воқеасидан сўнг ота-онам фахрланадиган инсонга айланиш учун ичимдан ғайратим тошиб кетганидан одамларнинг ҳожатини чиқариш учун ким нима деса хўп деб кетаверадиган бўлдим. Бир куни бир қўшнимиз мендан бозордан маккажўхори олиб келишимни илтимос қилди. Бозорга кетар эканман катта тезликда велосипед ҳайдаб келаётган бир бола қаршимдан чиқди ва мени туртиб кетди. Чап елкаминг зирқирашига чидай олмаганимдан уввос солиб йиғлагим келди. Аммо кўчада ўзимни кўрсатмаслигим керак эди. Ваъданинг устидан чиқишим ҳам керак эди. Шу сабабли бозорга бориб, маккажўхори сотиб олиб, қўшнимникига элтиб беришга ўзимда куч топа олдим. Уйга етиб келишим билан кўнглим бўшашиб, ўзимни тўхтата олмасдан, уввос солиб йиглаб юбордим. Тез орада отамнинг ҳурматини қайтадан қозониш йўлини топгандек бўлдим. Мактабимизда отам ёшлигида қатнашиб, ғолиб бўлган нотиклик танлови бу йил ҳам ўтказиши ҳақида эълон жойлаштирилди. Бу танловда Мониба билан биргаликда қатнашишга қарор қилдик. Отам айнан шу танлов орқали бобомнинг ҳурматини қозонгани ҳақида юқорида келтириб ўтгандим. Тарих такрорланади деганларидек, айнан

шу танлов орқали отамнинг менга бўлган ишончи янада мустаҳкамланишига шубҳа қилмасдим.

Менинг чекимга тушган нутқ мавзусини ўқиб туриб бироз ўзимни йўқотиб қўйдим. «Ҳалоллик – одоб-ахлоқнинг асосий йўналиши».

Айни шу кунларда мен учун бундан бошқа долзарб мавзу йўқ бўлгани сабабли айнан шу мавзу тушганидан лотореядан миллион доллар пул ютгандек қувондим. Тўғриси айтсам, ўша пайтларда менда кўпчилик олдида нутқ сўзлаш тажрибаси умуман йўқ эди. Мактабдаги эрталабки учрашувларда ўқиган шеърларимни бу ҳисобга қўшмай қўйса ҳам бўлаверади. Аммо биздан юқорироқ синфда кўпчилик мукамал маърузачи сифатида эътироф этадиган Фотима исми қиз ўқиди. Унинг нутқи жозибали, ишончли ва энг муҳими, жўшқин эди. Фотима катта аудитория олдида ҳам ўзига бўлган ишончини йўқотмас, ҳар бир сўзи тингловчиларга етиб бориши учун нималарга эътибор бериш кераклигини яхши биларди. Мен ва Мониба учун унга ўхшаб гапириш орзу эди.

Мактаб ўқувчилари томонидан сўзланадиган нутқларни ўқувчиларнинг оталари, амакилари ва боболари ёзиб беришади. Ушбу нутқлар, одатда, пуштун тилида эмас, балки урду ёки инглиз тилларида ёзилган бўлади. Ёзилмаган қоидаларга кўра, инглиз тилида нутқ сўзланганлар юқори балл олади. Мен буни 100 фоиз нотўғри ёндашув, деб айта оламан. Ҳакамлар ҳайъати ўқувчи қайси тилда гапирса ҳам, ўз фикрини аниқ ва тушунарли ифода этганига қараб баҳолаши керак.

Монибанинг нутқини акаси ёзиб берадиган бўлди. Ушбу нутқда миллий шоиримиз алламо Иқболнинг шеърларига жуда кўп мурожаат қилинган эди. Менинг нутқимни эса отам ёзиб берди. Унинг нутқида ёвуз йўллар билан яхшиликка боришнинг иложи йўқ деган

ғоя мустаҳкамланганди. «Яхшилик йўлида қилинган ёмонлик – ўз номи билан ёмонлик. Ёмонлик йўлида қилинган яхшилик ҳам аслида ёмонлик». Авраам Линколннинг ушбу жимжимадор сўзлари билан нутқимизга яқун ясалганди: «Қадрингни йўқотишдан қўрқиб ўзингни алдаганингдан кўра, муваффақиятсизликка учраганинг минг бора афзал».

Мусобақада 8-9 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Мониба жуда яхши гапирди – унинг нутқидаги ҳиссий бўёқдорлик ва бадийлик меникига қараганда анча юқори бўлди. Аммо умумий мазмун ва нутқнинг таъсир даражаси бўйича менинг нутқим энг яхши эканлигини Монибанинг ўзи ҳам кейинчалик эътироф этди. Дугонамдан фарқли ўлароқ, нутққа чиқишдан олдин қўлларим титраб кетди, тиззаларим қалтиради. Залда айнан менинг нутқ сўзлашим учун қишлоқдан атайлаб келган бобомнинг борлиги ҳаяжонимга ҳаяжон қўшди. У менинг ғолиб бўлишимни чин дилдан истаётганини сездим ва мағлуб бўлишга ҳаққим йўқ эканлигини ичичимдан ҳис қилдим. Отам гапиришдан олдин чуқур нафас олиш кераклигини уқтирганди. Аммо одамлар олдига чиқиб, юзлаб кўзлар менга тикилганини кўрганимда, барча кўрсатмалар ёдимдан кўтарилди. Қоғозда ёзилган гаплар кўзимга кўринмас, сатрлар денгиздаги балиқдек кўз олдимда сузиб юрарди. Ниҳоят, Линколннинг сўзларини айтиб, отамга қарадим. Унинг мен томонга табассум қилиб турганини кўргач, бироз дадиллашдим...

Ниҳоят, ҳакамлар ҳайъати натижаларни эълон қилди. Бунга кўра, Мониба биринчи, мен эса иккинчи ўринни эгаллаган эдим. Бундан заррача ҳам ташвишланмадим. Эсингизда бўлса, Линколн ёзган хат ҳақида айтиб бергандим. Унда қуйидаги ҳикматли гап ҳам ўрин олганди: «Унга муносиб тарзда ютқазишни ўргатинг».

Мен ҳар доим биринчи бўлишга одатланиб қолганим учун мағлубиятни тасаввуримга ҳам сиғдира олмасдим. Аммо кетма-кет ғалабаларни қўлга киритадиганлар учун ҳам мағлубиятга учрамаслик кафолатланмаган. Бу гапларни осмондан олганим йўқ – ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқдаман. Ўшандан бери омма олдига чиқиб нутқ сўзлашдан олдин, бўлажак нутқимни бир неча маротаба қайта ёзсам ҳам, минбарга чиққандан сўнг қозни йиғиштириб қўйиб, чин юракдан сўзлашга одатландим. Ҳаётимиздаги ҳар бир мағлубият бизнинг юксалишимиз учун хизмат қилади.

6-боб

АХЛАТ УЮМИДАГИ БОЛАЛАР

«Хушал мактаби»даги ишлар аста-секин ўз ўрнига тушиб, яхшилана бошлади. Ниҳоят, биз ҳам янги квартирага кўчиб ўтиб, телевизор сотиб олиб, одамларга ўхшаб яшай бошладик. Мени телевизор қаршисидан кетмасликка мажбурлайдиган ягона дастур «Шака-лака бум-бум» болалар-телевизион сериали ҳисобланиб, бу сериал сеҳрли қаламга эга бўлган Санжу исмли болакайнинг саргузаштлари ҳақида эди. Қизиқарли жиҳати, унинг қалам билан чизган ҳар бир расмига бирдан жон кириб, кўз ўнгида намоён бўларди. Масалан, унга олма керак бўлса, бозорга бориб ўтирмай, шартта қозғога расмини туширар ва тайёр олмани карсиллатиб тишлаб, бизнинг ҳавасимизни келтирарди. Бир марта адашиб илоннинг расмини чизиб қўйган Санжунинг бошига кулфат ёғилди. Бир амаллаб расми ўчириб ташлаганидан сўнггина илон ғойиб бўлди. Болакай бу ҳунаридан фақатгина одамларга ёрдам бериш учун фойдаланарди.

Менинг энг катта орзум – мана шундай қаламга эга бўлиш эди. Бир куни ухлашимдан олдин қуйидагича дуо қилдим:

– Э яратган Эгам, Сендан илтимос, менга Санжуники каби қалам ато этгин. Сўз бераман, менда бунақа қалам борлигини ҳеч кимга айтмайман. Ушбу қаламдан фақатгина одамларга ёрдам бериш учун фойдаланаман. Эрталаб турганимда стол тортмасида пайдо бўлсин.

Эрталаб туришим билан ўпкамни қучоқлаб стол томон югурдим ва тортмани очдим. Сехрли қаламдан асар ҳам йўқ эди. Шунга қарамай, кимгадир ёрдам бериш фикридан қайтмагандим.

Биз яшаган кўчанинг охирида ҳамма ахлат тўкадиган махсус жой бор эди – чиқиндини қайта ишлаш заводлари ҳали бизгача етиб келмаганди. Тез орада бу ердаги ахлатлар йиғилиб, кичик тоққа айланди. Бу ердан таралаётган ҳиднинг шу даражада бадбўйлигидан 15-20 метр наридан юришга ҳаракат қилардим. Ушбу ахлат тоғининг тепасида доимо қарғалар изғиб юрар, баъзан эса тўда-тўда каламушларнинг базм қилаётганининг гувоҳига айланиш мумкин эди.

Бир куни укаларим уйда йўқлиги сабабли онам картошка пўсти ва тухум пўчоғини ахлатхонага ташлаб келишимни буюрди. Ахлатхонага яқинлашим билан бурнимни қўлим билан беркитмасам аҳволим оғирлашишини ҳис қилдим. Пашшалар бошим атрофида айланиб юрар, мен қўлимни силкитиб уларни ҳайдашга ҳарчанд уринсам ҳам, улар камайиш ўрнига кўпайиб борарди. Янги олган бежирим туфлимни ифлос қилишдан кўрққанимдан оёқ учида юришга мажбур бўлдим.

Ахлатни ташлаб ортга қайтаётганимда кимдир ахлат тоғининг этагида бамайлихотир юрганини кўриб, дикка учиб тушдим. Унга яхшилаб разм солиб, тахминан мен тенги қизалоқ эканини англадим. Сочлари кирлигидан ранглари ўчиб кетган, териси тимдалаб ташланган ва бутун танаси яралар билан бежалган бу қизга зимдан боқиб, кўрқиб кетдим. Унинг афти-ангори, ёшлигимизда хола-аммаларимиз айтиб берган эртақлар қаҳрамони – Шашакани эслатарди.

Қиз чиқиндиларни титкилаб, қутиларни, пластик шишаларни, стакан ва қоғозларни алоҳида-алоҳида қилиб сараларди. Атрофга назар ташлаб, яна икки нафар

боланинг темир-терсак излаб ахлат титаётганига гувоҳ бўлдим. Ачинарли аҳволдаги тенгдошларим билан гаплашишни истасам ҳам, кўркув ва ачиниш ҳисси гапни нимадан бошлаш борасида бир қарорга келишимга анча вақт тўсқинлик қилди. Худди шу куни отам ишдан келганида, ахлатхонани титкилаб юрган болалар ҳақида гапириб бердим ва мен билан у ерга боришини илтимос қилдим. Таклифимга рози бўлган отам болалар билан гаплашмоқчи бўлган бўлса-да, болалар нимадан дир кўрқиб қочиб кетишди. Отам ахлатхонада изғиб юрган болалар ўзлари тўплаган нарсаларни эски-туски сотувчи савдогарга арзимаган пулга сотишини айтиб берди. Уйга қайтаётганимизда отамнинг кўзларида ёш милтиллаб турганини пайқадим ва секин сўз қотдим:

– Аба, илтимос, уларга мактабимизда ҳеч қанақа тўловсиз таълим олишлари учун имконият яратиб беринг.

Ота мийиғида кулиб қўйди. Бундан олдин ҳам онам билан қилган тинимсиз илтимосларимиз туфайли отам бир нечта қизнинг мактабимизда бепул ўқитишга рози бўлганди.

Онам саводсиз бўлса-да, отамдан зарур маслаҳатларини аямас, яқуний қарорни отам чиқарса ҳам, онамнинг йўриғидан чиқмасди. Онам қўлидан келганча одамларга ёрдам берар, бу баъзида отамнинг тоқатини тоқ қиларди. Баъзан отам ишдан ҳориб келиб, «Топ Пекай, мен келдим», деган чақириғига жавоб ололмай хуноб бўларди. Оз фурсатдан сўнг рафиқаси уйда йўқлиги ва кечки овқат тайёр эмаслиги маълум бўларди.

Қаерда яшаган бўлсак ҳам уйимиз доимо меҳмонларга тўла бўлган. Менинг хонам энг меҳмондўст хоналардан бири бўлиб, у ерда мендан ташқари яна иккита қиз яшарди. Биринчиси қишлоқдан келиб, мактабга бориш учун бизникида яшаётган амакиваччам Аниса бўл-

са, иккинчиси бир вақтлар отамнинг қўлида ишлаган Султона исмли аёлнинг қизи Шеҳназ эди. Шеҳназнинг отаси вафотидан сўнг оиласи анча қийналиб қолган ва синглиси билан чиқинди титиб, шу орқали тирикчилик қилишга мажбур бўлган. Унинг бир акаси руҳий касал бўлиб, ҳар доим куракда турмас ишларни қилиб юрарди. Руҳий касаллиги етмагандек, гоҳида онаси ва опасингилларининг кийимларини ёқиб юборар, гоҳида эса аёзли кунларда оиласининг жонига оро кирган электр печкани синдириб ташларди. Султонанинг жаҳлдор ва қўполлиги онамга умуман ёқмас, шу сабаб ҳам у билан битта уйда яшашни истамаслигини айтиб доимо отамга шикоят қилиб юрарди. Ҳамма ишни қилишда онамга ҳамфикр бўладиган отам бу сафар негадир ўз билганидан қолмай, Султонага уйда қолишга, болаларига эса мактабга боришга рухсат берди. Бунгача ҳеч қаерда ўқимаган Шеҳназ мenden икки ёш катта бўлса ҳам, эндигина биринчи синфга бориши керак эди. Битта хонада яшаганимиз учун отамнинг қистови билан унинг дарсларига ёрдам бера бошладим.

Бироз вақт ўтиб хонамизга Нурия исмли қиз ҳам келиб ўрнашди. Унинг онаси Холида онамга овқат тайёрлаш, кир ювиш каби юмушларда ёрдам бериш важи билан Алишпа ва Нурия исмли қизлари билан биргаликда уйимизда яшай бошлашди. Холиданинг айтиб беришича, уни ёшлигида зўрлаган бир кекса одамга турмушга бериб юборишган, ундан учта қиз орттирган. Эрининг зулмига чидай олмаган аёл охир-оқибат уч нафар қизини олиб, эрининг даргоҳини тарк этган. Ота-онасининг уйига борганида уни қабул қилишмаган, сабаби одатларимизга кўра, эрининг уйдан қочиб келган аёл оиласига иснод келтирган ҳисобланади. Холида қизлари билан бир муддат ахлатхоналарни титиб, тирикчилик қилишга мажбур бўлган. Агар келажақда роман жан-

рига қўл урадиган бўлсам, ҳеч иккиланмай Холиданинг ҳаётини қоғозга туширган бўлардим.

Мактабимиз ҳам кундан кунга ривожланиб, учта бинода фаолият кўрсатадиган водийдаги нуфузли мактабга айланди. Биринчи бино – Ландикасдаги ҳар икки жинсдаги болалар учун бошланғич мактаб, иккинчиси – Яҳё кўчасидаги қизлар учун ўрта мактаб, учинчиси – буддистлар ибодатхонаси харобалари ёнидаги ўғил болалар учун ўрта мактаб. Ўқувчиларнинг умумий сони 800 нафардан ошиб, мактабдан олинган даромад унчалик катта бўлмаса ҳам, отам юзга яқин ўқувчиларни бепул ўқитарди. Улардан бири Шарафат Алининг ўғли бўлиб, бу одам отам талабалик чоғида қийналганларида ҳар тарафлама ёрдам бериб турган. Отам ва бу инсон бир қишлоқда туғилиб-ўсиб, Шарафат Али ўрта мактабни тугатгандан сўнг электр компаниясига ишга жойлашган ва орттирган пулларини отамнинг таълим олиши учун беғараз жўнатиб турган. Отам энди унинг фарзандини бепул ўқитиб, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтараётганидан бениҳоя хурсанд эди. Яна бир текин ўқийдиган ўқувчининг исми Кавсар бўлиб, унинг отаси минтақамизда анча ривож топган соҳа – каштачилик билан шуғулланарди. Бироқ бунинг ортидан келган даромад рўзгор тебратишга зўрға етиб, мактабда экскурсиялар ёки тоққа саёҳатлар бўлганида, Кавсар ўзини четга олар, отам менинг қўлимга ошиқча пул бериб, Кавсар учун тўлаб юборишимни қулоғимга шипшитарди. Камбағал болаларни мактабга қабул қилиши ортидан отам бир нечта муаммо орттириб олди. Биринчидан, мактаб ортидан келадиган даромад кескин пасайиб кетди. Бундан ташқари, бадавлат ота-оналар болаларининг фаррош ва ахлат титувчиларнинг фарзандлари билан бир партада ўтиришларини истамаганликлари сабабли уларни мактабдан олиб кетишди.

Бойлар учун камбағаллар билан мулоқот қилиш, улар билан бир стол атрофида ўтириб суҳбатлашиш ор ҳисобланади. Онам нонини зўрға топиб ейдиган оила фарзандларини уйга олиб келиб, овқатлантириб юборарди. Отам эса уйимизни меҳрибонлик уйи ёки меҳмонхонага айлантиришимиз керак, деб доимо ҳазиллашарди.

Уйда одам кўп бўлгани боис ўқиш учун шароит деярли йўқ эди. Бир пайтлар алоҳида хонам бўлганидан ва шахсий ёзув столимга эга эканимдан бошим кўкка етган эди. Аммо тез орада чучварани хом санаганим маълум бўлиб қолди. Тез орада хонамга бошқа қизлар ҳам келиб ўрнашди.

– Бу уйми ёки товуқ катаги!!

Отамга қараб жуда кўп бақирганман.

Аммо кейинчалик қанчадан-қанча одамларнинг бошпанаси йўқлигидан хабар топганимдан сўнг, одам кўп бўлса ҳам, шахсий уйимиз борлигидан шукр қилишни ўргандим. Умуман олиб қараганда, бир хонада уч кишининг яшаши унчалик ёмон эмас. Ҳар ҳолда кўчаларда ётиб юрганимиз йўқ. Ахлат титиб, кўчаларда ётиб юрадиган болалар ҳақида ўйласам...

Мен отамни уларнинг мактабга бепул қатнашига рози бўлишига умид қилгандим. Бунга жавобан отам бу болалар ўз оилаларини озиқ-овқат билан таъминлаётганини тушунтиришга уринди. Уларга мактабда текин ўқитишни таклиф қилинса ҳам, рад этишар экан. Чунки улар ишламаса, оиласи оч қолиб кетиши ҳеч гап эмасди. Шунга қарамай, отамнинг кўнгли юмшаб, хайр-эҳсон ишлари билан шуғулланиб юрувчи бой Азадай Хондан «Киа ҳасул ва элум ин бачун ка ҳак накҳе?» деб ёзилган варақаларни чиқартиришга амалий ёрдам беришни сўрашга ваъда берди. (Маъноси: «Нега минг-минглаб болалар таълим олиш ҳуқуқидан бебахра қолиши керак?») Бой ҳам бу ишни бажонидил бажариб, бир неча

минг варақани отамга келтириб берди ва отам уларни шаҳар бўйлаб тарқатиб чиқди.

Ўша пайтларда отам аллақачон Сват водийсининг таниқли шахсларидан бирига айланган эди. У ҳокимият вакили ёки элита оиласидан бўлмаса ҳам, одамлар уни доим тингларди. Семинар ва симпозиумларда нутқ сўзлаганда минглаб одамларни ўзига қарата оларди. У мамлакатимизни бошқарган расмийларни, ҳатто ҳарбийларни ҳам танқид қилишдан ҳеч қачон чўчимаган. Дўстлари отамга армия қўмондонларидан бири уни жамоат олдида «худкуш-террорчи» деб атаганини айтиб берганда, отам ўша қўмондон нега бундай деганини тушунмай, хандон отиб кулиб юборганди. Биз томонимиздан енгил қабул қилинган бу баёнот ҳарбийлар чексиз ҳокимиятга эга бўлган мамлакатда яхши натижа бермади.

Отам фақатгина қоғозда мавжуд бўлган ўлик мактабларга қарши доимо курашиб келган. Кўпчилик бойлар узоқ туманларда мактаблар қуриш учун ҳукуматдан субсидия олиб, олинган маблағни ўзлари учун кошона қуриш ёки чорва моллари сонини кўпайтириш учун сарфлаб юборарди. Баъзи нопок кимсалар умри давомида бирор соат дарс ўтмасдан, ўқитувчи ойлигини олиб юрган. Отамни чуқур ташвишга солган яна бир масала – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш эди.

Бир юзи етмиш беш мингга яқин аҳоли Мингорани ўз киндик қони тўкилган маскани деб билади. Бир пайтлар ҳавоси тоза бўлган бу ҳудуд энди кўплаб автомобиллар ва заводлар тутуни натижасида анча «кирланиб» қолганди. Шафқатсиз инсониятнинг қўли тоғ ёнбағирларидаги дарахтзор-ўрмонларни ҳам кесиб ташлаган. Шаҳар аҳолисининг ярмидан ҳам камроғи тоза ичимлик сувини истеъмол қилади, қолган қисми, шу жумладан, бизнинг оиламиз ҳам санитария талаб-

ларига умуман жавоб бермайдиган сувдан фойдаланади. Атрофдаги вазиятдан ташвишланган отам дўстлари билан биргаликда «Глобал Тинчлик Кенгаши» деб номланган ташкилотга асос солди. Баландпарвоз номга эга бўлса ҳам, бу ташкилот фақат маҳаллий муаммолар билан шуғулланган. Ташкилот номини эшитган одам ўзини кулгидан тўхтата олмасди. Шунга қарамай, ташкилотнинг мақсад ва вазифалари анча жиддий эди:

* Сват водийси табиатини сақлаб қолиш;

* Унинг аҳолиси учун тинч ҳаёт ва ўқиш имкониятини яратиб бериш ва бошқалар.

Отам шеър ёзишни жуда хуш кўрарди. Баъзи-баъзида муҳаббат ёки оила ҳақида ёзмаса, аксарият шеърларида аёл ҳуқуқлари ёки миллатимиздаги агрессив қонун-қоидаларни йўқ қилиш каби нозик мавзуларга мурожаат қиларди. Бир пайтлар отам Кобулдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтган шеърят фестивалига ташриф буюрган. Ушбу фестивалда тинчлик учун кураш ҳақида шеър ўқиб, йиғилганларнинг олқишларига сазовор бўлган. Фестиваль натижаларини сарҳисоб қилган ҳакамлар ҳайъати отамнинг шеърини «Энг жўшқин шеър», дея эътироф этган. Фестиваль тугаганидан сўнг ҳам, томошабинлар ҳеч қаерга кетмасдан отамдан шеърини қайта ўқишни илтимос қилган, шеър якунланганидан сўнг эса атрофни олқишлар овози қамраб олган. Бобом ҳам қувончи ичига сиғмасдан, отамга қараб: «Ўғлим, сен таълим осмонидаги ҳақиқий юлдузга айландинг», деб елкасига қоқиб қўйган.

Оиламизнинг ҳар бир аъзоси отам билан фахрланади. Аммо унинг таъсири ошгани сайин оиласи билан камроқ вақт ўтказа бошлади. Биз учун кийим-кечак сотиб олиб, касал бўлиб қолсак шифохонага олиб бориш каби юмушлар онамнинг зиммасида эди. Бироқ бизнинг

жамиятимизда аёл кишининг бундай ишларни ёлғиз ўзи бажариши одат тусига кирмаган, албатта, бирорта эркак қариндоши у билан ҳамроҳ бўлмоғи зарур эди. Бу вазифани, асосан, отамнинг жиянларидан бири адо этарди. Отам уйда бўлганида дўстлари билан уйда ўтириб, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни соатлаб муҳокама қилишарди. Суҳбатнинг асосий мавзуси – 11 сентябрь воқеалари бўлиб, айнан шу куни юз берган воқеа бутун дунёни остин-устун қилди. Бу фожиадан энг катта зарарни бизнинг миллат кўрди, деб бемалол айта оламиз. Жаҳон савдо марказига қилинган ҳужумнинг асосий ташкилотчиси Қандаҳордаги «Ал-Қоида» террорчилик ташкилоти раҳбари Усама бин Ладен бўлган. Айнан 11 сентябрдан сўнг америкаликлар Бин Ладенни қўлга киритиш ва толибонлар режимини афдариш учун Афғонистонга минглаб қўшинларини киритишди.

Бу вақтга келиб Покистонда ҳали ҳам ҳарбий диктатура ҳукм сурар, 80-йилларда руслар Афғонистонга бостириб кирган пайтдаги каби Америка бизнинг ёрдамимизга эҳтиёж сезарди. Совет босқини бошқа мамлакатларнинг генерал Зиё-ул-Ҳаққа бўлган муносабатини ўзгартиргани сингари генерал Мушарраф ҳам 11 сентябрдан бошлаб жаҳон миқёсидаги «фаришта»га айланди. Жорж Буш уни ««Оқ уй»»га таклиф қилди. Аммо толибон, аслида, Покистоннинг идоралараро разведкаси томонидан яратилган бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Кўпгина ТИР зобитлари толибон етакчилари билан яхши муносабатда бўлиб, уларнинг орзу-интилишлари аллақачон маълум бўлиб улгурганди. ТИР полковниги Имом 90 минг жангарини тайёрлаганлиги билан мақтаниб, толиблар ҳокимият тепасига келгач, Покистоннинг Ҳиротдаги бош консулига айланди.

Биз азалдан толибонларнинг ҳокимият тепасига келишига қарши бўлганмиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, аёллар мактабларини ёпадиган, буддавийлар ҳайкалларини синдираётган одамларга қандай ишонч билдиришимиз мумкин? Покистонда бундай ҳайкаллар жуда кўп бўлиб, уларнинг мавжудлиги биз учун шараф эди.

Пуштун халқининг аксарияти Афғонистонни бомбардимон қилишга норозилик билдирди. Покистон ҳукумати толибонларга қурол етказиб беришни тўхтатганлиги ва Америка самолётларига мамлакат ҳаво ҳудудидан ўтиш ҳуқуқини берганлигини Америкага ёрдам деб ҳисоблаган халқ бундан норози бўлди. Генерал Мушарраф америкаликларга ҳарбий аэродромларимиздан фойдаланишга рухсат бергани бизнинг водийгача етиб келиши учун анча вақт талаб қилди.

Динга тўла итоат қилиб келган баъзи одамлар Усама бин Ладенни қахрамон деб ҳисоблашар, бозорларда унинг расми туширилган календарлар, оппоқ отга мингани тасвири туширилган расмлар, откриткалар ва постерлар анча машҳур бўлганди. Унинг тарафдорлари 11 сентябрь куни Америка қилган барча ёмонликлари учун жазоланди, дея таъкидлаб юришди. Вайрон қилинган осмонўпар биноларда вафот этган одамларнинг бегуноҳ эканлиги ва Америка сиёсати билан ҳеч қандай алоқаси бўлмагани мутаассибларни умуман қизиқтирмасди. Муқаддас Қуръон китобида одам ўлдириш тақиқлангани ҳақидаги важлар келтирилганида, мутаассиб-диндорлар «Бу ғайридинларга тааллуқли эмас», дея ўз фикрларида собит туришарди.

Эшагини ўғирлатиб қўйса ҳам яхудийларни айблайдиган тоифа вакиллари бу кўнгилсизликни ҳам яхудийларга тўнкаб қўйишди. Бу иш Американинг ислом олами билан муносабатларига совуқчилик тушириш учун яхудийлар томонидан атайин ташкиллаштирилга-

ни баралла таъкидланди. Бир нечта газеталар «Жаҳон савдо маркази»да ишлайдиган яҳудийларнинг ҳеч бири ўша куни иш жойида бўлмаганини даъво қилишди. Отам бу тахминларни тўла бемаънилиқ, дея таърифлаганди.

Генерал Мушарраф жамоат олдида қилган чиқишларида Покистоннинг Америка билан ҳамкорликдан бошқа йўли йўқ ва бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, америкаликлар унга «Ёки биз тарафда бўл ёки террорчилар билан», дея шарт қўйишган. Генерал, шунингдек, Покистон Кўшма Штатларнинг иродасига қарши туришга ҳаракат қилса, Америка битта бомба билан мамлакатни тош асрига «қайтариб қўйиш» билан таҳдид қилганини таъкидлаган. Аммо тузилган иттифоқ шартлари фақат қоғозда қолиб кетди – ТИР толибон жангариларини қуроллантиришда ва етакчиларини Кветтада бошпана билан таъминлашда давом этди. ТИР раҳбари америкаликлардан Қандаҳорга боришга рухсат сўради ва толибон раҳбари Мулла Умарни террорчи Бин Ладенни америкаликларга топширишга кўндираман, деб ваъда бериб, Афғонистонга ҳужумни кейинроққа қолдиришга муваффақ бўлди. Бироздан сўнг ваъдасини унутиб, толибонларга ёрдам таклиф қилди.

Афғонистонда русларга қарши жанг қилган ҳамюртимиз Сўфи Муҳаммад АҚШга қарши фатво чиқарди ва ота-боболаримиз инглизларга қарши курашган Малакандда катта митинг ўтказди. Покистон ҳукумати уни тўхтата олмади. Вилоят губернатори Афғонистонда ҳаракат қилаётган НАТО кучларига қарши жанг қилишни истаган ҳар бир фуқарони ҳеч ким тўхтатмаслиги тўғрисида қарор қабул қилди. Сват водийсидан 12 минг нафар ёш толибонларга мадад бериш учун кўнгилли равишда йўл олди. Афсуски, уларнинг аксариятига ўз уйларига қайтиб келиш насиб этмади. Уларнинг вафот этганлиги тўғрисида ҳеч қанақа далил бўлмаганлиги

туфайли жуфти-ҳалолларини бева деб ҳисоблаш мумкин эмасди. Натижада, бу аёллар ниҳоятда оғир вазиётга тушиб қолишди. Афғонистонга ёрдам беришга шошилган кўплаб жангчилар қаторида отамнинг яқин дўсти Воҳид Замоннинг акаси ва қайниси ҳам бор эди. Ҳозир ҳам уларнинг аёллари ва болалари оила бошлиғи келишини умид билан кутишмоқда. Уларнинг уйига бориб, соғинч ҳиссидан ичикиб қолганлигини кўзларидан уқиб, юрагим бўшашиб уйга қайтганим ҳалигача ёдимдан кўтарилгани йўқ. Шунга қарамай, ташқарида юз бераётган қонли воқеалар бизнинг тинч, гуллаб-яшнаётган водийимиздан жуда йироқдек туюларди. Афғонистон билан бизнинг водийимизни атиги бир юз олти миш километр ажратиб турса ҳам, у ерга етиб бориш учун Покистон ва Афғонистон чегарасида жойлашган, кўчманчи қабилалар яшайдиган можароли Бажаурни кесиб ўтиш талаб этилади.

Бин Ладен ва унинг одамлари Шарқий Афғонистонга, руслар билан уруш пайтида туннеллар қурилган Тора Бора тоғларига қочиб кетишди ва ушбу туннеллар орқали кўчманчилар яшайдиган яна бир ҳудуд – Куррамга етиб олишди. Ўшанда ҳеч биримиз Бин Ладен яширинча Сватга келиб ўрнашганини, узоқ йиллардан буён қишлоқда яшаганлигини, Пуштунвали ўрнатиб кетган меҳмондўстлик қонунларидан, шараф кодекси-дан фойдаланганини мутлақо билмаганмиз.

Генерал Мушарраф икки томонлама ўйин ўйнашда давом этди – бир тарафлама Американинг пулларини олиб, иккинчи тарафлама жангариларга ёрдам берарди. ТИР раҳбарлари буни «стратегик иккиюзламачилик» деб атади. Америкаликлар Покистонга «Ал-Қоида»га қарши кампанияда ёрдам бериш учун миллионлаб доллар берганликларини бот-бот такрорлашса ҳам, оддий фуқароларнинг қўлига бир цент ҳам тушмади. Хориж

мамлакатлари ва халқаро ташкилотлардан келаётган маблағлар давлат раҳбари, унинг оила аъзолари ва ҳам-товоқларидан ортмайди. Генерал Мушаррафнинг куёви Исломободдаги Равал қули бўйида ҳашаматли қаср қургани ва Лондондан квартира сотиб олгани бунга яққол мисол бўлиши мумкин.

АҚШнинг юқори мартабали амалдорлари Покистон АҚШга етарлича ёрдам бермаётганидан норози эканликларини билдириб ўтди. Аммо тўсатдан Америка катта балиқни ушлашга муваффақ бўлди – 11 сентябрь воқеаларининг ташкилотчиларидан бири бўлган Холид Шайх Муҳаммад армия кўмондонининг расмий қароргоҳидан бир қақирим нарида жойлашган Равалпинди шаҳрида қўлга олинди. Шунга қарамай, Президент Жорж Буш Мушарраф билан дўстлашишни, уни эътироф этишни ва Вашингтонга таклиф қилишни давом эттирди. Отам ва унинг дўстлари бу сиёсий ўйинларга нафратини яшириб ўтирмасди. Улар Покистондаги диктатура режими америкаликларни тўла қаноатлантиришини афсус билан тилга олишарди.

Болалигимдан сиёсатга жуда қизиқар, отамнинг тиззасида ўтирганча, дўстлари билан бўладиган қизгин баҳс-мунозараларни тинглашни хуш кўрардим. Кўчамизнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ муаммолар мени мамлакат сиёсатидан ҳам кўра кўпроқ ташвишга соларди. Ниҳоят, дўстларимга ахлат уюмларини титкилайдиган болалар ҳақида гапириб бердим ва биз улардан қарздор эканимизни билдирдим. Табиийки, ҳамма ҳам менинг фикримга қўшилмади. Баъзи синфдошларимнинг иддао қилишича, агар улар бирон бир юқумли касаллик билан касалланган болалар билан битта мактабга борадиган бўлишса, ота-оналари уларга мактабга қатнашни тақиқлашлари мумкин экан. Улар бу муаммони ҳал қила олмаслигимизга тўла ишонишди. Аммо мен

ўз позициямда қатъий турдим. «Сиз ва мен бемалол ён-бошлаб, ҳукумат бу муаммони қачон ҳал қилар экан деб кутишимиз мумкин, аммо улар бундай қила олмайди. Агар ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб уларга ёрдам беришга ҳаракат қилсак, улардан ҳеч бири ахлатхонада изғиб юрмайди».

Албатта, бу масала бўйича генерал Мушаррафга мурожаат қилишдан кўра, хўроздан тухум кутиш анча мантиқийроқ эди. Агар отам ҳам ёрдам бера олмаса, олдимда биттагина йўл қолади. Ниҳоят, мен ўша йўлни танладим ва Худога хат ёздим:

«Меҳрибон ва Раҳмли Худойим. Биламан, Сен ҳаммасини кўриб турибсан. Аммо Ер ниҳоятда катта бўлгани учун ҳамма масалани тартибга солиш мушкуллигини тушунаман. Айниқса, Афғонистондаги ушбу уруш Сени ҳам ранжитганини ич-ичимдан ҳис қилиб турибман. Мактабда ўқиши керак бўлган болалар ахлатхонада тентираб юргани Сени ҳам ташвишлантиришига ишончим комил. Э Худо, Сендан ўтиниб сўрайман, менга куч-қувват ва жасурлик ато эт. Мени мукамал инсонга айлантир. Шунда мен ҳам дунёни мукамал манзилга айлантираман. Сенга чин қалбдан ишонувчи ва эътиқод қилувчи Малала».

Хатни ёзишга ёзиб қўйиб, уни қандай қилиб керакли манзилга юбориш йўлини билмасдим. Ниҳоят, уни ерга кўмишга қарор қилдим ва боғимизга олиб чиқиб, кўмиб ташладим. Кейин хат ер тагида ётавериш, чириб кетишидан қўрқдим ва уни қазиб олиб, пластик идишга солиб, тагин кўмиб ташладим. Бу ҳам мени тинчлантирмади. Муқаддас матнлар одатда дарёга оқизилиши ёдимга тушиб кетди ва ёзган хатимдан найча ясаб, ёғоч бўлагига яхшилаб боғлаб, устига момақаймоқ гулини мустақамлаб, Сват дарёсига оқизиб юбордим. Хат кўзланган манзилга етиб боришига чин дилдан умид қилардим...

7-боб

МАКТАБИМИЗНИ ЁПИШГА УРИНҲАН МУФТИЙ

«Хушал мактаби»нинг қаршисидаги баланд иморат-да маҳалламиз муллasi Ғуломуллоҳ ўз оиласи билан истиқомат қилади. Ҳеч ким тайинламаган бўлса ҳам, Ғуломуллоҳ ўзини муфтий, диний олим ва ислом фикҳи мутахассиси деб аташни хуш кўради. Отам давраларда: «Бизда бошига салла ўраб, Қуръоннинг икки-уч сура-сини чала-чулпа ёдлаб олган ҳар қандай инсон ўзини мулла ёки муфтий деб ҳисоблайди», дея ҳазиллашиб юради.

Бу вақтга келиб мактабимиз гуллаб-яшнашда давом этар, отам янги ўғил болалар мактаби биносини қуриш ҳақида ўйлай бошлаган пайтлар эди. Онам ҳам бутун умрлик орзуси бўлган чиройли кийимлар харид қилиш ва тайёр овқатга буюртма бериш имкониятига эга бўлди. Муфтий Ғуломуллоҳ бошқа қиладиган иши йўқдек мактаб ҳаётини, айниқса, мактаб дарвозаларидан ҳар куни кириб-чиқадиган қизларни диққат билан кузатиб боришни канда қилмасди. Кўча-кўйда «Вояга етиб қолган қизларнинг мактабга бориши жоиз эмас», каби бўлар-бўлмас гаплар ҳам айнан шу мулламиздан чиқиши одамнинг дилини хира қиларди. Отам ҳам муфтийнинг мактаб ҳаётини кузатиши ва кўча-кўйда гап кўпайтириб юришидан хавотирланиб, «Унинг кўзи ўнг эмас, охири бахайр бўлсин», деб доимо бизга айтиб келарди. Охир-оқибат, отам ич-ичидан ҳадиксирлаган воқеа амалда юз берди.

Муфтий мактаб учун ижарага олинган бино эгаси бўлган аёлнинг олдига келиб, қуйидаги гапларни айтиб кетди:

– Зиёвуддин сизнинг бинонгизда ташкил этган мактаб ҳаромдир. У бутун маҳалла аҳлини шарманда қилмоқда. Бу қизлар паранжи ўрашлари керак. Уни бинонгиздан ҳайдаб чиқаринг, мен бинода мадраса очадиган мижоз топиб бераман. Шу орқали бир ўқ билан икки қуённи урасиз – ҳам ижара ҳақидан маҳрум бўлмайсиз, ҳам шайтоннинг йўриғида юрганларни бинонгиздан қувиб чиқариб, нариги дунё учун савоб оласиз.

Аёл мулланинг таклифини тўла рад этди ва зудлик билан ўғлини отамнинг ёнига юборди ва ўғлига қуйидаги гапларни отамга оқизмай-томизмай етказишини тайинлади:

– Бу мулла сизга қарши уруш очди. Ташвишланманг, биз бинони сиздан олиб қўймаймиз, аммо ҳар эҳтимолга қарши, эҳтиёт бўлинг.

Бу гапларни эшитган отамнинг тепа сочи тикка бўлди ва жаҳл аралаш қуйидаги мақолни айтиб юборди: «Ним ҳаким ҳатраи жон, ним мулла ҳатраи имон¹».

Мамлакатимиз ислом арконларига асосланиб яшаётганидан тўла фахр ҳиссини туйсам ҳам, назаримда, динимизнинг асл мазмунини унутиб қўйгандекмиз. Қуръони каримда ҳар бир мусулмонни сабр-тоқатга чорласа ҳам, ҳеч биримиз сабр нима эканлигини англамаймиз. Қишлоқдошларимнинг фикрича, ислом – аёллар учун паранжи ўраниб уйда ўтириб, уй юмушларини бажариш, эркаклар учун бўлса ҳақ йўлида жиҳод қилиш. Мамлакатимиз асосчиси Муҳаммад Али Жиннаҳ бутун ҳаёти давомида аҳолининг аксарияти ҳиндуийликни қабул қилган Ҳиндистонда мусулмонларнинг ҳуқуқлари учун курашган. Аслида, мусулмонлар ва ҳиндуийлар

¹ Чала табиб жонга хатар, чала мулла имонга хатар.

бир уйда яшовчи, аммо доимий адоват натижасида ҳовли ўртасидан девор тортишга мажбур бўлган оға-иниларга ўхшайди. 1947 йилгача Британиянинг мустамлакаси бўлган Ҳиндистон айнан шу йили икки қисмга бўлиниб кетди ва натижада, мустақил мусулмон давлатига асос солинди. Афсуски, бу катта қон тўкилишига сабаб бўлди. Ҳиндистондан Покистонга мусулмонлар, Покистондан Ҳиндистонга ҳиндуийлар селдек оқиб кела бошлашди. Натижада, икки миллионга яқин инсон чегарани кесиб ўтмоқчи бўлган пайтда ўлдирилди. Лаҳор ва Деҳлига етиб келган поездлар қонли жасадларга тўлиб кетди, чунки кўпчилик йўлда юз берган майда келишмовчиликлар сабаб вафот этди. Ўша пайтда Деҳлида ўқиётган бобом Покистонга қайтаётганида поезд ҳиндуийлар ҳужумига учради ва у ўлимдан зўрға кутулиб қолди. Ҳозир мамлакатимизда 180 миллион киши истиқомат қилса, аҳолининг 96 фоиздан ортиқроғи мусулмонлар ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатда икки миллионга яқин насронийлар, тахминан шунча миқдордаги аҳмадийлар мавжуд. Аҳмадий деганда ўзларини мусулмон деб биладиган, аммо ҳукумат бундан олмайдиган фуқаролар тушунилади. Ушбу диний озчиликлар тез-тез таъқиб қилиниши отамни доимо ташвишлантириб келган.

Ёшлигида Лондонда яшаган Муҳаммад Али Жиннаҳ юрист мутахассислиги бўйича таълим олган. Унинг асосий мақсади Покистонда динлараро бағрикенгликни ўрнатиш эди. Ҳозирги кунда ҳам мактаб дарсликларидан у мустақилликдан бироз ўтиб сўзлаган нутқидан ушбу парча келтирилади.

«Покистон мамлакатида ҳар ким ўз хоҳишига кўра ибодатхоналар, масжидлар ва бошқа ибодат жойларига бемалол ташриф буюриши мумкин. Давлат томонидан бунга ҳеч қанақа тўсиқ қўйилмайди».

Отам уни жуда эрта вафот этганидан афсусланиб, «У фақат биз учун худуд қолдириб кетди, давлат тузишга унинг умри етмади», деб тез-тез таъкидларди. Мустақиллик эълон қилинганидан бир йил ўтгач, у сил касаллигидан вафот этди ва шу вақтдан бери мамлакатимиз дунёдан узилган қолоқ мамлакатлардан бирилигича қолиб кетди. Унинг вафотидан сўнг уч маротаба Ҳиндистон давлати билан турли тўқнашувлар юзага келди ва ҳаммаси мислсиз қон тўкилиши билан якун топди.

Ислом динида иккита оқим мавжуд – сунний ва шиа. Ҳар иккиси ҳам бир хил қонун-қоидалар ва бир хил муқаддас китобни тан олса ҳам, улар орасидаги келишмовчиликлар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом вафотидан кейин ким диний йўлбошчи бўлади, деган савол устида келиб чиққан. Абу Бакр исми пайғамбаримизнинг яқин дўсти ва маслаҳатчиси бўлажак етакчи, яъни халифа сифатида танланган. Пайғамбар ўлим тўшагида ётганида умматларини Абу Бакр ортидан эргашишга чорлаган. «Сунний» сўзи арабчада «Пайғамбар ортидан эргашган киши» деган маънони англатади. Аммо умматларнинг маълум бир гуруҳи бўлажак раҳбар пайғамбар наслдан чиқиши керак, шу сабаб унинг амакиваччаси ва куёви Али мусулмонларнинг етакчиси сифатида эълон қилиниши керак, дея даъво қилган. Бу одамлар шиа деб номланган ҳаракатга асос солишган (Шиа-т-Али – Алининг издошлари).

Шиалар ҳар йили Пайғамбаримизнинг невараси, 680 йилда Карбало жангида ҳалок бўлган Ҳусайн ибн Алининг вафот этган кунида Муҳаррам деб номланган маросим ўтказишади. Ушбу байрам давомида териларини устара билан кесишади, натижада кўчалар қонга тўлиб-тошади. Отамнинг дўстларидан бири шиа бўлиб, Карбалодаги Муҳаррам маросими ҳақида доим кўзида ёш билан гапириб берарди. Унга боқиб туриб бу фожиали

воқеа 1300 йил олдин эмас, балки кеча содир бўлган-микан деб ўйлаб қолардим. Муҳаммад Али Жиннаҳ ҳам, Беназир Бхутто ҳам шиа ҳисобланишарди.

Аксарият покистонликлар сингари (тахминан 80 фоиз) бизнинг оиламиз ҳам суннийларга тегишли. Аммо бу оқим ҳам бир нечта гуруҳларга бўлинади. Ушбу гуруҳларнинг энг каттаси Барелви деб номланган бўлиб, Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатидаги Барелли шаҳрида жойлашган машҳур XIX асрга тегишли мадраса номи билан аталган. Бошқа бир гуруҳ ҳам бошқа бир машҳур мадраса номи билан – Уттар Прадеш штатидаги Деобанд қишлоғидаги Деобанд мадрасаси номи билан аталган. Ушбу гуруҳ вакиллари жуда консерватив бўлиб, замонавий мадрасаларнинг аксарияти айнан шу гуруҳ вакилларига тегишли. Шунингдек, Аҳл-и Ҳадис (Ҳадис аҳли) деб номланган гуруҳ мавжуд бўлиб, бу гуруҳ вакиллари салафийлар деб аталади. Уларнинг ҳаёти бошқаларга нисбатан анча араблашган бўлиб, консерватив ҳаёт кечиришади. Ғарб мамлакатлари бу гуруҳ аъзоларини фундаменталистлар деб аташади. Улар бизнинг авлиёларимиз ва муборак масканларимизни тан олишмайди, кўпроқ мутаассиб ҳисобланиб, бизнинг яшаш тарзимиз уларнинг ғзабини кўзғатади.

Мақтабимиз яқинида яшовчи муфтий Лаҳор яқинидаги Райвинд шаҳрида катта анжуман ўтказадиган ва ҳар йили миллионлаб одамларни ўзига жалб этадиган «Таблиғҳи Жамоат Деобанди» гуруҳининг аъзоси ҳисобланади. Бизнинг собиқ диктаторимиз генерал Зиё Ул-Ҳақ ҳам ушбу анжуманларда қатнашганлигини отамдан эшитганман. Унинг режими шарофати билан Таблиғҳи 1980 йилларда катта таъсир кучига эга бўлган. Казармада воизлик қилаётган армия имомларининг деярли барчаси шу гуруҳга мансуб бўлиб, кўплаб армия зобитлари ҳам айнан шу гуруҳ таъсирида бўлишган.

Бино эгасини кўндира олмаган муфтийнинг ичини ит тирнай бошлади. Тиниб-тинчимаган бу одам маҳаллада яшовчи бир нечта нуфузли одамларни ва оқсоқолларни тўплаб уйимизгача олиб борди. Ушбу «делегация» таркибида етти нафар шахс ўрин олганди – тўрт нафар таблигий, масжид кўриқчиси, собиқ жиҳодчи ва дўкон эгаси.

Уйимизга шахдам қадамлар билан кириб келган ушбу чақирилмаган меҳмонларни кўрган отам бироз ҳадиксиради ва укаларимни олиб, бошқа хонага ўтишимизни буюрди. Аммо мен ва онам аёлларга теккан касаллик – гап пойлашдан бебахра қолмагандик ва эшик ёпилиши билан қулоғимизни динг қилиб, ичкаридаги суҳбатни тинглай бошладик...

Мулла Ғуломуллоҳ отамга қараб: «Мен илм аҳлиданман, етлибонларнинг вакилиман, таблигийлар ҳам мени фахрий аъзоси сифатида билишади», деди ва сўзини тасдиқлашлари учун шерикларига имо қилди. «Хуллас, мен қизлар учун мактаб очишни ҳаром ва куфр деб ҳисоблайдиган барча мусулмонларнинг вакили бўламан. Мактабни дарҳол ёпишингизни талаб қиламан. Қизларнинг мактабга бориши исломда тақиқланган. Аёл кишига ҳеч кимнинг кўзи тушмаслиги учун уни уйдан чиқармаслик керак. Ҳаттоки, Аллоҳ аёлларнинг номини пок сақлашни чин дилдан хоҳлагани туфайли Қуръони каримда бирор марта аёл кишининг исми зикр этилмаган.

Отам диндан яхши хабардорлиги учун бу чўпчакларга тоқат қила олмади:

– Қуръонда «Марям» исми кўп бора зикр этилган. У аёл эмасми?

– Йўқ. Қуръони каримда унинг номи келтирилишдан мақсад Исо Худонинг ўғли эмас, балки Марямнинг ўғли эканлигини эътироф этиш бўлган.

– Хўп, боя мени диндан беҳабар деб ўйлаб, аёл кишининг исми Қуръонда зикр этилмаган дедингиз, кейинчалик мен келтирган аргументни ўзингизча хаспўшладингиз. Мантиқ қани?

Мулла энди гапирмоқчи эди, отам унинг гапини илиб кетиб, гапида давом этди:

– Мен бу одамни кўчада учратганимда, доимо салом бераман, аммо у ҳеч қачон мен билан саломлашмайди.

Буни эшитган мулла уялганидан қизариб кетди. Ислом динида икки мусулмон бир-бирини кўрганда, албатта, саломлашиши керак. Мулла шунда ҳам бўшашмай, сўзлари ишонарсиз чиқса-да, баҳсни давом эттиришга уринди:

– Мактабингизни ҳаром деб ҳисоблаганим учун ҳам сиз билан саломлашмайман.

Мулла билан бирга келган одамлардан бири гапга аралашди:

– Мулла сизнинг кофир эканингизни айтганди. Вожабки, уйингизда Қуръони каримни кўрмоқдаман.

Отам ўзига қўйилган айбловдан ҳайратланганча, савол берган кишига қараб сўз қотди:

– Ё алҳазар. Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман.

Муфтий жангда мағлубиятга учраётганини сезиб турса ҳам, бўш келгиси келмади ва йиғилганларга қарата:

– Келинлар, чалғимасдан мактаб ҳақидаги суҳбатга қайтайлик, – деди. – Ўғил ва қиз болаларнинг мактаблари ораси бир-бирига жуда яқин. Ўғил болалар доимо қизларга кўзи тушади ва бу гуноҳи азим.

Отам ҳам бўш келадиганлардан эмасди:

– Аллақачон бунга чора топиб қўйганман. Қизлар бошқа дарвозадан мактабга киришади.

Бу гап ҳам муфтийга кифоя қилмади. Унинг мақсади ҳар қанақа йўл билан мактабни ёптириш эди. Аммо

бошқалар муфтийнинг қилиқларидан тоқати тоқ бўлди ва ўғил-қизлар бир-бирини кўрмаслигига ишонч ҳосил қилиб, уйимиздан чиқиб кетишди.

Отам иш шу билан тугамаслигини ўзича тахмин қилди. Бундан ташқари, муфтийнинг жияни мактабда яширинча ўқиётганини биз билсак ҳам, амакиси ва у билан келган ҳамтовоқлари бу ҳақида билишмасди. Бир неча кундан кейин отам ўша қизнинг отасини мактабга чақиртирди.

– Акангиз тоқатимни тоқ қилди! – шикоят қила бошлади отам. – У қанақа мулла ўзи? У ҳаммамизнинг асабимизга ўйнамоқда. Уни тинчлантира оласизми?

– Мен сизга ёрдам бера олмайман деб кўрқаман, Зиёвуддин, – деб жавоб берди қизнинг отаси. – Уйда ҳам етарлича муаммоларим бор. Акам биз билан битта ҳовлида яшайди ва аллақачон ҳаётимизни жаҳаннамга айлантирган. У аёлларнинг паранжи кийиб юришларини қатъий назорат қилади, хотинидан ҳеч қачон менинг кўзимга тушмаслигини талаб қилади ва хотиним ҳам унинг яқинига бора олмайди. Умуман олганда, бу ғирт жиннилик. Чунки, унинг рафиқаси менга опа қатори, менинг рафиқам унга сингил. Шундай экан, уларнинг миясини эговлаб уйда ҳам паранжи ёпиниб юришга мажбурлашга не ҳожат? Минг бор узр, мен аҳмоқ акамни фикридан қайтара олмайман...

Отамнинг рақиби осонликча таслим бўладиган киши эмасди. Генерал Зиё-ул-Ҳақ режими даврида мамлакатда исломлаштириш кампанияси олиб борилди ва муллалар нуфузли шахсларга айланишди.

Баъзи жиҳатлар бўйича генерал Мушарраф генерал Зиёдан тубдан фарқ қилар эди. Асосан, ҳарбий кийимда юрса ҳам, баъзи-баъзида жамоат олдида европача костюм-шимда пайдо бўлиб турарди. У ўзини ҳарбий маъмурият раҳбари эмас, президент деб атади. Бун-

дан ташқари, у мусулмонларнинг баъзи оқимларида ҳаром ҳисобланган ит боқишни хуш кўрарди. Генерал Зиё исломлаштириш кампаниясини олиб борган бўлса, генерал Мушарраф мамлакатни модернизация қилиш кампаниясини ўтказди, деб бемалол айта оламиз. Унинг даврида оммавий ахборот воситалари нисбатан эркинроқ фаолият юритди, нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам ишлайдиган хусусий телеканалларни очишга рухсат берди. Шунингдек, Янги йил ва Севишганлар куни каби Европадан кириб келган байрамларини нишонлашга изн берилди. Унинг даврида Мустақиллик кунида бутун мамлакат бўйлаб телевидение орқали намойиш этиладиган улкан эстрада концерти ўтказила бошланди. У ўзидан олдинги демократик ҳукмдорлар, жумладан, Беназир Бхутто ҳам журъат эта олмаган ишларни бажаришга муваффақ бўлди. Аёллар зўрланганини исботлаши учун тўрт нафар эркак гувоҳ топиши керак, деб ёзилган қонунни бекор қилиши дунё ҳамжамияти томонидан олқишланди. Мушарраф, шунингдек, мамлакат тарихида биринчи маротаба аёл кишини давлат банкининг раиси этиб тайинлади, аёлларга учувчи ва қирғоқ кўриқчиси сифатида ишлашга рухсат берди. Фахрий қоровул сафида аёл кишининг бўлиши ҳам илк маротаба унинг даврида кузатилди.

Бироқ бу ислохотлар шимолий-ғарбий чегара вилоятидаги пуштунлар яшайдиган ерларгача етиб келмаганди. 2002 йилда Мушарраф «бошқариладиган» демократик сайлов ўтказди. Бу сайловнинг ғалатилиги шунда эдики, муҳолиф партия раҳбарлари Навоз Шариф ва Беназир Бхутто мамлакатдан чиқариб юборилди. Ушбу сайловлар натижасида вилоятимизда муфтийлар ҳокимият тепасига келди. Муттаҳидада Мажлиси-Амал (ММА) ташкилоти Жамоат ул-Уламо-и-Исломни (ЖУИ) га ўхшаган бешта диний партияни ўзида бирлаштирди.

Ушбу партиялар толибонлар таҳсил олган мадрасалар устидан назорат ўрнатгани билан машҳур эди. Бу партия оддий халқ орасида «муллалар ҳарбий иттифоқи» деб атала бошланди. Ушбу иттифоқ Мушаррафнинг қўллаб-қувватлаши натижасида ғалаба қозонганига ҳеч кимда шубҳа қолмади. Аммо мутаассиб аҳоли қатламига Американинг Афғонистонга бостириб кириши ва бу мамлакатда толибон режимининг ағдарилиши ёқмади, шу сабабли ҳам айнан ММАни қўллаб, овоз беришди.

Бизнинг вилоятимиз ҳар доим Покистоннинг қолган қисмига қараганда консервативроқ бўлиб келган. Афғонистондаги жиҳод пайтида вилоятимизда кўплаб мадрасалар қурилди, уларнинг аксарияти Саудия Арабистони томонидан молиялаштирилди. Мадрасада таълим олиш мутлақо бепул эди, шунинг учун кўплаб ёшлар замонавий билимларни эгаллагандан кўра, мадрасада таҳсил олишни маъқул кўришди. Бу Покистонни араблаштириш сиёсатининг дебочаси эди. 11 сентябрь воқеалари жанговар кайфиятни янада кучайтирди. Агар ўша пайтларда кўчада юрганингизда, деворларга ёзилган ушбу сўзларга кўзингиз тушарди:

**«АГАР ДИНИМИЗ ЙЎЛИДА ЖИҲОД ҚИЛИШНИ
ИСТАСАНГИЗ, БИЗ БИЛАН БОҒЛАНИНГ».**

(телефон рақами).

Жиҳод учун маблағ йиғиш ва кўнгилли жангариларни ёллаш учун тўлиқ эркинлик берилди. Шангла шаҳридаги бир мактаб директори шаҳар халқ таълими бўлимидаги йиғилишда тўққизта ўрта мактаб ўқувчиларини жангариларни тайёрлаш марказига – Кашмирга юборгани билан ҳаммани олдида керилиб тургани ҳақида отам менга афсус билан айтиб бергани ёдимда.

ММА ҳукумати CD ва DVD дисклари сотадиган барча дўконларни ёпди. Афғонистонда толибон даврида муваффақиятли тарзда ишлаган ахлоқ полициясини яратишга зўр берди. Ушбу «полиция» вакилларига кўчада эркак билан юрган ҳар қандай аёлни тўхтатиб, ёнидаги эркак унинг қариндоши эканлигини исботлашни талаб қилиш ваколоти берилди. Бахтимизга, Олий суд бу ишни қатъиян қоралади ва бекор қилди. ММА фаоллари бундан қаттиқ зарба еган бўлса ҳам, тўхтаб қолмади. Энди навбат кинотеатрларга келди. Аёлларнинг тасвири туширилган плакатлар ва реклама тахталарини йиртиб ташлашди ёки юзларини ва очиқ жойларини бўяб қўйишди. Барча аёл манекенлар кийим дўконларидан олиб ташланди. ММА фаоллари эркакларга европача кўйлак ва шимлардан воз кечиш ва фақат узун, кенг яктак ва шалвардан иборат анъанавий кийим-кечаклар кийиб юриш талабини қўйди. Аёллар нафақат ҳижоб ўрашга, паранжи тақишга ҳам мажбур эди. Аёлларнинг жамият ҳаётидаги ҳар қандай иштироки ҳаром ҳисоблана бошланди.

Отам мактабини энди очганида ўғил болалар ва қиз болалар биргаликда ўқиган, аммо орадан бир йил ўтиб, ижтимоий-сиёсий жараён буткул ўзгариб кетгани сабабли, қарама-қарши жинс вакилларига ёнма-ён таълим бериш қийинлашиб қолган. Шу сабабли ҳам, отам вояга етган қизларни алоҳида ўқитишни йўлга қўйишга мажбур бўлган.

Иқлимнинг ўзгариши мулла Ғуломуллоҳга ўхшаган одамларга жуда қўл келди. Бир куни мактаб мулозимларидан бири отамга муфтий доимий равишда мактабга келиб туриши ва вояга етган йигит-қизларнинг бир эшикдан кириб-чиқиши ҳам ножоизлигини бир неча бора таъкидлаганини етказганидан сўнг отамнинг хавотири янада ортди.

Замона зайли билан ўзини шердек тута бошлаган мулла бир куни мактаб эшиги ёнида турган қоровул билан суҳбатлашиб, атрофга олазарак боқиб турганида, мактаб ҳовлисида бирга чиқиб, суҳбатлашиб кетаётган аёл ва эркак ўқитувчиларга кўзи тушди ва қоровулдан сўради:

– Бу эркакнинг ёнидаги аёлга ҳамроҳлик қилишга ҳаққи борми? Улар қариндошми?

Қоровул иккиланиб туриб жавоб қайтарди:

– Йўқ, улар шунчаки ҳамкасблар.

– Бу қандай бедодлик! Ахир, бу турган битгани гуноҳ-ку!

Отам қоровулдан мулла яна мактаб атрофида ўралашадиган бўлса, дарҳол қўнғироқ қилишини тайинлади. Орадан бир-икки кун ўтиб яна мулла мактаб атрофида искаланиб юрганида отам ислом фанлари ўқитувчиси ҳамроҳлигида унга пешвоз чиқди. Мулланинг бўзрайиб турган башарасини кўриб чидаб тура олмаган отам андишани ҳам йиғиштириб қўйиб, унга бор захрини сочди:

– Эй мулла, жонимдан тўйдириб юбординг. Кимсан ўзи? Менинг мактабимдан бошқа қиладиган ишинг йўқми? Сенинг жиннилигинг аниқ! Бу ерда ўралашиб юргандан кўра, шифокорга мурожаат қил! Мактабим ва ундаги ўқувчиларимни тинч қўй. Яхшиси, дўхтир Ҳайдар Алининг олдига бор!

Дўхтир Ҳайдар Али мамлакатимиздаги энг таниқли психиатрлардан бўлиб, уни «зиёрат қилиш»ни маслаҳат бериш суҳбатдошни ақлдан озганликда айблаш билан тенг эди.

Бунақа гапларни кутмаган муфтий бир сўз дея олмасдан, салласини бошидан ечиб, отамнинг тиззасига қўйди. Салла биз учун зодагонлик ва пуштунликнинг рамзи ҳисобланади. Эркак саллани фақат камтарлик белгиси сифатида ечиши мумкин. Ҳамма муфтийни индамай кетади деб ўйлаганди, аммо у гапиришга куч топди:

– Мен мактабингизни ёпиш ҳақида ҳеч нарса демадим. Ходимларингиз ёлғон маълумот етказишибди.

Отамнинг жазаваси ҳали босилмаган эди. Шундай бўлса ҳам, қаршисидаги ожизланиб қолган муфтийни кўриб, у ҳам бироз юмшади:

– Бу ерда қиладиган ишингиз қолмади. Яхшиси, уйга боринг.

Муфтийнинг мактабимизни ёпишга бўлган уриниши зое кетди. Аммо унинг бунга яна ҳаракат қилиб кўрганни Покистондаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, бу отамни ташвишга солмасдан қўймасди. Шунга қарамай, у ва унинг дўстлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, демократияни янада мустаҳкамлаш, жамиятдаги аёллар нуфузини ошириш каби мавзуларга бағишланган митинглар ўтказишни тўхтатишмади.

2004 йилда Вашингтон томонидан икки ярим йилдан ортиқ давом этган тазйиқларга чидаб келган генерал Мушарраф ўз кўшинларини Федерал бошқариладиган қабила ҳудудларига юборишга фармон берди. Афғонистон билан чегара ҳудудларида жойлашган ушбу ерлар амалда ҳукумат томонидан назорат қилинмас эди. Америкаликларнинг даъво қилишларича, 11 сентябрь воқеаларини содир қилган ва Афғонистонга қочиб келган «Ал-Қоида» жангарилари пуштунларнинг меҳмондўстлигидан фойдаланиб, бу ҳудудлардан бошпана сифатида фойдаланган. Бу ер жангариларга ёқиб қолди ва бу ерда бир қанча лагерлар қурилди, янгидан-янги жангарилар тайёрланди ва чегара зонасида жойлашган НАТО кўшинларига ҳужумлар уюштирилди. Ушбу ҳудуд Сват водийсига яқин жойлашган бўлиб, унинг туманларидан бири Бажаур бизга бевосита кўшни ҳисобланади. Ушбу ҳудудларда яшовчи аҳоли асрлар давомида Покистон ва Афғонистонда яшаб келган Юсуфзоӣ ва бошқа қабилаларга мансуб.

Ушбу қабилавий ҳудудлар Буюк Британиянинг мустамлакачилик даврида Афғонистон ва Ҳиндистон ўртасида буфер зона сифатида яратилган бўлиб, кейинчалик Покистон ҳам орага суқилган. Бугунги кунда ҳам бу ҳудудлар қабила раҳбарлари ва оқсоқоллари ёки маликлар томонидан бошқарилади. Бироқ маликларнинг ҳеч қанақа таъсири мавжуд эмас.

Дарҳақиқат, ушбу қабилалар ҳукумат чиқарган қарорларга умуман бўйсунмайди. Аҳоли ҳам, асосан, контрабанда билан шуғулланиб, давлат бу ҳудудларга эътибор қаратмаслигидан хурсанд ҳолда яшайди (бу ҳудудлардаги ўртача йиллик даромад атиги 250 доллар – Покистонда эса тахминан 500\$ дан кўпроқ). Касалхоналар ва мактаблар жуда ҳам кам, қизлар эса мактаб тўғрисида умуман ўйламаса ҳам бўлаверади. У ерларда бирорта ҳам саводли қиз-аёл йўқ. Сиёсий партия нима деган савол билан у ердаги аҳолига мурожаат қилсангиз, 99,9 фоиз «билмадим» деган жавобни олишингиз тайин. Бу ердаги аҳоли эрксеварлиги ва шафқатсизлиги билан танилган бўлиб, бунинг исботини инглизларнинг эски ҳисоботларидан ҳам топишингиз мумкин.

Илгари ҳеч қачон бу ҳудудларга армиянинг қадами етмаганди. Ҳукумат бу ерларга доимий қўшинларни ушлаб турмаган ва бу ҳудудлар пуштунлардан тузилган чегара бўлинмалари томонидан назорат қилинаётганидан мамнун бўлган. Бу ерларга қўшин киритиш тўғрисидаги қарор аскарларимиз пуштун биродарларига қарши курашишлари кераклигини англатарди. Бундан ташқари, кўплаб армия бошлиқлари ва ҳарбий разведка зобитлари «Ал-Қоида» жангарилари билан бевосита алоқага эга эди. 2004 йил март ойида армия бўлинмалари биринчи чегара ҳудуди – Жанубий Вазиристонга бостириб кирди. Маҳаллий аҳоли бу ҳодисани ўзларининг анъанавий турмуш тарзига тажовуз сифатида қа-

бул қилишди. Қўлига қурол олишга имконияти етган ҳар бир эркак ҳукумат армиясига қарши кураш бошлади. Қуролли тўқнашувлар юзлаб аскарларнинг бевақт ўлим топишига сабаб бўлди.

Армия тушкун аҳволда қолди. Буидан ташқари, баъзи аскарлар ўз биродарларига қарши курашишдан бош тортди. Бошқа чораси қолмагани сабабли қўшинлар роппа-роса ўн икки кундан сўнг ортга чекинди ва маҳаллий етакчилардан бири бўлган Нек Муҳаммад билан тинчлик музокараси ўтказишга тўғри келди. Ҳукумат рақиблар жанговар ҳаракатларни тўхтатиши эвазига катта миқдордаги маблағ таклиф қилди.

Бир неча ойдан сўнг, АҚШ ҳаво кучлари Покистонга биринчи ҳужумини бошлади. 2004 йил 17 июлда сунъий йўлдош орқали ким биландир суҳбатлашаётган Нек Муҳаммадга суиқасд уюштирилди. Суиқасд учувчисиз самолётлар орқали амалга оширилди. Натижада, жангарилар раҳнамоси ва унинг одамлари нариги дунёга равона бўлишди. Маҳаллий аҳоли нима бўлганини ҳали тушуниб етмаганди. Ҳеч ким америкаликлар нега бундай ғазаб отига минганини англай олмади. Америка Қўшма Штатлари Нек Муҳаммадга уюштирган суиқасди унчалик жиддий воқеа бўлмаса ҳам, уруш бўлиши тақиқланган буфер зонада ҳаво ҳужумини амалга оширишга ҳеч ким ҳақли эмасди. Америкаликларнинг ҳужуми, шунингдек, етакчиларининг ўлдирилиши маҳаллий аҳолининг ғазабланишига сабаб бўлди. Кўнгилдилардан ташкил топган қуролли отрядлар тузилди. Америка ҳам тинч турмасдан яна бир неча маротаба ҳужум уюштирди. Америкаликлар Бин Ладеннинг энг яқин ёрдамчиси Айман аз-Жавоҳирий Бажаурда яшириниб олганини ва шу ерлик аёлга уйланганини даъво қилишди. 2006 йил январь ойида АҚШнинг учувчисиз самолёти ал-Жавоҳирийни тинчителиш учун Дамадола

қишлоғига бомба ташлади. Натижада, учта уй вайрон бўлди ва ўн саккиз киши боқий дунёга йўл олди. Жавоҳирийнинг ўзига келсак, америкаликларнинг фикрига кўра, у бомбардимон ҳақида олдиндан огоҳлантирилиб, қочиб кетишга муваффақ бўлган.

Ўша йили 30 октябрда бошқа бир америкалик «тулпор» Хар шаҳри яқинидаги тепаликдаги мадрасага бомба ташлади. Натижада, саксон икки киши ҳалок бўлди. Мархумларнинг аксарияти ўсмир ёшидаги мадраса ўқувчилари ҳисобланишарди. Америкаликлар бу қилмишини бу ер умуман мадраса эмас, балки «Ал-Қоида» жангариларининг ўқув лагери эканлигини ва уларнинг ихтиёрида видео ёзувлар мавжудлигини таъкидлаш орқали оқлашга уринишди. Портлашдан бир неча соат ўтгач, вайрон қилинган мадраса раҳбари Фақир Муҳаммад омма олдида кўриниш бериб, Покистон аскарларини биродарларининг ўлими учун қасос олишга даъват қилди.

Бўлиб ўтаётган бу ҳодисалар отам ва унинг дўстларини ташвишга солди. Улар дарҳол маҳаллий раҳбарлар ва оқсоқолларни тинчлик конференциясига чақиришга қарор қилишди. Январь ойининг ўрталарида қаттиқ совуқ бўлишига қарамай 150 нафар киши ҳарбий таҳдиднинг қандай олдини олиш кераклигини ҳал қилиш учун бир жойда тўпланишди.

– Ўртоқлар, уруш яқин, – хўрсиниб гап бошлади отам. – Водийни қамраб олишидан олдин оловни ўчиришимиз керак.

Аммо унинг огоҳлантиришларига ҳеч ким қулоқ солишни истамади. Баъзи одамларга унинг сўзлари қулгили туюлиб, қаҳқаҳасини яшириб ўтирмади. Жумладан, отам мийиғида қулиб ўтирган биринчи қатордаги маҳаллий сиёсий раҳбарга қуйидаги гапларни айтди:

– Жаноб Хон, Афғонистон халқининг бошига тушган кулфатдан хабарингиз бор. Ушбу мамлакатнинг кўплаб

аҳолиси мамлакатни тарк этди ва уларнинг аксариятига мамлакатимиз бошпана берди. Худди шу нарса ҳозир Бажаурда ҳам содир бўлмоқда. Сўзларимни диққат билан тингланг ва ёзиб қўйинг, тез орада биз ҳам ўз уйлари-римизни тарк этишга мажбур бўламиз. Аммо биз қочадиган бўлсак, бизга ҳеч ким бошпана бермайди.

Хон отамдан латифа эшитгандек, хандон отиб кулиб юборди ва кулгисини тўхтатмай туриб деди:

– Қанақа бемаъни нарса ҳақида гапиряпсиз? Мен ўзимга хон, ўзимга бекман. Ким ҳам мени ўз уйимдан бадарға қилишга журъат қиларди?

Отам бундан қаттиқ ранжиди. Шунча одамни тўплаб мажлис қилганидан афсусланди. Ортга қайтар эканмиз, менга бор дардини тўкиб солди:

– Афсуски, мен ҳоким, етакчи ёки сиёсий раҳбар эмасман. Оддий мактаб раҳбариман. Жуда кичик одамман. Эҳ аттанг-а. Отам бой бўлганида, мен ҳам машхур сиёсатчи бўлар эдим...

8-боб

КУЗГИ ЗИЛЗИЛА

Бошланғич синфда ўқиётган пайтларимиз эди. Октябрь ойининг қуёшли кунларидан бирида, тўсатдан парталаримиз қимирлай бошлади. Синфдаги ўқувчилар бундан ваҳимага тушишди ва беихтиёр бир овоздан қичқириб юборишди: «Зилзила!» Ҳамма ўзини ташқарига ура бошлади. Отам бир пайтлар бизга зилзила содир бўлганида ҳамма нарсани ташлаб, тезда ташқарига чиқиш керак, деб ўқтирган эди. Болалар она товуқ атрофида қунишиб ўтирадиган жўжалар каби, ўқитувчиларимиз атрофида дир-дир қалтираганча ўтиришарди.

Сват водийси юқори сейсмик фаол зонада жойлашган бўлиб, бу ерда тез-тез зилзила содир бўлиши табиий ҳолат. Аммо бу зилзила ҳар қачонгидан ҳам бошқачароқ эди. Оёғимиз остидаги ер ларзага келди, атрофимиздаги барча уйлар қулаб тушадигандай туюлди. Болалар қўрққанидан дир-дир қалтирар, айримлари хўнграб йиғлар, ўқитувчиларимиз эса тинмай Яратганга ибодат қилишарди. Севимли ўқитувчиларимдан бири Руби хоним ўзини қўлга олиб, бизни тинчлантиришга уринди. «Ваҳима қилишга ҳеч қанақа асос йўқ, – деди у. – Тез орада зилзила тугайди.

Зилзила тамом бўлгач, бизни уй-уйимизга жўнатишди. Уйга қайтганимда қўлларида «Қуръон»ни қучоқлаб, сураларни билганича айтиб ўтирган онамга кўзим тушди. Ўзи одамлар шунақа – бошига мушкулот тушганидагина дуо қилишни бошлашади. Онам мени кўриши билан қувончдан ўкириб йиғлаб юборди ва югуриб

келиб, қучоқлаб, юз-кўзларимдан ўпа кетди. Ўша куни силкинишлар яна бир неча марта такрорланиб, хавотиримизга хавотир қўшди.

Пешонамга доим кўчиб юриш битилган бўлса, ажаб эмас – ўн уч ёшга кирган бўлсам, етти маротаба турар-жойимизни ўзгартиришга мажбур бўлганмиз. Ўша кузда кўп қаватли уйда яшардик. Онам уй қулаб тушади деб ваҳима қилиб, ҳаммамизни кўчада туришга мажбурлади. Отам мактаб биноларининг ҳолатини текшираман деб, ярим кечагача қолиб кетди.

Кеч тушганида ҳаммамизнинг кўнглимизга ваҳима оралаганди. Ҳар сафар силкиниш бўлганида, ўлиб кетишимиздан кўрқиб, дағ-дағ қалтирардим. Онам уйга киришни хоҳламади. Вайроналар остида ўлиб кетишимиздан чўчиб, ташқарида тунашимизни талаб қилди. Аммо ҳаддан ошиқ чарчаган отам онамга қулоқ солмади. Бундан ташқари, биз мусулмонлар тақдиримиз Худо томонидан пешонамизга ёзилганига ишонамиз. Шу сабабли, отам мен ва укаларимни олдига солиб, иккинчи қаватга кўтарилди.

Онамнинг атрофга олазарак боқишидан тоқати тоқ бўлган отам охири чидаб туролмай, онамга бақирди:

– Агар уйда қолишдан кўрқадиган бўлсанг, тўрт томонинг қибла! Мен шу ерда қоламан. Сен ҳам Аллоҳнинг иродасига ва марҳаматига ишонадиган бўлсанг, шу ерда қол. Ҳамманг бошингга мусибат ва фалокат тушган пайтда, ҳаётинг хавф остида бўлганида, гуноҳларингни эслайсан, Худо билан учрашганимда, у бизни кечирармикан деб ич-этингни ейсан. Аммо хавф орда қолганида гуноҳларингни унутасан ва аввалгидек яшай бошлайсан.

Ўша тунда отамнинг сўнмас эътиқоди ва онамнинг асосли ташвишларига гувоҳ бўлдим

2005 йил 5 октябрда содир бўлган зилзила энг вайронкор зилзила сифатида тарихга кирди. Унинг кучи Рихтер

шкаласи бўйича 7,6 баллни ташкил қилди, Кобулдан Деҳлигача бўлган улкан ҳудудда зилзиланинг силкинишлари сезилди. Зилзила Мингорога унчалик катта вайронагарчиликлар келтирмади, фақатгина бир нечта уйлар қулаб тушди. Аммо қўшни Кашмир ва Покистоннинг шимолий қисмида табиий офатнинг оқибатлари жуда оғир эди. Ҳатто Исломободда ҳам уйлар қулаб тушди.

Биз бу табиий офатнинг кўламини дарҳол англаб етмадик. Энг кўп зарар кўрган ҳудудлардан телевизион репортажлар эфирга узатила бошлагандагина, бутун бошли қишлоқларнинг ер билан яксон бўлганига гувоҳ бўлдик. Электр ва телефон тармоқлари ишламай қолди, зарар кўрган ҳудудларга кириш йўллари кўчкилар сабаб тўсилиб қолди. Табиий офат майдони 30.000 квадрат километрни ташкил этди – бу АҚШнинг Коннектикут штати ҳудуди билан тенг дегани эди. Қурбонлар сони ақл бовар қилмайдиган даражага ошиб кетди. Етмиш уч мингдан ортиқ одам ҳалок бўлди, 128 мингдан ортиқ киши яраланди, уларнинг аксарияти кейинчалик ногиронга айланиб қолди. Уч ярим миллиондан ортиқ одам уйсиз қолди. Йўллар ва кўприклар вайрон бўлди, сув ва электр таъминоти тизимлари ишламай қолди. Қурбонлар орасида мен каби эрталаб мактабда бўлган кўплаб болалар бор эди. Тахминан 6400 мактаб вайронага айланган, 18.000 бола вайроналар остида ҳалок бўлган.

Табиий офат яқунланганидан сўнг, биз жабрланганлар учун пул йиғишни бошладик. Ҳамма имкони борича олиб келди. Отам барча танишларининг уйига бориб, жабрланганлар учун озиқ-овқат, кийим-кечак ва пул беришни илтимос қилди. Онам билан биргаликда одамлар олиб келган кўрпа-тўшакларни саранжом қила бошладим. Сват хусусий мактаблар уюшмаси ҳам хайрияга молиявий кўмак кўрсатди. Йиғилган пуллар ҳисоблаб чиқилганида бир миллион рупиядан ошиб кетди. Лаҳордаги мактабимизни дарсликлар билан

таъминлайдиган нашриёт озик-овқат ва бошқа керакли маҳсулотларни бешта юк машинасига ортиб юборди.

Икки тоғ тизмаси орасидаги тор водийда жойлашган Шанглада яшовчи қардошларимиз бизни жуда хавотирга солиб қўйганди. Ниҳоят, отамнинг бир амакиваччаси уйимизга келиб, отамнинг қишлоғида кўплаб уйлар вайрон бўлганини, саккиз киши дунёдан кўз юганини айтиб берди. Зилзила пайтида уйларнинг қулаши натижасида, харобалар остида қолиб кетган маҳаллий мулла Қадимнинг тўрт нафар бир-биридан гўзал қизи бирваракайига ҳалок бўлганини эшитиб жуда қаттиқ ранжидим. Инсонпарварлик ёрдами юклари ортилган машиналарда отам билан бирга Шанглага боришни жуда истаган бўлсам ҳам, отам бу иш жуда хавfli эканлигини айтиб, ҳеч унамади.

Отам уйга қайтиб келганида рангида ранг қолмаганди, сафарнинг жуда оғир бўлганини унинг юзидан англаб олиш муаммо эмасди. Онам ва мен отамнинг айтганларини эртак эшитгандек тингладик:

– Йўлнинг катта қисми қулаб тушган, устига устак қолган қисмларини ҳам тош босиб қолган экан. Катта машаққатлар билан қишлоғимга етиб борганимда, у ернинг аҳолиси мени кўзда ёш билан кутиб олди. Айтишларича, улар зилзила пайтида ўзларини сўнгги нафасларини олаётгандек ҳис қилишган. Ҳаттоки, тоғлар силкиниб, улкан харсангтошлар ҳам қулаб тушган экан. Дўстларимдан бирининг айтиб беришича, одамлар зилзила пайтида уйларини тарк этиб, бир жойга тўпланиб Худога нола қилишган, аммо қулаб тушаётган томларнинг товуши ва ҳуркиб кетган мол-ҳолларнинг жон бериб қичқириши уларнинг овозини босиб қолган. Табиий офат шу қадар узоқ давом этганки, қишлоқ аҳолиси нафақат кунни, балки тунни ҳам ташқарида ўтказишга мажбур бўлган. Кечаси тоғларда совуқ об-ҳаво ҳукм су-

риши сабабли одамлар оз бўлса ҳам исиниб олиш учун бир-бирининг пинжига кириб олишган. Фақатгина орадан бир неча кун ўтиб, жабрланувчиларга ёрдам бериш мақсадида «Техрик-и-Нафаз-и-Шариат-и-Муҳаммадий» (ТНШМ) ташкилотидан хорижий профессионал кутқарувчилар ва кўнгиллилар етиб келишган...

Отамнинг ҳикоясига жуда ҳам берилиб кетганимдан, бу ташкилот ҳақида гапириб беришни унутибман. Сўфий Муҳаммад томонидан асос солинган ушбу ташкилот Афғонистонга жангчилар юбориш билан шуғулланади. Сўфий Муҳаммаднинг ўзи генерал Мушарраф Америка босими остида бир неча ҳарбий раҳбарларни ҳибсга олишга буйруқ берган 2002 йилдан бери қамоқда ўтирибди. Шунга қарамай, Сўфи Муҳаммад томонидан тузилган ушбу ташкилот ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Ташкилотнинг ҳозирги раҳбари Мулла Файзуллоҳ ҳисобланади. Йўллар ва кўприклар абгор ҳолда келиб қолганлиги, шунингдек, маҳаллий раҳбарият вакиллари ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндашганликлари сабабли расмийларга Шангла каби узоқ ҳудудларга етиб бориш қийинчилик туғдирарди. Биздаги зилзиланинг донғи Доғистонга етиб, ҳатто, БМТ вакили «Биз логистика соҳасида жуда катта талафот кўрдик», дея баёнот берди.

Генерал Мушарраф зилзилани «Халққа Худо томонидан юборилган синов», деб атади ва ундан ҳам «муҳимроқ» бўлган «Ҳаёт чизиғи» номли ҳарбий-операцияни бошланганини эълон қилди. Покистонда ҳарбий операцияларга баландпарвоз ном бериш урфга кирган. Газеталарда вертолётлар инсонпарварлик ёрдамини етказиб бераётгани акс этган кўплаб фотосуратлар чоп этилди. Аммо кичик тоғ водийларига вертолётлар қўна олмади ва тепадан ташланган озиқ-овқат ва чодирларнинг аксарият қисми дарёга тушиб, исроф бўлди. Баъзи ҳолларда қуйи одамлар билан гавжум бўлгани сабаб

вертолётлар юкларини ташлай олмай ўзи билан қайтариб олиб кетишга мажбур бўлди.

Шунга қарамай, ёрдамга муҳтож одамлар сони анча кўп эди. Покистон ҳукумати эплай олмаётганини кўрган америкаликлар зудлик билан жабрланганларга ёрдам бериш учун Афғонистондаги баъзи қўшинлари ва вертолётларини юбориб, тезкорлик билан аҳолига ёрдам берди. Шу орқали ҳар қандай ҳолатда ҳам халқимиз учун ёрдамга тайёр эканликларини исботлашди. Баъзи учувчилар маҳаллий аҳолининг тажовуз қилиб қолишидан қўрқиб, вертолётларидаги АҚШ рамзларини беркитиб ҳам қўйишди. Чекка қишлоқлардаги аҳолининг аксарияти умри давомида илк маротаба хорижликларни кўришга муваффақ бўлди.

Кўнгиллиларнинг аксарияти исломий хайрия ташкилотларига тегишли бўлса, айримлари яширин ҳарбий тузилмалар аъзолари эди. Улар орасидаги энг аҳамиятли аъзолар «Жамоа ул-Дава»нинг гуллаб-яшнаётган қаноти «Лашкари Таиба» вакиллари ҳисобланишарди. «Лашкари Таиба» вакиллари бевосита Покистон ТИРи билан яқин алоқалар ўрнатган. Ушбу ташкилотнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади Кашмирни озод қилиш бўлиб, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Барча покистонликлар Кашмир Ҳиндистоннинг эмас, балки Покистоннинг таркибига кириши керак деб ҳисоблайди, чунки бу ҳудудда яшовчи аксарият аҳоли мусулмонлар ҳисобланади. «Лашкари Таиба» раҳбарининг исми Ҳофиз Саид бўлиб, у Лаҳор университетида профессор бўлиб ишлайди. Бу одам Ниҳоятда ғайратли нотик ҳисобланиб, телевизорда тез-тез Ҳиндистонга қарши урушга даъват қилиши билан машхур. Зилзиладан сўнг, ҳукумат тегишли чоралар кўра олишга ярамаслиги ойдинлашгач, «Жамоа ул Дава» аъзолари дарҳол уйсизлар учун лагерлар ташкил қилиб берди. Бу лагерлар «Калашников» автоматлари

билан қуролланган ва кўчма радиостанциялар билан жиҳозланган жангарилар билан туну кун қўриқлана бошланди. Лагерда яшайдиган барча одамлар бу ишларни «Жамоа ул Дава» қилаётганини жуда яхши англади. Тез орада ташкилотнинг қора ва оқ байроқлари хочга михланган ҳолда лагернинг барча ҳудудида ҳилпирай бошлади. Азад Кашмир вилояти, Музаффаробод шаҳридаги ташкилот вакиллари дала касалхонасини ташкил этиб, шифохонани барча керакли дори-дармонлар, ҳатто рентген аппарати ва операция учун зарур жиҳозлар, стоматологик учун зарур воситалар билан таъминлади. Касалхонада профессионал шифокорлардан ташқари, ўнлаб кўнгиллилар ҳам ишлай бошлади.

Жабрланганлар дунёдан узилган дараларга келиб, озик-овқат ва дори-дармон етказиб берган қутқарувчиларни узундан-узоқ дуо қилишарди. Кўнгиллилар вайроналарни тозалашда, янги уйлар қуришда, марҳумларни кўмишда ва уларнинг ҳаққига дуо ўқишда катта кўмак беришди. Зилзила бўлиб ўтганига бир неча йил бўлган бўлса ҳам, ҳукумат ваъда қилинган товон пулини тўламаганлиги сабабли шу кунгача кўплаб қишлоқларда одамлар вайрон қилинган уйларнинг ўрнига янги уй қура олмай, ҳукуматни «дуо қилиб» ўтиришибди. Чет элдаги инсонпарвар ташкилотларнинг аксарияти Покистонни тарк этишган бўлса ҳам, «Жамоа ул Дава» вакиллари ҳали ҳам оддий халққа ёрдам бериб келмоқда. Англияда ўқиётган амакиваччамнинг айтишича, ташкилот фаоллари зилзила оқибатларини бартараф этиш учун дунёнинг ҳар чеккасидаги одамлардан маблағ йиғишмоқда. Баъзи устомон одамлар эса вазиятдан фойдаланиб, йиғилган пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ҳатто ушбу пул ёрдамида Буюк Британиядан АҚШга учаётган самолётларни йўқ қилиш бўйича операция ўтказилиши режалаштирилганлиги ҳақида миш-мишлар тарқалиб кетган.

Зилзила оқибатида кўпчилик болалар ота-онасидан ажралиб қолишди. Мамлакатдаги етимлар сони 11000 нафарга кўпайди. Жамиятимизда етимларни одатда қариндошлари ўз уйларига олиб кетишади, аммо фалокат кўлами шунчалик катта бўлганидан, баъзи болаларнинг барча қариндошлари қирилиб кетди. Ҳукумат барча етим болалар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши-ни ваъда қилди, бироқ бу ваъда бошқа ваъдалар сингари бажарилмай қолиб кетди. Ўзи «катта»лар фақат ваъда беришни билишади, бажаришга келганда сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетади. Миш-мишларга кўра, «Жамоа ул Дава» ташкилоти кўплаб ўғил болаларни ўз қарамоғига олиб, мадрасаларга жойлаштириб қўйган. Умуман, Покистонда мадрасаларни хайрия ташкилотлари деб аташ мумкин, чунки улар ўз ўқувчиларига бепул турар жой ва овқат тақдим этади. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор. Диний мактабларда талабалар оладиган билимлар, юмшоқ қилиб айтганда, етарли эмас. Уларга фақат тиз чўкиб, у ёқдан бу ёққа чайқалиб, «Қуръон» тиловат қилиш ўргатилади. Мадрасаларда илм-фан ва адабиёт кофирларнинг ихтироси, ҳақиқий мусулмон учун зарур эмас, динозаврлар ҳеч қачон мавжуд бўлмаган ва инсон ҳеч қачон космосга учмаслиги керак, буларнинг бари дўзахий амаллар, деб уқтириб келинади.

Покистон халқи узоқ йиллардан бери зилзила келтирган талафотлардан зарар кўрмоқда. Муллалар ва муфтийлар зилзила Аллоҳ томонидан юборилган огоҳлантириш эканлигини бот-бот такрорлашдан чарчашмайди. Масжидлардаги хутбаларда чинакам исломий мамлакатга айланишимиз зарурлиги, шариат қонунларига қатъий риоя қилишимиз кераклиги баралла таъкидланади. Акс ҳолда, бундан ҳам баттар балолар бошимизга ёғилиши мумкин экан...

9-боб

РАДИО

Толибонлар бизнинг водийга етиб келганларида эндигина ўн ёшга қадам қўйгандим. Ўшанда Мониба билан биргаликда қўрқинчли китобларни ўқишни жуда хуш кўрар, ўзимизча «вампир» бўлишни орзу қилардик. Толиблар ҳам худди «вампир»ларга ўхшарди, уларни кундузи учратиш амримаҳол, аммо тунда кўчаларда итдек изғиб юрарди. Ёлғиз юрган толибга деярли кўзимиз тушмас, улар, асосан, гуруҳ бўлиб юрарди. Ҳар доим уларнинг қўлида Калашников автомати, шунингдек, белида ханжар осилган бўларди. Улар биринчи бўлиб Матта тоғли минтақасида, Сватнинг юқори қисмида пайдо бўлган. Аввалига ўзларини толиб деб таништирмаганликлари ва биз фотосуратларда кўрган афғон толибларига мутлақо ўхшамасликлари сабабли, ҳеч ким улардан шубҳаланмади.

Улар доимо покиза ва чиройли бўлиб юрар, соқолларини тартибли ўстирар, маҳаллий эркакларимиз киядиган яктак-шалварларни эгниларига кийиб, файзли инсонларга ўхшаб юрарди. Оёқларида енгил кроссовка ёки водийда исталганча топилиши мумкин бўлган пластик сандал (мокасина – тарж.) бўларди. Бошларига эса бизнинг ҳамма эркаклар киядиган саллани қўндириб, оддий мўмин-мусулмонлардек юрган толибонларни кўриб ким ҳам жангари деб ўйлар эди? Ҳеч ким.

Аммо... Уларнинг асл башараси ошкор бўлгач, маҳаллий аҳолининг нафратига учрай бошлашди. Улар шу қадар иркит ҳолатда юришардики, отамнинг дўстларидан

бири уларни «Совун ва сув билан уришиб қолганлар» деб атаб, ҳаммамизнинг ҳадик кўнглимизни кулги билан бироз кўтарарди. Толиблар етакчиси, 28 ёшли Мулла Файзуллоҳ ёшлигида Сват дарёсини кесиб ўтаётганида шикастланиб, ўнг оёғидан жароҳат олиб, бироз оқсоқланиб юради. Бу инсон ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсам.

Бу шахс «Техрик-и-Нафаз-и-Шариат-и-Муҳаммадий» (ТНШМ) ҳаракатининг асосчиси Сўфи Муҳаммаднинг мадрасасида таҳсил олади ва унинг қизига уйланади. 2002 йилда Сўфи Муҳаммад қўлга олиниб, бошқа ҳарбий раҳбарлар билан бирга қамоққа ташланганидан сўнг Файзуллоҳ қайнотаси ўрнига ташкилот етакчисига айланди. Файзуллоҳ зилзиладан сал олдин Сват дарёсининг нариги томонида жойлашган Мингородан бир неча чақирим нарида жойлашган мўъжаз Имом Дери шаҳрида ноқонуний радиостанция ташкил қилади.

Водийимиз аҳолисининг асосий ахборот манбаи радио ҳисобланади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Оилаларнинг аксарияти телевизор сотиб олишга имконияти етмайди, бундан ташқари, кўпчилик ўқиш-ёзишни билмагани боис газета ўқий олмайди. Радиостанция очилгач, одамларнинг жағи жағига тегмай қолди. Радиостанцияга «Мулла ФМ» ёки «Мулла радиоси» деб ном қўйилди. Ҳар оқшом саккиздан ўнгача ва ҳар куни эрта-лаб еттидан тўққизгача бўладиган радиоэшиттиришларни одамлар интизорлик билан кута бошлади.

Мулла Файзуллоҳ дастлаб жуда айёрлик ва эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилди. У ўзини исломий ислохотчи ва Куръони каримнинг шарҳловчиси сифатида таништиради. Онам динга берилганлиги сабабли, уни жуда ҳурмат қиларди. Файзуллоҳ ўз чиқишларида одамларни яхши одатларни ривожлантиришга ва ёмон одатлардан воз кечишга ундарди. Унинг сўзларига кўра, эркаклар, албатта, соқол қўйишлари, ичиш ва тамаки чекишни

бутунлай йиғиштиришлари керак экан. Шунингдек, у «героин», «чарас» ёки «гашиш»дан бутунлай воз кечиш кераклигини айтиб ўтди. Намоздан олдин қандай қилиб тўғри таҳорат олишни, ювиш кетма-кетлигини батафсил тушунтириб берди. Ҳатто жинсий аъзоларни ҳам қандай ювиш кераклигини эслатиб ўтди.

Унинг овози тарбиявий руҳга эга бўлгани сабабли кўпчиликни ўзига ром қиларди. Исломга бўлган муҳаббати ҳақида йиғлаб гапирганини эшитган одамларнинг ҳам кўнгли бўшаб, кўзига ёш оларди. Эшиттиришларни одатда Файзуллоҳнинг ўзи, у бўлмаса, бозорда тезпишар таомлар сотадиган ёрдамчиси Шоҳ Дуран олиб борарди. Уларнинг таъкидлашича, мусиқа, кино ва рақс одамларни таназулга олиб борар, шунинг учун муслим-муслималар бундай амаллардан воз кечишлари керак экан:

«Бугунги кунда жуда кўп одамлар бундай дўзахий тушунчаларни оддий қабул қилаётгани туфайли ҳам, Аллоҳ таоло бизга зилзила каби балоларни юбормоқда. Агар одамлар гуноҳ ва шайтоний васвасаларга берилиб кетишдан тўхтамасалар, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўладилар». Бу Файзуллоҳнинг нутқидан бир намуна эди.

Мамлакатимизда жуда кам миқдордаги одам араб тилини билгани сабабли муллалар Қуръони карим ва ҳадиси шарифни ўз билганича талқин қилишади. Файзуллоҳга ўхшаганлар эса инсонларнинг жоҳиллигидан фойдаланиб, уларни ўз ноғорасига ўйнатадилар.

Мен ўша пайтда ёш эмасманми, Файзуллоҳнинг гаплари таъсир кўрсатиб, отамни саволга тутдим:

- Аба, бу одам ҳақиқатни гапиряптими?
- Йўқ, Жани. Бу муттаҳам бизни алдаяпти.

Отам ўз ҳамфикрлари билан «Мулла ФМ» эфирларини тез-тез муҳокама қиларди. Ўша пайтгача мактабда етмиш нафар ўқитувчи фаолият юритар, улардан қирқ нафари эркак, ўттиз нафари эса аёллар эди. Баъзи ўқитувчилар

Файзуллоҳнинг фикрларига тўла қарши бўлса, кўпчилик уни маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган. Айёрона тузилган ҳийлалар таъсирига тушган оломон Файзуллоҳни «Қуръон таржимони» деб кўкларга кўтаришди.

Аста-секин одамлар онгида яхши инсон образини шакллантириб олган Файзуллоҳ анъанавий пуштун судининг ўрнини эгаллаган Покистон суд тизимига кўплаб танқид тошлари ёғдириб, мамлакатда исломий судларни жорий этишни кенг тарғиб қилди. Бу тарғибот маҳаллий аҳолига мойдек ёқиб тушди. Чунки, маҳалламизда тез-тез келиб чиқадиган ер эгалиги тўғрисидаги низолар илгари бир зумда ҳал бўлган бўлса, можарони суд орқали ҳал қилиш анча муддат талаб этарди. Водийимизга умуман эътибор қаратмайдиган коррупционер ҳукумат вакилларининг ўзи ҳам Файзуллоҳга ўхшаганларнинг кенг қулоч ёзишига имкон яратди. Негаки, доимо адолат истайдиган халқ ўз хоҳлаганини ҳукуматдан топа олмаса, кўзига чиройли кўринган ғоя ва мафкураларга эргашиб кетаверади. Файзуллоҳнинг адолатли давлат тузумини ўрнатиш тўғрисидаги ваъдалари оддий халққа ёқиб тушиб, минг-минглаб одамлар уни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Олти ой ичида водий аҳолисининг аксарияти телевизорларидан воз кечишди. Файзуллоҳнинг одамлари барча телевизорларни бир жойга тўплаб, ёқиб юборди. Осмонни қуюқ қора тутун қоплади. CD ва DVD дисклари сотадиган дўкон эгалари ихтиёрий равишда ўз савдо шохобчаларини ёпиб, толибонлардан товон пули олишди. Мен ва укаларим телевизор кўришни жуда хуш кўрар, шу сабабли ундан ажралишни истамасдик. Отам бизни кўнглимизни шод айлаб, телевизоримиздан маҳрум қилмаслигини айтди. Аммо, ҳар эҳтимолга қарши, телевизорни шкафга яшириб, овозини пасайтириб томоша қиладиган бўлдик. Маълум бўлишича,

толибонлар одамларнинг уйларини яширинча пойлаб, телевизор овозини эшитишлари билан «Оқ уй»га бостириб кириб, телевизорни олиб кетишар ва уни бир нечта бўлакларга бўлгани ҳолда қайтариб ташлаб кетишарди. Файзуллоҳ биз жуда яхши кўрган, аммо исломга душман деб даъво қилинган Болливуд фильмларини жуда ёмон кўрарди. Кўнгилочар воситалардан фақатгина радиодан фойдаланишга рухсат этилди ва толибонларнинг мадҳиясидан бошқа ҳар қандай кўшиқ ҳаром деб ҳисобланди.

Бир куни отам касалхонада ётган дўстини кўргани борганида, палатадаги барча беморлар Файзуллоҳнинг маърузалари ёзилган кассета тинглашаётган бўлади. Дарғазаб бўлган отам дўсти ва унинг палатадошлари билан нари-бери кўришгач, беморлардан бири ўлганининг устига тепгандек отамга Мулла Файзуллоҳнинг суҳбатини олиши кераклиги, унинг жуда ҳам кучли илм эгаси эканлигини айтади.

Бундай вазиятларда ўзини тутиб тура олмайдиган отам у одамга қараб бор захрини тўкиб сочади:

– Ҳазиллашяпсизми? Мулла Файзуллоҳ илм эгаси? Аслида, саводсизлиги ва илмга лаёқатсизлиги учун мактабдан ҳайдалган. Ва унинг исми умуман Файзуллоҳ ҳам эмас.

Аммо ким ҳам отамнинг ҳақли эътирозларига ишонарди?! Файзуллоҳнинг сафсаталари одамларнинг онгини захарлай бошлагани отамни ташвишлантирмасдан кўймади. Одамлар «илм эгаси» деб эътироф этаётган кимсанинг жоҳилликни тарғиб қилаётгани отамнинг ғазабига ғазаб кўшарди.

Файзуллоҳнинг ҳақиқий мухлислари чекка ҳудудларда янада кўп эди. У ерда яшовчилар зилзиладан кейин ҳукумат ўз иқтидорсизлигини кўрсатган бир пайтда, Файзуллоҳ ва унинг ҳамтовоқлари кўрсатган

ёрдамларини унутмаганликлари учун ҳам «мулла»ни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашарди.

Водийдаги аксарият масжидларда радио тармоғига уланган карнайлар ўрнатилди, шу орқали «Мулла ФМ» эшиттиришлари бутун водий аҳолисини қамраб олди. Ҳаммага хуш ёқадиган дастур кечқурунги дастур бўлиб, унда Файзуллоҳнинг этагини тутган одамларнинг номи шараф билан ўқиб эшиттириларди. Инсонларнинг қай тарзда эътироф этилишига қизиқаётган бўлсангиз, бу ҳақида қисқача маълумот бериб ўтаман:

«Фалончи биродаримиз «наша» чекарди, аммо бу гуноҳ эканлигини англаб, тўғри йўлга кирди».

«Фалончи биродаримиз соқолини ўстира бошлади, мен уни суннатга амал қилгани билан қутлайман».

«Фалончи биродаримиз ўз ихтиёри билан CD дўкони-ни ёпди, бу умри давомида қилган энг яхши амалидир».

«Бу инсонларнинг ҳаммаси жаннатда мукофотсиз қолмайди».

Кимнингдир исми радиода мақтаб эълон қилинганда, қўшнилари ва қариндош уруғлари орасида гапирришга мавзу топиларди. Мабодо, кимдир гуноҳкорлар рўйхатига тушиб қолса, бу одамнинг ҳам анча «қулоғи қизирди».

Ҳар бир дастурдан сўнг одамлар орасида қуйидаги савол энг кўп бериларди: «Сиз фалончи нима қилганини эшитдингизми?»

Радио армияни ҳам бемалол танқид қилиш қудратига эга эди. Файзуллоҳ Покистон ҳукумати амалдорларини «кофирлар» деб атаб, уларни шариат қонунларининг бажарилишига тўсқинлик қилаётганликда айблади. «Агар ҳукумат ўз сиёсатини ўзгартирмаса, толибон шариат қоидаларини куч билан татбиқ этади ва кофирлар тузумини парчалаб ташлайди», деб ваъда берди. Унинг сеvimли мавзуларидан бири хонларнинг феодал тузу-

мининг адолатсизлиги ҳисобланарди. Хонларнинг радиодан ҳақорат қилиниши оддий халқнинг қулоғига хуш ёқиб, Файзуллоҳга бўлган ҳурмат янада ошишига сабаб бўларди. Айрим одамлар Файзуллоҳни «Ислом Робин Гуди» деб атай бошлади. Одамлар Файзуллоҳнинг ҳокимият тепасига келиб, хонларнинг ерларини камбағалларга бўлиб беришига чин дилдан ишонган. Бу гаплар хонларнинг ҳам қулоғига етиб бориб, айримлари жонларидан ташвишга тушиб водийдан қочиб кетишган ҳам. Отам хонларга қарши бўлса ҳам, толиблар ўзлари билан хонлардан ҳам баттарроқ ёвузликларни олиб келишини тахмин қиларди.

Ўша пайтларда отамнинг дўсти Ҳидоятulloҳ Пешоварда ҳукумат амалдори бўлиб ишлар ва бир куни отамни огоҳлантириб хат ёзганди:

«Жангарилар одамларнинг қалбини забт этишни хоҳлашади, шунинг учун аввал маҳаллий аҳолининг қандай муаммолари борлигини ўрганмоқдалар ва бу муаммоларга ечим топиб бериб, уларнинг ишончига кириб олмоқда. Шу тарзда улар жуда кўпчиликнинг қўллаб-қувватлашига эга бўлишади. Ҳокимиятни қўлга киритганларида сўнг эса эски ҳукмдорлардан ҳам кўпроқ оддий халққа зулм ўтказишади».

Файзуллоҳнинг радиодаги чиқишлари, асосан, аёллар ҳақида бўларди. Албатта, у кўпгина ватандошларимиз уйларидан узоқда, мамлакат жанубидаги кўмир конларида ёки Форс кўрфазидаги қурилишларда ишлашларини жуда яхши билар эди. Баъзан у радиодан: «Эркаклар, кўчага чиқинглар. Мен аёлларингиз билан гаплашмоқчиман», дерди ва бироз тин олиб, давом этарди: «Аёллар уйда ўтиришлари ва уй ишларини бекам-кўст бажаришлари керак. Зарурат юзасидан кўчага чиққанларида ҳам ҳар доим паранжи билан юзларини ёпиб олишлари зарур ва шарт!»

Мактабимиз бошқарувчиси Марям хоним «Мулла радиоси»даги эшиттиришларни бутунлай тақиқлаган бўлса ҳам, дугоналарим унга қулоқ солмасдан, оналари билан биргаликда ҳар куни радио эшитишарди. Уйимизда ўзи бобомнинг алмисоқдан қолган радиосидан бошқа радио йўқ бўлиб, бахтимизга у ҳам бузилиб қолганди. (Тўғрироғи, мен ва онам эшитмаслиги учун отам атайин бузиб қўйганди.) Аммо аёллар орасида гап турмайди деганларидек, Файзуллоҳнинг таърифи онамнинг қулоғига ҳам етиб келди. Улар мулла Файзуллоҳни роса мақташди, унинг узун сочларига, отга миниш қобилиятига лол қолишди ва ҳаттоки, уни Пайғамбар алайҳиссаломга ўхшайди, деб эътироф этишди. Аёллар бу фирибгар одамнинг ҳар бир гапини тўғри деб ҳисоблаб, ибодатларида бу одамга тезроқ мартаба берилишини Худодан сўрашди. Бу ҳикояларни онам ҳаяжон билан, отам эса ғазаб аралаш хавотир билан тингларди.

Файзуллоҳнинг ваъзлари мени эсанкиратиб қўйгани рост. Муқаддас Қуръонда бирон бир жойда эркаклар хоҳлаган жойига бориши мумкин-у, аёллар уйда ўтиришлари ва уй ишларини бажаришлари шарт, деб ёзилмаганди. Мактабдаги исломни ўрганишга бағишланган дарсларда биз «Пайғамбар – тинчликсевар инсон» мавзусида иншолар ёзганмиз. Пайғамбар алайҳиссаломнинг биринчи рафиқаси савдо-сотик билан шуғулланадиган Ҳадича исмли аёл эканлигини жуда яхши билардик. Ҳадича онамиз 40 ёшда бўлсалар ҳам, олдин турмуш қурган бўлсалар ҳам, ўзидан 15 ёш катта бўлсалар ҳам, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом у кишига уйланишга қарор қилган. Онамга ва унинг дугоналарига, шунингдек, таниш-нотаниш барча аёлларга боқиб туриб, мен пуштун аёлларининг қанчалик кучли ва бардошли эканликларига гувоҳ бўлганман. Масалан, онамнинг бувиси саккизта болани деярли якка ўзи тар-

биялаган, чунки бобом бахтсиз ҳодиса натижасида тос суягини синдириб, саккиз йил ётоқда ётган.

Эркак киши ишига кетади, пул топиб, уйига қайтади, овқатланиб ухлайди. Бошқа ҳеч қайси ишга аралашмайди. Эркакларимиз ҳақиқий куч – пул топиб келиб, атрофидаги аёлларга буйруқ беришда деб ҳисоблайди. Фикримча, ҳақиқий куч рўзғорни юритадиган ва болаларни тарбиялайдиган аёлларга тегишли эканлиги уларнинг хаёлига ҳеч қачон келмайди. Бизнинг уйда отам доимо банд бўлгани туфайли, деярли ҳамма иш онамнинг зиммасида эди. Эрталаб онам хўроз қичқирмасдан турар, кийимларимизни дазмоллар, нонушта тайёрлар, бозорга кетар ва зарур озиқ овқатларни сотиб оларди. Отам доимо «Онангнинг жонига баракалла», деб руҳини кўтариб қўярди.

Толибон режимининг дастлабки йилларида иккита жарроҳлик амалиётини бошдан кечиришга мажбур бўлганман – дўхтирлар кўричагим ва қалқонсимон безимни олиб ташлашган. Укам Хушалнинг ҳам кўричагини олиб ташлаш керак бўлганида укамни шифохонага онам олиб борган. Отам бир неча соатдан сўнг шифохонага етиб келган. Онам Қуръон аёлга уйдан кўчага чиқишни ва яқин қариндошлардан ўзга эркаклар билан гаплашишни тақиқлаганига қатъий ишонса ҳам, отам унга қуйидагиларни тез-тез такрорларди:

– Пекай, юзингни тўсганинг билан, эркакларнинг кўзига кўринмаганинг билан, Худо қалбингда бўлмаса, ҳаммаси бир тийин.

Аёллар Файзуллоҳнинг фанатига айланиб қолганликлари сабабли, тилла-тақинчоқларию қимматбаҳо буюмларигача унинг қўлига тутқазिशга тайёр эдилар. Кўчаларда аёлларнинг тўй билагозуклари ва маржонларини ташлаб кетадиган қутилар қўйилган бўлиб, кўнгиллилар у ерга қимматбаҳо тақинчоқларини ташлаб

кетишарди. Бу ишни қилишни истаганлар жуда кўпайиб кетганидан қутилар олдида навбатлар пайдо бўла бошлади. Баъзи аёллар заргарлик буюмларини ўзлари олиб боришса, бошқалари бу ишга ўғиллари ёки эрларини жалб этарди. Баъзи эри чет элда ишлаётган аёллар Файзуллоҳнинг сафсаталарига учиб, эри қийналиб ишлаб топиб, жўнатган пулларни бериб юборишган. Файзуллоҳ йиғилган маблағ эвазига Толибон ҳаракатининг «штаб-квартира»си бўлган Имом Дери шаҳрида ғиштдан катта бино қурдирди. Дин ҳақида ким нима деса ишониб кетаверадиган оми одамлар эса кўнгилли равишда ушбу бино қурилишига оқиб кела бошлади.

Бир куни мактабимизнинг урду тили ўқитувчиси Наваб Али отамга эртага дарсга кела олмаслигини, қурилишга ишга боришини айтиб, жавоб сўради. Отамнинг тепа сочи тикка бўлиб, ғазабини яшира олмади:

– Сизнинг бирламчи вазифангиз болаларга таълим бериб, уларни маърифат томон етаклаш эмасми?

– Йўқ, энг аввало, мулла Файзуллоҳга ёрдам беришим керак.

Отам ҳафсаласи пир бўлиб уйга қайтди. Мени кўриб бироз жаҳлидан тушиб, дардини тўкиб солди:

– Агар одамлар мактаблар, йўллар қуришни ёки дарёни ўзлари ташлаган ахлатлардан тозалашга ҳам мана шундай кўнгилли равишда келишганида эди, Покистон бир йил ичида ҳақиқий жаннатга айланар эди. Аммо улар фақат масжид ва мадрасалар қурилишидан фойда бор деб ўйлашади...

Орадан бир неча кун ўтиб яна бир ўқитувчи отамга қизларни ўқитишни ортиқ истамаслигини, мулла Файзуллоҳ буни хоҳламаётганини айтиб, ишдан бўшатишини сўради. Отам эса жон жаҳди билан унинг фикрини қайтаришга уринди:

– Мен ҳам аёл ўқитувчилар қизларни ўқитишини чин дилдан хоҳлайман. Аммо Покистонда уларнинг

сони жуда ҳам оз. Биз қизларни келажакда ўқитувчи сифатида тарбиялаш учун ҳам ўқитишимиз керак.

Бир куни Сўфи Муҳаммад қамоқдан туриб аёллар умуман ўқимаслиги керак, деб фатво чиқарди. У: «Агар кимдир тарихдан ислом аёлларнинг ўқишига рухсат бериши борасида мисол топа олса, бемалол келиб соқолимга пешобини тўкишлари мумкин», деган изох билан фатвосини янада ишончлироқ чиқишини таъминлади. Шундан сўнг «Мулла радиоси» қизлар мактабларига катта эътибор беришни бошлади. Ҳар куни мактаб раҳбарларининг номи радиодан «дўзахий» деб эълон қилинар, мактабни ўз хоҳиши билан ташлаб кетган қизларни ушбу солиҳ амал билан табриклашарди. «Фалонча хоним жаннатга бориш учун мактабни ташлаб кетди» – радио мана шунақа гапларга тўлиб кетди. Менга ўхшаб мактабга боришни давом эттирган қизлар ҳақида гап кетганда, бизларни шайтоннинг фарзандлари дейишдан тап тортишмасди.

Дугоналарим ва мен нима учун таълим олиш ёмон амал эканлигини ҳеч қачон тушуна олмасдик. Шу сабабли отамга ушбу савол билан мурожаат қилдим:

– Нега бу одам мактабга боришимизни истамайди?

– У ва унинг ёнидагилар аёлларнинг, умуман, ҳамма-нинг таълим олишидан қўрқишади, қизалоғим.

Орадан кўп вақт ўтмасдан «Хушал мактаби»нинг математика фани ўқитувчиси ҳам қизларга дарс беришдан бош тортди. Отам эса бунга жавобан уни ишдан бўшатди, аммо бу бошқа ўқитувчиларни хавотирга солиб қўйди. Улар ҳатто биргалашиб отамга мурожаат ҳам йўллашди:

«Жаноб директор, бундай қилмаганингиз маъқул деб ўйлаймиз. Ҳозир жуда таҳликали давр. Уни ишдан бўшатманг. Унинг ўрнига қизлар билан бошқа ўқитувчи ишлайди».

Кундан кунга тақиқлар ошса ошдики, ҳеч камаймади. Файзуллоҳ соқол олишни тақиқлабгина қолмай, водийдаги барча сартарошхоналарни ёптириб ташлади, бунинг ортидан сартарошларнинг бариси ишсиз қолишди. Фақатгина мўйлов қўйган отам соқол ўстириш-ўстирмаслигини ўзи ҳал қилишини айтди. Аммо аёлларга бозорга боришни тақиқлаган қарор менга пича ёқиб тушди. Онамдан фарқли ўлароқ, бозорга боришни жиним суймасди.

Онам менга тез-тез: «Юзингни ёпиб юр, биров кўрмасин», деб огоҳлантирадиган бўлди. Бунга менинг жавобим тайёр эди:

– Ҳўш, кўрса кўрибди, кўрса-кўрмаса нима ўзгаради?
Бу гаплардан онамнинг тепа сочи тикка бўларди.

Онам ва дугоналари севимли машғулотлари бўлган аёлларнинг бозорга боришларига йўл қўйилмаслигидан жуда қаттиқ қайғуга тушиб қолишди. Айниқса, ҳайит байрами олдидан бозорга бориш уларнинг жону дили эди. Бундай кунларда аёллар ўзларининг энг яхши кийимларини эгниларига илиб, уйдан чиқишар, бозордаги байрамона чироқлар билан безатилган заргарлик буюмлари ва хина сотиладиган расталар орасида айланиб юришарди. Уларга бундай ўйин-кулгидан воз кечиш осон кечмади. Албатта, бозорга боришга журъати етган аёлларни ҳеч ким калтакламаган, аммо толиблар уларга бақириб, омма олдида шарманда қилиб ташлаган. Ўша пайтларда битта толиб бутун қишлоқни остин-устун қилиб юборадиган кучга эга бўлган. Толибонлар болаларни ҳам севимли машғулотларидан айириб қўйди. Файзуллоҳ дам олиш кунларида янги фильмлар билан бизни таъминлайдиган DVD диск дўконларини ҳам ёпишни буюрди. Бу вақтга келиб онамнинг Файзуллоҳга қўйган ихлоси аллақачон сўниб бўлган, умуман, «мулла» дунёвий таълим олиш кофирларнинг иши

эканлиги ва барча мактаб ўқувчилари дўзахга тушишни эълон қилганида, кўпчилик одамларнинг бу сафсатабоздан кўнгли қолган эди.

Файзуллоҳнинг кейинги мақсади шўро, яъни исломий судларни ташкил этиш эди. Бу хабарни одамлар хурсандчилик билан кутиб олишди, чунки даҳшатли даражадаги бюрократия авж олган, пора бера олмайдиганлар ўз ишларини кўриб чиқилиши учун йиллар давомида кутиши керак бўлган Покистон судларидан фарқли ўлароқ, бу судларда ишлар тезда кўриб чиқилиши режалаштирилганди. Одамлар шўрога мурожаат қилишдан бахтиёр эди, бунга сабаб барча муаммолар – бизнес масалаларидан тортиб шахсий шикоятларгача тез ва осон ҳал бўлиши эди. Отамнинг танишларидан бирининг айтишича, давлат суди 30 йилда ҳал қилиб бера олмаган масалани, исломий суд бир неча соат ичида ҳал қилиб берган эмиш. Шўро судларининг ҳукмлари анча шафқатсиз бўлиб, айбдор деб топилганлар оғир жазоларга гирифтор этиларди, шу қаторда мамлакатимизда илгари қўлланилмаган омма олдида калтаклаш анъанаси ҳам айнан Файзуллоҳ даврида жорий этилди. Отамнинг дўстларидан бири икки аёлни биргалашиб зўрлашда айбланиб судланган уч кишининг аёвсиз калтакланганини ўз кўзи билан кўрганини айтиб берганди. Толибон қароргоҳи яқинида махсус жазолаш ҳудуди ташкил этилди ва Файзуллоҳнинг жума маърузасидан сўнг, юзлаб одамлар маҳкумларнинг жазоланишини ўз кўзлари билан кўришларига шароит яратилди. Бир тарафда айбланувчи калтакнинг зарбига чидай олмасдан, бор овози билан бақирар, бир тарафда эса инсон боласининг калтакланаётганидан завқланиб турган оломон «Аллоҳу акбар», «Аллоҳу акбар» деб жазо ижро этувчини қўллаб-қувватлаб турарди. Баъзан жазо ҳудудида қора отга минган «мулла» Файзуллоҳнинг ўзи пайдо бўлар ва жазони шахсан ўзи ижро этарди.

Файзуллоҳ ва унинг тарафдорлари шифокорларга болаларни полиомиелитга қарши эмлашни тақиқлагани ҳаммасидан ошиб тушди. Уларнинг иддао қилишларича, эмлашлар Америка фитнасининг бир қисми бўлиб, мусулмон аёлларни заиф ҳолатга келтирар ва халқимизнинг қони бузилишига сабаб бўлар эмиш. Файзуллоҳ ўз эшиттиришларидан бирида қуйидаги гапларни таъкидлади:

«Ҳали пайдо бўлмаган касалликни даволаш шарият қонунларига зиддир. Сватда яшовчи бирон бир бола бу вакцинани қабул қилмаслиги даркор».

Файзуллоҳ тарафдорлари Афғонистондаги толибон ахлоқ полицияси сингари, хожаларининг фармонларини бузувчиларни қидириб, кўчаларни кезиб юришарди. «Лочинлар гуруҳи» деб номланган қуролланган ушбу полиция кучлари юк машиналарида кўчаларда айланиб юришар, Мингора аҳолиси уларнинг керилиб юришини кўриб, роса ҳавас қилишарди.

Бир куни отам ўзи мижоз бўлган банк менежери билан суҳбатлашиб қолди ва ҳазил аралаш шунақа деди:

– Биз ҳеч бўлмаганда мулла Файзуллоҳдан аёлларга харид қилишни тақиқлаганлиги учун миннатдор бўлишимиз керак. Энди улар Хитой бозоридан ўзларига латта-путта сотиб олиб, эрларини оғир аҳволга солиб қўйишмайди.

Менга қизиқ туюлгани, китобларда мард-жасур дея таърифланган халқимиз адолатсизликка жим қараб туриб, ҳақиқатни гапира олмаётганида эди. Одамларнинг аксарияти ўзаро гаплашганда Файзуллоҳ уларни тирикчилигидан маҳрум қилгани ҳақида соатлаб гаплашиб, унинг сиёсатини қоралаб ўтирар, аммо журналистларга камера қаршисида интервью бераётганида Файзуллоҳни пайғамбарга менгзаб, уни дунёдаги энг пок мусулмонлардан дея кўқларга кўтаришарди.

«Мулла радиоси»нинг илк эфирига роппа-роса бир йил бўла бошлагани сайин Файзуллоҳ тобора тажовузкор бўлиб борарди. Унинг укаси Мавлоно Лиқақат 2006 йил октябрь ойида Американинг Бажаурдаги мадрасага қилинган ҳаво ҳужумида ҳалок бўлди. Ўша фожида саксондан ортиқ одам нобуд бўлган, уларнинг орасида 75 ёшли қария ўқитувчи, 12 ёшли ўсмир-талаба ҳам бўлган. Ҳалок бўлганларнинг аксарияти сватлик эди. Ушбу фожиа халқимизни жунбишга келтирди, кўпчилик америкаликлардан қасос олиш кераклигини тинмай таъкидларди. Ўн кундан сўнг худкуш террорчи Дарғайда армия казармасини портлатди, натижада, Покистоннинг қирқ икки аскари ҳалок бўлди. Бундан олдин Покистонда худкушлик жиноятлари жуда кам содир бўлар, аммо бу воқеа содир бўлган йили мамлакатда олти шундай воқеа юз берган. Дарғайдаги казарманинг портлаши бу каби террористик ҳужумларнинг энг каттаси ҳисобланган.

Қурбон ҳайити байрамида ҳайвонларни, кўпинча кўчқор ва эчкиларни қурбонликка сўйишимизни яхши билсак керак. Аммо Файзуллоҳ чиқиш қилиб, «Ушбу ҳайитда икки оёқли ҳайвонлар қурбонлик қилинади», деб эълон қилди. Тез орада унинг нимани назарда тутганини ҳамма англаб етди. Унинг тарафдорлари дунёвий ва миллатчи партияларга, хусусан, Авами Миллий партиясига тегишли хонларни ва сиёсий фаолларни ўлдиришни бошладилар. 2007 йил январь ойида отамнинг Малак Бахт Байдар исмли танишини ниқобли одамлар олиб кетишди. У бой хон оиласидан чиққан бўлиб, АВМ маҳаллий бўлими вице-президенти лавозимида ишларди. Бир неча кундан кейин унинг жасади қабристон яқинидан топилди. Унинг қўллари ва оёқларидаги барча суяклар синганини кўпчилик одамлар эътироф этишди. Бу Сват водийсидаги биринчи сиёсий қотиллик бўлиб тарихга кирди. Миш-мишларга кўра,

толиблар бу одамдан мамлакат армиясига ўзларининг яширин жойларини топишда кўмак бергани учун қасос олишга қарор қилган.

Ҳукумат кўп нарсани кўриб, кўрмаганликка олди. Маҳаллий ҳукуматимиз одамларни кўрқувга солаётганларнинг ишини хаспўшлаб, уларни дин йўлида хизмат қилаётганини эътироф этишдан бўшамайдиган диний партиялар вакилларида ташкил топганди. Аввалига биз Сват водийсидаги энг катта шаҳар – Мингорода ўзимизни анча хавфсиз сезардик. Аммо Файзуллоҳнинг қароргоҳи шаҳардан атиги бир неча километр узоқликда бўлгани учун толиблар билан ҳар қадамда – кўчаларда, бозорларда, тепаликларда учрашиб қолардик. Толибларни кўрган ҳар қандай одамнинг ранги оқариб, қапа-лаги учи кетарди.

Ҳайит байрамида, одатдагидек, қишлоққа қариндошларимизни кўришга борадиган бўлиб қолдик. Онам ва мен амакиваччамнинг машинасида кетаётган эдик. Сув тошқини оқибатида йўл ўпирилиб кетган жойга яқинлашганимизда бизни толибон патруль хизмати тўхтатди. Орқа ўриндикда онам билан мен ўтирдик. Амакиваччам шошиб қолиб мусиқий кассеталарни ҳамёнимизга солиб, яширишимизни айтди ва машинада улардан вакил келишини кутиб ўтирди. Бошдан-оёқ қора кийинган ва елкасига автомат осиб олган бир толиб ёнимизга келди ва бизга назар ташлаб, деди:

– Опа-сингиллар, ўзингизни нолайиқ тутяпсиз. Аёллар паранжи кийишлари керак...

Таътилдан сўнг мактабга қайтганимизда мактаб дарвозасига ёпиштириб қўйилган хатга кўзимиз тушди. Отам хатни ҳижжалаб ўқий бошлади:

«Биродар, мактабингиз кофирларнинг эҳтиёжлари учун Ғарб модели бўйича ташкил этилган. Биринчидан, бу ерда қизлар ўқийди, иккинчидан эса ўқувчилар кияди-

ган форма шарият талабларига жавоб бермайди. Ушбу шармандаликка чек қўймасангиз, катта муаммоларга дуч келасиз деб қўрқамиз. Қаранг, фарзандларингиз сиз учун мотам тутишмасин. Беҳурматлик ва жаҳл билан ислом фидойиси».

Шундан сўнг отам мактабда янги форма жорий этишга мажбур бўлди. Илгари ўғил болалар европача услубдаги шим ва кўйлакда юришган бўлса, энди улар дарсларга яқтак-шалварда келадиган бўлди. Қизларнинг кўк шалвар ва оқ сурпдан тикилган кўйлаги ўзгармай қолган бўлса ҳам, бошимизга паранжи тақиб олиш мажбурий эканлиги уқтирилди.

Отамнинг эски кадрдони Ҳидоятulloҳ таҳдидлардан қўрқмасликка чақирди:

– Зиёвуддин, сенда Худо инъом қилган иқтидор бор. Одамларни ўз ортингдан эргаштира олишга қодирсан. Ҳеч қачон ортга чекинма. Ҳаёт курашлардан иборат. Умринг фақат кислород ютиб, карбонат ангидрид чиқариш билан ўтиб кетса, яшашдан не ҳожат?! Агар сен уларга қарши туришга қодир бўлсанг, нега толибларнинг барча талабларига рози бўлишинг керак?

Отам Ҳидоятulloҳнинг сўзларини бизга айтиб берганида мен ҳам тўлқинланиб кетдим. Дўстининг қўллаб-қувватлашидан руҳланган отам маҳаллий «Озодлик куни» газетасига «Ислом ҳимоячилари»га очиқ хат» номли мақоласини чоп эттирди. Мақола ушбу гаплар билан бошланганди:

«Ишончим комилки, сиз исломни жорий этишнинг нотўғри йўлини танладингиз. Болаларимизга, умуман, ҳеч бир инсонга зарар етказмаслигингизни ўтиниб-ўтиниб сўрайман, чунки улар ҳам сиз эътиқод қиладиган Аллоҳ таолога сиғинишади. Сиз мени ўлдиришингиз мумкин, ўз хоҳишим билан бошимни кундага қўйишга тайёрман, аммо илтимос, шогирдларимга тегманг...»

Газета босмадан чиқди-ю, отам бироз ҳадиксираб қолди. Унинг хати биринчи саҳифада эмас, балки газетанинг ўрта саҳифаларида жойлаштирилган, бундан ташқари, муҳаррир отамнинг исми ва мактабнинг манзилини ҳам мақола остига илова қилганди. Шунга қарамай, одамлар отамнинг жасурлигига қойил қолишиб, бирин-кетин уйимизга уни табриклаш учун ташриф буюра бошлашди. Энг жўяли гапни яна Ҳидоятуллоҳ айтди:

– Сен илк мартаба ботқоққа тош улоқтирдинг. Шубҳасиз, энди кўпчилик гапиришга журъат топишади...

**СВАТ ВОДИЙСИДАГИ ИРИСЛАР,
ТЕННИС ТЎПЛАРИ ВА БУДДАЛАР**

Дастлаб фақат мусиқамизни тортиб олган толиблар навбати билан будда ҳайкалларида, сўнгра эса тарихимиздан бизни жудо қилишди. Бизнинг севимли машғулотларимиздан бири синфдошлар билан экскурсия уюштириш ҳисобланар, йўл-йўлакай водиймиз гўзаллигидан завқланиб, Сват сингари жаннатмакон гўшада яшаётганимиздан бахтиёрлик ҳиссини туярдик. Водийимизда ҳайратга соладиган нарсалар жуда кўп эди – шаршаралар, кўллар, чанғи курорти, вали саройи, будда ҳайкаллари, Сват охунди қабри шулар жумласидандир. Ушбу диққатга сазовор жойларнинг барчаси ўзига хос тарихга эга. Биз экскурсияларни интизорлик билан кутар, ниҳоят, узоқ кутилган кун етиб келганида, иложи борича башанг кийиниб, автобусга ўзимизни урардик. Пикник пайтида ейиш учун қайнатилган гуруч ва товуқ гўштини олишни ҳам унутмасдик. Баъзи қизлар ўзи билан камера ҳам олволиб, чиройли жойларни расмга тушириб олишарди. Экскурсия якунида отам бизни навбатма-навбат тош устида туришга ва таассуротларимизни ўртоқлашишга мажбурларди. Файзуллоҳ келиши билан экскурсияларнинг ҳам «жанозаси ўқилди». Қизлар тўрт девор ичида ўтиришга маҳкум этилди.

Толиблар биз ўйнашни яхши кўрадиган буддист ҳайкаллари ва гумбазли ибодатхоналарини таг-туғи билан бузиб ташлашди. Ушбу ҳайкаллар Кушон подшоҳлари давридан буён минг йиллар мобайнида водийда мав-

жуд бўлганлиги ва тарихимизнинг бир қисми эканлиги толибларни заррача қизиқтирмади. Улар ҳайкаллар ва расмларнинг ҳеч қанақа истисносиз ҳаром эканлиги, уларга қараш ҳам гуноҳ эканлиги ва шунинг учун уларни йўқ қилиш зарурлигини иддао қилганча ўз қилмишларини оқлашга уринишди. Мингорадан ярим соатлик йўлдаги тошга ўйилган, баландлиги етти метр бўлган улкан будда Жаҳонободнинг юзини портлатишга қадар боришгани ҳам уларнинг нақадар ваҳшийлигидан далолат берарди. Археологлар бу ҳайкалнинг афғон толибонлари томонидан портлатилган Бомиён водийсидаги будда ҳайкалидан кам бўлмаган қийматга эга эканлигини аниқлашганидан сўнг яна бир тарихий-моддий мероснинг йўқ бўлганини кўпчилик англаб етди.

Толиблар улкан буддани иккинчи уринишда йўқ қилишга муваффақ бўлишди. Аввалига улар тошни тешиб, уни динамит билан тўлдиришди, аммо бу ҳеч қанақа самара бермади. Орадан бир ҳафта ўтгач, 2007 йил 8 октябрда улар иккинчи уринишни амалга оширишди. Бу сафар улар VII асрдан бери водийимизнинг кўркига кўрк кўшиб турган Будданинг юзини йўқ қилишга муваффақ бўлишди. Маҳаллий мутаассиб қатлам толибонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини олқишласа ҳам, зиёли қатлам кўз ўнгида толибонлар маданият, санъат ва тарихнинг ашаддий душманлари сифатида гавдаланишди. Хайриятки, Сват музейи осори-атиқалари бир гуруҳ зиёлилар томонидан бошқа жойга кўчирилиб, сақлаб қолиниши таъминланди. Толиблар тарихга оид барча нарсани шафқатсизларча йўқ қилгани етмагандек, ҳеч қанақа янгилик қилишмади. Улар энг бой зумрад конларидан бирини эгаллаб олиб, ўзларига машина сотиб олиш учун чиройли тошларни пуллаб юборишди. Водийда шундай вазият юзага келдики, илгари тоғ ёнбағирларидаги дарахтларни кесиш мумкин бўлмаган

бўлса, энди толибонларга маълум маблағни бериб, истаганча дарахт кесиб олиниши мумкин бўлди.

Радиостанциянинг эшиттириш майдони бутун водийга ва қўшни ҳудудларга ҳам кенг тарқалди. Телевизоримизни сақлаб туришга муваффақ бўлсак-да, ваҳшийлар кабель каналларини узиб қўйди, натижада, Мониба ва мен «Шарарат» ёки «Пранкс» сингари севимли Болливуд сериалларини томоша қилиш имкониятидан маҳрум бўлдик. Кўринишидан толибонлар бизнинг барча ҳуқуқ ва эркинликларимизни чеклашни ният қилгандек туюларди. Улар ҳатто севимли стол ўйинимиз саналган Карромни ҳам тақиқлаб қўйдилар. Толиблар кўчада изғиб юришганида болаларнинг кулгисини эшитиб, уйга бостириб кириб, ўйин столини ағдариб, ўйин воситаларини оёқлари билан эзгилаб ташлаётгани ҳақида миш-мишларни эшитиб, биз ҳам ўйин столимизни яшириб қўйишга, ўйнаётганимизда ҳам овоз чиқармай ўйнашга мажбур бўлдик. Толибонлар келганидан сўнг асрлар давомида эрксевар деб атаб келинган халқимиз кўғирчоққа ўхшаб қолди. Улар ҳаммани бир қолипга солишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиларди. Ўйлайманки, агар Худо барчамизни бир хил бўлишимизни хоҳлаганида, бизни бу қадар фарқли қилиб яратмасди.

Бир куни мактабга келганимизда ўқитувчимиз Ҳамида хоним кўз ёши тўкиб ўтирганига гувоҳ бўлдик. Унинг эри Матта шаҳрида полиция ходими бўлиб хизмат қиларди. Файзуллоҳнинг одамлари милиция биносига бостириб кириб, ўқитувчимизнинг эри билан бир қаторда бир қанча ходимларни ўлдириб кетишган экан. Бу толибларнинг водийдаги полициячиларга илк ҳужуми эди. Тез орада улар кўплаб қишлоқларни эгаллаб олишди. Толибларнинг оқ-қора байроқлари энди милиция бўлимлари устида ҳилпираб турарди. Файзуллоҳнинг жангарилари тиш-тирноғигача қуролланиб, машиналарида қишлоқларга кириб келишганида полициячилар қўрққанидан

ин-инларига кириб кета бошлашди. Қисқа вақт ичида эллик тўққиз қишлоқ толибон қўл остига ўтиб, уларнинг ҳар бирида тўлиқ толиблар режими ўрнатилди. Полиция улардан қўрққани учун хизматни тарк этганликлари тўғрисида газеталарда эълон бера бошлашди.

Ҳамма нима бўлаётганини яхши англаб турса ҳам, бирор бир киши норозилик билдиришга журъат эта олмасди. Одамлар орасида турли ваҳималар кучайди. Файзуллоҳ тўла ғалабага эришиб, ўз олдига қўйган мақсадини амалга ошириб бўлганди. Баъзилар унинг жангарилари сафига қўшилишди ва шу йўл билан ўзлари учун яхши ҳаётни таъминлашга умид қилишди. Отам толибон ташвиқотига қарши туришга уринди, аммо бу осон иш эмасди. Қўлидан ҳеч нарса келмаётганидан ич-эти эзилган отам:

– Мен уларга қарши қандай курашишим мумкин? Менда на қуролланган жангарилар бор, на радиостанция, – дер эди.

Сабр-косаси тўлган отам бир куни «Мулла радиоси» эфирга узатадиган қишлоққа боришга журъат топди. Бир неча юз йилдан бери беминнат хизмат кўрсатиб келаётган осма кўприк орқали дарёни кесиб ўтар экан тепа қисми кўринмайдиган, қанақадир тутун чиқаётган баланд устунга кўзи тушди. Тутун ғайриоддий қорарангда эканлигини кўрган отам ғишт заводининг тутуни бўлса керак, деб хулоса қилди. Аммо тутун чиқаётган жойга яқинлашганида умуман бошқа манзарага гувоҳ бўлди – салла кийган соқолли одамлар бақир-чақир билан улкан телевизорлар ва компьютерларни ёқиб юборишмоқда эди.

Қишлоққа қайтган отам зудлик билан мактабга маҳаллий аҳолини йиғиб, хитоб қилди:

– Мен қишлоқдошларингизнинг телевизорларини ёқишга қарор қилишганини кўрдим. Бундан ким фойда олишини биласизми? Япония компаниялари.

Орада юз берган сукутни бир одамнинг пичирлаб гапириши бузди:

- Ундай деманг, биродар. Нега ўз ҳаётингизни хавф остига қўясиз?

Давлат идоралари оддий одамлардан ҳам баттар аҳволда эди. Бутун мамлакат ақлдан озиб қолгандек туюлди. Толиблар мамлакатимизнинг юраги ҳисобланган Исломободда ўрнашиб олиб, амалда ҳокимият тепасига келишди. Газеталарда паранжи кийган, пойтахтнинг марказида жойлашган CD ва DVD дўконларининг эшик-деразаларини синдириб ташлаётган хотин-қизларнинг расмлари чоп этила бошланди.

Улар Исломободдаги «Қизил масжид» таркибига кирган Покистондаги энг йирик аёллар мадрасаси бўлган Жамия Хафснинг талабалари эди. Масжид 1965 йилда қурилган бўлиб, деворларининг ранги қизил бўлгани боис «Қизил Масжид» номини олган бўлиб, парламент ва Покистон идоралараро разведка хизматининг штаб-квартирасидан атиги бир неча квартал нарида жойлашган. Кўплаб давлат амалдорлари ва ҳарбий раҳбарлар ушбу масжидда намоз ўқиш учун боришади. Масжидда ўғил болалар ва қизлар учун иккита мадраса мавжуд. Эркаклар мадрасаси кўп йиллар давомида Афғонистон ва Кашмирда жанг қилган жангариларни ёллаган ва уларни тайёрлаган. Унинг раҳбарлари ака-ука Абдул Азиз ва Абдул Рашид ҳисобланишган. Мадраса Бин Ладен ғояларини тарғиб қилувчи энг йирик марказ ҳисобланиб, Абдул Рашид Қандаҳордаги мулла Умарнинг уйига ташриф буюрганида Бин Ладен билан учрашишга муваффақ бўлган. Бу икки инсон ўзининг «оташин маърузалари» билан эл-юртда машҳур бўлганлар. 11 сентябрь воқеаларидан кейин шундоқ ҳам кўп бўлган мухлисларининг сони яна бир неча карра кўпайган.

Президент Мушарраф Америкага «терроризмга қарши курашда» ёрдам беришга розилик билдирганида,

масжид ҳукумат сиёсатиға қарши норозилик марказиға айланди. 2003 йил декабрь ойида Равалпинди шаҳрида бир неча соқчилар ўлдириб кетилганида Абдул Рашид қотилликка алоқадорликда айбланиб, ҳибсга олинган. Тергов давомида террорчилар фойдаланган портловчи моддалар «Қизил масжид» ҳудудида сақланганлиги исботланган бўлса ҳам, бир неча ой ўтгач, Абдул Рашид оқланиб чиқишга муваффақ бўлган.

2004 йилда Мушарраф Вазиристонга ўз қўшинларини юборганида, биродарлар бу ҳаракатни исломга қарши, деб эълон қилди. Биродарларнинг ҳам худди Файзуллоҳдек радиостанцияси, бундан ташқари, расмий веб-сайти ҳам бор эди.

Толиблар Сват водийсига кириб келишлари биланоқ «Қизил масжид»даги мадрасаларда ўқиган қизлардан иборат гуруҳ Исломободда вайронагарчиликларга қўл уришди, массаж салони ниқоби остида фоҳишахона сифатида фаолият юритаётган уйларга бостириб кириб, у ердаги фоҳиша аёлларни ўғирлаб кетишди, CD ва DVD дўконларининг ойналарини чил-чил қилиб, ичидаги маҳсулотларга ўт қўйишди. Мана шу ерда толибонларнинг иккиюзламачи қиёфаси яна бир бор намоён бўлди – илм олиш, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда қатнашишга келганда аёл киши заифа, унга номаҳрамларнинг кўзи тушмаслиги керак, аёл кишининг вазифаси уй юмушлари каби важлар билан аёлларни чеклаган бўлишса, бузғунчи ҳаракатлар учун бу қарашларнинг зиғирча қиймати қолмасди. Хотин-қизлар мадрасасининг раҳбари Абдул Азизнинг рафиқаси Умма Хасан ҳисобланиб, бир неча аёл ўқувчилардан профессионал худкуш-террорчи тайёрлагани билан мақтана оларди. Масжид ислом фикҳига биноан одил судловни олиб борадиган ўз маҳкамасига ҳам эга эди. Биродарлар ушбу судни давлат суд тизимининг тўлиқ

муваффақиятсизлиги туфайли ташкил этишга мажбур бўлганликларини иддао қилгандилар. Уларнинг одамлари полиция ходимларини ўғирлаб кетишган ва ҳукумат биноларини талашган.

Мушарраф ҳукумати бу бошбошдоқликларга қарши қандай чора кўриш борасида иккиланиб қолди. Армия раҳбарияти ва масжид ўртасида жуда кучли алоқалар мавжуд эди. 2007 йил ўрталарида жангарилар пойтахтни эгаллаб олиши борасида гап-сўзлар урчиди, одамлар орасида хавотир кучайди. Сирасини айтганда, бунга ишониш ҳам қийин эди – бошқа шаҳарлардан фарқли ўлароқ, Исломободда доимо тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган. Ниҳоят, 3 июль куни кечқурун қуролланган армия кўшинлари ва танклари масжидни ўраб олди. Бутун минтақада электр қуввати узилди, кўчалар зулматга ботди, портлашлар овози ва унинг ортидан келган алангалар шаҳарни қамраб олди. Ҳарбийлар масжидни ўраб турган деворлардан бир нечта тешик очиб, масжидни тинмай тўпга тутди, бундан ташқари, вертолётлар ҳам жангда бевосита иштирок этишди. Овоз кучайтиргичлар орқали масжиддагилардан яхшиликча таслим бўлиш сўралган хитобномалар тинмай янграрди.

Масжидда талабалардан ташқари, Афғонистон ва Кашмирда жанг қилиш тажрибасига эга бўлган жангарилар ҳам мавжуд эди. Улар мадраса талабалари билан биргаликда кириш жойларини қумга тўлдирилган қоплар билан тўсиб қўйиб, ўзлари бетон бункерларга яширинишди. Хавотирга тушган қизларнинг ота-оналари масжид атрофида тўпландилар. Улар ҳарбийлардан қизлари билан уяли телефон орқали гаплашиб, қаршилик кўрсатишни тўхтатишга кўндиришни илтимос қилишди. Аммо ота-оналари билан гаплашган қизлар ҳалок бўлишни афзал кўришларини таъкидлашди, чунки кўп мадрасаларда ислом йўлида шаҳид кетган инсон тўғри жаннатга тушади, деб ўқитилар эди.

Эртаси куни бир гуруҳ қизлар ахийри масжиддан чиқди. Кейинчалик маълум бўлишича, Абдул Азиз аёллар либосини кийиб, бошига паранжи ташлаб олиб, мана шу қизлар билан ҳамроҳ бўлган экан. Бир нафар қизини ўзи билан олиб қолган бўлса ҳам, хотини ва укаси охиригача курашишга қарор қилишгани сабабли қамал қилинган масжидда талабалар билан бирга қолишди. Масжидда бўлган аскарлар ва жангарилар орасида тез-тез отишма юз бериб турарди. Жангариларда пулемётлардан ташқари, бомба ва гранаталар ҳам мавжуд эди. Тўққизинчи июль куни ҳукумат кучлари қўмондонларидан бири минора тепасида снайпер томонидан ўлдирилганидан кейин қамалга яқун ясалди. Бу воқеадан ҳарбийларнинг сабр-косаси тўлиб кетди ва энди ҳеч ким уларни ҳужум қилишдан тўхтата олмасди.

Ушбу операция «Сукунат» деб номланган бўлса ҳам, анча шовқин кўтара олди. Покистон пойтахти илгари бундай қизгин жанглarga гувоҳ бўлмаганди. Ҳарбийлар масжиднинг барча биноларини соатлаб тинтув қилишди ва ниҳоят, Абдул Рашид ва унинг тарафдорлари яширинган бункерни топиб, йўқ қилишга муваффақ бўлишди. Учинчи июль оқшомига келиб операция яқунлангани эълон қилинди. Ҳалок бўлганлар сони юз кишидан ошди ва улар орасида кўплаб ўсмирлар ҳам борлиги қайғули ҳолат эди. Газеталарда инсоннинг юрагини ўртаб юборадиган фотосуратлар чоп этилди – қонли ҳовузлардаги ўликларнинг жасадлари, синган шишалар ва жасадлар уюми... Ушбу фожиали воқеаларни ҳаммамиз даҳшат билан томоша қилдик. Мадраса талабаларининг бир қисми сватлик эканлиги ҳам бизни икки ҳисса ташвишлантирарди. Пойтахтнинг марказида жойлашган масжидда қандай қилиб мана шунақа ишлар содир бўлиши мумкин? Ахир, барчамиз учун масжид муқаддас жой эмасми?!

«Қизил масжид»нинг ҳукумат томонидан эгаллаб олиниши Сватдаги толибонларни янада ғазаблантирди. Ўн иккинчи июль, яъни туғилган кунимда Файзуллоҳ радиода халққа ғазабга тўла нутқ билан мурожаат қилди. У «Қизил масжид»га бостириб кирганларни лаънатлади ва қоралади, барча мусулмонларни Абдул Рашиднинг ўлими учун қасос олишга даъват қилди ва Покистон ҳукуматига қарши уруш эълон қилди.

Вазият борган сари кескинлашиб борарди. Файзуллоҳ ўз таҳдидларини амалга оширишга қатъий қарор қилди. «Қизил масжид»га уюштирилган ҳужумдан кейин толибоннинг қўллаб-қувватлаши янада ошди. Бир неча кундан кейин толиблар Сват водийси томон кетаётган армия карвонига ҳужум қилиб, ўн уч аскарни нариги дунёга равона қилди. Ҳукумат ҳаракатларига қарши норозилик фақат Сват водийси билан чекланмаганди. Бажаур минтақасида яшовчи қабилалар ўз норозиликларини билдиришди ва у ердаги худкушлар сони кескин ошиб кетди. Бутун мамлакатни зулмат қоплаб бораётган бўлса-да, тўсатдан қора булутлар орасидан Қуёш чарақлагандек бўлди – Беназир Бхутто Покистонга қайтаётгани маълум бўлди. Америкаликлар ўз иттифоқчиси генерал Мушарраф Покистонда яхши обрўга эга эмаслигидан ва толибонга қарши самарали кураша олмаслигидан чўчиб, генералга ҳокимиятни тақсимлашни таклиф қилдилар, унга кўра, у ҳарбий формасини ечиб, Беназир Бхутто партияси томонидан қўллаб-қувватланадиган президентга айланиши керак эди. Мушаррафга Бхутто ва унинг эрига қарши барча коррупция айбловларини олиб ташлаш ва сайловлар ўтказиш талаби қўйилди. Ушбу сайловлар натижасига кўра Бхутто бош вазир бўлиши керак эди. Бироқ Покистон халқининг ҳеч бири, шу жумладан, отам ҳам ушбу режа амалга ошишига заррача ишонч билдирмади. Чун-

ки Мушарраф ва Беназир бир-бирларини ўлгудек ёмон кўришлари ҳеч кимга сир эмасди.

Беназир мен икки ёшга тўлганимда мамлакатни тарк этган, аммо отамдан бу инсон ҳақида жуда ҳам илиқ фикрлар эшитганим учун мен унинг келишини интиқлик билан кутардим. Покистон Бош вазири лавозимига яна аёл киши тайинланиши хурсандчилигимизни икки каррага оширди. Айнан Беназир туфайли мен каби қизлар сиёсатчи бўлишни ўз олдига мақсад қилиб кўяр, у биз учун ўрнатилган вазифасини ўтарди. Одамлар ундан диктатурани тугатишини умид қилар, бу аёл бутун дунё кўз ўнгиде Покистондаги демократиянинг рамзи ҳисобланарди. Беназир жангариларга қарши очикчасига қаршилиқ кўрсатган ягона етакчи ҳисобланиб, америкаликларга Бин Ладенни ушлашда ёрдам беришни таклиф қилди.

Баъзи одамларга бу воқеа умуман ёқмади. 2007 йил 18 октябрь куни телевизорда, ниҳоят, Беназирнинг қайтгани ҳақидаги репортажни томоша қилдик, тўққиз йиллик сургундан кейин Карачи аэропортида самолётдан тушиб, Покистон тупроғига кириб келган миллат қаҳрамонининг кўзига ёш олганини ўз кўзимиз билан кўришга муваффақ бўлдик. У очик автобусда кўчада юрганида йўл четидаги минглаб одамлар уни олқишлар билан қарши олишди. Уларнинг аксарияти мамлакатнинг чекка жойларидан Бхутто билан учрашиш учун махсус етиб келганди, баъзилари ҳатто болаларини ҳам эргаштириб олганди. Бир гуруҳ одамлар тўсатдан оқ каптарларни ҳавога учирай юборишди, улардан бири Беназирнинг елкасига кўнди. Кўчаларни одамлар билан тўлиб кетганидан, автобус зўрға судралиб-судралиб юрарди. Маросим бир неча соат давом этишини ҳисобга олиб, уни охиригача томоша қилмасликка қарор қилдик.

Ярим тунда, бутун мамлакат тинч уйқуга кетганида жангарилар тўсатдан зарба бериб, Беназирнинг автобусини портлатиб юборди. Кўз очиб юмгунча автобус улкан аланга ичида қолди. Эртаси куни эрталаб бу хабарни отамдан эшитганимда, дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетди. Отам ва унинг дўстлари бўлиб ўтган воқеадан ҳайрат кўчасига чўмдилар, ўша куни отам у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб, мижжа қоқмади. Бахтга кўра, портлашдан озроқ муддат олдин бироз дам олиш учун зирҳли кабинага тушган Беназир мўъжизавий тарзда омон қолди. Аммо портлаш 150 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Шу пайтгача мамлакатимиз бундай қонли террористик ҳужумларни бошидан ўтказмаганди. Қурбонларнинг аксарияти автобус атропофида миллат қаҳрамонига қўл силкиб турган талабалардан ташкил топганди. Уларни Беназир учун шаҳид кетди, деб ўзимизни юпата бошладик. Ушбу шафқатсиз ҳужум Бхутутонинг рақибларини ҳам даҳшат кўчасига етаклади. Унинг тарафдорлари эса ушбу қалби дарё аёлнинг омон қолганидан Худоба шукрона келтира бошлашди.

Орадан бир ҳафта вақт ўтгач, ҳукумат кўшинлари Сватга кириб келди ва водиймиз армия жиплари ва вертолётларнинг шовқинига тўлиб кетди. Улар водийга кириб келганида биз дарс ўтаётган бўлсак-да, вертолётларнинг шовқини қулоғимизга чалиниб, барча болалар ҳаяжонланганча ҳовлига отилишди. Учувчилар юқоридан ирис (ҳаммамиз ёшлигимизда еган, қоғози ўзига ёпишиб қоладиган ширинлик – тарж.) ва теннис тўпларини улоқтирар, биз эса қий-чув қилиб уларни тутиб олишга интилардик. Сват водийси бўйлаб вертолётларнинг учиб ўтиши камёб ҳодиса ҳисобланади. Аммо эртанги кундан бошлаб Мингорода комендантлик соати жорий этилиши ҳақида хабар беришди.

Биз комендантлик соати нима эканлигини ҳам билмас эдик, шу сабабли жуда ҳам хавотирга тушдик. Отам ҳаммамизга жавоб бериб юборди ва тезда уйимизга боришимизни тайинлади. Уйга боришим билан онамни чақирдим ва қўшнилاردан «комендантлик соати» нима эканлигини билиб беришини сўрадим. Онам дарҳол қўшнимиз Софияларнинг деворини тақиллатди ва улардан кимдир девор тарафга яқинлашиши билан дарҳол: «Комендантлик соати нима?» деб сўради. Софиянинг отаси саволимизга қисқача жавоб бериб кетганидан сўнг, янада хавотирга тушдик ва уйларимиздан чиқмасликка қарор қилдик. Кейинчалик, барчамиз комендантлик соатларига ўрганиб ҳам қолдик.

Мушарраф толибларга қарши курашиш учун Сватга 3000 аскар юборганлиги ҳақида телевидениеда хабар берилди. Толибонлар стратегик аҳамиятга эга бўлган барча давлат ва хусусий биноларни эгаллаб олишганди. Илгари Покистон ҳукумати водийимизда содир бўлаётган воқеаларга аҳамият бермаётгандек туюлган эди, энди эса бу гаплар ёлғон эканлиги аён бўлди. Эртаси кун худкуш-террорчи армия юк машинасини портлатиб юборди. Хужум ўн етти аскар ва ўн уч тинч аҳолининг ҳаётига зомин бўлди. Кечалари тепаликлардан автомат ва пулемёт овозлари эшитилиб тургани сабаб ҳеч биримиз ухлай олмасдик.

Эртаси кун биз телевизор янгиликлари орқали Сватнинг шимолий қисмидаги тепаликларда жанг бўлиб ўтаётганини билиб олдик. Мактаблар ёпилган, болаларнинг ҳаммаси уйда қолишганди. Барчамиз нима бўлаётганини тушунишга ҳаракат қилардик. Гарчи жанговар ҳаракатлар Мингора ташқарисида содир бўлаётган бўлса-да, биз ўқларнинг гумбурлаган овозларини яққол эшитардик. Тез орада толибон юздан ортиқ жангариларини йўқотгани ҳақида хабар берилди. Аммо

ноябрь ойининг биринчи кунда етти юз толибон жангариси Хвазахелдаги армия постини тор-мор қилди. Тахминан эллик аскар қочиб кетишга муваффақ бўлди, аммо қирқ саккизтаси толибонларга асир тушди. Файзуллоҳнинг жангарилари уларни жамоат олдида шарманда қилишди, кийимларини ечиб олиб, жинсий аъзоларини кесиб ташлашди. Тез орада толибон Хвазахелдаги иккита полиция участкасини ҳам эгаллаб олди, Мадиянада полициячиларни қуролсизлантиришга муваффақ бўлди. Мингородан ташқари, Сват водийсининг каттагина қисми толибонлар назоратига ўтди.

Ўн иккинчи ноябрь куни Мушарраф водийга яна 10 минг аскар ва бир неча ўнлаб вертолётларни жўнатди. Ҳарбийлар ҳамма жойда урчиб кетди, ҳаттоки, гольф майдонида ҳам қароргоҳ қурди. Орадан кўп ўтмай Файзуллоҳ жангариларига қарши операция бошланди, кейинчалик бу ҳодиса биринчи Сват жанги номи билан тарихга кирди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта армия ўз фуқароларига қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Полиция Файзуллоҳни навбатдаги митинг-да омма олдида гапираётганида қўлга олмоқчи бўлди, аммо тўсатдан келиб қолган кум бўрони унинг қочишига имкон берди. Тўсатдан содир бўлган ушбу табиат ҳодисаси Файзуллоҳнинг обрўсига обрў қўшди, одамлар ушбу воқеани «пайғамбарсифат» инсонга табиат кучлари ҳам хайрихоҳ бўлди, дея талқин қилишди.

Жангарилар таслим бўлишни асло истамас эди. Улар Шарққа томон ҳаракат қилиб, 16 ноябрь куни Шангланнинг асосий шаҳри Алпурини эгаллаб олишди. Маҳаллий полиция яна жанг қилмасдан, ўз вазифасини ташлаб қочиб кетди. Одамлар жангарилар орасида чеченлар ва ўзбеклар жуда кўп эканлигини айтарди. Шангла шаҳрида яшовчи қариндошларимиздан хавотир ола бошладик. Отам эса ўзининг туғилган қишлоғи

узоқ бурчақда эканлигига, жангарилар у ерга боришга эринишига ишонарди. Аммо толибоннинг тўхтовсиз қаршилигига қарамай, сон ва сифат жиҳатдан бир неча бош устун бўлган ҳукумат армияси толибонларни водийдан чиқариб юборишга муваффақ бўлди. Армия бўлинмалари Файзуллоҳнинг қароргоҳи ҳисобланган Имом Дерини эгаллаб олди. Жангарилар ўрмонга чекинишга мажбур бўлди. Декабрь оyi бошларида Сват водийсининг катта қисми армия назорати остида эканлиги маълум қилинди. Файзуллоҳ тоғу тошлар орасида яширинишга муваффақ бўлди.

– Аммо бу толибон буткул йўқ бўлди дегани эмас. Улар қачондир ўзларини яна намойиш қилишади, – дер эди отам хавотир билан.

Водийдаги кескин вазиятни фақат Файзуллоҳнинг одамлари яратмаган эди. Покистоннинг шимоли-ғарбий қисмида қуролли гуруҳлар пайдо бўлган, уларнинг тепасида турли қабилалар вакиллари турарди. Сват жангидан бир ҳафта ўтгач, толибоннинг қирқ нафар раҳбари Шимолий Вазиристонда учрашиб, Покистон ҳукуматига қарши уруш эълон қилишди. Улар Техрик-Толибон-Покистон (ТТП) ёки Покистон толибонлари байроғи остида бирлашган фронт тузишга қарор қилишди. Ушбу раҳбарлар ўзларининг ихтиёрида 40 минг нафар жангари борлигини айтиб мақтанишди. Улар ўзларининг етакчиси сифатида жанжалкашлиги билан Афғонистонда ном қозонган Байтулло Мақсудни танлашди. Файзуллоҳ Сват ҳудудининг амирига айланди.

Армия бўлинмалари келиши билан водийда тинчлик ҳукм суради, деб ўйлаб юрган бўлсак ҳам, умидимиз алсо ўзини оқламади. Тинч ҳаёт ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Толиблар нафақат полиция участкалари ва ўзлари ёқтирмаган сиёсатчиларга, балки соқолини олиб юрадиган ёки Европа услубидаги кийимлари

бўлган оддий одамларга ҳам хужум қилишарди. Йигирма еттинчи декабрь куни Беназир Бхутто Покистоннинг биринчи Бош вазири Лиакат Али ўлдирилган Равалпинди шаҳридаги Лиакат боғида сайловчиларга мурожаат қилди:

«Биз биргаликда экстремизм ва жангариликни мағлуб қиламиз», ишонч билан хитоб қилди Бхутто. Беназир паркни ўқ ўтказмайдиган «Toyota Land Cruiser» машинасида тарк этди. Автомобилнинг луки очилиб, ўриндиқда тик турган Беназир тарафдорларига қараб қўл силкиб турганида тўсатдан ўқ овози эшитилди, кейинчалик эса портлаш содир бўлди. Унинг машинаси ёнида худкуш террорчи ўзини портлатиб юборди. Беназир шилқ этиб пастга йиқилди. Мушарраф ҳукумати Бхутто бошини машина томига уриб олгани тўғрисида баёнот берди. Гувоҳларнинг таъкидлашича, Беназир ўққа тутилганди.

Телевизор томоша қилиб турганимизда, дастур тўхтатилиб, диктор фожиали янгиликни эълон қилди. «Барчамиз суйган Беназир Бхутто га шаҳидлик мақоми берилди». Бу Беназир шараф билан ўлим топганини англатарди. Қишлоғимиздан йиғи овозлари эшитила бошлади, мен ва ота-онам Беназир учун ибодат қила бошладик. Юрагим Беназир сингари ўз ҳаётимни аёллар ҳуқуқлари учун курашга бағишлашим кераклигини уқтирарди. Демократия хоҳлайдиган биз каби инсонлар талвасага тушиб қолишди: «Беназир вафотидан кейин ҳаммамиз хавф остида қоламиз». Гўёки бутун мамлакат келажакка бўлган умидини йўқотгандек эди.

Мушарраф ТТП раҳбари Байтуллоҳ Мақсудни Беназирнинг ўлимига сабаб бўлишда айблади, бунга қўшимча равишда Байтуллоҳ бошқа бир жангари билан Беназирга бўладиган хужум тафсилотларини муҳокама қилган телефон суҳбатининг нусхаси матбуотда эълон

қилинди. Байтуллоҳ толибон учун ноодатий бўлган қотилликка алоқадорлигини рад этди.

Ҳар ҳафта бизнинг уйимизга ислом диншунослари – қорилар келиб, мен ва қўшни болаларга Қуръони каримдан сабоқ берарди. Толиблар келгунига қадар, мен аллақачон Қуръонни хатм қилиб, бобомни жуда хурсанд қилган эдим. Биз Қуръонни араб тилида ўқиймиз. Одатда, одамлар Қуръон оятларини кўр-кўрона ёдлаб, қандай маъно англатиши тўғрисида бош қотириб ўтиришмайди, бошқалардан фарқли ўлароқ мен бу муқаддас китобнинг таржимаси билан ҳам танишгандим. Менинг қаттиқ хафа бўлганимни кўрган қори поччалардан бири Беназирнинг ўлдирилишини оқламоқчи ҳам бўлди:

– Унинг ўлдирилгани яхши бўлди. Бу аёл умматларга катта зарар етказиши мумкин эди, чунки, у ислом қонунларига риоя қилишни хоҳламади. Агар у тирик қолганида, мамлакатни таназзул сари етаклаган бўлар эди.

Мен бу сўзлардан ҳайратланиб, дарҳол отамга етказдим. Гапларимни сабр билан эшитган отам чуқур «ух» тортди ва деди:

– Бошқа иложимиз йўқ, кимки Қуръон ўрганишни хоҳласа, бу муллаларга мурожаат қилишдан ўзга чораси йўқ. Аммо унинг дарсларидан эҳтиёт бўлишинг керак. Тўлиқ таржимани ёдла ва унинг қори акаларинг томонидан талқин қилиниши ва изоҳланишига эътибор берма. Аллоҳ айтаётган нарсани билишинг керак. Унинг сўзларини шарҳлашга сенинг ҳам қурбинг етади...

ЭНГ АҚЛЛИ СИНФ

Мактаб мен учун қоронғи кунларда кўнглимни ёритган шам каби эди. Кўчага чиққанимда қайси эркакка кўзим тушса, кўзимга толибон вакили сифатида кўринаверарди. Қиз бола бўлганим туфайли мактаб сумкаси ва китобларини кийимларимиз остига яширдик. Отам дунёдаги энг чиройли кўриниш – бу эрталаб форма кийиб мактабга бораётган болалар эканлигини тез-тез такрорлар эди. Аммо энди ҳаммамиз форма кийишдан ҳадиксирар эдик.

Уша пайтларда энди ўрта мактабга ўтгандим. Марям хонимнинг айтишича, ўқитувчилар бизнинг синфга дарс ўтишдан жуда чўчир, биз томонимиздан юбориладиган «саволлар ёмғири»дан қандай эсон-омон чиқиб кетиш ҳақида бош қотирар экан. Синфимиздаги барча ўқувчилар деярли бир хил савияга эга эди. Бошқа қизлар байрам ва тўйларга тайёргарлик кўриш жараёнида қўлларига капалаклар ва гуллар тасвири туширилган хина чизишганида, биз кимёвий формулалар ва математик тенгламалар ёзилган қўлларимизга боқиб, завқланардик. Малика-и-Нур билан рақобатимиз авж палласига етган даврлар эди. У мени орқада қолдириб, синфдаги биринчи ўқувчи мақомига эришганидан сўнг, мен ҳақиқий шок ҳолатини бошдан кечирдим ва янада қаттиқроқ ўқий бошладим. Ниҳоят, қилган меҳнатларим ўз самарасини бериб, яна ўз ўрнимга қайтишга муваффақ бўлдим. Малика-и-Нур иккинчи, энг яқин дугонам Мониба эса учинчи ўринни банд этиб туришарди. Ўқитувчилар

бизга имтиҳон олувчилар биринчи навбатда хуснихатга, иккинчи навбатда эса ўз тушунчасини қай даражада баён этишига эътибор қаратишини тайинларди. Учаламизнинг орамиздан Монибанинг хуснихати энг чиройлиси бўлса, мазмун борасида менга етадигани йўқ эди. Мониба оиласи унинг яхши ўқимаётганини баҳона қилиб, мактабга боришини тақиқлаб қўйишидан кўрқиб, тинимсиз меҳнат қиларди. Энг ожиз томоним – математика бўлиб, бу фандан «0» олиш «шарафи»га муяссар бўлгандим. Аммо ожиз томоним бўлган математика бўйича кўпроқ ўз устимда ишлардим. Кимё ўқитувчимиз жаноб Обайдулла (биз ўқитувчиларимизни «жаноб» ёки «хоним» деб чақирардик) мени туғма сиёсатчи, деб эътироф этарди. Гап шундаки, оғзаки имтиҳон олдидан мен доим унга мурожаат қилиб:

– Жаноб, сиз энг яхши ўқитувчисиз, кимё эса менинг энг севимли фаним, – дейишни канда қилмасдим.

Баъзи ота-оналар отам мактаб эгаси бўлгани учун ҳам менинг аъло баҳоларим нақд, деб ўйлашар, аммо синфдошлар ўртасидаги кескин рақобатга қарамай, орамиздаги дўстлик ҳеч қачон узилмаган ва ҳеч қачон бир биримизга ҳасад қилмаганмиз. Мактаб имтиҳонларидан ташқари, биз хусусий мактабларнинг энг яхши ўқувчиларини аниқлайдиган туман имтиҳонларида ҳам қатнашардик. Бир маротаба Малика-и-Нур билан мен ушбу имтиҳонларда бир хил кўрсаткич қайд этдик ва биринчи ўринни ким олишини аниқлаш учун яна бир иншо ёзишимизга тўғри келди. Аммо бу сафар ҳам бир хил баҳо олдик. Одамлар менга ўзгача муносабатда бўлишади деб ўйлашларига йўл қўймаслик учун отам дўсти Аҳмад Шоҳ бошқарадиган мактабда биз учун яна бир имтиҳон ташкил қилиб берди. Бу сафар ҳам бир хил кўрсаткич қайд этдик. Мактабда фақат ўқиш билан чегараланиб қолмай, кўнгилочар тадбирларда ҳам анча

фаол эдик. Кичик пьесаларни саҳналаштиришни жон дилимиздан севардик. Бир пайтлар «Ромео ва Жульетта» асосида коррупция ҳақида скетч ёзгандим. Менинг скетчимдаги Ромео – бу ишга кирмоқчи бўлган одамлардан интервью оладиган ҳукумат ходими. Бу ролни ўзим ўйнагандим. Сюжет қуйидагича эди:

Биринчи ариза берувчи саҳнага кириб келади ва Ромео унга бемаъни саволларни беради, масалан:

– Велосипеднинг нечта ғилдираги бор?

– Иккита.

– Қандай ажойиб топқирлик! Кейингиси.

Кейинги даъвогар эркак бўлиб, Ромео унга жавоб топиш имконсиз бўлган саволларни беради.

– Ўрнингиздан турмаган ҳолда, учинчи қатор, тўртинчи ўриндикда ўтирган мухлиснинг исмини айтинг.

– Мен буни қаердан биламан?

– Билмайсизми? Ахир, режюменгизда дўхтирлик даражангиз борлигини ёзгансиз-ку!

Охир оқибат Ромео қизни ишга олади.

Қиз ролини Мониба ўйнаган бўлса, яна бир синфдошимиз Аттия Ромеонинг котибаси ролини гавдалантирганди. Унинг ҳазил аралаш гаплари саҳна асарининг янада жонлантиришга ҳисса қўшди. Ушбу саҳна асарини томоша қилган мухлислар ажойиб маданий ҳордиқ чиқаришди. Менинг одамларга жуда моҳирона тақлид қила олишимни ҳамма биларди, шу сабаб танаффус пайтида дўстларим мендан ўқитувчилардан бирини, кўпинча жаноб Обайдулла образини ўйнаб беришимни сўраб, хол-жонимга қўйишмасди. Атрофимиздаги тақликали воқеаларга қарамай, биз ҳазил қилишни ва ўйнаб-кулишни яхши кўрардик.

2007 йил охиридаги ҳарбий операциялар водиймизни толибонлар зулмидан халос қилолмади. Ҳукумат қўшинлари ҳамма жойда ҳозир нозир бўлишига

қарамай, Файзуллоҳ ҳар куни радиодаги чиқишларини давом эттирди. 2008 йилда вазият янада кескинлашди, қотиллик ва портлашлар сони анча ошди. Ўша кунларда биз ўзимизни толиблар ва армия ўртасида худди болға ва сандон ўртасида бўлгандек ҳис қилардик. Аттия тез-тез толибон армиядан кучли эканлигини таъкидларди. Мен эса қуйидагича жавоб берардим.

– Агар шер ва илон сенга хужум қилишга тайёрланаётган бўлса, қайси бири яхшироқ эканлиги ҳақида ўйлаб кўрасанми?

Шунча хавф-хатарларга қарамай, мактабимиз ҳаммамиз учун дунё ташвишларидан ҳоли ҳудудга айланиб қолганди. Синфдошларимнинг барчаси шифокор бўлишни хоҳлар, фақат мен ихтирочи бўлишни ва толибоннинг барча қуролларини яроқсиз ҳолга келтирадиган ва ўзларини водийдан шамол сингари даф бўлишга мажбурлайдиган машина ихтиро қилишни орзу қилардим. Хавф қачондир мактабга ҳам етиб келишидан чўчиган баъзи ўқувчилар мактабга бормасликка қарор қилишди. Файзуллоҳ радиодаги чиқишларида қизларнинг уйда ўтириши кераклигини доимий равишда талаб қилар эди. Унинг одамлари мактабларни портлатишга киришганларида хавотиримиз бир неча каррага ошиб кетди. Улар бу разил қилмишларини одатда комендантлик соатларидан кейин, мактаб бинолари бўш турган вақтда амалга оширишарди.

Биринчи бўлиб Матта шахридаги Шавар Зангай номидаги давлат қизлар мактаби портлаш ўчоғига айланди. Ким бу ваҳшийликни содир этишга журъат этганини тасаввуримизга ҳам сиғдира олмасдик. Аста-секинлик билан портлашлар бир-бирига уланиб кетди, ҳатто Мингорани ҳам четлаб ўтмади. Бомба икки марта уйимизга шу қадар яқин портладикки, деворлар титраб, токчалардаги нарсалар пастга қулаб туша бошлади.

Бундай портлашлардан бири мен ошхонада бўлганимда содир бўлган ва айнан ўша ондан бошлаб ошхонага ёлғиз боришга қўрқиб қолгандим.

2008 йил февраль ойининг сўнги кунлари. Ошхонада эканлигимда қулоқни қоматга келтирадиган овоз янгради. Бомба шу даражада яқин масофадан портладики, ҳамма яқинларининг соғ-саломат эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун бир-бирига кўнғироқ қилишни бошлади:

«Ҳайста, Пишо, Баби, Ҳушал, Атал!»

Кейин сиренларнинг жаранглаши эшитилиб, Мингородаги барча тез ёрдам машиналари бир вақтда кўчада юргандек туюлди. Орадан кўп вақт ўтмай худкуш террорчи Ҳожи Бобо ўрта мактабининг ташқарисидаги баскетбол майдончасида портлаш уюштиргани аён бўлди.

Орадан яна озроқ муддат ўтиб, жангарилардан қочиб кетаётганида, худкуш террорчи томонидан ўлдирилган машҳур маҳаллий полициячи Жавид Иқбол учун жаноза намози ўқилаётганида толибон навбатдаги терактни уюштирди. Портлаш натижасида эллик беш киши, жумладан, Жавиднинг кичик ўғли Иқбол ва кўплаб яхши биродарларимиз ҳалок бўлишди. Дафн маросимида Монибанинг ўн нафар оила аъзоси ҳам қатнашган, уларнинг барчаси жароҳатланган ёки боқий дунёга риҳлат қилганди. Мониба бундан тушкунликка тушиб қолди, бутун шаҳар унга ва унинг оиласига ҳамдард бўлди. Барча масжидларда ўлдирилганлар учун дуолар ўқилди.

Отамдан:

– Сиз қўрқяпсизми? – деб сўрадим.

– Қўрқув зулмат пайтида кучаяди, Жани. Аммо тонги Қуёш нурлари билан жасорат яна бизга қайтади.

Бутун оиламизнинг юрагида қўрқув ин қурган бўлса ҳам, жасоратимиз билан қўрқувни енгишга уринардик.

– Биз водийимизни толиблардан озод қилишимиз керак. Шундан сўнггина барча қўрқувлар ўтмишда қолади. Отам шу гапларни доимо такрорлаб келарди.

Биз пуштунлар инқирозли вазиятларда доимо синовдан ўтган усулларга мурожаат қиламиз. 2008 йилда водий оқсоқоллари Қуми Жирға (Бирлашган Оқсоқоллар Кенгаши) деб номланган йиғилишда Файзуллоҳга қарши қандай кураш олиб бориш кераклигини муҳокама қилишди. Маҳаллий фаоллар – Мухтор Хон Юсуфзоӣ, Хуршид Какаджи ва Зоҳид Хон уйма-уй юриб, оқсоқолларни ушбу йиғилишда қатнашишга чорлади. Оқсоқолларнинг бошлиғи Англия қироличасининг Сват водийсига ташрифи мобайнида унга ҳамроҳлик қилган Абдулхон Холиқ исмли етмиш тўрт ёшли, соч-соқолига оқ оралаган киши эди. Гарчи отам на оқсоқол ва на хон бўлган бўлса-да, ундан ҳам ушбу йиғилишда қатнашишни илтимос қилишди. Унинг ўз фикрини эркин ифода этишдан қўрқмаслигини ҳамма биларди. Гарчи отам пуштун тилида бошқа тилларга қараганда яхшироқ гаплашса ҳам, Покистонда давлат тили ҳисобланган урду тилида ҳам эркин гаплаша олиши билан бемалол мақтана оларди. Бундан ташқари, у инглиз тилида ҳам равон гаплашар эди, демак, у Сват водийси ва ташқи дунё ўртасида боғловчи вазифасини ўташи мумкин эди.

Отам деярли ҳар куни Сват водийси оқсоқоллар кенгаши номидан оммавий ахборот воситаларида Файзуллоҳга қарши чиқиш қиларди:

– Нималар қиляпсиз эй Файзуллоҳ ва унинг гумашталари? Сиз бизнинг маданиятимизни ва инсонларнинг тинч ҳаётини бузмоқдасиз!

Отам менга: «Тинчлик учун курашадиган ҳар қандай ташкилотга аъзо бўлишга тайёрман», деб кўп бора таъкидларди.

– Агар биз зиддият ёки низони ҳал қилмоқчи бўлсак, аввало, ҳақиқатни тик айтишдан чўчимаслигимиз

керак. Оддий мисол, сенда бош оғриғи бўлса-ю, лекин шифокорга ошқозонинг оғриётганини айтсанг, у сени қандай даволай олади? Ҳақиқат ҳамма нарсага шифо бўла олади. Фақат ҳақиқатгина кўркув устидан ғалаба қозона олади.

Отам бошқа ҳуқуқ ҳимоячилари билан, айниқса, эски ўртоқлари Аҳмад Шоҳ, Муҳаммад Фарруҳ ва Зоҳидхон билан учрашганда уларнинг суҳбатларига тез-тез кулоқ осардим. Аҳмад Шоҳ Муҳаммад Фарруҳ ишлаган мактабнинг эгаси бўлиб, тез-тез ўша мактаб ташқари-сидаги теннис кортида унга дуч келиб турардим. Зоҳидхон меҳмонхона эгаси бўлиб, унинг катта ҳужраси ҳар тарафдан келган меҳмонлар учун бошпана вазифасини ўтарди. Отамнинг дўстлари уйимизга келганларида, мен уларга чой олиб кириб берар, кейин жимгина ерга чўкиб, уларнинг суҳбатларини тинглардим. Улар тез-тез отамга қарата: «Малала нафақат сенинг, балки бизнинг қизимиз», деб мени алқаб қўйишарди.

Отам ва унинг дўстлари тез-тез Пешовар ва Исломо-бодга саёҳат қилишган ва радиога кўплаб интервьюлар беришган. Улар, айниқса, «Америка Овози» ва «ВВС» сингари станцияларда тез-тез чиқиб туришарди. Улар бутун дунё тингловчиларига Сват водийсида бўлиб ўтаётган воқеаларнинг ислом билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини тушунтириб беришарди. Отамнинг таъкидлашича, агар бу ҳаракат баъзи ҳарбий ва ҳукумат амалдорлари томонидан қўллаб-қувватланмаганида, бизнинг водийда толибон зулмини амалга ошириш мумкин эмас эди. Давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак, агар давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги чегара хиралашадиган бўлса, одамлар давлатга бўлган ишончини сўндириб, бошқа «меҳрибон» нодавлат ташкилотлардан паноҳ топишади.

Покистон армияси ва идоралараро разведка хизмати жуда кучли эканлиги сабабли одамлар бундай қалтис

мавзуларда баланд овозда гапиришга журъат эта олишмасди. Аммо отам ва унинг дўстлари ҳеч нарсадан кўрқишмас эди.

«Ҳозир бўлаётган воқеа-ҳодисалар Покистон халқига қарши қаратилган», деганди отам ўз интервьюларидан бирида. «Толиблар ўрнатмоқчи бўлган тузум ғайриинсоний ҳисобланиб, унинг гуркураб ривожланиши учун нафақат Сват водийси, балки бутун бошли Покистон ҳам қурбон бўлиши керак. Она кўра била туриб ўз фарзандларини хавф остида ташлаб қўймаганидек давлат ҳам ўз фуқароларининг хавфсизлиги учун курашиши шарт ва зарур».

Аксарият фуқароларнинг жим юришни афзал билгани отамнинг ғазабини кўзғар, китоб ва газеталарда ноҳақликка чидай олмайдиган, деб улуғланган миллатининг аксарият аҳолиси адолатсизликларга қарши жим қараб туришини кузатиб, кечалари уйқуси қочиб кетарди. У ҳар доим чўнтагида фашистлар Германияси даврида яшаган руҳоний ва диншунос Мартин Нимеллернинг шеъри ёзилган қоғозни олиб юрарди. Шеърнинг асл матнини эслай олмасам ҳам, тахминий маъноси қуйидагича эди:

Дастлаб коммунистлар келди, коммунист бўлмаганим учун тилимни тийдим.

Кейин социалистлар келди, социалист бўлмаганим учун оғзимни ёпдим.

Сўнгра тред-юнионлар келишди, уларнинг вакили бўлмаганим учун бир сўз айтолмадим.

Уларнинг ўрнини яхудийлар эгаллашди, яхудий бўлмаганим учун сукут сақладим.

Кейин католиклар ташриф буюрди, бу вақтга келиб, соқов бўлгандим...

Унинг барча гаплари ҳақиқат эди... Одамлар гапира бошламаса, ҳеч нарса ўзгармайди.

Отам мактабда тинч намойиш ўтказди. У бизга иложига борича атрофда содир бўлаётган қонунбузарликларга қарши туришимиз кераклигини уқтирарди. (Ваҳоланки, бошқа ота-оналар ўз фарзандларини «сиёсатга аралашма», «ўйнашмагин арбоб билан» каби иддаолар билан қўрқоқ бўлиб шаклланишига катта «ҳисса қўшишарди»). Мониба ҳам отамнинг гапларидан тўлқинланиб кетиб, менга ёрилди:

– Биз пуштунлар исломни қаттиқ ушлаган халқларданмиз. Аммо толиблар туфайли бутун дунё мусулмонларни қонли террорчи деб фараз қилади. Аслида, унақа эмас. Биз тинчликсевар одамлармиз. Тоғларимиз, ўрмонларимиз, гулларимиз – водийдаги барча-барча нарса гўзаллик ва тинчлик ҳавосидан нафас олишини хоҳлаймиз.

Мактабимиздаги бир гуруҳ қизлари билан биргаликда пуштун тилида фаолият юритадиган ягона хусусий телеканал – «ATV Hiber»га интервью бердик. Суҳбатдан олдин ўқитувчилар саволларга қандай жавоб беришимиз кераклигини тайинладилар. Биз жангарилар таъқибидан қочиб, мактабни ташлаб кетган собиқ синфдошларимиз ҳақида, бу ёшда қиз бола балоғатга етади ва паранжи тақишга мажбур бўлади, деб ҳисоблаб ўн уч-ўн тўрт ёшли кўплаб қизларни оталари ва акалари мактабдан чиқариб олганликлари ҳақида гапирдик.

Бироз вақт ўтгач, мамлакатимиздаги энг йирик янгиликлар канали – «GEO»да чиқиш қилдим. Унинг офисидаги барча деворлар турли каналлардан дастурларни намойиш этаётган мониторлар билан ўралган эди. Ўзимни шундай ғайриоддий муҳитда кўриб, аввалига бироз саросимага тушдим. Аммо кейин ўзимга-ўзим шундай дедим: «ОАВга интервью керак. Улар қизлар ва мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашишни исташади, лекин қизлар ўзларини қийнаётган муаммолар ҳақида гапиришдан қўрқишади ёки ота-оналари уларга буни тақиқлашади. Отам

гапиришимга ҳеч қанақа тўсиқ қўймайди, аксинча, мени қўллаб-қувватлайди. У менинг ҳуқуқларим учун курашишим кераклигини ҳар доим таъкидлайди».

Ҳар бир янги интервьюдан сўнг ўзимга бўлган ишонч ва менга кўрсатилаётган эътибор кучайиб борди. Ҳолбуки, мен ўша пайтда энди ўн бир ёшга тўлгандим, лекин ёшимга нисбатан каттароқ кўринар ва журналистлар мен билан суҳбатлашишдан завқланишарди. Журналистлардан бири мени «такра женаи» – «порлаб турган қиз» деб чақирар, бошқаси «паха женаи» «ёшига нисбатан оқила қиз» деб атарди. Худо мени ҳимоя қилишига бутун вужудим билан ишонганим сабаб барча кўркувларни даф қила олдим. Қизларнинг ҳуқуқларини, ўз ҳуқуқларимни ҳимоя қилиш ёмон ёки гуноҳ иш эмаслигини яхши билардим, аксинча, ўз бурчимни адо этипман, деб ҳисоблардим. Худо бизга муаммоли вазиятни туҳфа этиб, бу вазиятда ўзимизни қандай тутишимизни кузатади. Муқаддас Қуръони каримда шундай дейилган: «Ёлфонлар муқаррар равишда шарманда қилинади ва охиरोқибат ҳақиқат ғалаба қозонади». «Агар Файзуллоҳнинг бир ўзи шунча кўнгилсизликларга сабаб бўлган бўлса, бошқа инсоннинг, ҳаттоки, қиз бўлса ҳам, унинг номақбулчиликларига чек қўйишга қурби етмайдими?» Мен ҳар куни кечқурун ўзимга шу саволни берар, Худодан куч-қувват ато қилишини илтижо қилардим

Сват водийсидаги оммавий ахборот воситалари устига ўтириб олган толиблар, медиа вакилларига ўзларини «оқ» қилиб кўрсатиш талабини қўярди. Гарчи мактабларни йўқ қилиш ишларига бош-қош бўлган бўлса ҳам, баъзи газеталарда толибон вакили Муслим Хон ҳурмат билан «мактаблар отаси» деб эътироф этилгани бунга яққол далил бўла олади. Аммо кўплаб маҳаллий журналистлар водийимиз тақдиридан чин дилдан хавотирга тушиб, ҳуқуқ ҳимоячиларига ўзлари гапи-

ришга журъат эта олмаган масалалар ҳақида гапириш имкониятини беришди.

Шахсий машинамиз бўлмагани сабабли отамнинг баъзи дўстлари бизни суҳбатга олиб боришар ёки махсус фойтун буюртма қилардик. Бир куни отам мени «BBC» ташаббуси билан урду тилида олиб бориладиган таниқли журналист Возатуллоҳ Хоннинг ток-шоусида қатнашиш учун Пешоварга ташриф буюрдик. Отамнинг дўсти Фазал Маула ва унинг қизи бизга ҳамроҳ бўлишди. Студияда бўлмаган Мукулмон Хон толибон вакили сифатида чиқиш қилиши режалаштирилганди. Мен олдимизда жуда жиддий вазифа турганлигини англаб, бироз ҳаяжонландим. Ахир, бутун Покистон аҳолиси бизни кўраётган эди-да!

«Нега толиблар қизларнинг асосий ҳуқуқларидан бўлган таълим олиш ҳуқуқини тортиб олишмоқда?» Мен ушбу саволни ўртага ташладим. Мукулмон Хон билан суҳбат олдиндан ёзиб олингани сабабли у берган жавоб мени умуман қониқтирмади.

Эфирдан сўнг барча мени муваффақиятли чиқишим билан табриклай кетди. Отам ҳам ўзида йўқ хурсандлигидан сиёсатчи бўлиш учун илк қадамни ташлаганимни айтди. Аммо бизнинг ушбу қаршиликларимиз кучли шамол учириб кетадиган баҳордаги ўрик гулбарглари каби эди...

Мактабларни йўқ қилиш сиёсати жадал давом этди. 2007 йил 7 октябрга ўтар кечаси бир нечта узоқ портлашларнинг акс-садоси қулоғимизга чалинди. Эртаси куни эрталаб ниқоб кийган қуроли шахслар тунда Сангота қизлар мактаби ва «Excelciog boys» коллежига бостириб кириб, қўлбола портловчи мосламалар ёрдамида биноларни портлатганини билиб олдик. Ўқитувчилар ва талабалар таҳдидли мактуб олганликлари сабабли биноларни эрта тарк этишганди. Ушбу икки мактаб во-

дийдаги энг нуфузли мактаблардан ҳисобланиб, улар вали пайтида ташкил этилган ва сифатли таълим тизими билан бошқалардан ажралиб турарди. Улар ҳажм бўйича ҳам анча катта салоҳиятга эга эди – Санготада 1000 га яқин «Excelciog boys»да эса 2000 га яқин ўқувчи бор эди. Портлашлардан кейин отам у ерда бўлиб, мактабларнинг харобага айланганини кўриб юраги эзилиб, уйга қайтди. Қорайиб кетган ғиштлар ва ёниб кулга айланган китоблар олдида туриб, турли телеканаллар вакилларига бир нечта интервьюлар берди. «Ҳукумат уларни тўхтатмаса, улар ҳеч қачон тўхтамайдилар...»

Аммо отам умидини сўндирмади ва ҳалокат тугашига ич-ичидан ишонди. Аммо у вайрон этилган мактабларнинг маҳаллий аҳоли томонидан талон-торож қилинишидан жуда хафа бўлди. Маҳаллий аҳоли зудлик билан фойдаланса бўладиган мебелларни, китобларни, компьютерларни уйларига олиб кетишди. Бундан хабар топган отамнинг кўзларига ёш келди: «Бу одамлар ўликларни еяётган ўлаксахўрларга ўхшайди».

Мактаб бинолари бомбардимон қилинганидан бир кун ўтгач, отам «Америка Овози»да нутқ сўзлаб, террорчиларга ўз ғазабини йўллади. Эшиттириш пайтида толибон вакили Муслим Хон ҳам студия билан алоқада бўлган.

– Бу мактаблар сизга нима ёмонлик қилдики, уларни Ер юзидан супуриб ташлашга аҳд қилдингиз? Муслим Хон эса Сангота мактаби насронийларнинг таълимотини ўқитаётгани, «Excelciog коллежи» эса ўғил болалар ва қизларга биргаликда таълим бераётганини айтди.

– Буларнинг барчаси ёлғон! – отам эътироз билдирди. – Сангота мактаби 1960 йилдан бери ишлаб келмоқда. У ҳеч кимни насронийликка даъват этмаган, аксинча, у туфайли кўпроқ насронийлар Ислонни қабул қилган. Ва «Excelciog»даги қиз ва ўғил болаларнинг биргаликда

Ўқитиш фақат бошланғич синфларда амалга оширила-ди. Бунга Муслим Хон жавоб бера олмади.

– Толибларнинг қизлари йўқми? – деб сўрадим отам-дан. – Улар ҳеч қаерда ўқишни ишташмайдими?

Отам эса бу саволимга сукут билан жавоб берди.

Ўқитувчимиз Марям хоним Сангота мактабини ту-гатган, унинг синглиси Ойша ҳам шу ерда таҳсил олар-ди. Сангота йўқ қилинганидан сўнг, Ойша ва яна бир қанча қизлар бизнинг мактабга келиб ўқий бошлашди. Мактабдан келадиган даромад харажатларни қоплай олмай қолди. Янги келган қизлар ўқиш учун тўловлар-ни мунтазам равишда тўлаб туришган бўлса-да, отам бу сафарги ўқувчилар сонининг кўпайишидан умуман хурсанд бўлмади. У вайрон қилинган иккала мактабни ҳам тиклашни талаб қилиб, ҳукуматга мурожаат йўл-лади. Бир куни, катта аудитория олдида нутқ сўзлаган отам тингловчиларидан бири ўзи билан олиб келган кичкина қизчани қучоғига олди ва шундай деб гапида давом этди:

– Бу қиз бизнинг келажагимиз! Унинг саводсиз бўлиб ўсишини хоҳлайсизми?

Оломон ҳаяжондан ҳайқириб юборди. Ҳеч ким қиз-ларининг ўқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишини хоҳла-масди. Мактабимизга янги келганлар даҳшатли во-қеаларни айтиб беришди. Ойшанинг ҳикоя қилишича, у бир куни Санготадан уйга қайтаётганида, толиблар полициячининг кесилган бошини сочларидан ушлаб турганини ўз кўзи билан кўрган. Барча янги қизлар олдинги мактабларида ҳам анча яхши ўқишгани сези-либ, синфимиздаги рақобат янада жонланди. Улардан бири Рида – нутқ сўзлашда тенги йўқ эди. Мониба ва мен у билан жуда яхши чиқишиб олдик, аммо уч киши-нинг дўстлиги ҳасад қилиш учун жуда кўп сабабларни келтириб чиқаради деганларидек, орамизда жуда кўп

гап қочадиган бўлиб қолди. Мониба ҳар доим мактабга олиб келадиган овқатининг идишига қўшимча санчқи ҳам солиб келарди.

– Бу санчқи ким учун? Мен учунми ёки Рида учунми? – энсамни қотириб сўрардим Монибадан.

У жилмайиб, «Иккалангизга ҳам, боиси сизлар менинг энг яқин дўстимсиз», деб жавоб қиларди.

2008 йил охирларига келиб, толиблар 400 га яқин мактабни вайрон қилишди. Бу вақтда Покистонда янги ҳукумат тузилган, унга шафқатсизларча ўлим топган Беназир Бхуттонинг эри, президент Осиф Зардари бошчилик қилаётганди. Аммо ёмғирдан қочиб дўлга тутилдикми, ҳукумат Сват водийсидаги вазиятга умуман аҳамият бермай қўйди. Мен ўз интервьюларимда: «Агар Президент Зардарининг ҚИЗЛАРИ Сват мактабларидан бирида ўқишганида, иш бошқача бўлар эди», деб тез-тез такрорлардим. Худкуш-террорчилар бутун мамлакат бўйлаб портлашлар уюштирар, ҳаттоки Исломободдаги «Марриотт» меҳмонхонасининг ҳам кули кўкка совурилди.

Мингородаги вазият чекка ҳудудларга қараганда бироз тинчроқ эди. Шунинг учун кўплаб қариндошларимиз қишлоқдан шаҳарга кўчиб келиб, биз билан яшай бошлашди. Ўзи каталакдеккина келадиган уйимиз энди одамлар билан тўлиб тошган эди. Толиблардан кўрққанзимиз сабаб биз аввалгидек, кўчада ёки уйнинг томида крикет ўйнай олмас, ҳовлида тўп ўйнаш билан кифояланардик. Хушал укам билан мен доимо жанжаллашар, бир-иккита шапалоқ еганидан кейин онамга шикоят қилиш учун йиғлаб чопарди. Ростини айтсам, у ва мен ҳеч қачон дўст бўла олмаганмиз.

Менга ўз сочимни турли хил кўринишда турмаклаш жуда ёқарди. Бир неча соат давомида ҳаммомдаги ойна олдида ўтириб, фильмларда учратган актрисаларга

тақлид қилар, уларнинг мулойим, мулоҳазакор ва эҳтиросли хатти-ҳаракатларини ойна олдида такрорлаб, завқланардим. Тўққиз ёшимга қадар сочимга бит тушмаслиги учун онам мени сочимни қайчилаб ташлайверарди. Бундан ташқари, қисқа сочларни ювиш ва тараш анча осон эди. Аммо охир-оқибат онам менинг илтимосларимга қулоқ солиб, сочларимни елкамгача ўстиришга рухсат берди. Текис ва қуруқ сочли Монибадан фарқли ўлароқ, сочларим қалин ва жингалак эканлигидан фахрланардим.

– Шунча вақтдан бери ҳаммомда нима қиляпсан-а? – онам ғазабланарди. – Меҳмонларимизга ҳам ҳаммом зарур бўлиб қолиши мумкин, деб ҳеч ўйламайсанми? Нега ҳамма сени кутиши керак?

Ҳа, онам мени шу тариқа уришиб турарди.

Энг қийин пайтлар 2008 йил Рамазон ойига тўғри келди. Рамазон – рўза тутиш ойи бўлиб, унда диндор мусулмонлар Қуёш ботгунга қадар таомланишдан ўзларини тийишлари керак. Толиблар шаҳар электр станциясини вайрон қилишди, шу сабаб биз электрсиз қолишга мажбур бўлдик. Бир неча кундан кейин улар газ қувурини ҳам портлатишди ва газимиздан ҳам ажралиб қолдик. Бозорда сотиладиган газ баллонларининг нархи икки бараварга ошди. Энди онам, худди ҚОЛОҚ ДАВЛАТЛАРДА бўлгани каби, ўчоқда овқат пишириши керак эди. Онам бундан заррача шикоят қилмади – никоҳ ўқитилаётганда ҳар қандай қийинчилик пайтида отамни қўллаб-қувватлашга ва сабр қилишга берган ваъдасини бажарди. Бошқалардаги аҳвол биздан ҳам ёмонроқ эди. Энг жиддий муаммо тоза ичимлик сувининг етишмаслиги ҳисобланиб, бунинг ордидан шаҳарда вабо тарқалиб, кўплаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлди. Касалхоналар беморлар оқимиغا дош беролмади.

Отам генератор сотиб олди, лекин уни уйда эмас, мактабга ўрнатди. Генератор артезиан қудуғидан тоза сув тортар, шу сабабли яқин атрофда яшайдиган аҳоли мактабга оқиб кела бошлади. Ҳар куни қўлига кўза, елим шиша ва челак ушлаган одамлар мактаб олдида тизилишиб турарди. Баъзи қўшнилар бундан чўчиб, отамга мурожаат қилишди.

– Бу сизга катта хавф туғдиради! Агар толиблар Рамазон ойининг кундуз кунларида аҳолига сув олишларига рухсат берганингизни билиб қолишса, барчамизнинг кунимиз битади!

Отам ҳам бўш келмади:

– Чанқаганингиздан ўласизми ёки толибларнинг ўқидан ўласизми, нима фарқ бор?

Мактабдан экскурсияларга боришимиз ва пикниклар ўтказишимиз биз учун тушга айланди. Қуёш ботганидан сўнг ҳеч ким уйдан чиқишга журъат эта олмасди. Террористлар, ҳаттоки, чет эллик сайёҳлар жойлашган Малам Жабба шаҳридаги йирик меҳмонхоналардан бирида ҳам қўпоровчилик ҳаракатларини амалга оширишди. Илгари жаннатнинг бир бўлаги деб аталган гўшалар энди дўзахга айланган, ундан чет элликларнинг қадами аста-секин узила бошлаганди. 2008 йил охирида Файзуллоҳнинг ўринбосари Мавлони Шоҳ Даврон радио орқали барча қизлар мактаблари тез орада ёпилишини эълон қилди ва 15 январдан кейин ҳеч бир қиз мактабга бормаслиги керак, деб қўшиб қўйди. Аввалига мен буни ҳазил деб ўйладим.

– Толиблар қандай қилиб бизни мактабга боришни тақиқлашлари мумкин? – деб сўрадим ўртоқларимдан. – Улар унчалик кучли эмас-ку. Улар барча ерларда назорат ўрната олишмайди.

Аммо бошқа қизлар менинг фикримга қўшила олмадилар. «Толиблар ҳар нарсага қодир», деб ўз фикрини

асослашга ҳаракат қилишди. «Улар аллақачон юзлаб мактабларни портлатишди ва ҳеч ким уларни тўхтата олмади».

Отам эса фикрида қатъий турди: «Сват водийсидаги ўқитувчилар сўнгги мактаб бузилмагунча, охирги ўқитувчи ва охирги бола мактабга келгунича, дарс беришни тўхтатмайди!»

Оиламизда ҳеч қачон мактабни айнан толибонлардан ҳадиксираб, ёпиш масаласи кўтарилмаган. Биз, болалар мактабимизни яхши кўрсак-да, толиблар бизга ўқишни тақиқлашга қарор қилгунга қадар таълимнинг аҳамиятини тушуниб етмаган эдик. Айнан толибонлар ғимирлаб қолганидан сўнггина биз ўқитувчиларни тинглаш ва уларнинг топшириқларини бажариш орқали вақтимизни унумли ўтказаяётганимизни, ўзимизни порлоқ келажак билан таъминлаяётганимизни англаб етдик.

Қиш жуда қаттиқ келди. Ҳар йили қишда чана учиб, қорбоболар ясаб завқланган бўлсак, бу сафар умуман бу ишлардан кўнглимиз ёришмади. Қишда толиблар тоғлардаги ғорларда яшириниб олишди. Гарчи улардан нима кутаётганимиз ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмасак ҳам, уларнинг тез орада пайдо бўлишини билардик. Толиблар бизнинг китобларимизни ёқиб юбориши, мактаб биноларини портлатиши мумкин эди, аммо улар бизнинг миямизни ўйлашдан тўхтата олишмасди.

12-боб

ҚОНЛИ ХИЁБОН

Тунда ўлдирилганларнинг жасадлари эрталаб ишга кетаётган одамлар кўришлари учун майдонга олиб кетилган. Одатда жасадларга плакатлар бириктирилган бўлиб, уларга «Бу армия жосуси бўлган» ёки «Бу мурдани соат 11 га қадар ушланган, акс ҳолда, сиз кейингиси бўласиз» каби ёзувлар ёзилган бўларди.

2009 йил январь ойининг қаҳратон кечаларидан бирида толибонларнинг жангарилари Шабана исмли раққосани ўлдирди. У раққосалар ва мусиқачилар яшайдиган Мингорадаги Барн Бозар тор кўчасида яшаган. Отамнинг сўзларига кўра, кечга яқин, комендантлик соати тугагач, бир неча киши Шабананинг уйи эшигини тақиллатади. Улар Шабанадан кўз олдиларида рақсга тушишини сўрашади. У рақс кийимини эгнига олади ва меҳмонлар олдига қайтганида, меҳмонлар унга қараб тўппонча ўқталишади. Одамлар унинг дод-фарёдини эшитса ҳам, ҳеч ким юрак ютиб ёрдам кўрсатишга келмайди:

- Илтимос, раҳм қилинг! Мен энди ҳеч қачон қўшиқ айтмасликка ёки рақсга тушмасликка ваъда бераман! Аллоҳ учун, мени ўлдирманг! Мен аёлман, мен мусулмонман! Мен сизга нима ёмонлик қилдим?

Эртаси куни эрталаб Яшил Чок хиёбонидаги қизнинг жасадини минг-минглаб одамлар афсус билан томоша қилди. У ерда жасадлар шу қадар тез-тез пайдо бўлардики, бу ҳудуд «Қонли хиёбон» деб номлана бошланди.

Шабананинг ўлими ҳақида эрталабдан хабар топдик. «Мулла радиоси»да нутқ сўзлаган Файзуллоҳ бу аёл ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари учун ўлимга лойиқлигини ва бошқа барча раққосалар ва кўшиқчилар ҳам шундай тақдирга дуч келишини таъкидлади. Илгари биз мусиқачиларимиз ва раққосаларимиз билан фахрланардик, аммо энди уларнинг деярли барчаси Сватдан чиқиб, Лаҳор ёки Дубайга кўчиб кетишди. Кетишга имкон топмаган мусиқачилар толибларни тинчлантириш учун ўз чиқишларини тўхтатганликлари ва тақводор ҳаёт кечираётганликлари ҳақида газеталарда реклама қилишни бошладилар.

Илгари одамлар Шабананинг ахлоқсизлиги ҳақида кўча-кўйда гапириб юришса ҳам, унинг рақсини томоша қилишни канда қилишмас, хаттоки, унга шилқимлик қилишдан ҳам тап тортишмасди. Хоннинг қизи ҳеч қачон сартарошнинг ўғлига турмушга чиқмайди ва сартарошнинг ўғли ҳам ўз ҳолини билиб хоннинг қизига совчи қўймайди. Биз пуштунлар пойабзалларни яхши кўрамиз, Аммо пойабзалчиларни ҳурмат қилмаймиз. Биз чиройли шарфлар ва адёлларни яхши кўрамиз, лекин тўқувчиларга паст назарда қараймиз. Жамиятимизда одамларга керак бўлган кўплаб ҳунармандчилик вакиллари ҳурмат қилинмайди. Афтидан, шунинг учун ҳам улар ихтиёрий равишда ўзларига куч ва ижтимоий мавқе берган толибонга кўшилиб кетишган.

Одамлар Шабананинг рақсидан лаззат олишган бўлишса ҳам, уни ўлдирган толибларга миқ дея олишмади. Баъзилар хатто қотиллик айни муддао бўлганини таъкидлаб, «Шабана мусулмончилиikka зид ишларни қиларди. У ёмон аёл эди ва шу сабаб ўлимга лойиқ эди», дейишдан тап тортишмади.

Фақат Шабана эмас, бошқа одамлар ҳам қирилиб кетаётгани бизни ташвишга сола бошлади. Ўша кунларни қора кунлар сифатида эслайман. Ҳар томондан фожиа-

ли янгиликлар келаварди. Қотиллик, мактабларни портлатиш, жамоатчилик олдида қамчилаш... Кўринишидан бу каби қабихликларнинг охири йўқ эди. Шабананинг ўлдирилишидан бир неча ҳафта ўтгач, Матта шаҳрида ўқитувчи ўлдирилди, унинг айби толиблар айтган кийимни киймаганида эди.

«Ислом буни талаб қилмайди-ку...» Бу гаплар ўқитувчининг оғзида қолиб кетди. Жангарилар ўқитувчининг жасадини хиёбондаги дарахтга осиб, кекса отасини отиб ташлашди. Толибон нима кўзлаганини ҳеч тушуна олмасдим.

«Улар муқаддас динимизни таҳқирламоқда», деб такрорлардим барча интервьюларимда. – Қуролни пешонангизга тираб, ислом ягона ҳақ дин деб эълон қиладиган одамга ишонишингиз мумкинми? Агар улар дунёдаги ҳамма инсон исломни қабул қилишини истасалар, нега аввал ўзлари солиҳ мусулмон бўлмайдилар?

Отам доимо уйга ҳорғин кайфиятда келадиган бўлиб қолди, ҳар келганида толибонлар содир қилган навбатдаги даҳшатли воқеаларни айтиб берарди. Полиция ходимларининг кесилган бошлари шаҳар кўчаларини босиб кетди.... Файзуллоҳни пайғамбардек қабул қилган, унга пул ва заргарлик буюмларини кўшқўллаб топширган, толибларни исломни ҳимоя қилувчилар деб ҳисоблаган водий аҳолиси учун сўнгги пушаймон душманга айланди. Отам менга эри чет элда ишлаб, юборган пулларини толибларга сахийлик билан хайрия қилган аёл ҳақида гапириб берди. Катта умидлар билан қайтиб келган эркак рафиқаси жангариларга нафақат у уйга жўнатган пулларни, балки ўзининг барча заргарлик буюмларини ҳам бериб юборганини кўргач, шок ҳолатга тушди.

Бир куни улар яшаган қишлоқда портлаш содир бўлди. Аёл кўрқувдан кўз ёшларини тўкканда, эри унга пичинг билан сўз қотди

– Йиғлама, бу гумбурлаётган товушлар сенга бегона эмас, пуллар ва тилла тақинчоқларнинг гумбурлаши.

Аммо маҳаллий аҳоли толибонга қарши очиқчасига қаршилиқ кўрсатишга журъат эта олмади. Коллеж даврида отамнинг сиёсий рақиби бўлган Эшон ул-Ҳақ Хоқоний ҳозирда Исломободда таниқли журналист сифатида фаолият юритарди. У Сват водийсидаги вазиятга бағишланган конференция ташкил қилди. Сватнинг бирон бир адвокати ва жамоат арбоби ушбу конференцияда сўзга чиқишга рози бўлишмади. Таклифни фақатгина отам ва яна бир нечта журналист қабул қилди. Афтидан одамлар толиблар энди ҳеч қачон кетмаслигига амин бўлишди, уларга қарши курашиш бефойда эканлигини ва энг оқилона қарор бу уларнинг кучига мослашишга ҳаракат қилиш эканлигини ҳис қилишди.

«Толибондан ҳимояланишнинг энг ишончли усули – бу уларга қўшилиш», дер эди одамлар. Шунинг учун кўплаб ёшлар толибларга қўшилиб кетишди. Уларнинг бошқа чораси ҳам йўқ эди. Толиблар уйларга бостириб кириб, уй эгаларидан қурол сотиб олиш учун пул талаб қилар, агар пул бўлмаса, ўғилларини олиб кетишарди. Кўплаб бойлар чет элга қочиб кетишди, камбағаллар эса омон қолиш учун толиблар зулмига чидаб яшашга мажбур эди. Оталари конларда ёки Форс кўрфази мамлакатларида ишлайдиган оилалар умуман ҳимоясиз қолиб кетган ва уларнинг ўғиллари толибон учун асосий нишон бўлиб қолганди.

Бир марта Аҳмад Шоҳга номаълум одамлардан ўлим таҳдидли хат келди. Шундан сўнг, водийимизда содир бўлаётган воқеаларга ҳокимият эътиборини қаратишни умид қилиб, Исломободга йўл олди. Энг ёмони шундаки, одамлар бир-бирига ишонишни тўхтатдилар. Баъзилар отамга ҳам шубҳа билан қарашарди.

– Ҳар куни кимдир ўлдирилади, аммо Зиёвуддин ҳали ҳам тирик, гарчи у толибларни очиқчасига қораласа ҳам! У, эҳтимол, уларнинг махфий агентидир!

Дарҳақиқат, отам кўплаб таҳдидларга дуч келган, аммо доим буни ичида сақлаган. У жуда кўп ташкилот ва қўмиталар аъзоси бўлгани сабабли уйга ярим кечада кириб келарди. Отам толиблар унинг олдига келишини доимо кутар, бизни хавф остига қўймаслик учун баъзан дўстларидан бирининг уйида тунаб қоларди. У ўзини бизнинг кўз олдимизда ўлдиришларини асло истамасди. Мен ҳам у келмаган кечалари мижжа қоқмасдан чиқардим. Отам уйга келадиган бўлганида, онам ҳар эҳти-молга қарши, отам девордан ошиб тушиши учун нарвон ҳозирлаб қўярди.

Онам ва мен толиблар келиб қолганида нима қилиш кераклиги ҳақида режалар туза бошладик. Онам пичоқни ёстиқ остига қўймоқчи бўлди, лекин тез орада ундан фойдалана олмаслигини тушунди. Кейин мен ҳожатхонага чиқиб, полицияни чақираман, деб қарор қилдик. Укаларим уй остидан туннель қазиш таклифини беришди. Мен сеҳрли таёқчам бўлишини орзу қилардим, унинг бир силкиниши тажовузкорларни йўқ қилиш учун етарли бўларди. Бир куни укам Аталнинг боғ тўрида қазиш ишларини олиб бораётганига кўзим тушди.

Укамнинг қилаётган ишидан ҳеч бир маъно уқмай, уни саволга тутдим:

– Нима қилияпсан?

Ҳар томондан ўлим ва қотиллик ҳақидаги хабарлар урчий бошлагандан бери ёш болалар ҳам тобут ва қабрлар ҳақида ўйлай бошлашди. Илгари болалар «полиция ва ўғрилар» ўйинини ўйнашган бўлса, ҳозирда – «Толибон ва аскарлар» ўйини урфга кирганди.

Биз тўла ҳимоясиз қолиб кетдик. Сват водийси комиссари Сайид Жовиднинг ўзи ҳам толибонга қўшилиб кетди, уларнинг митингида сўзга чиқиб, уларнинг масжидида намоз ўқиди. Толиблар нодавлат ташкилотларни тазйиқ остига олиб, уларни исломга қарши деб эълон

қилди. Нодавлат ташкилот аъзолари таҳдидли хатлар олишганда ва нажот истаб Саид Жовиднинг ёнига борганларида, комиссар уларни эшитишни ҳам истамади.

Ҳеч нимадан кўрқмай кўйган отам митингда унга тўғридан-тўғри савол берди:

– Сиз кимнинг вакилисиз? Файзуллоҳнингми ёки ҳукуматимизнинг?

Арабларда шундай мақол бор: «Халқ ўз ҳукмдорига эргашади». Агар ҳоқимият вакили толибонга кўшилса, одамлар ўзбошимчаликни одатий ҳол сифатида қабул қилишга мажбур бўлишади.

Покистонда одамлар ҳар жойда ва ҳар қаерда фитна қидиришни яхши кўришади, фитна назарияси жуда яхши ишлайди. Баъзи одамлар ҳукумат толибларни яширинча қўллаб-қувватламоқда, деб ҳисоблай бошлашди. Армия толибларни Сватдан қувиб чиқара олмаётганига сабаб сифатида улар буни қилмаслик ҳақидаги махфий буйруқни бажаришаётганини кўрсатишарди.

Баъзи одамлар эса барча ёвузликларнинг илдизи америкаликларга бориб тақалишини, улар юртимиз тинчлиги ва осмонимиз мусаффолигини кўра олмасдан, мамлакатни уруш ўчоғига айлантиришни мақсад қилганини иддао қилишарди. Аслида, америкаликлар мамлакатимиз расмийларини терроризмга қарши кураш олиб бормаганликлари сабабли фаол ҳаракат олиб бораётганди. «Толиблар, шубҳасиз, бизга кўринмайдиган баъзи кучларнинг махфий ёрдамидан баҳраманд бўлишади», дер эди отам. «Аммо барчаси жуда мураккаб ва бу жумбоқни ечишга қанча уринсак ҳам, шунча чалкашиб бораверади. 2008 йилда Ҳукуматнинг ТНШМ асосчиси Сўфи Муҳаммадни қамоқдан озод қилгани ҳаммасидан ошиб тушди. Ҳукумат бу хатти-ҳаракатини бу кимса куёви Файзуллоҳга қараганда мўътадилроқ эканлиги ҳақидаги баёнот билан хаспўшлади. Шунга

қарамай, унинг озодликка чиқиши толибонлар ва ҳукуматнинг мурсага келиши, шунингдек Сватда тинчлик ўрнатилишига умид учкунларини уйғотди. Кўпчилик, шу жумладан, отам ҳам бундан кейин толибон террорининг барҳам топишига қаттиқ ишона бошлади. Албатта, толиблар йўқ бўлиб кетмаслиги аниқ эди. Аслида, водий тўлиқ шариатга асосланиб яшаса, толибларга ҳеч қанақа иш қолмаслиги муқаррар ҳисобланарди. Бу вазиятда жангарилар нари борса қуроолларини ташлаб, оддий фуқароларга айланишлари керак бўлади. Агар шунда ҳам улар ўзгаришмаса, исломнинг поклиги учун курашмаётганлари яққол аён бўлади.

Армия бўлинмалари ҳали ҳам Мингорани ўраб турган тоғларда ўрнашган эди. Ярим кечаси ҳам тинмайди-ган пулемёт отишмаларининг овозларидан ҳеч ухлай олмасдик. Улар ўн-ўн беш дақиқа давомида жим туришар, кўзимиз илашиши билан отишма яна давом этарди. Биз қулоғимизни ёпиб, бошимизни ёстиқ остига яширардик – зора шунда хавф камайса эди...

Эрталаб телевизорни ёққанимизда, толибларнинг янги қурбонларининг шахси эълон қилинарди. Табиийки, ҳаммада армия нима қиляпти, деган ҳақли савол туғилар эди. Ҳукумат кучлари «Мулла радиоси»нинг кундалик эфирларини тўхтата олмаса, сон-саноксиз қотилликларга йўл қўйиб берса, нима қилиб юрибди? Баъзида ҳукумат ва армия назорат пунктлари бир километр нари-берида жойлашар, иккаласи ҳам тинч аҳолини тўхтатиб, етти авлодигача текширар, лекин бир-бирларини «пайқамасдан» қолишарди. Ишониш қийин, бироқ шундай бўлган. Ҳеч ким нима учун улар очиқ жангдан қочишаётганини тушунолмасди.

Одамлар армия ва толибон бир танганинг икки томони, деб айтай бошлади. Биз, водийнинг оддий аҳолиси эса сув тегирмони тошлари орасида аросатда қолган

донларга ўхшаб қолгандик. Отам нимадир шубҳали эканлигини сезса ҳам, барибир курашни тўхтатмоқчи эмасди. У охиригача туришга тайёр эди. Автомат овозларини эшитганимда юрагимда ҳадик оралар, бироқ ҳеч қачон мактабни ташлаб кетиш ҳақида ўйламасдим. Аммо кўрқув инсон қалбига барибир таъсир кўрсатади. Кўрқув бизни шафқатсиз қилади ва қалбимизга экилган нафрат уруғига сув қуйиб, ўсиб-унишини таъминлайди. Водийимизни қонга тўлдирган толиблар анъанавий пуштун қадриятларини ҳам, ислом қадриятларини ҳам оёқости қилди. Мана шундай вақтларда америкалик физик Стивен Хокингнинг «Мураккаб саволларга оддий жавоблар» китобини ўқиб, бироз таскин топардим. Бу китобда бир қанча саволларга жавоблар берилганди: «Коинот қандай яратилган? Вақтни орқага қайтариш мумкинми?» Мен ўшанда атиги ўн бир ёшда эдим ва вақтни орқага қайтариш ғояси менга қаттиқ таъсир қилди. Биз пуштунларда «Қасос темири ҳеч қачон зангламайди», деган гап бор. Барча ёвуз ишлар учун эртами-кечми, жавоб бериш талаб этилади. Аммо толиблар учун ҳисоб-китоб вақти қачон келади? Бу саволга жавобни эса фақат Яратган билади...

13-боб

ГУЛ МАКАЙ КУНДАЛИГИ

Ўша қора кунларда отамга Пешовардаги «ВВС» радиоси мухбири, дўсти Абдул Хай Какар кўнғироқ қилди ва толиблар давридаги ҳаёт ҳақида Интернетда блог юритадиган ўқитувчи ёки мактаб ўқувчисига эҳтиёж сезаётганини айтди. Бундай кундалик оддий аҳоли Сват водийсидаги фалокатни қандай қабул қилаётганини кўрсатиши керак эди. Аввалига Марям хонимнинг синглиси Ойша блог юритишга рози бўлган, аммо отаси кизининг ҳаётини хавф остига қўйишини истамай, унга бунни тақиқлаган. Блог ҳақида эшитиб, мен ҳам отамга сўз қотдим: «Нега бунни мен қилмаслигим керак?»

Мен водийда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида одамларга гапириб беришни истар эдим. Таълим олиш ҳуқуқимни ҳимоя қилмоқчи эдим. Ҳар кимнинг ҳам кўшиқ айтиш ҳуқуқи бўлганидек, барча ўрганиш ҳуқуқига эга, деб баралла айтишни истардим. Ислому бизга бу ҳуқуқни берган. Қуръони каримда илму олишимиз ва ҳаёт сирларини англашимиз кераклиги айтилган. Барча ўғил-қизлар мактабга боришлари шарт. Мен илгари ҳеч қачон кундалик юритмаган эдим ва қандай бошлаш тўғрисида ўйга толдим. Уйда компьютеримиз бўлса ҳам, у кўпинча электр таъминотидаги узилишлар сабабли ишламай турар ва Мингорода Интернет алоқаси чиқадиган жойлар анқонинг уруғи эди. Хай Какар менга ҳар кун кечқурун кўнғироқ қилишига келишиб олдик. У телефон суҳбатларига разведка хизматлари қулоқ со-

лаётганидан гумонсираб, оиламизни хавф остига қўймаслик учун хотинининг телефонидан фойдаланадиган бўлди.

Суҳбат давомида у менга, асосан, куннинг қандай ўтгани ҳақида саволлар берар, мактаб ҳаётидаги кулгили воқеаларни айтиб беришимни ва орзуларим билан бўлишимни сўрарди. Одатда бизнинг телефон суҳбатларимиз ўттиз-қирқ дақиқа давом этар, гарчи иккаламиз ҳам пуштун бўлсак ҳам, урду тилида сўзлашардик. Чунки блог урду тилида бўлиши керак эди ва Хай Какар менинг сўзларимни иложи борича аниқроқ ёзиб олишни хоҳларди. Ҳафтада бир марта Хай Какар томонидан ёзиб олинган менинг ҳикояларим «ВВС» радиоканалининг Покистон хизматида пайдо бўлар эди.

Хай Какар менга Иккинчи жаҳон уруши пайтида оиласи билан Амстердамда фашистлардан яширинган ўн уч ёшли яхудий қизи Анна Франк ҳақида гапириб берди. У нафақат кундалик воқеалар, балки ўз ҳис-туйғулари ва кечинмалари ҳақида ҳам ҳикоя қилиб, кундалик юритган экан. Унинг ҳикоялари жуда аянчли бўлиб, охир-оқибат Анна Франкнинг оиласи фашистларга топширилади ва ҳаммаси ҳибсга олинади. Анна атиги ўн беш ёшида концентрацион лагерда вафот этади. Кейинчалик унинг кундалиги нашр этилади ва ўқувчиларда катта таассурот қолдиради. Хай Какарнинг айтишича, менинг ҳақиқий исмимни ишлатиш ўта хавfli эди, шунинг учун кундалик Гул Макай (маъноси «маккажўхори») номи билан эфирга чиқади. Пуштун фольклорининг қаҳрамонларидан бири ҳисобланган Гул Макайнинг ҳаёти Ромео ва Жулиетанинг ҳаётига ўхшайди. Гул Макай ва Мусо Хон исмли йигит мактабда учрашиб, севишиб қолишади. Аммо улар турли қабилаларга мансуб бўлиб, ўртадаги муҳаббат урушга сабаб бўлади. Шекспирнинг фожиасидан фарqli ўлароқ, бизнинг ҳикоя-

мизнинг охири хайрли якун топади. Гул Макай Куръон ёрдамида оқсоқолларга урушнинг жирканч эканлигини исботлайди. Улар ёш қизнинг сўзларига қулоқ солишади, фуқаролараро низоларни тўхтатишади ва севишганларнинг висолга эришишларига имкон беришади. Блогимдаги биринчи ёзув 2009 йил 3 январда «Мен қўрқаман» сарлавҳаси остида пайдо бўлди...

«Толибларнинг ваҳшийларча қичқириши ва ҳарбий вертолётларнинг шовқини остида тун бўйи тикан устида ухлагандек бўламан. Сват водийсида жанговар ҳаракатлар бошланганидан бери қўрқув мени тарк этмайди». Биринчи блогимда шу гаплар акс эттирилганди. Шунингдек, блогимда мактабга боришдан қўрққаним ва кўчада юрганимда, доимо атрофга олазарак боққаним ҳақида ёздим. Мактабга кетаётганимда бўлиб ўтган воқеа ҳаммасидан қўрқинчли эди: «Орқамдан бир киши «Мен сени ўлдираман», деди. Қадамимни тезлатдим. Бироз вақт ўтгач, у келяптими ёки йўқлигини билиш учун ўгирилишга журъат этдим. Унинг телефонда гаплашиб тураётганини кўриб бироз таскин топдим. Демак, у мени эмас, балки бошқасини ўлдирмоқчи эди».

Интернетда биринчи марта ўзим ёзган матн эълон қилинганини кўрганимда қувонч ҳиссини туйдим. Аввалига бироз уялардим, аммо тез орада Хай Какар мендан нима кутаётганини англаб, у билан янада очикроқ гаплаша бошладим. Менинг шахсиятим унга жуда ёқарди. Шунингдек, уни толибон тузуми бўйинтуруғи остида яшаётган оиламизнинг кундалик ҳаёти ҳам жуда қизиқтирарди.

Мен, асосан, мактаб ҳақида гапирардим, форма кийиб мактабга бориб юрган вақтларимизни соғинч билан эслардим. Энди эса мактабга боргунча толибонлар хоҳлагандек кийиниб, китобларимизни шарфлар остига яширардик. Яна бир блогимнинг номи «Ёрқин кийим

кийманг» деб номланганди. Бу блогда қуйидаги гаплар ёзилганди:

«Бир куни мактабга бориш учун формамни киймоқчи бўлганимда директоримизнинг маслаҳати эсимга тушиб кетди. Шу куни ўзимнинг сеvimли пушти рангли кўйлагимни кийишга қарор қилдим».

Кундалигимда паранжи ҳақида ҳам ёзиб турардим. Водийимизда кичик-кичик қизларни ҳам мажбурлаб паранжигга тиқиш авж олганди. Ўзи, умуман, катта ёшдаги қизларни ҳам паранжигга кўмилиб юришини хуш кўрмасдим. Тўғрисиям-да, паранжида юриш осон эканми?

Блогларимнинг бирида онам ва амакиваччам билан Хитой бозорида содир бўлган воқеани бўлишдим: «Бозорда кетар эканмиз паранжигга ўраниб олган бир аёл қоқилиб, йиқилиб тушди. Қаердандир пайдо бўлиб қолган бир эркак унга ёрдам бермоқчи бўлганида, аёл жавоб берди:

– Ёрдамингизга муҳтож эмасман, ака. Мен мулла Файзуллоҳни рози қилиш учун азоб чекишга тайёрман.

Бир дўконга кирганимизда дўкон эгаси бизга ҳазил омуз сўз қотди:

– Паранжингиз остида бомба яширинмаганми? Унинг бундай ҳазилини яхши тушундик: худкушлар «шаҳид» бўлишидан олдин доимо бошига паранжи ўраб олишарди.

Менинг кундалигим мактабда машҳур бўлиб кетди. Бир ўқитувчимиз блогларимдан бирини отамга кўрсатди. «Кимдир бизнинг муаммоларимиз ҳақида гапиришга журъат қилгани жуда яхши», деди у табассум билан. Мен барча дўстларимга блог муаллифи эканлигимни айтишни жуда хоҳлардим. Аммо Хай Какар мени ҳеч қачон бундай қилмаслик кераклиги ҳақида доимо огоҳлантирарди. Бунинг сабабини ҳеч тушунмасдим. Ахир, кичиккина қиз бўлсам! Кимдир ёш қизчадан қасос оладими?

Баъзи дўстларим блогда тасвирланган воқеалар ва ҳодисалардан бу блог менга тегишли эканлиги ҳақида

тахмин қила бошлади. Ўзимдан ҳам айб ўтганди – бир блогимда ҳаммасини деярли сотиб қўйгандим:

«Онам Гул Макай тахаллусини жуда яхши кўради ва отамга исмимни ўзгартириш кераклигини айтади. Асл исмим «қайғуга ботган» деган маънони англатгани сабабли мен ҳам бунга қарши эмасдим».

Гул Макай блоги Сват водийсидан ташқарида ҳам қизиқиш уйғотди. Бир нечта газеталар ундан парчалар нашр эта бошлади. ВВС радиостанцияси бошқа қизнинг овозидан фойдаланган ҳолда эфирга чиқди. Мана шундан сўнг сўз пулемёт, вертолёт ва танклардан кучлироқ бўлиши мумкинлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилдим. Биз жанг қилишни ўргандик. Биз ўз норозилигимизни очиқ билдириш орқали кучга эга бўлишимизни тушундик.

Баъзи ўқитувчиларимиз мактабдаги ишларини тарк этишди. Улардан бири Имом Дери шаҳрида мулла Файзуллоҳнинг толибон қароргоҳи қурилишида ишлай бошлади. Бошқаси мактабга кетаётганда боши кесилган мурдани кўрганини ва ортиқ ўз ҳаётига хавф солишни истамаслигини айтди. Кўрқув барчанинг ичига оралади. Толибоннинг буйруғига биноан, турмушга чиқмаган қизлари бўлган оилалар бу ҳақда масжидда хабар беришлари кераклиги айтилди. Бу қизлар толибонлар жангариларига никоҳлаб берилиши тахмин қилинди.

2009 йил январь ойининг бошларига келиб синфимизда атиги ўнта қиз қолди, солиштириш учун айтаман – илгари синфимизда 27 нафар ўқувчи ўтирардик. Кўп дўстларим Сватдан Пешоварда ўқиш учун бош олиб кетишди. Аммо отам биз ҳеч қаерга бормаймиз, деб қатъий туриб олди:

– Сват бизга жуда кўп нарса берди. Мана шундай қийин пайтда ватанимизни ташлаб кетамизми?

Бир куни отамнинг дўсти дўхтир Афзалнинг уйига тушлик қилиш учун ташриф буюрдик. Тушликдан сўнг,

дўхтир машинасида уйимизга олиб келаётганида, кўчанинг икки юзида қурол кўтариб турган ниқобли толибонларни учратдик. Ҳаммамиз кўрқиб кетдик. Дўхтирнинг уйи толибонлар доимо изғиб юрадиган ҳудудда жойлашганди. Толибонлар дастидан дод деган дўхтир ўз шифохонасини Барикотга кўчиришга мажбур бўлди. Бу шифохона толибонлар учун ҳам керакли бўлгани сабабли уларнинг етакчиси Муслим Хон дўхтирдан шифохонага қайтишини илтимос қилди. Дўхтир эса дарҳол бу борада отамга маслаҳат солди. Отам эса дарҳол ушбу маслаҳатга амал қилмасликни сўради: «Ёмон одамлардан яхши маслаҳатларни қабул қилма». Толибонлар ҳимоясидаги шифохона ақлга сиғмайдиган ҳодиса эди, шу сабабли у буни рад этди.

Дўхтир Афзал бизга яқин жойда яшар, бизнинг уй хавфсиз бўлгани сабабли, отам унга мабодо толибонларнинг тазйиқига учраса, бизникида бемалол яшаши мумкинлигини айтди. Ҳадик ичра яшаётган дўхтир Афзал отамдан ҳорғин оҳангда сўради: «Ҳозир улар дуч келса, исмиимизни нима деб айтамин?»

«Сен дўхтир Афзал, мен Зиёвуддин Юсуфзоӣ» жавоб берди отам. «Биз жиноятчи эдикми, исмларимизни ўзгартирсак? Бизнинг бировдан муттаҳамлик жойимиз борми?!»

Бахтимизга бизни ҳеч қанақа толибон тўхтатмади. Барчамиз Худога шукрона айлаб, чуқур-чуқур нафас олдик.

Бошимизга тушган кўргиликлар ҳаммамизни жонимиздан тўйдирганди. Толибонларнинг тазйиқлари тобора кучая бошлади: қизларнинг мактабга боришига қарши кураш янада авж олди. Тасаввур қиляпсизми, ХХ асрда 50.000 нафар қиз таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмоқда! Мен нимадир ўзгариш бўлишига, мактабларимиз яна эркин ишлай бошлашига ич-ичимдан

ишонардим. Аммо мен кутган нарса эмас, мен кутмаган ҳодиса содир бўлди – толибонлар, ахийри, ўз мақсадларига эришишди. Мактабимиз ёпилди. «Хушал мактаби» қўнғироғини сўнги марта эшитиш жуда ғамгин ҳодиса эди... Мактабимиз ўқитувчиси Марям хоним, ҳаттоки, Сватда яшаши учун шу ерлик инсонга турмушга чиққанди. Бўлиб ўтган хунрезликлардан сўнг унинг оиласи Карачига кўчиб кетишга мажбур бўлди, Марям хоним бўлса аёл боши билан Сватда қола олмасди...

Ўн тўртинчи январь, чоршанба куни мактабимиз ёпилган кун сифатида тарихда қолди, ўша куни тонгда уйқудан уйғонганимда, ётоқхонамда камералар турганига гувоҳ бўлдим. Покистонлик журналист Ирфон Ашраф юз-қўлимни ювишимни ҳам кутмай, дарҳол интервью беришим кераклигини айтди.

Отам тушкунликка тушиб қолди. Отамнинг баъзи дўстлари дунёда нима содир бўлаётганини билдиришни мақсад қилган «New York Times» нашри учун хужжатли фильмда суръатга тушишни таклиф қилди. Орадан биров вақт ўтиб америкалик видео-журналист Адам Эллик билан Пешоварда учрашадиган бўлдик. У отам билан инглиз тилида мириқиб суҳбатлашди, аммо мен инглизчада гапиришга жуда қўрқардим. Мени жим турганимни кўриб юраги сиқилиб кетган Адам Ирфон таржимонлигида мен билан суҳбатлашмоқчи бўлди. Унинг гапларини тушунганимни юз ифодаларим орқали пайқаган Адам менга яқинлашиб, «Инглиз тилида гаплашасизми?» деб сўради.

«Ҳа, жуда яхши тушунаман, аммо гапиришга қўрқаман», деб жавоб бердим.

Адам ҳайрон қолди. «Ёшларнинг иқтидорини нотўғри баҳолабсизлар, жаноблар. У сизлардан ҳам яхши гапирар экан-у, сизлар унга таржимонлик қилиб юрибсиз!» Ҳаммамиз қулиб юбордик.

Хужжатли фильмнинг асосий ғояси отамнинг мактаби ёпилиши Покистон ривожига салбий таъсир кўрсатишини акс эттириш эди. Тасвирга олишдан сўнг Ирфон ёнимга келди ва мендан сўради: «Кун келиб, водийни бутунлай тарк этишни хоҳлайсанми?» Мен қатъиян бундай бўлмаслигини айтдим. У шунчаки тасаввур қилишимни сўради. Мен тасаввур қилишни ўрнига йиғлаб юбордим. Ўйлашимча, айнан мана шу онда Адам мени бўлажак фильмининг қаҳрамони сифатида танлаб олган.

Афсуски, Адам водийда юриш хорижликлар учун хавfli бўлгани боис Сватдан у ёғига ўта олмади. Биз Ирфон ва унинг оператори билан Мингорога кириб келганимизда биз билан вақтинча яшаб турган амаким бу ерларда камера билан юриш жуда хатарли эканини куйиниб гапирди. Отам ҳам буни тасдиқлади. Аммо бу пуштун меҳмондўстлигига тўла зид эди. Отамнинг таъкидлашича, бу ташқи дунёдаги инсонлар учун оғир ботиши ҳам мумкин. Сабаби улар узоқ йўл босиб, водийдаги ҳолат билан бутун дунёни таништириш мақсадида келишганди. Журналистнинг гапи ҳаммасига нуқта қўйди – журналист касбини эгаллаган инсон ҳеч нарсадан кўрқмаслиги керак, мабодо кўрқса, бошқа соҳани танлайверсин...

Мен телевидениега жуда кўп интервью берардим ва «микрофон»га гапириш жуда ёқиб қолганди, шу сабабли дўстларим менга доимо «телевизион юлдуз» деб ҳазиллашарди. Мен доимо ўзимни табиий ҳолатда тутардим. Ирфон ҳам доимо мендан шуни талаб қиларди. Тўғри, камерага қараб гапириш завқли бўлса-да, баъзи ёмон тарафлари ҳам бор. Ҳар бир хатти-ҳаракати, жумладан, юз-қўлини ювишидан тортиб, овқатланишигача тасвирга муҳрланишини ким ҳам хоҳларди дейсиз? Мен уларга ҳозир киймай қўйган мактаб формамни кўрса-

тар эканман, ушбу формани кийиб мактабга бораётган чоғимда бошқа форма кийиб, юрган қизлар каби толибонларнинг ўқини еб, қонга беланиб ётганимни кўз олдига келтириб, сесканиб кетдим...

Бир куни эрталаб мактаб бошланишидан олдинги учрашув бўлиб ўтаётганида атрофни вертолётларнинг шовқинли овозлари босиб кетди. Толибоннинг қонхўрлиги кўпчиликнинг ғазабига учради. Ўшанда мактаб кўнғироғи сўнги марта жиринглади... Марям хоним қишки таътил бошланганини эълон қилди. Аммо олдинги сафарлардан фарқли ўлароқ, дарслар қачон қайта бошланиши ҳақида эълон қилинмади. Шунга қарамай, баъзи ўқитувчилар уй вазифаларни қалаштириб ташлашди. Мактаб ҳовлисида синфдошларим билан кучоқлашиб хайрлашдим. Шон-шараф бурчагига нигоҳ ташлаганимда, у ерда исмим йўқлигини кўриб ажабландим. Март ойида биз топширишимиз керак бўлган имтиҳон ҳақидаги эълон ҳам қаергадир гумдон бўлганди. Агар ўқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлсам, синфнинг биринчи рақамли ўқувчиси бўлишимдан маъни йўқ эди. Инсон ўзи шундай – бирор нарсани йўқотганимиздан сўнгина, у биз учун қанчалик аҳамиятли бўлганлигини тушунади.

Мактабимизнинг ёпиқ эшигига назар ташлар эканман, жонажон даргоҳим билан абадий хайрлашаётгандай атрофга қарадим. Дугоналарим ва мен сўнги маротаба синфдош сифатида учрашаётганимизни ич-ичимиздан ҳис қилганимиз учунми ҳеч кетишга шошилмасдик. Уйга қайтиш ўрнига бошланғич мактаб ҳовлисига бордик ва «манго-манго» ўйнашни бошладик.

Ушбу ўйин қондасига кўра, иштирокчилар айлана шаклида туриб, қўшиқ айтишади ва қўшиқ тўхтаганда, ҳамма бир жойда қотиб туриши талаб этилади. Қимирлайдиган ёки кулиб юборадиган иштирокчи ўйиндан четлатилади. Одатда мактабдан тушдан кейин соат

бирларда чиқардик, лекин ўша кун соат учгача қолиб кетдик. Кетишимиздан Мониба билан арзимас нарсалар юзасидан жанжаллашиб ҳам олдик. Ҳозирда жанжалга сабаб бўлган воқеа эсимдан ҳам чиқиб кетган. Ўшанда барча қизлар бизга ажабланиб қарашганди:

– Шундай кунда ҳам жанжаллашмоқчисиз!

Ҳа, улар ҳақ эди. Сўнгги кундаги жанжал аҳмоқликдан ўзга нарса эмасди.

Уйга қайтиб келганимда мени кутиб турган журналистларга: «Ҳеч ким мени ўқиш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди. Мактабим ёпиқ бўлса ҳам, мен барибир илм оламан. Бутун дунёдаги одамлар мактабларимизни, Сватни, Покистонни қутқаришимизга ёрдам беришларига умид қиламан», деб интервью бердим.

Шундан сўнг, ўз хонамга кирдим ва йиғлаб юбордим. Энди ҳеч қачон мактабга бормаслик ҳақида ўйлаш мени даҳшатга соларди. Атиги ўн бир ёшда бўлсам ҳам, бутун борлиғимни йўқотиб қўйгандек ҳис қилдим. Илгари мен толиблар фақат оғизда дўқ уришади, қилган таҳдидларини амалда бажаришмайди, деб ишонардим ва синфдошларимни ҳам бунга ишонтирардим: «Улар сиёсатчиларимиз билан бир хил – камдан-кам ҳолатларда ваъдаларини бажаришади», деган гапни ҳар бир синфдошим қулоғига қуйиб чиқардим. Мактабимиз ёпилгани сабабли, нима қилишни билмай қолдим. Қўлимдан фақатгина йиғлаш келарди. Онам мени юпата олмасдан, менга қўшилиб йиғлади, отам эса ўзини қўлга олиб, бир гапни айтишдан чарчамади:

– Қачондир, албатта, мактабга борасан!

Мактабнинг ёпилиши отамни нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам қийнаб қўярди – мактаб тўловлари эвазига қора қозонимизни қайнатар эдик, энди шу ҳам йўқ эди. Албатта, ўғил болалар мактаби қишки таътилдан кейин очилиши керак эди. Аммо отам қизлар

мактабини йўқотгани сабабли, ўғил болалар мактаби ортидан келаётган пул урвоқ ҳам бўлмасди. Ўқувчилар сони тенг ярмига қисқариб қолгач, ўқитувчиларнинг иш ҳақи, ижара ҳақи ва солиқлар учун қандай пул топишни ўйлаган отамнинг боши гаранг бўлиб қолди.

Ўша кечаларда артиллерия шовқинидан тез-тез уйғониб кетардим. Эрталаб уйғонганимда, энди мен учун борадиган жой йўқ эканлиги эсимга тушди. Аммо кайфиятим энди кечагидек хира эмасди. Ҳар қандай умидсиз вазиятдан чиқиш учун ҳам ҳар доим йўл топилади, деб ўзимга таскин бердим. Балки Пешоварга ёки чет элга борарман. Балки ўқитувчилар уйимизга келиб, мен ва дўстларимни яширинча ўқитишар. Чунки Афғонистонда толибон тузуми даврида кўплаб яширин мактаблар фаолият юритарди. Мактаб ёпилгандан кейинги дастлабки кунларда кўплаб телеканаллар ва радиостанцияларда чиқиш қилдим.

«Улар қизларнинг мактабга боришини тақиқлаши мумкин, аммо ўқишни тақиқлай олишмайди». Эфирдаги илк гапим шунақа эди. Сўзларимда умид учкунлари акс этса ҳам, юрагимда ғашлик ин қуриб олганди. Одамларга дардимизни айтиш учун отам билан Пешоварга бордик.

Толибонлардек аҳмоқ одамларни умрим бино бўлиб кўрмаганман. Уларнинг таъкидлашича, аёлларга аёл ўқитувчилар ва шифокорлар хизмат кўрсатиши керак. Аммо шу билан бирга улар мактабларни ёпиб қўйиб, қизларнинг ушбу касбни эгаллашига тўсиқ қўйишмоқда.

Толибон вакили Муслим Хон бир пайтлар покистонлик қизлар мактабга бормасликлари ва ғарб турмуш тарзини қабул қилмасликлари кераклигини уқтирган эди. Америкада кўп йиллар давомида яшаган одамдан бундай гап эшитиш ғалати эди. У алоҳида моделдаги таълим тизимини яратишини эълон қилганди. Аммо менинг унга бир қанча саволларим бисёр эди:

– Муслим Хон, стетоскоп ва термометр ўрнига нимадан фойдаланилади? Балки мусулмонларни даволаш учун махсус асбоблар ўйлаб топарсиз?

Менимча, толибларнинг таълим олишга қаршилиқ кўрсатишига сабаб – одамлар инглиз тилида гаплашса, фанни ўрганишса ёки шунчаки ўқишни билишса, ғарбликлар таъсирига тушиб қолиши мумкин.

«Таълим бу ўз номи билан таълим», эътироз билдирдим мен. – Таълимни Шарқ ёки Ғарбга қараб ажратиш мумкин эмас. Илм кишиси бўлиш исломни тарк этиш дегани эмас.

Онам менга журналистлар билан суҳбатлашаётганда юзимни ёпиб қўйишимни маслаҳат берарди. Мен энди ўспирин эдим, шунинг учун омма олдида кўринмаслигим керак эди. Онам мендан жуда хавотирланса ҳам, менга ҳеч қанақа тақиқ қўймасди. Ҳаммаси кўркув ва ташвишдан эди. Бизнинг барча дўстларимиз толиблар қачондир отамни ўлдириб кетиши мумкинлигига, аммо менга қарши қўл кўтара олишмаслигига ишонишган.

«Малала ҳали ҳам бола. Ҳатто толиблар ҳам болаларга зиён етказишни ўзларига эп кўришмайди».

Аммо бувим бошқача фикрларди. У ҳар доим мени телевизорда кўрса, узундан-узоқ дуо қиларди: «Меҳрибон Аллоҳ, Малала Беназир Бхутто сингари буюк аёл бўлсин, лекин унингдек қисқа умр кўрмасин».

Мактабимиз ёпилгандан сўнг ҳам блог юритишни давом эттирдим. Бир неча кун ичида яна бешта мактаб ёпилди. Уларнинг барчаси вайрон қилинди. «Ҳеч тасаввур қила олмаяпман», блогни шундай бошладим. – Нега мактаблар ёпилгандан кейин уларни вайрон қилишингиз керак бўлиб қоляпти? Водийда қизлар учун умуман мактаб қолмади. Армия ҳам ҳаммасини жим кузатиб турди. Аскарлар бункерларидан ташқарига чиқай, атрофга бир назар ташлай дейишмади. Улар қоринларини

гўшт билан тўлдириш билан шуғулланмоқдалар. Кўп гўшт ейишяпти».

Бир куни Стенфорд университети талабаси бизни Америкадаги уйига чақирди. Унинг исми Шиза Шаҳид бўлиб, асли исломободлик эди. У «New York Times» веб-сайтида «Сватдаги мактабнинг сўнгги куни» фильмини кўргач, оиламиз билан боғланиб, бизни қўллаб-қувватлашга қарор қилган экан. Ушбу чақириқдан сўнг омавий ахборот воситаларининг катта куч эканлигига амин бўлдик. Шиза Шаҳиднинг чақириғи бизни илҳомлантириб юборди. Отам том маънода ғурурланиб кетди.

– Қизимга бир қаранг! – деди у Адам Элликка. – Ёши жуда кичик бўлса ҳам, уни бутун дунё аллақачон билди! Бу мақтовларни тинглаб, хижолат чекканимдан бироз қизариб кетдим. Фахр туйғусидан сармаст оталар кўпинча ўз фарзандларини уялтираётганларини сезмай қолишади...

Адам бизни Исломободга олиб борди. Бу Покистон пойтахтига қилган илк ташрифим эди. Гарчи Сватнинг жаннатмакон гўзаллигини ўзида акс эттирмаган бўлса ҳам, кўп қаватли бинолар, кенг ва равон кўчалар Исломобод кўркига кўрк қўшиб турарди. Қамал қилинган «Қизил масжид»ни, парламент ва президент биноси жойлашган Конституция шох кўчасини ўз кўзим билан кўришга муваффақ бўлдим. Бу вақтга келиб Генерал Мушарраф Лондонга бадарға қилинганди.

Мактаб дарсликлари сотиладиган дўконларни биргаликда айландик ва Адам менга кўнгли очик бир қиз ҳақидаги «Бадбашара Бетти» сериалининг дискини олиб берди. Бу дўкон менга ёқиб қолганидан, келажакда Нью-Йоркда яшашни ва мана шунга ўхшаш дўконда ишлашни ўзимча орзу қилдим. Лок Вирса музейига ташриф буюрганимизда миллий меросимизни кўриб, фахр ҳиссини туйдик. Сватдаги музейимиз ёпилганига

анча бўлганди. Музейдан чиқиб, йўлак бўйлаб кетаётганимизда попкорн сотаётган бир қари кишига дуч келиб қолдик. У ҳам бизга ўхшаб пуштун эканлигини негадир кўнглим сезганди, қайси миллатга мансублигини сўраганимиздан сўнг, тахминим тўғри эканлиги аниқ бўлди. Отам ундан асли исломободликмисиз, деб сўраганида, отахон кулиб:

– Ҳеч замонда Исломобод пуштунларга тегишли бўлганми? Мен низоли Моҳманд деган жойда туғилганман, аммо у ердаги ҳарбий ҳаракатлар туфайли киндик қоним тўкилган маскандан қочиб кетишга мажбур бўлдим.

Отамнинг кўзлари ёшга тўлди...

Атрофдаги бинолар бетон тўсиқлар билан ўралган, ҳар бир кириб-чиқаётган автомашиналар бирма-бир текширилиб, кейин ўтказилаётган эди. Биз кетаётган автобус йўлдаги чуқурга тушиб кетганида, орқада ухлаб кетаётган укам Хушал сакраб ўрnidан турди ва «Бомба, портлади қочинглар!» деганча талмовсираб қолди. Бу ўша кунларда бошимиздан ўтказган қўрқувнинг амалдаги ифодаси эди. Ҳар қанақа кичик шовқинни ҳам бомба портлаши деб ўйлайдиган бўлиб қолдик...

Исломободга қилган саёҳатимиз давомида Сватдаги хунрезликлар бироз эсимиздан чиққандек бўлди. Аммо водийга кирар эканмиз, қўрқув ва даҳшат қайтадан бизни забт эта бошлади. Шундай бўлса ҳам, Сват бизнинг она-ватанимиз бўлгани боис ўзимизни енгил ҳис қилишимизга сабаблар бор эди.

Мингорога қайтишим билан, биринчи қилган ишим шкафимни очиб, мактаб формаси, сумкаси ва геометрия анжомларим жойида турганига ишонч ҳосил қилиш бўлди...

ТИНЧЛИКНИНГ ҚИЗИҚАРЛИ ТУРИ

Таътил муддати якунланиб, укаларимнинг мактаби очилганидан сўнг, укам Хушал менга ўхшаб уйда қолишни афзал кўришини таъкидлади. Бундан мени жаҳлим чиқди.

– Наҳотки, сен қандай бахтдан ўзингни мосуво қилаётганингни тушунмаётган бўлсанг? Мактабга бормаслик фожиа эмасми?

Алам қиларлиси, биз Исломободга кетганимизда кимдир бизнинг телевизоримизни ҳам ўғирлаб кетганди...

Мана шунақа оғир кунларда қўлимга Пауло Коэльонинг «Алкимёгар» асари тушиб қолди. Бу китобда хазина излаб Миср пирамидалари томон йўлга чиққан чўпон йигит Сантиагонинг саргузаштлари ҳақида битилганди. Бу китобни том маънода севиб қолдим ва қайта-қайта ўқий бошладим. Эҳтимол, «Бир нарсани чин дилдан хоҳласанг, бунга эришининг учун бутун коинот ёрдам беради», деб ёзган Коэльо бизнинг амалдорларимизга дуч келганида, бу фикридан қайтган бўлармиди?

Мен тушунмаётган нарса Хай Какарнинг Файзуллоҳ ва унинг шотирлари билан махфий равишда алоқа ўрнатгани эди. Унинг бу муттаҳамлардан қизларнинг таълим олиш ҳуқуқини тиклаб беришни сўраб қилган мурожаатлари самарасиз бўлди.

«Тингла, эй мулла, сен одамларни ўлдириясан, ногирон қиялсан, ишсиз қолишига сабаб бўлялсан. Сен мактабларни вайрон қиялсан ва Покистонни ботқоққа ботириясан. Ҳеч ким сенга қаршилиқ кўрсатишга

журъат этмаяпти. Аммо қизлар таълимига тўсқинлик қилар экансан, халқ бунга жим қараб турмайди. Ҳаттоки, шу пайтгача сенинг ноҳўя хатти-ҳаракатингга кўз юмган Покистон матбуотининг ҳам сабр-косаси тўлиб бормоқда».

Қизлар мактабларининг ёпилиши ҳақидаги қарорга норозилик кучайиб кетганидан Файзуллоҳ ушбу тақиқни 10 ёшгача бўлган қизлар учун олиб ташлашга мажбур бўлди. Мен эса, афсуски, 11 ёшда эдим. Аммо 10 ёшдан ошганимни ҳеч ким исботлай олмагани сабабли, ўзимни билмаганликка олиб, мактабга қатнай бошладим. Мактабга бориш эркинлашиб қолгани билан, ҳар эҳтимолга қарши, оддий кийимда, китобларимизни тўрва-халтага яшириб мактабга бориб-келиб юрдик. Мактабга бораётганимизни ва асл ёшимизни билиб қолишларидан қўрқсак ҳам, энг катта мақсадимиз амалга ошгани учун таваккал қилишга мажбур эдик. Бахтимизга, Марям хоним ҳам ишдан бўшаши учун қилинган босимларни енгиб ўтиб, ишга қатнай бошлади. Отам ва Марям хоним бир-бирини анча йиллардан бери яхши билар, шу сабабли бир-бирига тўлақонли равишда ишонишарди.

Бу вақтга келиб, ёзишдан қўлим анча чиқиб кетиб, шу сабаб Интернет саҳифамни ҳам «чанг босиб қолди». Агар улар бизнинг қилаётган барча ишларимиздан хабар топишса, теримизга сомон тикишлари муқаррар эди. Баъзи одамлар арвоҳлардан қўрқишади, баъзилари эса ўргимчаклар ёки илонлардан. Ҳозирги кунларда эса фақат бир турдаги мавжудот кўплаб одамларнинг юрагига қўрқув уруғини сепиш бўйича етакчиликни қўлга олди – бу инсон!

Мактабга борар чоғимда бесўнақай соқолли толибонларга тез-тез дуч келардим. Кўп ҳолларда улар юзларини тўсиб олишарди. Кўриниши жуда ғалати, ҳорғин аҳволда бўларди. Бу вақтга келиб аҳолининг Здан

2 қисми шаҳарни тарк этгани сабабли Мингора кўчалари ҳам ҳувуллаб қолганди. Агар ҳукуматда аҳмоқ ва калтабин инсонлар ин қуриб олган бўлса, одамларни мамлакатни ташлаб кетгани учун айблаш аҳмоқлик саналади. Ҳозирги кунда водийда вертолёт, танк ва бошқа такомиллашган қурол-аслаҳаларга эга 12.000 нафар ҳукумат аскарлари «толибонларга қарши курашга жалб этилганди», толибонларнинг сони эса нари-борса 3000 та чиқарди. Аммо водийнинг 70 фоиз қисми толибонларнинг назорати остидалиги алам қиларди.

Мактаб очилганидан бир ҳафта ўтиб, 2009 йил 16 февраль куни тунда эшитилган ўқ овози ҳаммамизни сескантириб юборди. Пуштун тўйларида ва чақалоқ туғилганида милтиқдан ўқ отиш одат тусига кирган, бироқ ҳозирда бу одат унутилган эди. Аввалига қўрқувдан дағ-дағ титраган бўлсак ҳам, кейинчалик бизга воқеанинг асл тафсилотлари етиб келди. Маълум бўлишича, ушбу ўқ муҳим воқеа шарафига – Толибон ва Хайбер Пахтунхва ҳукумати ўртасида тинчлик шартномаси тузилганлиги муносабати билан – отилган. Ҳукумат Сватда шариат қонунларини бажарилишини таъминлаши эвазига толибон жангчилари жанговар ҳаракатларни тўхтатишлари керак эди. Толиблар ўн кунлик сулҳга рози бўлишди ва хайрихоҳлик белгиси сифатида олти ой олдин ўғирлаб кетилган хитойлик телефон алоқаси муҳандисини озод қилишди.

Албатта, биз бу воқеадан хурсанд бўлдик – отам ва мен менинг принципим шунақа: ҳар қанақа тинчлик келишуви биз учун муҳим. Лекин келишув шартларига амал қилинмаслигидан биров қўрқардик. Одамлар толиблар ўз зулмларини тўхтатиб, тотув ҳаёт кечиришга умид қилиб, уйларига қайтишди. Сват водийсида ўрнатилган шариат қонунлари афғон шаклидан фарқ қилишига, ахлоқ полициясидан воз кечилиши ва қиз-

лар мактабларини қайта очилишига барча бирдек умид қилди. Сват водийси яна олдингидек ҳаётга қайтишига одамлар ўзларини ишонтиришди. Мени ҳам бунга ишонгим келар, лекин хавотирли гумонлар мени тарк этмасди. Ахир, ҳар қандай тизим энг тепадан бошқарадиган одамларга боғлиқлиги кундек равшан-ку! Энг тепада ким ўтирибди? Толиблар!

Барча муаммоларимиз ўтмишда қолганига ишониш қийин эди. Толиблар мингдан ортиқ оддий аҳоли вакиллари ва полиция ходимларини ўлдирди. Кўприкларни портлатди, мактаблар ва корхоналарни ёпиб ташлади. Уларнинг шарофати билан аёллар уйга михланишди. Водийимизни адолат тарк этди, халқ судининг ваҳшиёна қарорларига ҳамма бўйсунуши мажбурлиги белгилаб қўйилди. Барча доимий кўркувда яшай бошлади. Бирданига, барча даҳшат ортда қолди, деб ваъда беришди. Ғалати эмасми?

Нонушта пайтида мен укаларимга ҳозирда тинчлик ҳукм сураётганини ва шунинг учун энди уруш-уруш ўйнашни бас қилишлари кераклигини айтдим. Улар ҳар доимгидек менга бўйсунмай, севимли ўйинларини ўйнашни канда қилишмасди. Хушал ўйинчоқ вертолётни, Атал пластик тўппончани ўйнарди. Мен уларга эътибор бермай, хонамга кириб, шкафдан мактаб формасини олиб чиқдим. «Ҳақиқатан ҳам уни яна бемалол кийсам бўладими? – деб ўйладим. – Ҳақиқатан ҳам яна дарсликларимни мактабга бемалол олиб бора оламанми? Ҳақиқатан ҳам март ойида имтиҳон топшираманми?» Шу саволлар менга ҳеч тинчлик бермасди.

Қувончли кунларимиз узоқ давом этмади. Икки кундан сўнг, «Тож Маҳал» меҳмонхонасининг томида, Ҳамид Мир исмли таниқли журналист билан суҳбатлашаётганимда, бир тележурналистнинг ўлдирилгани ҳақида қайғули хабар келди. Унинг исми Мусо Хон Хел бўлиб, у

тез-тез отамдан интервью олганини яхши эслайман. Ўша куни у Сўфий Муҳаммад бошчилигидаги тинчлик марши ҳақида хабар берганди. Мусо Хоннинг жасади ушбу марш бўлиб ўтадиган кўчанинг яқинидан топилган. Жасадда камида 30 та ўқ топилган, бўйин тарафи эса ваҳшийларча кесиб ташланганди. Мусо Хон йигирма саккиз ёшда эди. Онам унинг ўлими ҳақида эшитганидан жуда хафа бўлиб, тунни билан йиғлаб чиқди. Тинчлик шартномаси зўравонлик ва шафқатсизликка барҳам беради деган умидлар пучга чиқди. Онам бизнинг тинч ҳаётга бўлган умидларимиз хомхаёл бўлиб қолишидан кўрқарди.

Бир неча кундан сўнг, 22 февраль куни Сват водийси комиссари Жавид Саид Мингора пресс-клубида «тўлиқ сулҳ» эълон қилди. У Сват водийсидан чиқиб кетган барча аҳолини уйларига қайтишга чақирди. Толибон вакили Муслим Хон жангарилар жанговар ҳаракатларни тўхтатишга рози эканлигини тасдиқлади. Президент Зардари тинчлик шартномасини имзолаб, унга ҳуқуқий мақом берди. Ҳукумат толибон қурбонларининг оилаларига пул компенсацияси беришни ваъда қилди.

Барча сватликлар хурсанд эди. Менинг хурсандчилигим бошқаларникидан ҳам юқори эди – ахир, энди қизлар учун мактаблар яна очилишига шубҳа йўқ эди-да. Толибонлар қизларнинг мактабга боришлари мумкинлигини билдиришди, аммо фақат бир шарт билан – қизлар узун паранжи тақиб олишлари зарур эди. Бунга ҳеч ким қаршилиқ қила олмади, негаки, шунинг ўзи ҳам биз учун катта гап эди-да.

Айтиш керакки, тинчлик битимига қарши чиқувчилар ҳам кўп эди. Масалан, бу битим америкаликларнинг ғазабига учради. «Мен Покистон ҳукумати бемалол толибон ва экстремистларни таслим қила олишига ишонаман», деди АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон. Америкаликларнинг ҳисоблашларича, тинч-

лик шартномаси ҳукуматнинг кучсизлигидан далолат беради. Покистоннинг «Довун» газетаси мақола эълон қилиб, унда тинчлик шартномаси «ўзбошимчалик ва зўравонлик эвазига давлатдан ҳар қандай имтиёзларни олиш мумкинлиги тўғрисида даҳшатли далиллар» деб номланди.

Аммо ҳеч қачон Сват водийсида яшамаганлар шартномага муҳолиф бўлиб чиқишди. Улар биз учун тинчлик энг олий неъмат эканлигини қаердан тушунишсин? Сўфи Муҳаммад толиблар ўз қуроолларини ташлашлари ва водийга тинчлик қайтишига кафил эди. Кўп одамлар унга ўз ҳурмат-эҳтиромларини билдириш ва унинг қўлини ўпиш учун навбатда туришарди. Барча уруш ва худкушлик ҳужумлари сабабли ҳолдан тойишганди.

Хай Какар энди жоиз эмас деган қарорга келганидан сўнг март ойида блог юритишни тўхтатдим. Аммо барча умидларимиз пучга чиқиб, Сват водийсидаги вазият деярли ўзгармади. Толибларнинг ўзбошимчаликлари янада кучая бошлади. Улар терроризм учун давлат томонидан рухсат олдик, деб ҳисоблай бошлашди. Барча умидларимиз ҳавога учди. Тинчлик шартномаси сароб бўлиб чиқди. Тиш-тирноғига қадар қуроолланган толиблар йўлларда ҳукумат қўшинлари каби патруллик қила бошлашди.

Толибларнинг кўриқчилари ҳали ҳам Хитой бозорида изғиб юришни канда қилмаганди. Бир куни онам яқинлашиб келаётган тўйида кийиш учун янги кийим сотиб олмоқчи бўлган амакиваччамни қўлтиқлаб бозорга борди. Тўсатдан пайдо бўлган бир жангари уларнинг йўлини тўсиб, шундай деди:

– Аёлларнинг рўмол ўраши камлик қилади, улар паранжи ҳам кийишлари керак! Агар сизни яна бир бор кўчада паранжисиз кўрсам, қамчимнинг таъмидан таиб кўришингизга тўғри келади.

Аммо онам сал насага қўрқадиган анойилардан эмасди. Хотиржамлик билан: «Яхши, биз, албатта, паранжи киямиз», деганидан сўнг толиблар уларни ўтказиб юборишди. Онам шундоқ ҳам рўмол ўраб юрар эди, аммо паранжи кийиш пуштунларнинг урф-одатларига бутунлай зид эди.

Толиблар лаб бўёғи сотадиган дўкон эгасини эркак кузатувисиз келган аёлга лаб бўёғи сотгани учун калтаклагани ҳақидаги гап қулоғимизга чалинди. Толиблар бу қилмишини ушбу гап билан хаспўшлашди: «Бозорга кириш эшиги устида плакат осилган, унда аёллар фақат эркак қариндошлари ҳамроҳлигида бозорга келишлари мумкин, деб ёзилган. Сиз номахрам аёлга хизмат кўрсатиб, қонунни буздингиз ва бунинг учун жазоланасиз». Улар бу бахтиқаро одамни кўпчилик олдида беаёв калтаклашди, аммо ҳеч ким унга ёрдам беришга журъат эта олмади.

Бир куни отам менга мобил телефонга ёзиб олинган бир видеони кўрсатди. Бу видеода даҳшатли манзара акс этганди. Бошида паранжи таққан ва қизил шим кийган ўспирин қиз ерга узала тушиб ётиб олган ва қора салла кийган соқолли эркак уни тинмай қамчиларди. «Илтимос, раҳм қилинг!» Қизнинг қўзидан ёш дарёдек оқиб, соқолли муттаҳамга тинмай ёлворарди. «Аллоҳнинг номи билан илтимос қиламан, бас қилинг! Ахир, ўлиб қоламан-ку!»

Аммо золим уни қамчилашда давом этиб, ҳамтовоқларига мурожаат қилди:

– Уни маҳкам ушланг, қўлларини ушланг! Бир пайт қизнинг паранжиси силжиб кетди ва баттоллар уни ўз жойига қайтариш учун калтаклашдан бироз тин олишди. Шундан сўнг, калтаклаш яна давом этди. Улар қизни ўттиз тўрт дарра уришди. Атроф тўла оломон бўлса ҳам, ҳеч ким чурқ эта олмасди. Аёллардан бири, маъсума

қизнинг қариндоши, ҳатто қизнинг қўлларини ушлаб туришга ёрдам берди.

Бир неча кун ичида ушбу видео деярли бутун мамлакатда тарқалиб, уни кўпчилик томоша қилди. Ҳатто, исломободлик кинорежиссёр аёл ушбу видеони Покистон телевидениесига бир неча бор намойиш қилиб, жаҳон ҳамжамиятини ўзига жалб қилди. Одамлар ҳайратдан ёқа ушлашди. Видео кўзғатган шиддатли реакция шуни исботладики, шу пайтгача бизнинг водийдан ташқарида толибларнинг қонунсизлиги қанчалик кенг тарқалганини бир неча киши бошидан кечирган. Покистон Бош вазири Юсуф Ризо Ғилоний ноқонуний самосуд бўйича тергов ўтказилишини талаб қилди. У қизга қилинган қийноқлар исломга зид эканлигини таъкидлаб: «Ислом бизни аёлларга нисбатан юмшоқ муомалада бўлишга ўргатади», деб баёнот берди.

Баъзи одамлар видеонинг сохта эканлигини даъво қилиб чиқишди. Бошқалар қизни январь ойида, тинчлик келишувига эришишдан олдин калтаклашганини таъкидлашди. Бу видео толибонни обрўсизлантириш учун чиқарилган, деганлар ҳам бўлди. Аммо Муслим Хон видеодаги тасвирлар ҳақиқий эканлигини тасдиқлади: «Бу аёл қариндоши бўлмаган эркак билан уйдан чиқиб кетган», деди у. «Биз уни жазолашимиз керак эди. У ўтиб бўлмайдиган чегарани кесиб ўтганди».

Худди шу вақтда, апрель ойининг бошларида Зоҳид Хусайн исми яна бир таниқли журналист Сватга етиб келди. У водий комиссарининг расмий қароргоҳига ташриф буюриб, у ерда кўплаб толибон раҳбарлари, жумладан, Мусулмон Хон ва ҳаттоки, толибон ва армия ўртасида шиддатли тўқнашувлар давом этаётган Бажаур шаҳридаги жангари кўмондон Фақир Муҳаммад иштирок этган зиёфатнинг гувоҳи бўлди. Ҳокимият томонидан Фақирнинг калласи учун 200 минг доллар

мукофот ваъда қилинган бўлса ҳам, у фахрий меҳмон сифатида давлат мулозимининг қароргоҳида зиёфатда ўтиргани ажабланарли эди. Баъзи армия қўмондонлари Файзуллоҳ бошчилигидаги ибодатларда қатнашганлиги ҳақида миш-мишлар тарқала бошлади.

«Бир қозонда икки калла қайнамайди. Битта қилич сопига иккитасини тика олмайсан. Сватнинг асл хўжайини ким – ҳукуматми ёки Файзуллоҳ?» Отам дўстлари билан суҳбатда шу ҳақида куйиниб гапирганди.

Аммо ич-ичимиздан тинчлик ва осойишталик охиروқибат бизнинг водийга етиб келишига ишонардик. Ҳамма 20 апрелни интиқлик билан кутар, ўша куни оммавий йиғилиш ўтказилиши ва унда Сўфи Муҳаммад Сват аҳолисига мурожаат қилиши кутилаётганди.

Ўша куни эрталаб ҳаммамиз уйда эдик. Толибоннинг бир гуруҳ ўспиринлари кўчада жанговар қўшиқ куйлаб кетаётганларида, отам ва укаларим ҳовлида бадантарбия қилишаётганди.

– Бу аблаҳларга қаранг, аба, – деди Хушал. – Агар менда Калашников автомати бўлганида, ҳаммасини отган бўлардим.

Баҳорнинг ёқимли кунларидан бири. Ҳамма ҳаяжонда. Барча Сўфи Муҳаммаднинг толиблар ҳаракатининг тўхтатилганини эълон қилишига ва ўз гумашталарига қуролларини ташлашларини буюришига умид қилишарди. Отам митингга бормасликка қарор қилди. У дўсти Аҳмад Шоҳга қарашли мактаб тоmidан томоша қиладиган бўлди. Кечқурун бу ерда отам ва унинг дўстлари тез-тез йиғилиб туришарди. Митинг бўлиб ўтаётган майдон томдан яққол кўриниб турар, шунинг учун телеканаллар ўз камераларини ўша ерда ўрнатдилар.

Майдонга 40 мингга яқин одам тўпланди. Ҳамма салла кийган, ҳамма толибонлар ва жиҳодни мадҳ этувчи қўшиқларни куйлашмоқда. «Толибон тарафдорлари йи-

ғилгани дарҳол аниқ бўлди», деди отам. Отам ва унинг дўстлари сингари тараққийпарвар одамларга бундай қўшиқлар ёқмасди. Улар бу қўшиқларни инсон руҳиятига зарар етказади, деб ҳисоблашган.

Сўфи Муҳаммад махсус минбар ёнига келди. Унга ўз хурматини билдирмоқчи бўлган кўплаб одамлар атрофида қўл қовуштириб туришарди. Митинг Қуръони каримнинг «Ғалаба» сурасини ўқиш билан бошланди. Шундан сўнг водийимизнинг бешта тумани – Кўхистон, Малаканд, Шангла, Юқори Дир ва Қуйи Дир вакили бўлган раҳбарларнинг чиқишлари бўлиб ўтди. Уларнинг ҳар бири шариат меъёрларини амалга ошириш учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёрлигини билдиришди. Кейинчалик, бу раҳбарларнинг барчаси ёки ўлдирилди ёки қамоққа ташланди. Ниҳоят, навбат Сўфи Муҳаммадга келди. Бу одам яхши нотик ҳисобланмаса ҳам, унинг нутқи нақ қирқ беш дақиқа давом этди. Унинг кўпгина баёнотлари гўё бошқа бир киши оғзидан гапирилгандек, кутилмаган бўлиб туюлди. У Покистон суд тизимини ислом қонунларига зид дея, эълон қилди:

«Кофирлар мамлакатимизда Ғарб модели асосидаги демократияни жорий этишга интилмоқда. Аммо демократия ва сайловлар исломга мутлақо зиддир».

Муҳаммад Сўфи таълим тўғрисида бир сўз ҳам демади. Толибларни қуролларни ташлашга, зўравонликларга чек қўйишга чақирмади. Бунинг ўрнига у бутун халққа таҳдид қилди: «Кутинг, биз тез орада Исломободни эгаллаймиз!»

Бизни ҳаяжон босди. Сўфи Муҳаммад уруш алангасини ўчириш ўрнига унга мой сепди. Одамлар алданганлигини ҳис қилишди. «Бу шайтон нима деди?» одамлар бир

бирларига пичирлай бошладилар. – Унга тинчлик керак эмаслиги аниқ. У қон тўкишни давом эттириш ниятида!»

Онамнинг бу борадаги фикри ҳам анча жўяли бўлди. «Бу одам қаҳрамонга айланиш ва тарихга кириш учун яхши имкониятга эга эди, аммо у бу имкониятни қўлдан бой берди. Учрашув олдидан барчамизнинг кайфиятимиз чоғ бўлган бўлса, учрашувдан кейин ҳамма умидсизликка тушиб қолди.

Кечқурун отам «Geo TV» орқали чиқиш қилиб, Комрон Хонга Сват аҳолисининг умидлари чиппака чиққанини айтди. Сўфи Муҳаммад ваъдасида турмади. Одамлар ундан тинчлик-тотувлик учун кафолат бўлиб беришини кутишганди, у эса ўз тарафдорларини уруш ва зўравонликка чорлади.

Одамлар орасида турли миш-мишлар болалаб кетди. Баъзилар кекса Сўфи Муҳаммадни ақлдан озган, деб ҳисоблашган бўлишса, бошқалар унинг бундай нутқ сўзлашга мажбур бўлганига ишонишарди. Одамларнинг айтишича, агар у одамлар айтгандек йўл тутмаса, 4-5 нафар ҳудкуш «байрам» уюштирарди. Натижада, Сўфи Муҳаммад жуда чигал ва тушкун ҳолатга тушиб қолган.

Отам Сват муаммоларига бағишланган кўплаб йиғилишларда ва симпозиумларда нутқ сўзлади. Ушбу симпозиумлардан бирида вилоятимиз Ахборот вазири толиблар ҳаракатининг кучайишига жангариларни ўқитиб, Афғонистонга жўнатган ҳукумат айбдор, деб очиқ-ойдин таъкидлаб ўтди. «Агар биз мадраса талабаларининг қўлларига чет элликларга қарши курашга чорлаб, қурол бермаганимизда, ҳозир Сват водийси қонга ботмаган бўлар эди», деди у.

Тез орада америкаликлар мамлакатимиздаги вазиятни мутлақо тўғри баҳолаганликлари аниқ бўлди. Толибон Покистон ҳукумати таслим бўлганига ва энди улар хоҳлаган ишларини бемалол қилишларига амин эдилар. Улар Исломободдан атиги 100 километр узоқ-

ликда жойлашган Сват водийсининг жануби-шарқидаги Бунерга кўчиб ўтишди. Бунер аҳолиси ҳеч қачон толибонни қўллаб-қувватламаган бўлса ҳам, маҳаллий ҳокимият уларга қаршилик кўрсатмасликни буюрди. Қуролланган жангариларни кўрган полиция ўз постларини тарк этиб, тумтарақай бўлиб, тўрт томонга тарқаб кетишди. Толиблар барча туманларда шариат судларини ташкил қилдилар. Радио орқали масжидлардан хутбалар бериб борилиб, ёшларни жиҳодга даъват қилишди. Бунер қўлга олингандан сўнг, у ерда Сват водийсидаги каби «қонун-қоидалар» жорий этила бошланди – телевизор ва компьютерлар ёқилди, CD ва DVD дўконлари ёпиб қўйилди.

Қадим замонлардан буён зиёратгоҳ бўлиб келган маҳаллий авлиёларнинг қабрлари ҳам толибонлар назоратига ўтди. Одамлар Аллоҳдан руҳий йўл-йўриқ, касалликларга даво, фарзандлар учун бахтли ҳаёт сўраш учун бу ерга тез-тез келиб туришарди. Аммо толиблар зиёратгоҳга киришни тақиқлаб қўйишди.

Толиблар пойтахтга қараб борар экан, Покистоннинг қуйи минтақаларида яшовчи аҳоли тобора безовталаниб борарди. Кўпчилик қийноққа солинган қиз ҳақидаги видеони томоша қилиб, ўзига савол берди: «Биз ҳақиқатан ҳам бутун Покистонда шундай бўлишини хоҳлаймизми?» Жангарилар Беназир Бхутто ни ўлдирди, мамлакатдаги энг яхши меҳмонхонани портлатди ва юзлаб мактабларни ёпди. Худкушлик ҳужумлари оқибатида минглаб одамлар ҳалок бўлди. Армия ва ҳукумат уларга қатъий қаршилик кўрсатиши учун бу етарли эмасмиди?

Вашингтонда Президент Обама ҳукумати Афғонистонга толибон режимини ағдариш учун 21 минг нафар аскар юбораётганини эълон қилди. Аммо Покистондаги аҳвол Афғонистондан кўра баттарроқ эканлиги кундек равшан эди. Америка ҳам Покистон тақдири учун ташвишда эканлигини билдирди. Албатта, улар менга ўхша-

ган қизлар ёки ёпиб қўйилган мактабларга ачинмаслиги аниқ. Америкаликлар мамлакатимизга тегишли 200 та ядровий қурол толиблар назоратига ўтиб қолишидан қаттиқ чўчирди. Америка Покистонга миллиардлаб долларлик ёрдамани тўхтатиб, мамлакатимизга ўз қўшинларини юбориш билан таҳдид қила бошлади.

Май ойи бошида армия «Ҳақ йўлида» деб номланган толибонларни Сват ҳудудидан ҳайдаш бўйича операцияга старт берди. Вертолётлар юзлаб аскарларни водийнинг шимолидаги тоғларга ташлади, деган мишмишлар бутун водий бўйлаб тарқалди. Мингора ҳудудида аскарлар сони кўпайгани сезилди. Бу сафар улар шаҳарни жангарилардан тозалашга астойдил бел боғлашгандек туюлди. Хавфсизлик мақсадида тинч аҳоли водийни тарк этиши кераклиги эълон қилинди.

Отам қолишимиз кераклигини тинмай таъкидлади. Аммо ўқ товушлари тунимизни кўрқувда ўтказишимизга сабаб бўларди. Ўзимизни игна устида яшаётгандек ҳис қилардик. Бир куни кечқурун кучли чинқириқ овозидан уйғониб кетдик. Уйимизда укам Хушалга дўстлари совға қилган уй ҳайвонлари – учта товук ва битта оқ қуён бор бўлиб, уларнинг бари уй атрофида бемалол юришарди. Укам Атал атиги беш ёшда бўлиб, одатда ота-онамнинг каравоти остида ухлайдиган қуённи жуда яхши кўрарди. Аммо бу қуён тунда тинчимизни бузгани сабабли уни ҳовлига чиқариб юборишга мажбур бўлдик. Ўша кеча қаердандир бир мушук ҳовлига югуриб кириб, қуённи ғиппа босган экан. Бечора қуённинг ўлим талвасасидаги қичқириғи қулоғимизга чалинган бўлса ҳам, уни қутқариб олишга улгурмадик. Атал ўзини йиғидан тўхтата олмасдан, хитоб қилди: «Мен ўша лаънати мушукдан, албатта, ўч оламан!»

Бу даҳшатли қасамёдга ўхшарди.

15-боб

ВОДИЙНИ ТАРК ЭТИШ

Водийни тарк этиш мен бошимдан кечирган энг оғир синов бўлди. Бувим бир гапни тез-тез такрорлашдан чарчамасди: «Ҳеч бир пуштун ўз она ватанини ўз хоҳиш-иродасига кўра тарк этмайди. Уни фақат муҳаббат ёки эҳтиёжгина она ватанини тарк этишга мажбур қилиши мумкин. Аммо биз мутлақо бошқача сабаб – толибоннинг қонунсизлиги туфайли яшаб турган еримизни ташлаб кетишга мажбур бўлдик.

Водийни тарк этарканман, юрагим парча-парча бўлиб кетгандай туюлди менга. Уйимизнинг томида туриб, Элум тоғининг қор билан қопланган чўққиларига зимдан назар солдим. Сўнг ён-атрофдаги дарахтларнинг барг билан қопланганига кўзим тушди. Қизиқ, олдин эътибор бермаган эканман. Бу йил ўрик дарахтининг меваларини бошқа биров ейди, деган хаёл миямга келиб, тўсатдан йиғлаб юбордим. Атрофда оғир сукунат ҳукм сурарди. Дарё ҳам шовқин кўтармасдан оқаётгандек, ҳатто, қушлар ҳам жим бўлиб қолгандек туюла бошлади.

Энди уйимга қайта олмаслигим мумкинлиги ҳақида ўйлаганимда кўзларим ёшга тўлди. Ўзим иштирок этган хужжатли фильмда суратга тушаётганимда бир журналист мендан Сват водийсидан абадий чиқиб кетишга мажбур бўлганимда, қандай ҳисларни бошимдан кечиршимни сўраганди. Ўша пайтда бу саволни аҳмоқона саволлар қаторига қўшиб қўйган бўлсам, энди бу ҳақиқатга айланди. Нима бўлишидан қатъи назар мактабимиз ёпилмайди деб ўйлардим, лекин барибир ёпилди.

Биз ҳеч қачон ўз ватанимизни тарк этмаймиз деб ўйлагандим, лекин мана, Сватни тарк этадиган бўлиб турибмиз. Албатта, Сват толиблардан халос бўлиши ва қачондир ватанимизга қайтиб келишимиз тўғрисидаги умид заррача сўнмаганди. Аммо бу ҳодиса ҳеч қачон рўй бермасанима бўлади? Бу ҳақида ўйлаб жинни бўлаёздим. Ҳўнграб йиғлаб юбордим. Амакиваччамнинг рафиқаси Хони ҳам менга қўшилиб йиғлади. Тез орада ҳаммамиз баланд овозда йиғлай бошладик. Фақат онамгина ўзини тута билди.

Барча китоб-дафтарларимни мактаб сумкасига солдим, кийимларимни йиғиштирдим. Хаёлларим бошқа жойга чалғигани учунми, сумкамни бир-бирига мос келмайдиган нарсалар билан тўлдирдим. Фотосуратлар ва мактаб тарафидан қўлга киритилган мукофотларни олишнинг имкони бўлмади. Ўзи бировнинг машинасида кетишимиз керак эди, шунинг учун камроқ юк олишга мажбур эдик. Уйимизда ҳеч қандай қимматбаҳо буюм, олтин тақинчоқлар ёки компьютерлар мавжуд эмас, бизда бори фақатгина телевизор, музлаткич ва кир ювиш машинаси эди. Оиламизда ҳеч ким ҳашаматни ёқтирмас, шу сабаб уйимизда ҳатто стол ёки стул ҳам йўқ эди. Чунки биз пуштунлар ерда ўтиришни афзал кўрамиз. Уйимиз ҳам жуда мақтайдиган даражада эмас, деворлар ва бетон плиталарда ёриқлар мавжуд эди.

Узоқ вақт давомида отам кетишга қаршилиқ кўрсатди. Аммо ўша кунларда унинг дўстларидан бири тасодифий ўқ билан нариги дунёга равона бўлди. Кўчага чиқиш хавfli бўлишига қарамай, ота-онам ўлдирилган одамнинг оиласига ҳамдардлик билдириш ва марҳум ҳаққига тиловат қилиш учун раҳматлининг уйига боришди. Отаси ва эридан айрилган оиланинг қайғусини кўриб, онамнинг қалбига ғулғула тушди. У отамга: «Сиз водийда қолишингиз мумкин, лекин мен Шанглага болаларни ўзим билан олиб кетаман».

Онам отам уни болалар билан ёлғиз қолдирмаслигини яхши билар эди. Онам ўша кунларда руҳий жиҳатдан жуда абгор аҳволга тушиб қолган, дўхтир Афзалнинг кетмоқчи бўлганини билиб, ундан отам билан гаплашишини ва Мингорадан кетишга кўндиришини илтимос қилди. Шифокор ва унинг оиласи бизни ўз машиналарида олиб кетишни таклиф қилишди. Бизда машина бўлмаса ҳам, бахтимизга ўша вақтда Сафина ва унинг оиласи ҳам водийни тарк этадиган бўлиб қолди. Бизнинг олдимизда яхшигина танлов юзага келган, ҳам дўхтир Афзал билан, ҳам Софиянинг оиласи билан боришимиз мумкин эди.

2009 йил 5 майда биз расман кўчирилган одамларга айландик. Бу худди касаллик номига ўхшарди.

Бизнинг оиламиз жуда катта бўлиб, уйимизда отонамдан ташқари, мен ва икки укам, бувим, амакиваччам, унинг рафиқаси Хони ва уларнинг кичкина боласи яшар эди. Ниҳоят, кетадиган вақт ҳам етиб келди. Мендан ташқари, оиламнинг барча вакили дўхтир Афзалнинг машинасида кетишди. Кичикроқ болалар катталарнинг тиззасида ўтириб жўнайдиган бўлди. Мен эса бироз кенгроқ бўлган Сафиналарнинг машинасида кетадиган бўлдим. Аммо... Мактаб сумкасини ўзим билан олмаганим ич-этимни тирнай бошлади. Уйдан ва севимли китобларимдан ажралиб қолиш икки ҳисса азоб берарди.

Аллоҳдан уйимиз ва мактабимизни Ўз паноҳида асрашини сўраб йўл бўйи Қуръон сураларини ўқиб кетдим. Сафинанинг отаси борган сари тезликни оширар, менга эса бир неча йиллардан бери қадрдонимизга айланиб қолган бу диёрни тарк этаётганимиз жуда алам қиларди. Ҳеч қачон Мингорога қайтмаслигимиз мумкинлиги, қайтсак ҳам шаҳарнинг аҳволи қай даражада бўлиши номаълумлиги ҳақида ўйлаганимда, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Бажаурда ҳукумат қўшинлари

жангариларга қарши операция ўтказиб, том маънода бутун бошли қишлоқларни йўқ қилиб юборди. Газеталардаги мудҳиш фотосуратларни кўрганимда, Мингоранинг бошига ҳам мана шундай кун тушиши мумкинлиги мени хавотирга соларди.

Кўчалар жуда гавжум, юк машиналари, енгил автомобиллар, фойтунлар, эшак араваларнинг бундай тирбандлигини ҳеч учратмагандим. Барча транспорт воситалари одамлар ва уларнинг юклари билан лиқ тўлганди. Минглаб одамлар ўз уйларидан ҳеч қандай юк тугул, қўшимча кийим ҳам олмасдан чиқиб кетишди. Бутун водий ҳаракатга келгандек туюлди.

Баъзи одамлар пуштунлар асли Исроил қабилаларидан келиб чиққан, деб ҳисоблашади. Отам ҳам: «Биз Мисрдан кетаётган яҳудийларга ўхшаймиз, фақат битта фарқи – биз доно раҳбар Мусо билан эмасмиз», дер эди.

Мингорадан чиқиб кетишнинг бир неча йўли бор бўлса ҳам, толиблар бу йўлларнинг аксариятини қулаган дарахтлар билан тўсиб қўйишди, натижада, қолган ягона магистралда даҳшатли тирбандлик юзага келди. Ҳамма жойни машиналар сигнали ва одамларнинг норозилик товушлари қамраб олди. Қуролланган толибон кўчаларни қўриқлаб, кетаётганларни томлардан кузатиб турди. Магистраль йўлда толиблар ва армия назорат пунктлари тўсатдан ёнма-ён туриб қолди. Армия вакиллари ўзини жангарилар борлигини сезмагандек тутди. «Эҳтимол, бечора аскарларнинг кўзлари мутлақо кўрмас», – деди отам ҳазиллашиб. – Ҳукумат уларга кўзойнак тарқатиши керак.

Тирбандлик туфайли машина тошбақадай ҳаракатланди. Барчамиз терлаб кетдик. Одатда, болалар учун машинада саёҳат қилиш қизиқарли саргузашт ҳисобланади. Аммо бу сафар ҳеч қанақа ҳис туймадим. Тушкунлик мени тўла қамраб олганди.

Дўхтир Афзалнинг машинасида кетаётган отам телефон орқали интервью бериб, водийдан маҳаллий аҳолининг «буюк кўчиши» ҳақида фикр билдирди. Онам жангарилар отамнинг овозини эшитиб қолиши мумкинлигидан хавотирланиб, ундан сал пастроқ гапиришни сўради. Онам доимо ҳазиллашиб, отам бу баланд овози билан ҳеч қандай телефонга муҳтож эмаслигини, унинг овози жуда узоқ масофадан туриб ҳам бемалол эшитилиши мумкинлигини айтарди.

Ниҳоят, Сват водийсидан чиқиб, Малоканд тоғ довоинини ортда қолдирдик. Куннинг охирига келиб иссиқ ва гавжум шаҳар – Марданда ҳозир бўлгандик. Отам барчани бир неча кундан кейин осуда ҳаётга қайтишга ишонтирди. Аммо биз воқеалар ривожини бундай кечмаслигини яхши билардик. Марданда аллақачон Пешовардаги афғон қочқинлари яшайдиган улкан чодир лагерлари ташкил қилинган бўлиб, барибир ҳамма учун жой етишмаганлиги сабабли, биз бундай лагерда қолишни асло истамас эдик. Водийни деярли икки миллион киши тарк этди ва уларни чодирдан тикилган лагерларга жойлаштириш мутлақо имконсиз эди. Башарти, у ерда оиламиз учун чодир топилган тақдирда ҳам, чидаб бўлмас шароит туфайли бу ерларда яшаш жуда оғир бўларди. Бундан ташқари, лагерда вабо касаллиги тарқалгани тўғрисидаги миш-мишлар ҳамма ёққа бола-лаб кетди. Толиблар тунда чодирларга кириб, аёлларни зўрлагани ҳақида гап-сўзлар ҳам пайдо бўла бошлади.

Сват водийсидан ташқарида қариндошлари ва дўстлари бўлганлар уларникида қолишди, бошқалари маҳаллий аҳоли билан яшай бошлади. Ажабланарлиси шундаки, қочқинларнинг тўртдан уч қисми Мардан ёки унга яқин бўлган Шваби шаҳридан бошпана топдилар. Маҳаллий аҳоли қочоқларга уйлари, мактаблари ва масжидларининг эшикларини очиб беришди. Бизнинг урф-одатларимизга кўра, аёл қариндоши бўлмаган эр-

как билан бир том остида яшаш мумкин эмас. Ушбу одатни бузмаслик учун қочоқларга бошпана берган оилалардан бўлган эркаклар тунда бошқа ерда тунашга мажбур бўлишди. Бу Пуштун меҳмондўстлигининг ёрқин намунаси эди. Агар қочқинлар фақат ҳукуматнинг ёрдамига умид қилишлари керак бўлганида, кўпчилик очлик ва касалликдан ўлиб кетиши муқаррар эди. Марданда қариндошларимиз бўлмагани сабабли, биз қариндошларимиз яшайдиган қишлоқ – Шанглага бормоқчи эдик. Аммо Шанглага бориш учун умуман бошқа йўлдан кетиш керак эди. Водийни тарк этаётганимизда бизда ҳеч қанақа танлов имконияти бўлмаган, чунки Сват водийсини шошилишда, ўзимизга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан тарк этганмиз.

Биринчи кечани дўхтир Афзалнинг уйида ўтказдик. Эрталаб отам биз билан хайрлашиб, одамларга нима бўлаётганини айтиб бериш учун Пешоварга йўл олди. У биз билан Шанглада кўришишга ваъда берди. Онам отамни биз билан кетиши учун кўндиришга ҳаракат қилди, аммо отам фикрида собит турди. У Пешовар ва Исломободдаги одамлар армиянинг ҳаракатсизлиги ва қочқинлар яшаётган оғир шароитлар тўғрисида билишларини жуда хоҳларди. Отам бизни даҳшатли хавотир ичида қолдириб кетди. Ахир, уни қайтиб кўришимизга ҳеч ким кафолат бера олмасди-да!

Эртаси кун машинада бувимнинг оиласи яшайдиган Абботтабадга йўл олдик. У ерда биз сингари Шимолга қараб кетаётган амакиваччам Ханжи билан учрашдик. Унинг Сват шаҳрида ёшлар учун ётоқхонаси мавжуд бўлиб, саккизта меҳмонни олиб ўз микроавтобусида олға кетарди. У бизни Бешамга олиб боришни таклиф қилди ва биз бунга рози бўлдик. Бешамдан Шанглага боришимиз учун яна бир марта транспорт алмаштиришимиз талаб этиларди.

Йўлларни жуда катта тирбандлик қоплаган бўлиб, бир қанча машаққатлардан сўнг ярим кечаси Бешамга етиб келдик. Тунни арзон, ифлос меҳмонхонада ўтказганимиздан сўнг тонгда амакиваччам бизни Шанглага олиб борадиган ўткинчи машина қидира бошлади. Шу орада кулгили воқеа содир бўлди. Бир одам онамга жуда яқин келиб, шилқимлик қила бошлади. Онам эса ўзини йўқотиб қўймасдан, пойабзалини ечди ва шилқимнинг бошига бир неча бор зарба берди. Валаксаланг қочиб кетди. Зарба кучидан пойабзалнинг таги емирилиб кетди. Мен онамнинг кучли ва қатъиятли аёл эканлигини жуда яхши билсам-да, айнан ўша воқеадан сўнг унга бўлган ҳурматим ва ишончим янада ошди.

Аксига олиб ўша пайтда бирорта улов топилмади, шу сабабли, йигирма беш километр масофани пиёда босиб ўтишга мажбур бўлдик. Армия назорат пунктида бизни тўхтатиб, орқага қайтишимиз кераклигини айтишди.

– Қаерга борамиз, ахир? – деди онам тутақиб. – Бизнинг она-ватанимиз Шангла шаҳрида, у ерда киндик қонимиз тўкилган, у ерда қариндошларимиз яшайди!

Бувим йиғлай бошлади ва қарилик чоғида бошига тушган кулфатларга сабаб бўлгани учун толибонларни қарғай кетди. Қари кампирнинг кўз олдида йиғлаб турганидан ачинган ҳарбийлар бизни ичкарига киритиб юборишди. Ҳамма ерни автомат билан қуролланган аскарлар босиб кетганди. Комендантлик соати туфайли йўлларда фақат ҳарбий машиналар ҳаракатланар эди. Аскарлар бизнинг ким эканлигимизни билмасдан туриб бизни отиб ташлашларидан жуда қўрқардик.

Ниҳоят, қишлоғимизга етиб келдик. Қариндошлар бизни кўриб ҳайрон қолишди. Уларнинг барчаси толиблар Шанглага қайтиб келишига амин бўлгани сабабли нега биз Марданда қолмаганлигимиздан қаттиқ ажабланишди. Биз онамнинг туғилган қишлоғи Қаршатда-

ги тоғам Файз Муҳаммаднинг уйида қолдик. Ўзимиз билан кийимларимизни олишга имконият бўлмагани сабабли, қариндошларимизнинг кийимларини кийиб юришга мажбур бўлдик.

Тоғамнинг қизларидан бири Сумбул мендан атиги бир ёш кичик бўлиб, ҳаммадан кўра кўпроқ у билан яхши дўст бўлиб қолдик. Янги жойга бироз мослашиб олгач, мен мактабга боришни бошладим. Сумбулдан ажралмаслик учун мен у билан бир синфга борадиган бўлдим. Синфда атиги учта ўқувчи бўлиб, қишлоқнинг ўспирин қизлари мактаб нелигини билишмасди. Мактабда учта қиз болага алоҳида хона ажратиш унчалик яхши қарор бўлмагани сабабли, биз ўғил болалар билан бирга ўқий бошладик. Мен синфдошларимдан қуйидаги кўрсаткичларга кўра фарқ қилардим: биринчидан, юзимга паранжи тортмагандим, иккинчидан, ўқитувчилар билан дадил гаплашар, уларни бемалол саволга тута олардим. Аммо бир неча бор дакки эшитганим туфайли, камтарин ва одобли бўлишга ҳаракат қила бошладим. «Ҳа, жаноб» дейишни ҳам ўрганиб олдим.

Мактабга етиб бориш учун ярим соат йўл босишимиз талаб этиларди. Мен эрталаб ухлашни жуда қаттиқ севганим сабабли, иккинчи куниёқ мактабга кечикиб бордик. Ўқитувчи кафтимга таёқ билан уриб жазолаганида, жуда қаттиқ хафа бўлдим. Мана шу воқеадан кейингина эски мактабимда «отасининг эркатоийи» бўлганимни, бу ерда эса менга ҳеч ким алоҳида муносабат кўрсатмаслигини билиб олдим. Мактабда тушлик сотиб олишим учун тоғам менга ҳар куни пул берарди. Мингордан фарқли ўлароқ, бу ерда чипс ёки ширинликлар сотилмас – фақат бодринг ва қовун сотиб олишингиз мумкин эди.

Ота-оналар иштирок этган мактабнинг тақдирлаш маросими бўлиб ўтган куни кўплаб ўғил болалар нутқ сўзлашди. Қизлар ҳам нутқ сўзлашган бўлса ҳам, омма

олдида кўриниш беришмади. Синфга овоз кучайтиргич ўрнатилиб, бизнинг нутқимиз мажлислар залига узатилди. Мен жамоат олдида сўзлашга одатланиб қолганим туфайли ҳеч қанақа ҳаяжон ҳис қилмадим, ўқувчилар ва ота-оналар олдида Пайғамбар алайҳиссаломни улуғлайдиган шеър ўқиб бердим. Шундан сўнг ўқитувчимдан яна бир шеър ўқисам бўладими, деб сўрадим, у ижобий бош ирғаганидан сўнг, истакларимизни рўёбга чиқариш меҳнатсеварлик талаб қилиши ҳақида яна бир шеър ўқидим. «Эринмасдан кесилганидан кейингина олмос марваридга айланади», дейилган эди бу шеърда. Шундан сўнг, мен ўзимнинг буюк отдошим, куч ва жасорат билан бутун қўшинни мағлуб қилган, бир неча сўз ёрдамида ватандошларининг руҳиятини кўтаришга ва уларга инглизларни мағлуб этишга илҳом бахш этган қаҳрамон майвандлик Малалай ҳақида гапирдим.

Мажлислар залида ўтирганлар менга ҳайрат ила боқишарди. Эҳтимол, улар мени шахарлик тантиқ ва мақтанчоқ қиз деб ўйлашгандир. Эҳтимол, улар менинг очиқ юз билан омма олдига чиқиб борганимга ҳайрон бўлишгандир...

Амакиваччаларим ва сингилларим билан кўпроқ вақт ўтказиш хуш ёқаётган бўлса-да, китобларимни жуда қўмсардим. Уйда қолиб кетган «Оливер Твист», «Ромео ва Жульетта»ни, ўқишга вақт тополмаган бошқа китобларимни ва севимли «Иркит Бетти» сериалининг дискини соғинч билан эсладим. Аммо ўзимиз ҳозирда китоб ва фильм қаҳрамонлари бошига тушгандан кам бўлмаган жиддий ҳаёт драмасини бошдан кечира бошладик. Ёвуз кучлар тинч ҳаётимизга кириб келди, бизни уйдан чиқиб кетишга ва сарсон бўлишга мажбур қилди. Энди биз фақат бахтли якунни кутишимиз керак эди. Мен китобларим ҳақида қайғурган бўлсам, укаларим товукларини эслаб ўкинарди.

Хукумат кучлари жангариларни Мингорадан супуриб ташлаш операциясини бошлагани ҳақида радио орқали эшитдик. Шаҳарга бир неча ҳаво-десант бўлинмалари тушиб, Мингора кўчаларида кичик жанглр содир бўла бошлади. Толиблар меҳмонхоналар ва давлат идораларидан бункер сифатида фойдаланишди. Тўрт кундан сўнг, армия учта майдонни, шу жумладан, толиблар бошлари кесилган жасадларни намоиш қилган «Яшил хиёбон»ни ҳам эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Кўп ўтмай, ҳукумат кучлари аэропортни ҳам қўлга киритди ва бир ҳафтадан сўнг бутун шаҳарни озод этишга муяссар бўлди.

Отамнинг тақдири не кечганини ўйлаб хавотир ола бошладик. Шанглада мобил телефонлар деярли ишламайди. Уяли телефон орқали қўнғироқ қилиш учун баланд қоятошларга кўтарилиш керак. Аммо бу ерда ҳам алоқа яхши бўлишига кафолат йўқ ва биз шу сабабли отам билан гаплаша олмадик. Охир-оқибат бир илож қилиб отам билан гаплашишга муваффақ бўлдик. Олти ҳафта Шанглада бўлганимиздан сўнг, отам бизни Пешоварга кўчиб ўтишни таклиф қилди. У ерда отам учта дўсти билан битта хонада яшаётган эди.

Отамни яна кўрганимдан бағоятда шод бўлдим. Ва ниҳоят, тўлиқ таркибдаги оиламиз билан Исломободга йўл олдик. У ерда бизни Стенфордга чақирган ёш қиз Шизанинг ота-онасининг уйида қолдик. Кўп ўтмай, АҚШнинг Покистондаги ва Афғонистондаги элчиси Ричард Холбрук «Серена» меҳмонхонасида толибонга қарши кураш бўйича матбуот анжумани ўтказаетгани маълум бўлди. Отам ва мен бу анжуманда қатнашишга муваффақ бўлдик.

Афсуски, «будильник»ни нотўғри ўрнатганим учун бироз кечикишимизга тўғри келди. Отам жуда ғазабланганидан мен билан йўлда деярли гаплашмай борди. Холбрук ортиқча вазли, қизил юзли ва қўпол, баланд

овозда гапирадиган одам экан. Аммо одамлар унинг саъй-ҳаракатлари эвазига Боснияда тинчлик ўрнатилди, деб таъкидлашди. Мен унинг ёнида ўтириб қолдим, у эса менга ўгирилиб, ёшимни сўради.

- Яқинда ўн иккига тўламан, - деб жавоб бердим ва унга юзландим:

- Муҳтарам элчи, сиздан илтимос қиламан, юртимизда яшовчи қизларнинг билим олишларига ёрдам беринг.

У эса жилмайиб: «Мамлакатингизда муаммолар жуда кўп ва биз уларни ҳал қила олмаймиз», деди. «Биз Покистонга берилажак иқтисодий кўмак учун миллиардлаб доллар сарфлаймиз. Ҳукуматингиз билан биргаликда электр ва газ таъминоти тизимларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш устида иш олиб бормоқдамиз. Аммо ҳар бир янги кун янги муаммоларни келтириб чиқармоқда».

Сўнгра ҳозир номи эсимда бўлмаган бир радиостанцияга интервью бердим. Суҳбат радиостанция ходимларига жуда ёқди. Улар бизга Абботтабадда станцияда оиламиз билан яшашимиз мумкин бўлган меҳмонхона борлиги ҳақида хабар беришди. Биз у ерда бир ҳафтага яқин вақт давомида қолдик. Мониба, бошқа дўстларимиз ва баъзи ўқитувчиларимиз ҳам Абботтабадда эканлигини эшитганимда жуда хурсанд бўлдим. Мониба ва мен Мингорадан кетишимиз арафасида жанжаллашиб олганимиздан бери гаплашмагандик. Телефон орқали боғда учрашишга келишиб олдик. Мен уни меҳмон қилиш учун печенье ва бир дона пепси сотиб олдим.

«Биз сенинг айбинг билан жанжаллашдик», деди у. Мен тортишиб ўтирмадим, чунки дўстликни сақлашни истардим.

Меҳмонхонада бир ҳафта қолганимиздан кейин Холлипурга йўл олдик, у ерда бир аммам яшар эди. Тўрт ой

ичида тўрт марта кўчишимизга тўғри келди. Шаҳардан шаҳарга кўчиб ўтиш қочқинлар лагерида яшашдан ва жазирама Кӯёш остида соатлаб озиқ-овқат ва сув олиш учун саф тортиб туришдан кўра яхшироқ эканига шубҳам йўқ эди. Аммо водийни жуда қўмсардим. Мен ўн икки ёшимни Харипурда қарши олдим. Ҳамма, ҳатто отам ҳам, туғилган кунимни ёдидан чиқариб қўйганди. Туғилган кун нишонлайдиган аҳволда эмасдик. Бир йил олдин туғилган кунимни завқ-шавқ-ла нишонлаганимизни ўкинч билан эсладим. Ўшанда кичикроқ зиёфат қилгандик, мен тортдаги шамларни пуфлаб, тилак бор. Бу сафар эса ҳеч қандай торт ёки шам йўқ эди. Лекин яккаю ягона тилагим мавжуд эди: Э Худо, водийга энг улуғ неъмат бўлган тинчлигимизни қайтар!

ҚАЙҒУЛАР ВОДИЙСИ

Барчаси худди тушимда содир бўлаётгандек туюла бошлади. Ахир, уч ойлик айрилиқдан сўнг водийга қайтаётган эдик-да! Черчилль чўққиси, тепаликдаги қадимий харобалар, улкан будда ҳайкалини ортда қолдириб, Сват дарёсига дуч келганимизда, отам кўз ёшларини тия олмади. Бутун водий ҳукумат кучлари назорати остида эди. Малаканд довонига боришдан олдин армия патруллари машинамиздаги портловчи мосламалар бор-йўқлигини бир неча бор текширдилар. Довондан ўтганимизда водийга олиб борадиган йўл тўлиқ назорат пунктлари билан қопланган экан. Автомат билан қуролланган аскарлар деярли барча уйларнинг томларида туришарди. Қишлоқлардан ўтаётганимизда, вайрон қилинган уйларга ва ёниб кетган машиналарга кўзимиз тушди. Ҳаммаси эски уруш фильмлари ёки укам Хушал севиб ўйнайдиган видео ўйинларни эслатарди. Мингорога киришимиз билан ҳайратдан ёқа ушладик. Шаҳарни толибондан тозалаш операцияси пайтида кўчаларда жанглар бўлиб ўтгани оқибатида, уйларнинг деворлари илма тешик бўлиб кетганди...

Толиблар яширинган бинолар тўла харобага айланиб бўлганди. Мингора шаҳрида вайрона уюмлари, бурама металллар ва ерда йиқилиб ётган устунлардан чизилган аянчли манзара ҳосил бўлди. Баъзи бир ишига пухта савдогарлар водийдан кетиш олдидан дўконининг эшик-деразаларига темир панжаралар ўрнатиб кетгани ўз самарасини берди – ушбу дўконлар талон-торож қили-

нишининг олди олинди. Гўё шаҳар вабодан азият чеккандек, кимсасиз кўчаларда сукунат ҳукм сурарди. Кўзимиз ўрганиб қолган шовқинли, автобус ва фойтунлар билан гавжум бўлган автовокзални бўм-бўш ҳолатда кўриш жуда ғалати эди. Қачонлардир она шахримни шундай ҳолатда кўришни хаёлимга ҳам келтирмаганман.

Аммо водийдан толиблар даф бўлишганди! Биз учун энг муҳими ҳам шу эди!

Бош вазириimiz Сват толиблар зулмидан озод қилинганлигини расман эълон қилганидан бир ҳафта ўтиб, 2009 йил 24 июлда уйга қайтишга муваффақ бўлдик. У Сват аҳолисини ўз уйларига қайтишга чақирди, шунингдек, вилоятдаги газ таъминоти тез орада тикланишини, ҳукумат идоралари ва банклар яқин муддатларда очилишини ваъда қилди. 1,8 миллионлик водий аҳолисининг деярли ярми Сватдан чиқиб кетганди. Баъзи одамлар эса иккиланишганлиги сабабли водийга бормай туришни маъқул топишди.

Биз ҳам иккилана-иккилана уйимиз сари йўл олдик. Ҳеч кимга гап бермайдиган кичик укам Атал ҳам маъюс тортиб, бир сўз демасдан борарди. Уйимиз армия штаб-квартираси яқинида жойлашганлиги сабабли ер билан яксон бўлиб кетганмикан, деган ўй ҳаловатимни ўғирлади. Мингородаги кўплаб уйлар талон-торож қилинганлиги ҳақидаги миш-мишлар ҳадигимизни янада оширди. Бироз ҳадик, бироз кўрқув билан отамнинг дарвозани очишини кутдик. Ҳовлига кирар эканмиз, дастлаб кўзимиз тушган манзара уч ой ичида боғимиз ўрмонга айлангани бўлди. Укаларим жондан азиз жўжалари тирик ёки ўликлигини текширишга шошилишди ва бироз муддатдан сўнг дод солиб қайтиб келишди. Товуқлардан фақатгина иккита суяк ва бир уюм пат қолганди. Улар очликдан ўлиб қолишган экан. Бахтиқаро товуқларга жуда ачиндим, лекин ўз «ҳазина»ларим

жойида турганлиги мен учун кўпроқ муҳим эди. Китобларим солинган сумка жойида турганини кўрганимдаги ҳолатимни сўз билан тасвирлаб бера олмайман... Ибодатларим етиб бориб, дуолари қабул бўлгани учун Аллоҳга ҳамду санолар айтдим. Эҳтиёткорлик билан сумкамдан китобларни чиқариб, ҳар бирига муҳаббат билан назар ташладим. Математика, физика, урду тили, инглиз тили, пуштун тили, кимё, биология, ислом дини асослари, Покистон тарихи фанлари бўйича дарсликлар. Бу сиз учун оддий сўз бўлиши мумкин, аммо мен учун сўз билан таърифлаб бўлмас қувонч эди: «ЭНДИ МЕН ҚЎРҚМАСДАН МАКТАБГА БОРА ОЛАМАН!»

Бошимдан кечирган ташвишлардан чарчаб, каравотга чўкдим. Уйимиз омон қолгани учун жуда қаттиқ хурсанд бўлдим. Кўчамиздаги бир нечта уйлар талон-торож қилинган, талон-торож қилувчилар эгалари олиб кета олмаган барча нарсаларни – телевизорлар, музлаткичлар, заргарлик буюмларини олиб кетишганди. Дўстим Сафинанинг онаси заргарлик буюмларининг хавфсиз ҳолатда сақланишига умид қилиб, банкка топшириб кетган, аммо банклар ҳам талон-торож қилинганлиги туфайли тиллалар ҳам аллақачон олиб кетилганди.

Хавотирга тушиб қолган отам мактаб биносининг ҳолатини текшириб келишга шошилди. Мен эса унга ҳамроҳ бўлдим. Қизлар мактаби қаршисидаги уйни снаряд вайрон қилиб ташлаган бўлса ҳам, ташқаридаги мактабнинг ўзи хавфсиз ва ўз ҳолида эди. Негадир отам ўз калити билан дарвозани оча олмади ва биз девор орқали ичкарига сакраб тушишга мажбур бўлдик. Ичкарида санғиб юрган боланинг бизни кўриб ранги оқариб кетди. Отам эса уни сўроққа тутди:

– Бу ерда ким яшаган эди?

Атрофда даҳшатли тартибсизлик юзага келган, стуллар тескари ҳолатда, сигарета қолдиқлари, бўш қу-

тилар ва озиқ-овқат пакетлари ерда ивирсиб ётарди. Водийни тарк этаётганимизда отам «Хушал мактаби» деган ёзувни ечиб, ҳовлида қолдирганди. Ёзув ҳали ҳам ўша қўйган жойимизда эгасини кутиб ётарди. Отам уни жойига илиб қўйиш мақсадида кўтарганида кўркувдан тўсатдан бақриб юбордим. Ёғоч плакатнинг тагида эчкининг чириган бош чаноғи бор экан.

«Бу эҳтимол, кимнингдир тушлик қолдиқларидир», дея отам вазиятга изоҳ берди.

Навбати билан синфхоналарни айланиб чиқдик. Деворларда толибларга қарши шиорлар ўйиб ёзилган эди: «Зиндабад армия» («Яшасин армия!») Мана шундан сўнг ҳукумат қўшинлари бизнинг мактабда яшаётганини англадик. Аскарлардан бири синфда унутиб қолдирган бир ўқувчининг кундалигига қўпол шеър ёзган экан. Суюкли мактабимиз баракка айланганидан жуда афсусландим.

Тўсатдан эшик тақиллади.

– Очма, Малала! – буюрди отам.

Отам ўз хонасида армия қўмондонларидан бири қолдирган мактубни топиб олди. Ушбу мактубда Сват аҳолиси толибларга қаршилиқ кўрсатмаганликда ва водийда ҳокимиятни эгаллаб олишга имкон берганликда айбланган. «Сизнинг бепарволигингиз ва кўрқоқлигингиз учун қўплаб аскарларнинг умри бевақт хазон бўлди», дейилган эди мактубда.

«Халқ ҳеч қанақасига айбдор эмас», отам жаҳли чиқиб гапиришни бошлади:

– Биринчидан, толиблар бизни ёлғон ваъдалар билан йўлдан оздириб, кейинчалик хўрлашни бошлашди. Энди васвасага берилиб, ўзимизни хўрлашга йўл қўйганимиз учун ўзимизни айблашмоқда. Алдандик, хўрландик, айбландик...

Ҳукумат армияси толибон жангчиларидан унчалик фарқ қилмас эди. Бир қўшнимиз ҳарбийларнинг толи-

бонлар жасадларини кўчада, ҳамма кўриши учун намо-йишкоруна кўяётганини кўрган экан. Осмондаги баҳайбат ҳашаротлар сингари гумбурлаган вертолётларнинг овозига тоқат қила олмай қолдим. Хуллас, барибир хотиржамликка эришганимиз йўқ...

Минг-минглаб одамлар, шу қаторда, жангарилар томонидан худкуш террорчи сифатида ўқитилган кўплаб ўспирин болалар ҳам ёппасига қамоққа олина бошлади. Уларнинг барчаси толибларга қарши ташвиқот олиб борилиши зарур бўлган махсус лагерларга жўнатилди. Ҳибсга олинганлар орасида бир вақтлар қизларни ўқитишдан бош тортиб, вазифаси Файзуллоҳнинг одамларига чин дилдан кўмаклашиш эканлигини айтган урду тили фани ўқитувчимиз ҳам бор эди.

Толибон раҳбари ҳали ҳам озодликда юрганди. Армия кучлари Имом Дерининг қароргоҳини йўқ қилиб, Файзуллоҳ Пешовар тоғларида ўраб олингани ҳақида хабар берди. Бироз вақт ўтиб Файзуллоҳнинг оғир жароҳат олганлиги эълон қилинди ва толибон маърузачиси Муслим Хон ҳибсга олинди. Кўп ўтмай, Файзуллоҳ Афғонистонга қочиб кетгани ва Кунар вилоятида яширингани ҳақида гаплар урчиди. Файзуллоҳнинг тирик ва озод юргани ҳақида ўйласам, у яна жангариларни йиғиб, ҳокимиятни эгаллаб олиш учун ҳаракат бошлаши мумкинлигидан қўрқувга тушардим. Баъзан эса толиблар водийимизга қайтиб келишгани тушларимга кириб чиқарди. Менга таскин берадиган бир нарса бор эди – «Мулла радиоси» эфирни тўхтатди.

Отамнинг дўсти Аҳмад Шоҳ водийда ўрнатилган тинчлик узоқ давом этмаслиги мумкинлигидан хавотирдалигини билдирди. Шунга қарамай, одамлар аста-секин ўз уйларига қайта бошлашди. Сват Ер юзининг энг жаннатмакон гўшаси бўлиб, у ерда туғилиб ўсганлар учун ўз водийларидан ташқарида яшаш жуда қийин.

Биринчи августдан бошлаб мактабимизда дарслар қайта бошланди. Мактаб қўнғироғини такрор эшитиш, таниш зинапояларга кўтарилиш сўз билан ифодаланмас даражада ёқимли эди. Мактабдаги дўстларимни кўрган-нимда туйган қувончимни ҳеч бир сўз, ҳеч бир жумла ифодамай олмайди. Барчамизнинг гапирадиган мавзумиз битта – қувғинликда бошимиздан ўтказган қийинчиликлар. Мактабимиз биноти омон қолганидан ҳамма шод-хуррам эди. Бошқа мактаб ўқувчилари биноти вайрон бўлганлиги сабабли чодирларда ўқишга мажбур бўлишди. Сундус исми дўстимнинг отаси портлашлардан бирида ҳалок бўлганини эшитиб жуда қаттиқ хафа бўлдим.

Афтдан, мактабдаги ҳамма менинг ВВС веб-сайтида блог юритаётганимни яхши билар, баъзилар эса менингни ўрнимга отам ёзади деган ўйга борар эди. Директоримиз Марям хоним ҳам мени эътироф этиб қўйди:

– Малаланингни иқтидорига шубҳа қилмайман. У нафақат яхши гапира олади, балки ёза олади ҳам.

Бир кун Стенфорд университетини тамомлаб қайтган исломободлик дўстимиз Шиза Шоҳид «Хушал мактаби»нинг йигирма етти қизини Покистон пойтахтида бир неча кун дам олишга таклиф қилди. У янги таассуротлар, диққатга сазовор жойлар ва музейлар билан танишиш толибон тузуми даврида етказилган руҳий жароҳатларни тезда даволашга ёрдам беради деб ишонар эди. Бизнинг синфдан мен, Мониба, Малкаи-Нур, Рида, Каришма ва Сундуслар бордик. Бизга ота-онам ва Марям хоним ҳам ҳамроҳ бўлишди.

Саёҳатимиз Покистон мустақиллиги нишонланаётган кун – 14 августдан бошланди. Завқ-шавққа тўлиб автобусга чиқдик. Қизларнинг аксарияти водийдан ташқарида бир маротабагина, унда ҳам қочқин сифатида бўлишганди. Аммо энди бизни сарсон-саргардонлик эмас, қувноқ таътил кутмоқда эди. Тасаввур қиляпсизми, биз

мактаб ўқувчиларининг таътилда ҳордиқ чиқариши ҳақида фақат китобларда ўқиган, киноларда кўргандик!

Исломободда меҳмонхонадан жой олдик. Сайр ва кўнгилочар жойларда бўлишдан ташқари, кўплаб учрашувлар ва симпозиумларда қатнашдик, бошимизга тушган кўргиликларни бошқалар билан ўртоқлашдик. Шиза бизнинг дунёқарашимиз ва фикрлашимиздан ҳайратланиб қолди ва отамга сўз қотди:

– Мен Малалага ўхшаган қизлар Покистонда бошқа мавжуд эмас ўйлардим, аммо мактабингиздаги барча қизлар Малаладек фикрлар экан!

Биз маза қилиб истироҳат боғи бўйлаб сайр қилдик, завқ билан юриб, мусиқа тингладик. Аксарият одамлар учун мусиқа тинглаш одатий иш ҳисобланади, аммо толиблар зулмидан омон қолган биз учун бу сиёсий норозилик сифатида баҳоланади. Дугоналарим билан биргалликда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида, шу жумладан, Маргалла тепалиги этагидаги «Файсал» масжидида бўлдик. Ушбу масжид Саудия Арабистони маблағлари ҳисобига қурилган бўлиб, араблар бу бинони қуриш учун жуда катта пул сарфлашган экан. Барчамиз ҳаётимизда илк маротаба театрга ташриф буюриб, инглиз тилида «Том ва Жерри» спектаклини томоша қилдик, сўнгра актёрлик маҳорати дарсида қатнашдик. «McDonald's» ресторанига ҳам илк маротаба кириш бахтига муяссар бўлдик. Яна бир куни хитой ресторанида овқатланишимиз керак эди, аммо «Пойтахтдан гапирамиз» телешоусида қатнашиш учун тушлиқдан воз кечишга мажбур бўлдим. Шундай қилиб, дўстларим менсиз ўрдак гўшти билан қуймоқ ейишди.

Мингора ва Исломобод ўртасидаги фарқ Исломобод ва Нью-Йорк ўртасидаги фарқдан кам эмас. Шиза бизни шифокор ва адвокат бўлиб ишлайдиган аёллар билан таништирди. Улар билан мулоқот қила туриб, аёллар

энг масъулиятли касбларда бемалол ишлаб кета олишларини ва шу билан бирга ўз мамлакатлари маданияти ва урф-одатларини хурмат қилиши мумкинлигини англаб етдик. Кўчаларда кўплаб аёллар нафақат паранжисиз, балки бошланг юрганига гувоҳ бўлганимдан сўнг, мен ҳам замонавий тенденцияларга амал қилишга қарор қилдим ва учрашувларга борганимда рўмолимни ечиб кўядиган бўлдим. Кейинчалик эса аёл киши бошланг юриши билан замонавий бўлиб қолмаслигини тушуниб етдим.

Пойтахтда ўтган ҳафтанинг охирларида Мониба билан яна жанжаллашиб қолдик. У менинг бошланғич мактабда ўқийдиган бир қиз билан суҳбатлашаётганимни кўриб қолиб: «Агар Решам билан дўст бўлсанг, мен ҳам Рида билан дўст бўламан!» дея шарт қўйди.

Шиза бизни нуфузли одамлар билан таништирмоқчи бўлди. Биз, ҳатто, Покистон армиясининг матбуот котиби генерал Атар Аббос билан учрашишга ҳам муваффақ бўлдик. Учрашув Исломобод яқинидаги Равалпинди шаҳридаги армия қароргоҳида бўлиб ўтди. Дарвозадан кириб, ўзимизни армия штаби худудида кўрганимизда, оғзимиз очилиб қолди. Шаҳарнинг қолган қисмидан фарқли ўлароқ, бу ерда ажиб бир гўзаллик ҳукм сурар, чиройли қилиб қирқилган яшил майсазорлар, чаманчаман очилган гуллар кўзни қувонтирар эди. Барча дарахтлар бир хил баландликда текисланган бўлиб, уларнинг танаси биз тушунмаган сабабларга кўра оқ ранга бўялган. Қароргоҳ ички деворига кўплаб мониторлар ўрнатилган идоралар мавжуд бўлиб, ушбу мониторларда барча телевизион каналларда намойиш этилаётган материалларни томоша қилиш мумкин эди. Офицерлардан бири бугунги газеталарда ёзилган армия ҳақидаги барча мақолалар ўрин олган қалин папкани кўрсатиб, отамни ҳайрон қолдирди. Шубҳасиз, армия жамоатчи-

лик билан алоқалар соҳасида сиёсатчиларимизга қараганда анча самарали ишлашини билиб олдим.

Биз кичик залда генерал келишини кутиб турдик. Деворларда ҳарбий раҳбарлар – Покистонда ўзига хос нуфузга эга бўлган одамларнинг фотосуратлари жой олган эди. Улар орасида генерал Мушарраф ва золим Зиёул-Ҳақ каби диктаторлар ҳам бор эди. Оқ қўлқоп кийган хизматчи бизга чой, печенье ва оғизда эрийдиган майда гўштли сомса тақдим қилди. Залга генерал Аббос кириб келганида, ҳозир бўлганларнинг барчаси ўрнидан турди. У Сват водийсидаги ҳарбий операция ҳақида гапириб, уни ишончли ғалаба, деб эътироф этди. Шунингдек, генерал операцияда 128 ҳукумат аскарлари ва 1600 жангари ўлдирилганлигини афсус билан билдирди.

Генерал нутқини тугатганидан сўнг йиғилиш қатнашчиларига савол беришлари мумкинлиги айтилди. Бизга саволларни олдиндан тайёрлаб туришни огоҳлантиришган эди, шу боис мен оз эмас, кўп эмас, нақ саккизта савол тайёрлаб турдим. Менинг рўйхатимни кўриб, Шиза кулиб юборди ва генерал бу қадар кўп саволларга жавоб бериши даргумонлигини айтди. Мен олдинги қаторда ўтирганим боис саволимни биринчи бўлиб бериш имкониятига эга эдим. Савол беришга ижозат олганимдан сўнг, дадиллик билан генералга юзландим:

«Икки-уч ой олдин бизга Файзуллоҳ жиддий жароҳат олгани, ҳатто, ўлган бўлиши мумкинлиги ҳақида хабар берилган эди. Кейин эса унинг Афғонистонда эканлиги ҳақида айтилди. У қандай қилиб чегарани кесиб ўтишга муваффақ бўлди? Агар армия унинг қаердалиги тўғрисида маълумотга эга бўлса, нега уни қўлга олишмайди?»

Генерал ушбу саволимга жавоб бериш учун нақ ўн беш дақиқа сарфлаган бўлса ҳам, нутқида айтарли гап йўқ эди, шу сабаб мен ҳеч нарса тушунмадим. Аммо

одоб юзасидан уни саволга тутмай сўзимни икки оғиз гап билан тугатиб қўя қолдим:

«Уруш натижасида юзага келган вайронагарчилик тезроқ тугатилиши ва армия водийимизда тинч ва фаровон ҳаётни тиклашга ёрдам беради, дея умид қиламан».

Мониба ҳам савол беришга ўзида куч топди:

– Вайрон қилинган уйлар ва мактабларни ким тиклайди?

Генерал бу саволга қисқача жавоб берди.

– Ҳар бир операциядан сўнг тикланиш учун маълум муддат талаб этилади. Давлат ташкилотлари Сватга осуда ҳаётни қайтариш учун барча имкониятларни ишга солишига шубҳа қилмайман.

Учрашув якунида генерал Аббос бизга ташриф қоғозини тақдим этди ва оғир вазиятларда унга мурожаат қилишимиз мумкинлигини билдирди.

Пойтахтда ўтган сўнгги кунимизда барчамиз Ислобод клубида толиблар ҳукмронлиги даврида бошимиздан кечирганларимизни йиғилганларга ҳикоя қилиб бердик. Мониба нутқ пайтида кўз ёшларини тия олмади, уни тинглаб турган кўплаб томошабинларнинг ҳам кўзларидан шашқатор ёшлар оқаётган эди... Менга навбат келганида, қайғули эмас, қизиқарли тарзда нутқ сўзлашга қарор қилдим:

– Театрга ташриф буюриш бахтига муяссар бўлгунимгача Покистонда жуда кўп истеъдодли одамлар борлигини тасаввур ҳам қила олмасдим. Энди эса ҳинд фильмларини сотиб олишнинг ҳожати йўқ эканлигини англаб етдим.

Ниҳоят, сафаримиз қариб, таассуротларга тўла саёҳатимиз ўз ниҳоясига етди. Уйга қайтишим билан биринчи бўлиб бажарган ишим ҳовлимизга пойтахтдан олиб келинган манго уруғини экиш бўлди.

Бу орада отам жиддий муаммоларга йўлиқди. Биз сарсон-саргардонликда юрганимизда ва мактаб ишламаганида, табиийки, ўқувчилардан ҳеч қандай маблағ олмаган. Бироқ ўқитувчилар дарс ўтилмаган ойлар учун ҳам маош олишга умид қилишган. Тўловларнинг умумий миқдори бир миллион рупиядан ошиб кетди. Бошқа барча хусусий мактаблар ҳам худди шундай муаммога дуч келишди. Баъзи раҳбарларда иш ҳақини тўлаш учун пул мавжуд бўлса, баъзиларида сариқ чақа ҳам йўқ эди. Ўқитувчилар эса ҳеч нимани тушунишни истамас, кўзини лўқ қилиб, дарс ўтмаган ойлари учун ҳам пул талаб қилишарди. Уларни ҳам тушуниш мумкин, уларнинг ҳам бола-чақаси бор...

Отам бу қийин вазиятдан қандай чиқиб кетишни билмай, боши қотди. Бирданига генерал Аббос ва унинг ташриф қоғози эсимга тушиб кетди. Ахир, айнан армия томонидан ўтказилган операция туфайли биз водийни тарк этишга ва мактабни ёпишга мажбур бўлгандик-да! Марям хоним ва мен генералга электрон почта орқали қийинчиликларимизни баён қилдик. Генерал отамга 1.100.000 рупиялик чек юборди ва отам ўқитувчиларнинг уч ойлик маошларини тўлаб берди. Ўқитувчиларнинг боши кўкка етди. Баъзи ўқитувчилар ҳеч қачон бундай катта суммани қўлларига олишмаганини айтиб, йиғлаб юборишди. Хера хоним кўзида ёш билан отасига кўнғироқ қилиб, энди тўй қилишлари мумкинлигини билдирди.

Генерал Аббосдан ҳар қанча миннатдор бўлмайлик, армиянинг ҳаракатлари ҳафсаламизни пир қилди. Отам ва мен толибон раҳбарларининг ҳамон эркин юришда давом этаётганидан қаттиқ ташвишга тушиб, бу борада кўплаб интервьюлар бердик, ўз муаммоларимиз билан ўртоқлашдик. Отам билан биргаликда Кум Жирға (Сват водийси оқсоқолларининг қўшма кенгаши) таркибига кирган отамнинг дўсти Зоҳидхон ҳам тез-тез бизга қў-

шилиб турарди. У Сват водийси меҳмонхоналар ассоциациясининг президенти бўлганлиги боис водийда тўла тинчлик ўрнатилишини ва сайёҳлар Сватга яна қайтишини биздан ҳам кўпроқ истаган. Унга ҳам жамоат олдида чиқиш қилгани учун бир неча бор таҳдид қилишган. Афсуски, 2009 йил ноябрь ойида Зоҳид Хон суиқасд қурбонига айланди. Кечга яқин армия қўмондонлари билан учрашиб, уйига қайтаётганида, унга ҳужум қилишди. Бахтига, унинг ўша ҳудудда яшайдиган қариндошлари суиқасдчиларга милтиқ билан ўқ узишган ва уларнинг ишлари охиригача етказилмай қолишига ҳисса қўшган.

2009 йил 1 декабрда таниқли сиёсатчи, Авами Миллий партияси ва Хайбер Пахтунхва Ассамблеяси маҳаллий бўлими аъзоси дўхтир Шамшер Али Хон ҳудкуш-террорчи томонидан ўлдирилди. Портлаш содир этилишидан олдин у Файзуллоҳнинг собиқ қароргоҳи Имом Деридан атиги бир неча километр узоқликда жойлашган хужрасида дўстлари ва сайловчиларини ҳайит байрами билан табриклаётган эди. Толибоннинг қатъиятли ва мурасиз мухолифларидан бири бўлган дўхтир Шамшер воқеа жойида вафот этди, ушбу фалокат яна тўққиз кишининг жароҳат олишига сабаб бўлди. Бизга етиб келган маълумотларга кўра, террорчи атиги ўн саккиз ёшда экан. Полиция унинг оёқлари ва танасининг бошқа қисмларини топишга муваффақ бўлди.

Бир неча ҳафта ўтгач, мактабимиз туман болалар ассамблеясида иштирок этишга таклиф қилинди. Ушбу маросим UNICEFнинг хайрия кенгаши ва етим болаларга ёрдам берадиган «Ҳпал Кор» фонди (Ҳпал Кор – Менинг уйим) томонидан ташкиллаштирилди. Сват водийсидаги мактабларда ўқийдиган олтмиш нафар мактаб ўқувчиси ассамблея аъзолари сифатида сайланишди. Ушбу йиғилишда мактабимиздан ўн бир нафар

қиз қатнашган бўлса ҳам, тадбир иштирокчиларининг аксарияти ўғил болалар эди. Дастлабки учрашувда мактаб ўқувчиларидан ташқари, кўплаб сиёсатчилар ва жамоат арбоблари иштирок этишди. Нотиқлар ўртасида ўтказилган танловда ғолибликни қўлга киритдим! Саҳнада туриб, бошқалар сизни «Спикер хоним» деб аташи нақадар ажойиб! Ассамблея бир йил давомида мунтазам, ҳар ойда ўтказиб турилди. Ўз нутқларимизда ҳукуматдан болалар меҳнатини тақиқлаш, уйсиз ва ногирон болаларга ёрдам бериш, шунингдек, толиблар томонидан вайрон қилинган барча мактабларни тиклашни сўрадик. Ушбу талаб ва таклифларнинг барчаси расмийларга етказилди. Биздан эса кутмоқ ва умид қилмоқ талаб этиларди.

Мен, Ойша ва Мониба Британиянинг «Уруш ва тинчлик ҳисобот институти» номли ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган журналистика курсларида ўқишни бошладик. Ушбу ташкилот «Покистоннинг эркин фикрлари» номли лойиҳани амалга оширишни мақсад қилганди. Воқеаларни тўғри ва холис ёритишни ўрганиш жуда қизиқарли бўлди. Менинг сўзларим атрофимдаги дунёни ўзгартириши мумкинлигини англаганимдан кейин келажақда журналистлик касбини танлашга қарор қилдим. Журналистика оламига кириб келар эканман, қанақадир мода ёки соч турмаклаш каби мавзуларда қалам тебратмасликка қарор қилдим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, экстремизм ва толибонларнинг ҳужум қилиб қолиш хавфи остида яшаётган журналистнинг бошқа мавзуларда ёзишга иштиёқи бўладими?

Ҳаш-паш дегунча имтиҳонлар ҳам бошланди. Малка-и-Нур билан кескин рақобат руҳида ўтган ушбу имтиҳонлар натижаларига кўра яна синфда биринчи ўринни эгалладим. Директоримиз Марям хоним Малка-и-Нурни синф сардори бўлишга кўндиришга уринди, аммо у ўзи-

ни ўқишдан чалғитадиган кўшимча масъулият юкламоқчи эмаслигини билдириб, таклифни рад этди.

– Малалани мисол қилиб олайлик, – деди Марям хоним унга. – У ҳамма нарсага вақт топади. Жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш ҳам таълим каби муҳим аҳамиятга эга.

Аммо мен Малка-и-Нурни тушунишга ҳаракат қилардим. У ўқишдаги муваффақияти эвазига ота-онасини, айниқса, онасини хушнуд қилишни дилига тугиб қўйганди.

Сват водийси аввалгидек бўлмаса ҳам, аста-секинлик билан ўз ҳолига қайтаётганди. Банр Бозорнинг раққосалари ҳам уйга қайтган бўлсалар-да, ўз чиқишларини DVD дискка ёзиб сотишни афзал кўришди, сабаби улар жонли равишда рақсга тушишдан ҳадиксираб қолишганди. Толиблар томонидан тақиқланган тинчлик байрамлари қайта ўтказилди, ушбу тадбир водийимиз кўшиқчилари томонидан хониш қилинган куй-қўшиқларга уланиб кетди. Ана шундай фестиваллардан бирининг ташкилий ишларига отам бош-қош бўлди. Марғазорда бўлиб ўтган ушбу фестивалга қочқинларга бошпана берган туманлар аҳолиси таклиф қилинди. Ушбу фестивалда «битимизни тўкканча» ўйин-кулги қилдик.

Негадир, туғилган куним арафасида ҳар доим нимадир содир бўлаверади. 2010 йил ўн уч ёшга тўлишимни кучли ёмғир билан кутиб олдим. Сват водийсининг ёзи одатда иссиқ ва қуруқ бўлади. Аввалига ёмғирдан хурсанд бўлдик ва ёмғир яхши ҳосил бериши ҳақида суҳбатлашдик. Аммо ёмғир ҳеч тинай демасди. Ёмғирнинг кучлилигидан кўчада бир неча қадам нарида турган одамни кўриш имконсиз бўлиб қолди. Экологлар толиблар ва ноқонуний ёғоч савдогарлари томонидан тоғли ўрмонларнинг фаол равишда кесилиши жуда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида бир неча бор огоҳлантиришган, энди эса уларнинг хавотири

амалга кўчганди – сув тошқини водийга «меҳмонга» кириб ўтиб, йўлидаги учраган нарсани супуриб кетаверди.

Сел яқинлаша бошлаганда ҳаммамиз мактабда эдик. Ўқитувчилар уйга боришимизни қаттиқ тайинлашди. Аммо дарё устидаги кўприкни ҳам сел олиб кетгани туфайли уйга етиб олиш учун ўзга йўл топишга мажбур бўлдик. Хаёлимизга бошқа кўприк келди ва дарҳол ўша кўприк томон шошилдик. Бу кўприк ҳам сув остида қолганди, Бироқ бу ерда сув сатҳи унчалик юқори бўлмагани боис нариги томонга ўтишга муваффақ бўлдик. Уйга уст-бошимиз шалаббо аҳволда етиб келдик.

Эртаси куни эса мактабимизни сув босганидан хабардор бўлдик. Сувнинг йўқ бўлишини анча вақт давомида кутдик. Мактабга борганимда севимли масканимнинг аҳволини кўриб йиғлаб юбораёздим. Ҳамма жойда балчиқ, лой, қум... Стол ва стулларга, хоналарга, умуман, мактабнинг ҳар бурчагига балчиқ ҳиди ўтириб қолганди. Тошқин оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун отамга 90.000 рупия керак эди – бу тўқсон нафар ўқувчи бир ой давомида тўлайдиган суммага тенг эди.

Тошқинлар бутун Покистон бўйлаб содир бўлди. Ҳимолайдан бошланадиган азим Ҳинд дарёси Хайбер-Пахтунхва вилоятини кесиб ўтиб, Араб денгизига қуйилади. Тошқин оқибатида мана шу йўналишдаги далалар ва қишлоқларни сув босди. Табиий офат икки минг кишини ҳаётдан олиб кетди, 14 миллион кишига катта-кичик зарар етказди. Кўпчилик одамлар уйсиз қолишди. Етти минг нафар мактаб вайронага айланди. Покистон аҳолисининг ҳеч бири илгари бундай даҳшатли тошқин гувоҳига айланмаганди. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ҳам мамлакатимизда рўй берган тошқинни назаридан четда қолдирмай, уни «секин ҳаракатланган цунами» деб атади. Ушбу тошқин «Осиё цунамиси», «Катрина бўрони», «Гаити зилзиласи» ва 2005 йилдаги Покистонда

юз берган зилзиладан ҳам кўпроқ моддий зарар етказгани ҳақида матбуот бонг урди.

Табиий офатдан энг катта зарарни Сват водийси кўрди. Ушбу шафқатсиз сув тошқини қирқ иккита кўприкнинг ўттиз тўрттасини қўпориб ташлаб, баъзи жойларни ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйди. Тошқин натижасида электр таъминоти тизимига катта талафот етди ва биз электрсиз қолишга мажбур бўлдик. Биз яшаган кўча анча тепароқда жойлашгани боис водийдаги аксарият уйларни ювиб юборган даҳшатли сел бизнинг уйгача етиб бормади. Аммо селнинг йиртқич ҳайвондек ҳайқириб оққани кўрқувимизни бир лаҳзага ҳам камайтирмади. Гўзал манзараси ва бетактор таомлари билан сайёҳларни лол қолдирган дарё бўйидаги меҳмонхоналар ва ресторанлар қараб бўлмас аҳволга келди. Аксига олгандек, водийдаги сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган масканларда табиий офат оқибатлари оғирроқ бўлди. Малам Жабба, Мадян ва Баҳрайн каби тоғли курортлардан асар ҳам қолмади. Меҳмонхоналар ва дўконлар харобага айланди.

Кўп ўтмай Шангла шаҳрида яшовчи қариндошлар ҳолидан хабар олдик. У ерда ҳам аҳоли сув тошқинидан катта зарар кўрганди. Бизнинг қишлоқни Шангланнинг асосий шаҳри бўлган Алпури билан боғлайдиган йўл бутунлай ювилиб кетган экан. Тошқинлар тоғ этагида жойлашган Каршат, Шахпур ва Баркан каби қишлоқлардаги кўплаб уйларни бузиб ташлади. Бахтимизга, онам туғилган, ҳозирда тоғам Файз Муҳаммад яшаётган уй омон қолганди.

Тинкаси қуриган одамларнинг бисотидаги бор захираси ҳам селга қўшилиб оқиб кетганди... Даҳшатли сел далаларни пайҳон қилиб, чорвани оқизиб, қиш учун ғамланган донни эса яроқсиз ҳолга келтириб бўлганди. Қишлоқ аҳолиси чорасиз аҳволга тушиб қолди. Вақтин-

чалик қурилган гидроэлектростанциялар яроқсиз ҳолга келгани сабабли одамлар электр тоқисиз қолишди. Дарё суви ахлат ва лойга тўлиб оқаётгани туфайли одамлар тоза ичимлик сувисиз қолишди. Эҳ, бечора одамлар... Сув шиддатли оқим билан келгани сабабли, ҳатто, бетон деворлар ҳам дош бера олмасдан, қулаб тушганди. Катта йўл бўйида жойлашган мактаб, касалхона ва электр станция ҳам сув оқимиға қўшилиб кетди...

Аҳолининг боши гангиб қолди. Одамлар Сват дарёси бўйида 3000 йилдан ортиқ вақт давомида яшаб келган бўлса ҳам, ҳеч қачон ундан хавф кутмаган, балки дўст ва ёрдамчи сифатида кўришган. Маҳаллий аҳоли ҳам, сайёҳлар ҳам чинакам жаннатга қиёслаб келган водий энди «қайғулар водийси»га айланиб қолгани ҳақида ўйлашнинг ўзи даҳшатли эди. Охирги вақтларда газеталарда чиққан хабарларға кўз югуртирдим: «Сватда кучли зилзила рўй берди», «Сват водийси ҳалокатли ҳарбий операция майдониға айланди», «Энди-энди турмуши яхшиланаётган Сватнинг режаларини сув тошқини чиппақка чиқарди». Эҳ, Сват, Сват. Сенга нима бўлди?

Сват халқи толиблар вазиятдан фойдаланиб водийға қайтиб келишидан хавотирға туша бошлади. Дадам дўстлари ва Сват водийси хусусий мактаблар ассоциацияси томонидан йиғилган маблағ эвазига сотиб олинган озиқ-овқат ва кийим-кечакларни Шанглага жўнатди. Яқин дўстим Шиза Шаҳид ва биз Исломободда учрашган баъзи жамоат арбоблари Мингорога келиб, жабрланганлар учун пул йиғишни бошладилар. Аммо худди зилзила вақтида бўлгани каби, ҳукумат вакиллари эмас, балки фақат турли хил исломий гуруҳларнинг кўнгиллилари ва маҳаллий аҳоли чекка ҳудудларға кириб бориб, одамлар ҳолидан хабар олиш ва баҳоли қудрат ёрдам беришға уринишди. Баъзи одамлар ушбу балони мусиқа ва рақсға рухсат берилгани сабабли Худо

тарафидан жўнатилган жазо, дея баҳолашди. Фақат ушбу ғояни тарқатадиган ва одамлар онгига сингдирадиган радио энди мавжуд эмасди.

Одамлар уйларидан ва яқинларидан жудо бўлиб, чуқур қайғуга тушган бир пайтда, «мухтарам» президентимиз, юртбошимиз, давлатимиз раҳбари Осиф Зардари Франция курортларидан бирида оёғини узатиб дам олаётган эди.

– Қандай қилиб ахир, аба, – дедим отамга. – Нега сиёсатчилар халқнинг тақдири билан заррача қизиқмайди? Нега уларни одамларнинг бошпанаси, озик-овқати ва электр токи йўқлиги ташвишлантормайди? Нега? Нега? Нега?!

Исломий гуруҳлар билан бир қаторда, армия ҳам жабрланганларга катта ёрдам қўлини чўзди. Бундан ташқари, америкаликлар ўз вертолётларини айрим одамлар жуда шубҳали деб ҳисоблаган изоляция қилинган ҳудудларга жўнатишди. Энг қизиғи, ушбу табиий офат америкаликлар томонидан НААРП (Юқори частотали таъсир кўрсатиш Аврора тадқиқот дастури) асосида яратилган сўнгги технологиялар ёрдамида келтириб чиқарилган, деган назария пайдо бўлди. Сўнгги илмий ютуқлар америкаликларга океанлар юзасида улкан тўлқинларни яратишга имкон берганлиги, бу эса ўз навбатида, тошқин келтириб чиқаргани ҳақида миш-мишлар тарқай бошлади. Шунингдек, «Америкаликлар қурбонларга ёрдам бериш баҳонасида қонуний равишда Покистонга кириб, жосуслик билан шуғулланмоқдалар», деган гап-сўзлар оғиздан оғизга ўтиб, тарқалиб кетди.

Ёмғирлар тўхтаган бўлса ҳам, аҳоли ҳали ҳам тошқин келтириб чиқарган асоратлардан азият чекарди. Ҳукумат вакиллари тоза ичимлик суви ёки электрни водийга қайтариш тўғрисида бирор оғиз гап айтмасди. Шундай пайтларда ёлғон ҳам қулоққа хуш ёқади. Афсус-

ки, тепса-тебранмас ҳукуматимиз ёлғон ваъда беришни ҳам ўзига эп кўрмади. Август ойида Мингорода вабо касаллиги қайд этилди. Тез орада касаллар сони кўплигидан касалхоналарда жой етишмай қолди ва баъзи касаллар чодирларга жойлаштирилди. Йўлларни сел ювиб кетгани ва ташқи дунё билан алоқа узилиб қолгани сабабли озиқ-овқат маҳсулотларида узилишлар пайдо бўлиб, нархлар ҳам кескин кўтарилиб кетди...

Аксига олиб, чет элдан ҳам айтарли ёрдам берилмади. Бой Ғарб давлатлари иқтисодий инқироз оқибатларидан азият чекишаётганди ва Президент Зардарининг Европага қилган ташрифи Покистонга ҳеч қанақа наф келтирмади. Чет эл ҳукуматлари Зардарига ажойиб тарзда жавоб беришди: «Сиз ўз фуқароларингиздан йиғилган солиқларни оқилона сарфламай, бошқа шубҳали мақсадларда сарфлаб турганингизда, нега биз солиқ тўловчиларимизнинг пулларини мамлакатингизга ёрдам бериш учун сарфлашимиз керак?»

Фавқулодда ёрдам хизматлари ўз вакилларини бизга юборишдан кўрқишди, чунки толибон раҳбарлари узок вақт давомида Покистон насронийлар ва яҳудийларнинг ёрдамини қабул қилмаслиги кераклиги тўғрисида ташвиқот олиб боришганди. Толибонлар таҳдиддан амалий ҳаракатга ўтишдан тап тортмайдиган даражадаги даҳшатли куч эди. Ўтган йилнинг октябрь ойидаги бир нечта таҳдидлардан сўнг, Исломободдаги Жаҳон озиқ-овқат дастурининг ваколатхонасини портлатиб, бешта чет эл фуқаросини ўлдиргани ҳам толибонларнинг нечоғли ваҳший эканидан далолат берарди.

Сват водийсидаги толиблар ҳеч қаерга кетмаганликлари ҳақидаги далиллар тобора ойдинлашиб борарди. Мисол учун, охирги пайтларда икки мактаб портлатилди, қурбонларга ёрдам бериш учун келган хорижликларнинг уч нафар кўнгиллиси ўғирлаб кетилди. Бир

неча кундан сўнг ҳар учаласининг ҳам ўлиги топилди. Бундан бошқа қайғули ҳодисалар ҳам кўп кузатилди. Сват университети проректори, отамнинг дўсти дўхтир Муҳаммад Фаррух ишхонасига бостириб кирган икки нафар қуролланган шахс томонидан отиб ўлдирилди. Дўхтир Фаррух шариатга тўла риоя қиладиган инсонлардан бўлиб, Жамоати-Исломиёй партиясининг собиқ аъзоси ҳисобланган. Толибонларга бўлган ашаддий нафратини изҳор этишдан қўрқмаган дўхтир Фаррух худкуш-террорчиларга қарши фатво ҳам чиқарганди.

Ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан бир ҳафсаламиз пир бўлса, бир юрагимизга қўрқув ораларди. Қочқинликда юрганимда фикру хаёлимни эгаллаган сиёсатчи бўлиш орзуси энди янада кучайди. Мамлакатимизда инқирозлар тез-тез содир бўлаётганига гувоҳ бўлганимдан сўнг бу инқирозларни енгиб ўтишга қодир раҳбарлар йўқлигига амин бўлдим.

НОВЧАРОҚ БЎЛИШ УЧУН ИБОДАТ

Ўн уч ёшга тўлганимдан сўнг негадир ўсмай қўйдим. Илгари доим ўз ёшимдан каттароқ кўринган бўлсам, энди деярли барча дўстларим мендан ўзиб кетишганди. Шундай ҳолат келдики, 30 нафар ўқувчи орасида энг паканаси ўзим бўлиб қолдим. Ҳар оқшом бўйимни ўстиришни сўраб Аллоҳга нола қилардим. Бўйим баландлигини хонамнинг деворига қалам излари қўйиш орқали ўлчаб туриш асосий машғулотимга айланган, эрталаб уйғонганимда, биринчи қиладиган ишим деворга суяниб, бўйим ўсган-ўсмаганини текшириш эди. Аммо, афсуски, қалам белгиси 152 сантиметрда қотиб қолди. Саросимага тушиб қолганимдан, агар Худо бўйимни мен хоҳлаганчалик ўстирса, юз ракаат «Нафл» намозини ўқишга ваъда бердим. Хаёлимда ўта муҳим масалаларга бағишланган бўлса ҳам, паст бўйли инсонларнинг гаплари жиддий қабул қилинмайди, деган стереотип ўрнашиб қолди. Баъзан минбардан бошим чиқиб туриши учун баланд пошналар пойабзал кийишимга тўғри келарди.

Синфдошларимдан бири янги ўқув йилида мактабга боришни тўхтатди. Бунинг сабабини суриштирганимизда, ота-онаси уни балоғат ёшига етиши биланок турмушга бериб юборган экан. Қиз эндигина 13 ёшга тўлганди. Бироз вақт ўтгач, биз унинг эгизак фарзандлар дунёга келтирганини билиб олдик. Кимё дарсида формулаларга боқиб ўтирар эканман, ўн уч ёшли қизнинг мактабни ташлаб, оила қуриши, эрининг, қайно-

на-қайнотасининг хизматини қилиши ва фарзанд дунёга келтириши ҳақида ўйладим. Даҳшат...

Толиблар томонидан келиши мумкин бўлган хавфни бир зум эсдан чиқармаса-да, халқ ҳаёт ташвишларига кўмилиб, водийдаги вазият ҳам аста-секин ўз изига тушиб кетди. Покистон армияси асосий вазифаларидан ташқари доимий равишда маккажўхори ва кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш, телевизион сериалларни суратга олиш каби ҳарбий фаолиятдан мутлақо узоқ бўлган ишларга бош-қош бўларди. Энди халқимизнинг асосий вақти телевизор экранлари олдида, Сват водийсини толибондан озод қилиш операцияси пайтида юз берган реал воқеаларга асосланган «Қарз тугаган жойда» сериалини томоша қилиш билан ўта бошлади. Ушбу операция давомида юздан ортиқ ҳукумат аскарлари вафот этган, тўққиз юзга яқин киши яраланган. Албатта, армия ўз ҳаракатларини экранга олиб чиқиб, кўрсатган қаҳрамонликларини халққа кўз-кўз қилмоқни мақсад қилганди.

Баъзан, мактабдан қайтаётганимда эрлари ва ўғиллари ҳақида маълумот олиш учун келган нотаниш аёлларга кўзим тушарди. Ҳарбий операция давомида юзлаб эркаклар бедарак йўқолган, улар армия ёки ҳарбий разведка томонидан ҳибсга олинган бўлиши мумкин, деган тахминлар пайдо бўлганди. Аммо бу ҳақиқатан ҳам шундайми ёки йўқлигини ҳеч ким айта олмасди. Эрлари ва ўғиллари тақдири ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган аёллар умидсизликка тушиб, уввос солиб йиғлашарди.

Боқувчисини йўқотган баъзи оилалар мисли кўрилмаган оғир аҳволга тушиб қолишди. Покистонда эри вафот этган ёки бедарак йўқолган аёл бошқа турмушга чиқа олмайди. Онам бу бахтиқаро аёлларга эҳтиром кўрсатиб, уйга таклиф қилди, овқатлантирди. Лекин улар Мингорога овқатланиш учун эмас, яқинларини топишда кўмак истаб келганларини бот-бот такрорлашарди...

Эри ёки фарзанди бедарак йўқолган аёллар отам Сват Қуми Жирға (Оқсоқоллар Кенгаши) аъзоси, шунингдек, халқ ва армия ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилганлиги туфайли унга ўз дардларини тўкиб солишарди.

– Мен эрим ҳали ҳам тирикми ёки йўқлигини билмоқчиман, – деди отамдан нажот кутиб келганлардан бири. – Агар у ўлган бўлса, фарзандларини болалар уйига беришим мумкин бўлади. Мен ҳозир на бева, на эрли аёлман.

Бошқа бир аёл эса ўғли ном-нишонсиз кетганини айтди. Аёлларнинг таъкидлашича, маҳаллий аҳоли толиблар билан ҳеч қачон ҳамкорлик қилмаганлар, фақат вақти-вақти билан уларга сув ёки нон бериб туришган. Толибон раҳбарлари очиқликда юрганида, маҳаллий эркаклар панжара ортида ўтирса, адолатсизлик бўлар эди.

Мактабимиз ўқитувчилардан бири уйимиздан бир неча уй нарида яшар эди. Унинг укаси армия томонидан ҳибсга олиниб, кишанланган ва қийноққа солинган, шундан кейин музлаткичга қўйилиб, у ерда вафот этгунига қадар сақланган. Алам қиларлиси, дўкондорлик билан шуғулланган ушбу йигит толиблар билан ҳеч қачон алоқада бўлмаган. Кейинчалик, армия раҳбарияти қурбоннинг адашиб ҳибсга олинганлигини тан олиб, оиласидан кечирим сўради.

Бизнинг уйимизга фақатгина бахтиқаро аёллар келмас эди. Бир куни Форс кўрфазидаги Маскат шаҳрида яшовчи бой тадбиркор отамнинг ёнига келиб, акаси ва беш нафар жияни йўқолиб қолганини ва уларнинг тақдири не кечганини билмоқчи эканлигини айтди. Агар улар ўлик бўлса, бева рафиқаларини уйда сақламаслигини, агар ҳибсда бўлишса, амалий ёрдам кўрсатишини отамдан илтимос қилди. Жиянларидан бирининг дараги чиқиб, отамнинг саъй-ҳаракатлари эвазига озод қилинди.

Албатта, бундай ҳолатлар фақатгина Сватда эмас, балки бутун мамлакатда кўп кузатилганди. Ўша вақтда-

ги Покистонни бедарак йўқолганлар юрти, деб бемалол айтишимиз мумкин. Одамлар суд биноси ёнида бедарак йўқолган қариндошларининг фотосуратлари билан навбатда туришар, ҳеч бўлмаганда уларнинг тақдири не кечгани тўғрисида маълумот талаб қилишарди.

Аммо ўша пайтдаги Покистон масъуллари инсон тақдиридан ҳам «муҳимроқ» масалалар билан банд эди. Ўша пайтдаги қонунчилар Қуръони каримни ҳақоратдан ҳимоя қиладиган «Куфр тўғрисида»ги қонунни қабул қилишди, шунингдек, «Пайғамбар алайҳиссаломнинг муқаддас исмини камситган» киши ўлим жазосига маҳкум қилиниши ёки умрбод қамоққа ташланиши тўғрисидаги меъёрни Жиноят кодексига қўшиб қўйишди.

2010 йил ноябрь ойида ОАВда Осиё Биби исмли насроний аёл осиб ўлдирилгани ҳақида хабар чиқди. Беш фарзанднинг онаси бўлган ва пул топиш учун мева йиғиш билан шуғулланган ушбу аёл Панжобдаги кўримсизгина қишлоқда яшаган. Бир куни ўзи билан бирга ишлайдиган одамларга сув олиб келганида, баъзилар насроний аёл олиб келган сув «ҳаром», бу сув мусулмонларни ҳаром қилиши мумкин, деб ичишдан бош тортади. Ичишдан бош тортган аёллардан бири Осиёнинг қўшниси бўлиб, улар яқиндагина Осиёнинг эчкиси қўшнисининг ҳовлисига кириб кетгани сабабли жанжаллашиб қолишганди. Ушбу воқеани 10 кишидан эшитган бўлсам, ўша 10 киши мана шу жойигача бир хил келаётган эди. Воқеанинг мана шу жойидан бошлаб, воқеаларнинг турли ривожини эшитдим. Ҳар бир айтиб берган одамнинг талқини турлича эди. Энг машҳур талқинга кўра, бир тўда одамлар Осиёдан исломга киришини қатъий талаб қилишган. Осиё эса бунга: «Исо Масих христианлар учун хочда вафот этди, хўш, Муҳаммад Пайғамбар мусулмонлар учун нима қилди?» деб жавоб берди.

Мева йиғувчиларидан бири бу ҳақида дарҳол маҳаллий имомга хабар етказди, имом эса полицияга. Полиция ҳам зудлик билан Осиёни ҳибсга олди, судгача бир йил давомида қамоқда ўтирган Осиё ўлим жазосига маҳкум этилди.

Мушарраф сунъий йўлдошли антенналардан фойдаланишга рухсат берганидан сўнг, телевидение кўплаб каналларни кўрсата бошлаган, биз эса ушбу воқеага дунё ҳамжамияти қандай муносабатда бўлишини кўришимиз мумкин эди. Ҳукмнинг шафқатсизлиги кўпчиликнинг ғазабини кўзғатди. Ҳаттоки, Панжоб штати губернатори, бир пайтлар Беназир Бхуттонинг яқин шериги бўлган Салмон Тасир Осиё Бибини ҳимоя қилиб чиқди. У Осиёни кўриш учун шахсан қамоқхонага ташриф буюрди ва Президент Зардаридан бу бечора аёлга раҳм қилишни сўради. Салмон Тасирнинг «Куфр тўғрисида»ги қонунни «қора қонун» деб атагани кўрсатилган лавҳанинг телевидениеда бир неча бор кўрсатилгани оловга мой сепиб юборди. Жума куни Равалпиндидаги энг катта масжидда имомлар Салмон Тасирни исломнинг душмани деб лаънатлади.

Афсуски, 2011 йил 4 январда Салмон Тасир ўз кўриқчиси томонидан шафқатсизларча ўлдирилди. Ушбу қотиллик губернатор тушдан кейин Исломобод кўчаларидан бири бўйлаб сайр қилаётганда содир этилди. Тансоқчи унга нақ йигирма олтита ўқ узди... Ваҳшийлик... Кейинчалик тергов қилинган қотил бу ишни имомлар чиқарган ўзига хос «фатво»дан руҳланиб, ислом душманларини йўқ қилиш учун бажарганини тан олди. Афсуски, Тасирни ўлдирган баттол қилмишидан заррача пушаймон эмаслигини билдирди. Кўпчилик одамлар ушбу қотилликни ёқлашгани одамларнинг нақадар жохил эканлигидан далолат берарди.

Наздимда мамлакатимиз ақлдан озиб қолгандек туюлди. Наҳотки, менинг ватандошларим қотилни осмон-

га кўтариб мақтаган ва унинг қабих қилмишини Худога маъқул келишига ишонаётган бўлса? Наҳотки!? Наҳотки!? Наҳотки!?

Кўп ўтмай, отам яна бир таҳдидли мактуб қабул қилиб олди. Сал олдинроқ Ҳожи Бобо ўрта мактаби вайрон қилинганини қоралаш муносабати билан ташкиллаштирилган тадбирда отам жўшқинлик билан «Файзуллоҳ шайтонларнинг етакчиси! Нега у ҳибсга олинмаганини ҳалигача тушунмаяпман!» дея нутқ ирод этганди. Тадбирдан кейин одамлар отамга юзланиб, эҳтиёткорликни оширишни маслаҳат беришди. Бир неча кундан сўнг эса уйимизга отам номига ёзилган номаълум хат етиб келди. «Ассаламу алайкум», «Тинчлик-соғлик тилайман» сўзлари билан бошланган ушбу мактубнинг тинчликка заррача алоқаси йўқ эди.

«Имомнинг ўғли бўлсанг-да, сени яхши мусулмон деб атай олмаймиз. Ишонавер, осмонга чиқсанг оёғингдан, ерга кириб кетсанг қулоғингдан тортиб оламиз. Тез кунларда ўлимнинг яқин. Тайёрлан».

Албатта, хатни ўқигандан сўнг отамнинг хавотири бир неча қаррага ошди. Аммо у на ўз қарашларидан ва на инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятдан воз кечмаслигини баралла билдирди.

Ўша пайтларда Америка сўзи ҳар икки суҳбатдан бирида тилга олинарди. Илгари барча муаммоларимизда Ҳиндистонни айблаган бўлсак, энди АҚШ унинг ўрнини эгаллаганди. Баъзилар учувчисиз самолётлар ҳужумларидан шикоят қилса, баъзилар америкалик аскарлар йўлида учраган одамни ўлдириб, гўштини ер экан, деган миш-миш тарқатар эди. Раймонд Девис исмли Марказий разведка бошқармаси агенти Лаҳорда машинасига яқинлашиб келаётган икки мотоциклчини отиб ўлдиргани оловга мой сепгандек бўлди. Раймонд ўз қилмишини бу икки шахс уни тунамоқчи бўлганида

ўзини ҳимоя қилгани билан оқлади. Америкаликлар Девис оддий консуллик вакили экани, унинг Марказий разведка бошқармаси билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини айтган бўлса-да, бу гапларга ҳеч ким ишонмади. Чунки мактаб ўқувчилари ҳам консуллик вакили лицензиясиз машиналарда юрмасликларини ёки ёнида Глоск тўппончаларини олиб юрмасликларини яхши биларди.

Покистон оммавий ахборот воситалари Девис АҚШнинг Покистон разведкасига ишонмай юборган разведка вакили эканлиги ҳақида ёзиб чиқди. Журналистларнинг аксарияти Девис Лаҳорда жойлашган, бир вақтнинг ўзида зилзила ва тошқин қурбонларига катта ёрдам кўрсатган Лашкаре-Таиба номли ҳарбий гуруҳ ҳақида маълумот тўплаётганига қаттиқ ишонишарди. Ушбу гуруҳнинг 2008 йилда Мумбайга қилинган ҳужумни уюштиргани ҳақида ҳам айрим маълумотлар мавжуд эди. Гуруҳнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади – Кашмир мусулмонларини Ҳиндистон ҳукмронлигидан озод қилиш ҳисобланар, аммо негадир улар яқин-яқиндан бошлаб Афғонистондаги фаолиятини кучайтира бошлаганди. Айрим одамлар эса Девис биринчи навбатда мамлакатимиз ядровий арсеналига қизиққани ҳақида айтарди.

Орадан кўп вақт ўтмай Раймонд Девис исми бутун покистонликларга таниш бўлиб улгурди. Бутун мамлакат бўйлаб Американинг Покистон ички ишларига аралашшига қарши норозилик тўлқини тарқалди. Одамлар орасида: «Покистон бозорлари Америкага маълумот жўнатиб турадиган жосусларга тўла», деган гап тарқалди. Девис томонидан ўлдирилган одамлардан бирининг беваси заҳар ичиб ўзини ўлдирганидан сўнг одамлар орасидаги норозилик янада кучайди.

Бир неча ҳафта давомида Вашингтон ва Исломобод ўртасида чигал вазиятни тартибга солиш бўйича музокаралар бўлиб ўтди. Ниҳоят, одамларнинг хоҳиш-

иродаси инobatга олинб, Девис маҳкамага тортилди. Америкаликларга 2,3 миллион доллар миқдорида «қон товонини» тўлаш мажбурияти юкланиб, Девис мамлакатдан чиқариб юборилди. Покистон АҚШдан ўз агентларини чақириб олишни талаб қилди. Бундан буён америкаликларга Покистон визалари берилмаслиги айтилди. Аммо Девис озод қилинган 17 март куни учувчисиз самолёт Шимолий Вазиристондаги Қабилалар Кенгаши биносига ҳужум қилди. Ҳужум оқибатида қирққа яқин киши вафот этди. Кўринишидан, Марказий разведка бошқармаси мамлакатимизда қабул қилинган усуллардан фойдаланган ҳолда ҳаракат қилиши мумкинлигини кўрсатмоқчи эди.

Бир куни бўйим ўсган-ўсмаганини ўлчаш учун кетаётганимда, тўсатдан қулоғимга ғалати овозлар чалина бошлади. Нима бўлаётганини англаш учун отамнинг ёнига борганимда, отамнинг дўстларидан бири кеча АҚШ ҳарбийлари биз сургун пайтида яшаган шаҳарлардан бири бўлган Абботтабадга бостириб кириб, Усама бин Ладенни ўлдиргани ҳақидаги хабарни етказиш учун уйимизга келганини аниқладим. Биринчи рақамли террорчи ҳарбий академиядан бир километр узоқликда жойлашган баланд деворлар билан ўралган виллада яшаб келган экан. Армия раҳбарияти бу ҳақида ҳеч нарса билмаслигига ишониш жуда қийин эди. Газеталар академия курсантлари Бин Ладен уйи орқасидаги майсазорда машғулот ўтказгани ҳақида ёзишди. Ёзишларича, бин Ладен энг кичик рафиқаси Амал исмли яманлик аёл билан олти метрлик девори электр симлар билан ўраб ташланган ушбу қасрнинг энг юқори қаватда яшаган, қолган икки хотини ва ўн бир фарзанди эса қуйи қаватлардан жой олишган экан. Америкалик сенаторлардан бири киноя билан ушбу воқеани қуйидагича шарҳлади: «Бу уйда Бин Ладен яшайди» деган белгидан

бошқа ҳамма нарса Бин Ладеннинг ушбу уйда яшашидан далолат берган».

Дарҳақиқат, пуштунлар яшайдиган ҳудудларда кўп одамлар ўз шахсий ҳаётларини ҳимоялаш ва аёлларнинг қизиқувчан кўзлардан пана қилиш учун уйлари ни баланд деворлар билан ўраб олишади. Аммо уйда телефон ёки Интернет алоқасининг йўқлиги, шунингдек, уй эгаларининг остона ҳатлаб кўчага чиқмасликлари барча учун ғалати туюлар эди. Кейинчалик маълум бўлишича, Бин Ладен ва унинг оиласига озиқ-овқатни курьер ака-укалар етказиб беришган экан.

АҚШ ҳарбийлари Бин Ладенни пешонасидан дарча очишди. Зомби шотирлари унинг қабрини зиёратгоҳга айлантирмаслик учун жасадини вертолётда олиб чиқиб, Араб денгизига улоқтиришди. Кейинчалик тарқалган миш-мишларга кўра, Бин Ладен ҳарбийларга умуман қаршилиқ билдирмаган экан. Курьер ака-укалар ҳам, Бин Ладеннинг вояга етган ўғли ҳам ўлдирилди, аёллар ва болалар ҳибсга олиниб, Покистон қамоқхонасига юборилди. Америка Президенти Барак Обама ҳам ўзида йўқ хурсанд бўлди. «Оқ уй» ёнидаги майсазорда бўлиб ўтган маросимни барчамиз телевизор орқали томоша қилдик.

Дастлаб, бизда Покистон ҳукумати Бин Ладенни йўқ қилиш операциясидан хабардор ва ҳатто, унда иштирок этган, деган тасаввур уйғонганди. Аммо тез орада америкаликлар ёлғиз ҳаракат қилишгани ошкор бўлди. Покистон халқига бу хабар умуман ёқмади. «Терроризмга қарши кураш» деб аталган даврда биз улардан кўпроқ аскаримизни йўқотгандик. Маълум бўлишича, америкаликлар тунда барча радарларни махсус электрон мосламалар ёрдамида тўсиб қўйиб, Покистон чегарасини овоз чиқармайдиган махсус вертолётлар ёрдамида кесиб ўтган. Операция якунига етказилгандан кейингина улар бу ҳақда армиянинг бош кўмондони генерал Ашфақ Каяни

ва Президент Зардарига хабар беришган. Армия қўмондонларининг аксарияти Бин Ладеннинг йўқ қилингани ҳақида телевизион янгиликлардан билиб олишган.

Америкаликлар бошқа иложлари қолмаганлигини таъкидлашди. Улар Покистон ҳарбий разведкаси Бин Ладен билан боғланиб, режалаштириб қўйилган операция тўғрисида огоҳлантириб қўйишидан чўчишган экан. Марказий разведка бошқармаси бошлиғи Покистон разведка хизматини «Ёки қобилиятсиз ёки террорчилар билан ҳамтовоқ»ликда айблади. Отам буни катта шармандалик деб ҳисоблади. Мен ҳам жуда ажабланар эдим. Қандай қилиб бутун дунёга машхур террорчи шунча йил давомида Покистонда бемалол яшаши мумкин?

Бин Ладен қаерда жон сақлагани Покистон махфий хизматига жуда яхши маълум эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмай қўйди. Чунки Покистон марказий разведкаси қудратли ташкилот ҳисобланиб, унда жуда кўп пихини ёрган агентлар хизмат қилишарди. Мана шунақа профессионаллар сайёрамизнинг энг қўрқинчли террорчиси Покистон пойтахтидан атиги юз километр узоқликда яшашини билмасликлари мумкин эмасди. Бундан ташқари, 2005 йилги зилзила пайтида ҳам Покистонда бўлган. Ҳеч бўлмаганда эвакуация ёки ҳодиса асоратларини бартараф этиш чоғида Бин Ладенни кимдир қўриб қолиши мумкин эди-ку! Унинг икки фарзанди ҳам Абботтабад касалхонасида туғилган. Ашаддий террорчи тўққиз йил мобайнида Покистонда, Абботтабаддан олдин бироз муддат Харипурда яшаган ва ундан сал олдинроқ Сват водийсига яширинган. Айнан ўша ерда у 11 сентябрь ҳужуми ташкилотчиси Холид Шайх Муҳаммад билан кўришган.

Бин Ладенни йўқ қилиш операцияси укам Хушал севиб томоша қиладиган жосуслик фильмларидан бирини эслатиб юборди. Бин Ладен ўзини тасодифан ошкор

қилиб юбормаслик учун телефон ёки электрон почтага мурожаат қилмасдан фақат курьерлар хизматидан фойдаланган. Аммо америкаликлар унинг курьерларидан бирини таъқиб қилиб, Пешоварда изига тушишган ва машинасининг давлат рақамларини аниқлаб, Абботтабадгача кузатиб боришган. Шундан сўнг, урни рентген аппарати билан жиҳозланган дрон орқали тасвирга олишганида, баланд бўйли, соқолли одам ҳовли атрофида айланиб юргани маълум бўлган.

Ҳар куни бир-биридан қизиқ янгиликлар тарқалиб, оммавий муҳокамаларга сабаб бўларди. Америкаликларнинг ўзбошимчалигидан кўра, кўпроқ биринчи рақамли террорчининг мамлакатимизда давру-даврон сургани Покистон аҳолисининг аксариятини ғазаблантирди. Баъзи газеталарда америкаликлар Бин Ладенни кўп йиллар муқаддам ўлдиргани ва шу вақтгача жасадини музлаткичда сақлаб келгани, сўнгра улар жасадни ҳарбий академия яқинидаги қасрга жойлаштириб, террорчини йўқ қилиш «операция»сини ўтказганлари тўғрисида хабарлар босилиб чиқди.

Биз кўчаларга чиқиб, Покистон армиясини қўллаб-қувватлаш ҳақида чақирувлар қабул қила бошладик. Нотаниш одамлар уйимизга баннер ташлаб кетишди. Баннерда «Армия 1948, 1965 ва 1971 йилларда сиз учун жанг қилган. Армияни орқасидан пичоқ билан уришганида, нега қўллаб-қувватламайсиз», деган ёзув акс этганди. (Ҳиндистон билан бўлган учта уруш ҳақида гап кетяпти). Аммо армияга қарши киноя ва нафрат акс этган варақалар ҳам тарқалиб кетди. Бир варақада ҳар йили қуролланиш учун 6 миллиард доллар сарфлайдиган (таълимга нисбатан етти баравар кўп) мамлакатда америка вертолётлари чегарадан қандай ўтиб кетиши мумкинлиги сўроқ остига олинганди. Матн охирида «Илтмос, шовқин қилиб, ухлаётган армияни уйғотиб

юборманг!» деган кинояли ёзув ўрин олганди. Яна бир варақада эса «Вертолётни аниқлашга қодир бўлмасда, кабель телевидениесини улашга ярайдиган Покистон радарлари сотилмоқда», деб ёзилганди.

Армия генерали Каяни ва идоралараро разведка бошлиғи Аҳмед Шужа парламентда тушунтириш беришга мажбур бўлишди. Покистон илгари бундай ҳодисани бошидан кечирмаганди. Мамлакатимиз бутун дунёга шарманда бўлди. Бўладиям-да! Сайёрамизнинг биринчи рақамли террорчиси Покистон бурни остида яшаб юрганини «сезмаган» ҳукумат нега шарманда бўлмасин?

Америка ҳукумати Бин Ладеннинг Абботтабаддаги саккиз йиллик фаолияти давомида Покистонга 20 миллиард доллардан кўпроқ маблағ ажратганини эслатиб қўйиб, Покистон аслида ким томонида бўлганини савол қилиб қўйди. Йигирма миллиард доллар... Афсуски, бу маблағларнинг қай тариқа сарфланганини ҳеч ким билмайди. Йигирма миллиард доллар...

2011 йил октябрь ойида отамнинг электрон почтасига мен Амстердамда жойлашган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилот томонидан бериладиган халқаро тинчлик мукофотига номзод бўлганим тўғрисида хабар келди. Қувонарлиси, мен Жанубий Африканинг архиепископи Десмонд Туту томонидан номзод қилиб кўрсатилгандим. Апартеидларга қарши тинимсиз курашган бу инсон доим отамни ҳайратда қолдириб келганди. Аммо мен мукофотга лойиқ деб топилмадим. Отам буни эшитиб жуда қаттиқ сиқилди. Бироқ мен бундан заррача сиқилмадим. Сабаби, бир нечта иш кўрсатган номзодлардан фарқли ўлароқ, мен ҳали сўздан амалга ўтиш имконига эга бўлмагандим.

Кўп ўтмай, Панжоб бош вазири Шаҳбоз Шариф мени Лаҳордаги мактабнинг очилиш маросимида нутқ сўзлашга таклиф қилди. Шаҳбоз Шариф «Дониш мактаби»

деб номланган янги мактаблар тармоғини ташкил қилганлиги билан ном қозонган маърифатпарварлардан. Ушбу мактаблар тармоғининг ўзига хос жиҳатларидан бири – ўқувчиларга ишчи столида вазир портрети тасвири туширилган бепул ноутбукларнинг тарқатилишидир. Бундан ташқари, ўқишга бўлган қизиқишни кучайтириш мақсадида имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган ўғил-қизларга пул мукофотлари жорий қилинганлиги мактабдаги таълим сифатини анча ошишига хизмат қилди. Албатта, мени ҳам қуруқ қўйишмади – қизларнинг таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш кампанияси учун ярим миллион рупия, тахминан 4500 доллар миқдордаги чекни қабул қилиб олдим.

Ҳаётим давомида биринчи маротаба синфдошларим билан толиблар ўрнатган қоидаларни қандай бузганимиз ва яширинча мактабга боришда давом этганимиз тўғрисида гапирдим: «Хурматли ўқувчилар, сизлар тинч-омонликда, хурлик даврида таҳсил олмоқдасизлар. Мен эса қўлимдан китоб ва дафтарларни зўрлик билан тортиб олишганларидагина таълимнинг аҳамиятини англаб етганман. Лекин ҳеч қачон курашишдан тўхтамадим. Сват водийси қизлари ҳеч кимдан қўрқмаслигини исботлашим керак эди-да! Шу сабабли, нима бўлишидан қатъи назар илм олишдан тўхтамасликка қарор қилдим.

Бир куни мактабга келганимда, синфдошларим мени ўраб олди. Бир неча дақиқа нима бўлаётганини англай олмай турганимдан сўнг бир синфдошим ҳаммасини тушунтириб берди:

«Сен юксак унвон ва ярим миллион рупия мукофот пулини қўлга киритдинг!» Отамнинг олдига вазиятни ойдинлаштириш учун борганимда Покистон ҳукумати мени янги таъсис этилган Миллий тинчлик мукофотига лойиқ кўрганини айтди, ўша пайти мендан бахтли одам йўқ эди дунёда. Қулоқларимга ҳам, кўзларимга ҳам

ишонмадим. Ҷша куни журналистлар кўплигидан мактабимиз том маънода телевизион студияга айланганди.

Тақдирлаш маросими 2011 йил 20 декабрда Бош вазирнинг расмий қароргоҳи ҳисобланган тепаликдаги катта Оқ қасрда бўлиб ўтди. Исломободга аввалги ташрифларимда Конституция хиёбони бўйлаб юриб, ушбу иморатга кўзим тушганида доимо лол қолардим. Сиёсатчилар билан учрашишга одатланиб қолганим туфайли ҳаяжонланиш деган тушунча менга ёт эди. Аммо отам Бош вазир Ғилоний авлиёлар оиласидан чиққанлигини айтганда росмана ҳайратда қолдим. Бош вазир менга мукофот ва чекни топширгандан сўнг, мен унга бир қанча илтимосим борлигини билдирдим. Биринчи навбатда, толиблар томонидан вайрон қилинган мактабларни таъмирлаш кераклигини айтган бўлсам, сўнгра сватлик хотин-қизлар учун университет очиб беришда амалий ёрдам кўрсатишини сўрадим. Албатта, Бош вазир менинг талабларимни жиддий қабул қилмаслиги эҳтимолдан йироқ эмаслигини билар эдим ва шу сабабли кўп ишониб қолмадим. Кун келади, мен ўзим сиёсатчи бўламан ва фуқаролар учун зарур бўлган барча шароитни яратиб бераман.

Соврин ҳар йили ўн саккиз ёшгача бўлган ўспиринларга берилиши тўғрисида қарор қабул қилинди ва менинг шарафимга «Малала» деб номланди. Негадир, дадам бу ҳолатдан унчалик хурсанд эмаслигини пайқадим. Аксарият пуштунлар сингари у ҳам хурофотларга ишонар, сабаби Покистонда нарсаларга тирикларнинг номи қўйилиши ирим саналарди. Фақат ўлганларнинг номи абадийлаштирилади. Шунинг учун отам совринга менинг номим берилишини ёмонликка йўйган.

Тобора машҳур бўлиб кетаётганим онамга ҳам хуш ёқмади. У менинг толиблар нишонига айланиб қолишимдан кўрқарди. Унинг ўзи ҳеч қачон жамоат олдида

кўринмаган ва ҳатто суратга тушишдан бош тортган. Онам кўп асрлик анъаналаримизга чин қалбдан риоя қиларди. Аммо у ҳеч қачон отамнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланиши ва мени ўзи билан олиб юришга қарши бўлмаган. Совринни қўлга киритганимдан сўнг, онам мени ёнига олиб қуйидаги гапларни айтди:

«Менга ҳеч қанақа совринлар керак эмас. Менга қизим керак. Дунёдаги барча мукофотларни кипригингни толасига алишмайман».

Мукофот машмашалари яқунланганидан сўнг, мактабда отамнинг хонаси ёнидан ўтиб кетаётганимда, ёнига чақириб олиб, қуйидагиларни таъкидлади:

«Биз истаган нарса болаларга билим олиш имкониятини беришдир. Бунинг учун эса инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланишимиз ва сиёсий кампанияларда қатнашимиз керак. Жанг қилишнинг бошқа усули йўқ. Менинг энг муҳим истагим – ўз фарзандларимни ва бутун халқимизни саводли қилишдир. Бунинг учун қўлимдан келган барча ишни қиламан. Аммо сиёсатчиларимизнинг ярми ёлғон гапираётганини, қолган ярми толибон билан ҳамкорлик қилаётганини кўрсам, тепа сочим тикка бўлади. Ҳар биримиз ҳақиқат учун курашишга мажбурмиз».

Уйга қайтганимда, бир гуруҳ журналистлар мендан интервью олмоқчи эканлиги маълум бўлди. Табиийки, бундай тадбир учун иложи борича чиройли кийиниш керак эди. Аввалига қўйлақларим орасидан энг яхшисини кийишни ўйладим, кейинчалик эса одамлар кийимига эмас, фикрларимга қулоқ солишини истадим.

Суҳбатнинг эртасига мактабга келганимда, барча дўстларим сирли жилмайиб туришганини кўрдим. Синфга киришимни биламан, ҳаммаси бир овоздан бақириб юборди: «Сюрприз!»

Қизлар пул йиғиб, «Муваффақият тилаймиз!» ёзуви туширилган торт сотиб олишган экан. Дўстларим кувончимга шерик бўлганидан бағоятда хурсанд бўлдим.

– Энди дарсга қайтамиз, март ойида имтиҳонлар борлигини унутманг!

Хурсандчилигимиз Марям хонимнинг ультиматумидан сўнг якунига етди.

Ўша йили қайғули воқеа билан якунланди. Мен мукофот олганимдан беш кун ўтгач, онамнинг катта синглиси Бабо хола тўсатдан вафот этди. Аламлиси, у ҳали элик ёшга ҳам кирмаган эди. Холам қандли диабет билан оғриган экан. Ўлим сабаби қуйидагича бўлган: холам телевизорда бир табибнинг беморларга мўъжизавий даволаниш усулини таклиф қилаётгани ҳақида реклама ролигини кўриб қолган ва эри билан маслаҳатлашиб, айнан шу табибдан муолажа олишга қарор қилган. Холам қандай дори қабул қилгани фақат Худога аён. Аммо айнан шу табибнинг дориларидан сўнг холамнинг аҳволи ёмонлашиб, тез орада нариги дунёга равона бўлди. Отам ушбу шифокорни одамларнинг жоҳиллигидан фойдаланган каззоб, дея атади.

Менга келсак, Покистон ҳукумати, вилоятимиз Бош вазири ва Синд ҳукуматининг ҳар биридан мактабимиз учун ярим миллион рупия ундиришга муваффақ бўлдим. Шунингдек, армия кўмондони генерал Ғулом Қамар мактабимизга кимёвий лаборатория ва кутубхона ташкил этиш учун 100 минг рупия хайрия қилди. Аммо кураш ҳали якунланмагани аниқ эди. Мукофотлар, эътироф ва шон-шараф мен учун охирги манзил эмасди. Эришган ютуқларим билан тўхташ ниятим ҳам йўқ эди. Урушдан ғалаба қозониб чиқиб, завқ-шавққа тўлган кўшинларнинг қайғули тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи тарих сабоқлари хотирамда муҳрланиб қолганди. Ҳақиқий курашда ғалаба қозонишимиз керак эди, кичик жангларда эмас.

Улар менга берган пулга отам мен учун янги тўшак ва шкаф сотиб олди, онам эса тишига имплант қўйдирди. Шунингдек, биз отам туғилган қишлоқ бўлмиш Шангладан ер сотиб олдик. Қолган барча пулларни муҳтожларга ёрдам бериш учун сарфлашга қарор қилдик. Мен камбағал оилалар болаларининг таълимини молиялаштирадиган фонд яратмоқчи эдим. Чиқинди тепалигида изғиб юрган болаларни кўргач, буни дилимга тугиб қўйгандим. Ўшандан бери юзлари хиралашган ва сочлари ифлосланган бу болалар кўз ўнгимдан кетишмасди. Уларнинг ҳам ҳаммага ўхшаб билим олишга ҳақлари бор! Синфимиздаги йигирма бир нафар қиз биргалашиб конференция ўтказдик ва Сват водийсидаги барча қизлар бошланғич таълим олишлари кераклиги тўғрисида қарор қабул қилдик. Конференцияда уйсизлар ва болалар меҳнати масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бир куни Малаканд довони орқали кетаётганимда апельсин сотаётган ўспирин қизга кўзим тушиб қолди. У на ўқишни ва на ёзишни билиши кундек равшан эди. Мен уни суратга олдим ва бу каби қизларга билим олишлари учун барча имкониятларимни ишга солишга ваъда бердим. Мен олиб бораётган курашдаги ҳал қилувчи паллалар ҳали олдинда эди...

18-боб

АЁЛ ВА ДЕНГИЗ

Нажма хола тинмасдан кўз ёши тўкарди. Кейин билсам илгари денгизни кўрмаган экан. Бутун оиламиз билан тош устида ўтириб, тахир ҳаводан нафас олганча, Араб денгизининг бепоёнлигидан лол қолдик. Чексиз туюлган ушбу денгизнинг бошқа қирғоғи бормикан-а? Ўзимни бахтнинг энг юксак чўққисидагидек тасаввур қилдим ва қулоғимга шивирладим:

– Кун келиб мен бу денгизни кесиб ўтаман!

Менинг гапим Нажма холага эриш туюлдими, «Нима деяпсан?» дея хаёлларимни тўзғитиб юборди.

Ўттиз йил денгиз бўйидаги Карачи шаҳрида яшаб ҳеч қачон денгиз қирғоғига бормаслик мумкинми? Ғалати-я? Эри уни қирғоққа олиб боришга на вақти, на хоҳиши бор эди, ундан фақат уйда қолишни талаб қиларди. Агар ўзи денгизга боришни хоҳлаб қолса ҳам, хоҳишини амалга оширишга жазм эта олмасди. Сабаби оддий – у ҳам жоҳилият қурбони. У ҳам на ўқишни, на ёзишни билади...

Тош устида ўтириб, узоқ-узоқларга назар ташлаганча денгизнинг бошқа қирғоқларида аёллар эркин ва мустақил бўлган мамлакатлар борлиги ҳақида ўй сурдим. Тўғри, Покистонда ҳам аёл киши бош вазир бўлган. Исломободда эса бир қанча шифокор ва адвокат сифатида ишлайдиган аёллар билан учрашганман. Аммо улар етарлича эмас. Мамлакатимиздаги деярли барча аёллар эркакларга қарам ҳисобланади. Мактабимиз директори Марям хоним ўзини эплаб кета оладиган,

зиёли аёллардан, Аммо бизнинг жамиятимизда у ёлғиз яшаши мумкин эмас. Эри, ота-онаси ёки ака-укаси билан яшаши шарт.

Покистонда мустақилликни талаб қиладиган аёллар оталарига, эрларига ва ака-укаларига бўйсунитишни истамайдиганлар, деб ҳисобланади. Бу ғирт бемаънилик. Биз фақатгина ўзимиз мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлишни истаймиз. Ўқиш ёки ишлашни ўзимиз ҳал қилишимиз керак. Муқаддас Қуръоннинг ҳеч бир жойида аёл эркакка қарам бўлиши кераклиги айтилмаган. Ер юзида яшовчи ҳеч бир жонзот осмондан «Аёл фақат эркак хоҳлаган нарсани қилиши керак», деган овозни эшитмаган.

«Сенинг фикрларинг воқеликдан минг километр нарида, Жани», – отам фикрларимни тўзғитиб юборди. – Нима ҳақида ўй суряпсан?»

– Океанни кесиб ўтиш ҳақида, аба, деб жавоб бердим.

– Унут ҳаммасини! – бақирди Атал укам. – Ундан кўра туяда пойга ўйнаганимиз маъқул!

2012 йил январь ойида Синд вилоятининг ҳукумати янги очилган қизлар мактабларидан бирига менинг номим берилганлигини эълон қилгандан кейин биз «Гео TV»нинг таклифига биноан Карачига келдик. Ўша пайтда Хушал Абботтабаддаги мактаб-интернатда ўқирди ва ўқишидан рухсат ола билмади, шунинг учун Карачига фақат ота-онам, Атал ва мен борганмиз. Биз бу ерга самолётда етиб бордик. Барчамиз учун бу ҳаётимиздаги илк парвоз ҳисобланарди. Икки соат ичида жуда катта масофани босиб ўтганимизга ақл бовар қилмасди. Сабаби, шунча масофани автобусда босиб ўтиш учун икки кун талаб этиларди. Самолётда баъзи одамлар ҳарфлар ва рақамларни танимаслиги сабабли ўз жойларини топа олмаётганини пайқадим. Мен дераза ёнидан жой олдим ва самолёт қаноти остидан ўтаётган

чўл ва тоғларга зимдан назар солдим. Водийдан узоқлашишим билан Она юртимни соғина бошладим. Шундан кейингина Карачига ишлаш учун кетаётган одамлар нега ўртанишини тушуниб етдим.

Аэропортдан меҳмонхонага қайтаётиб кўчаларда одамлар ва машиналарнинг кўплигини кўриб ҳайрон қолдим. Аслида, Карачи дунёдаги энг йирик шаҳарлардан биридир. Покистон ташкил топган йили бу шаҳар 300 минг аҳолиси бўлган кичик порт шаҳри бўлган. Муҳаммад Али Жиннаҳ бу ерда яшаган ва Карачини биринчи пойтахтимиз, деб эълон қилган. Кўп ўтмай, бу ерга Ҳиндистондан урду тилида сўзлашадиган миллионлаб мусулмон қочқинлар ёпирилиб келган. Бугунги кунда Карачи аҳолиси тахминан 20 миллион кишини ташкил қилади. Аммо Карачи ҳақида гап кетганда шаҳар жуда нотинч, дея таърифланади. Асосий жанжаллар муҳожирлар ва пуштунлар ўртасида бўлиб ўтади. Муҳожирлар яшайдиган туманлар яшашга яроқлилиги ва тозалиги билан ажралиб туради, пуштун туманлари эса, аксинча, унчалик тоза ҳисобланмайди. Деярли барча муҳожирлар МҚМ партиясини бир овоздан қўллаб-қувватлашади. Аммо ушбу партиянинг етакчиси Альтаф Ҳусейн мамлакатдан чиқариб юборилган ва ҳозирда Лондонда яшайди. Айтишларича, Ҳусейн тарафдорлари билан «Скуре» орқали алоқада бўлиб турар экан. МҚМ – бу яхши ташкил этилган партия бўлиб, муҳожирлар ҳамжамияти билан жуда яқин алоқалар ўрнатган. Пуштунлар эса неча йиллардан бери бирлаша олмасдан сарсон. Пуштунлар муҳожирлардек бир ёқадан бош чиқариб битта партияни эмас, бошбошдоқлик билан турли хил партияларни қўллаб-қувватлашади.

Синд ассамблеясида сўзга чиққанымда томошабинлар мени қарсақлар билан кутиб олишди. Ассамблея якунланганидан сўнг бир нечта мактабларга, жумла-

дан, ўз номим берилган мактабга ҳам ташриф буюрдик. Мен таълимнинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзладим. Беназир Бхутто ҳақида гапириш ҳам ёдимдан кўтарилмади. Сўзим охирида барчани қизлар ҳуқуқлари учун курашишга даъват этдим. Мактаб ўқувчилари биз учун бир нечта кўшиқлар куйлашди. Мактаб маъмурияти менга ўз портретимни совға қилди. Таълим муассасаси эшиги олдидаги плакатда ўз исмимни кўриш менга фахр туйғусини ҳадя этди. Навбатдаги мактаб таътилларида отам билан Сватнинг тоғли ҳудудларига бориб, у ерда яшовчи болалар ва уларнинг ота-оналарига ўқиш ва ёзишни ўрганиш кераклигини тушунтиришни режалаштириб кўйдик. Ахир, отам айтганидек «Биз таълимнинг миссионерларимиз».

Худди шу куни амаким ва холамникига ташриф буюрдик. Улар жуда кичик ва тор уйда яшашар, отам эса талаба бўлганида нега опаси ва поччаси уни уйларига кўйишдан бош тортганини тушуниб етди.

Ашикан э-Расул хиёбонидан ўтаётганимизда губернатор Салмон Тасирнинг умрига зомин бўлган қотилнинг атиргул гулчамбарига безатилган портретига кўзимиз тушди. Қотилни авлиё сифатида ҳурмат қилинаётганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушладик.

– Наҳотки, бу шаҳарда яшовчи йигирма миллион одам орасида бу гулчамбарни йиртиб ташлайдиган одам йўқ бўлса? – отам ғазабланди.

Карачида бўлган одам, албатта, ташриф буюриш керак бўлган бир масканга бориши лозим ва лобуд – Покистон асосчиси ва буюк давлат арбоби Муҳаммад Али Жиннаҳ нинг мақбарасига. Ҳайбатли деворлари шаҳар шовқинидан асраб турган ушбу масканга гўёки сокинлик ин қуриб олганди. Покистоннинг ҳар бир фуқароси учун Жиннаҳ нинг қабри ҳақиқий зиёратгоҳ ҳисобланади. Покистонга қайтиб келиб, илк нутқини сўзлаш учун

айнан шу жойга кетаётган Беназирнинг автобуси портлаб кетган...

Қоровул бизга асосий залдаги Хитойда ишлаб чиқарилган улкан қандил остида жойлашган қабр, аслида, бўш эканлигини тушунтирди. Жиннаҳ нинг жасади пастки қаватдаги қабрда экан. Унинг ёнида орадан кўп йиллар ўтиб вафот этган синглиси Фотима ётади. Шунингдек, дайди ўқ эвазига ҳалок бўлган биринчи Бош вазиримиз Лияқат Али Хоннинг қабри ҳам шу ерда.

Қабрларни зиёрат қилиб бўлганимиздан сўнг бионинг орқа қисмида жойлашган музейга бордик. У ерда Жиннаҳнинг Париждан махсус буюртма қилдирган оқ бўйинбоғларини, Лондонда тикилган уч қисмли костюмлари ва йигирма жуфтликни ўз ичига оладиган махсус саёҳат пойабзали қутисини, шу жумладан, унинг севимли икки рангли оёқ кийимларини кўрдик. Ҳамма ер фотосуратлар билан безалган эди.

Жиннаҳнинг портретдаги ғамгин чехрасига боқиб турибман. Юзи рангсиз ва сўлғин... У кунига эллик дона сигарет чекарди. Британиянинг Ҳиндистондаги охириги ноиби Луи Моунтбаттен Ҳиндистон икки суверен қисмга бўлинишини эълон қилганида, Жиннаҳ аллақачон сил ва ўпка саратонига чалинган эди. Аммо у касалликка энгилишни истамади. Кейинчалик, Моунтбаттен айтганди: «Агар Жиннаҳ нинг санокли кунлари қолганини билганимда эди, Покистон мустақиллигини эълон қилмаган бўлар эдим».

Жиннаҳ Покистон мустақил давлат бўлганидан бир йил ўтиб, 1948 йил сентябрь ойида вафот этди. Уч йилдан сўнг биринчи Бош вазиримиз ўлдирилди. Мамлакатимиз «бешикдалигидаёқ» бахтсизликларга дучор бўлди. Музейдаги махсус экранда Жиннаҳ нинг энг машҳур чиқишлари матнларини ўқиш мумкин эди. Улардан бири янги Покистон фуқароларига диний эътиқодга

тўлиқ эркинлик берилиши ҳақида экан. Бошқа бир нутқида эса Жиннаҳ аёлларнинг мамлакат ҳаётидаги тутган ўрни ҳақида гапирган. Унинг ҳаётида муҳим роль ўйнаган аёлларнинг фотосуратларини кўришга қизиқиб қолдим. Музейдаги китоб-альбомдан Жиннаҳ нинг шахсий ҳаёти ҳақида билиб олдим. Унинг парси диний оқимига (зардуштийлик) тегишли бўлган рафиқаси жуда ёш вафот этган экан. Уларнинг ягона қизи Дина Ҳиндистонда яшаган, бир мусулмонга турмушга чиққан ва эри Покистонга кўчиб ўтишни хоҳламаган. Ҳозирда улар Нью-Йоркда яшашяпти экан. Расмларнинг аксариятида Жиннаҳнинг синглиси Фотима ҳам акасига ҳамроҳ эди.

Мақбарани зиёрат қилганимдан ва Жиннанинг нутқлари билан танишганимдан сўнг, хаёлимга Жиннаҳ Покистоннинг ҳозирги аҳволини нариги дунёдан кўра туриб, надомат чекаётган бўлса керак деган, фикр келди. Албатта, Жиннаҳ ўз ватанини бутунлай бошқача ҳолатда кўришни хоҳлар, Покистонда эркинлик, мустақиллик ва бағрикенглик ҳукм суришини истарди. Эҳтимол, у билан ҳозир гаплашаётган бўлганимда, менга куйидаги гапларни айтган бўларди:

«Сиёсий ва диний қарашларидан қатъи назар, одамлар бу диёрда тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшашларини истардим».

«Балки мустақилликни қўлга киритмасак ва Ҳиндистоннинг бир қисми бўлиб қолсак яхши бўлармиди?» – отамдан сўрадим. Отам сукут сақлади...

Ҳиндистонда ҳиндлар ва мусулмонлар ўртасида азалий адоват борлигини яхши билардим. Покистон ташкил топгандан кейин ҳам адоват тўхтамади, балки янада авж олиб, энди муҳожирлар ва пуштунлар, шунингдек, суннийлар ва шиалар ўртасида тўқнашувлар юзага келди. Бизнинг вилоятлар бир-бирларини таб-

риклаш ўрнига, ўзаро тўқнаш кела бошлади. Синд вилоятининг аҳолиси суверенитет масаласини доимий равишда кўтариб чиқа бошлади, бизнинг энг чекка провинцияларимиздан бири бўлган Балужистондаги урушлар ҳам ҳеч қачон тўхтамади. Мамлакатда сиёсий беқарорлик ҳукм сурди. Аламлиси, одамлар бунақа беқарорликларга кўникиб ҳам қолди. Покистон бир нечта қисмларга бўлиниб кетиш хавфи остида қолди.

Музейдан чиқаётганимизда кўчада байроқ кўтарган бир гуруҳ ёшларга кўзимиз тушди. Кейин билсак, улар Жанубий Панжобда яшовчи Сараики халқининг вакиллари экан. Намойишчилар ўз ерларига мустақил вилоят мақоми берилишини талаб қилишарди.

Аслида, уришаман, деса сабаб тиқилиб ётибди. Христианлик, ҳиндуийлик ва яхудийлик исломнинг ашаддий душмани эканлиги ҳақида тез-тез эшитамиз. Майли булар-ку бошқа дин экан, лекин нега мусулмонлар ўртасида ҳам доим тўқнашувлар бўлиб туради? Саволимга узоқ ўйлаб, жавоб топгандек бўлдим: халқимиз ёлғонлар асирига айланиб қолган. Одамлар исломни кофирларнинг тажовузларидан ҳимоя қиляпмиз, деб ўйлашади. Лекин, аслида, улар толиблар сингари Қуръони каримнинг маъносини бузиб талқин қилаётган экстремистларнинг тузоғига тушишяпти.

Менимча, амалий муаммоларга кўпроқ эътибор қаратсак, яхшироқ бўлар эди. Мамлакатимизда саводсизлар жуда кўп. Аёлларнинг саводи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Устига-устак кунда кунора мактаблар портлатилгани ҳақида эшитиб қолмоқдамиз. Шунингдек, Покистоннинг кўплаб ҳудудлари электр таъминотисиз қолмоқда. Мамлакатимизда бирор кун қотилликсиз ўтмайди...

Бир куни Шахло Анжум исмли покистонлик журналист меҳмонхонамизга ташриф буюрди. У Аляскада яшабини ва «New York Times» веб-сайтида мен ҳақимда

олинган хужжатли фильмни томоша қилиб, мен билан учрашиш иштиёқи туғилганини очиклади. У билан бироз гаплашганимиздан сўнг отам уни сўроққа тута бошлади. Мен унинг кўзларида ёш борлигини пайқадим.

– Зиёвуддин, толиблар бегуноҳ қизларга таҳдид қилаётганини билиясизми? – Шахло хўнграб йиғлаб юборди. Отам унинг нимани назарда тутганини тушунмади. Шундан сўнг Шахло ноутбукини чиқариб, Интернетга кириб, ўша куни толибон икки аёлни, яъни Дири шаҳрида яшовчи ҳуқуқ ҳимоячиси Шод Бегум ва мактаб ўқувчиси Малала Юсуфзой (яъни мен) ўлимга ҳукм қилгани ҳақидаги хабарни кўрсатди. Баёотда қуйидаги сўзлар ёзилганди:

«Бу аёллар имонсизликка даъват қилишмоқда, шунинг учун уларни жаҳаннамга тезроқ равона қилиш ҳам фарз, ҳам қарз».

Мен бу таҳдидларни жиддий қабул қилмадим, чунки бунақа гапларни Интернетда ёзиш жуда осон. Агар ўлдирадиган одам, Интернет орқали қўрқитиб ўтирмайди, шарт келиб тинчитиб кетади.

Кечкурун сўнгги бир ярим йилдан буён биз билан бирга яшаётган оила бошлиғи отамга кўнғироқ қилди. Уларнинг олдинги уйининг томи ёмғир пайтида вайрон бўлганди. Ўша пайтда уйимизда иккита ортиқча хона бўлгани боис отам арзимаган ижара пули эвазига уларни уйимизга жойлаштирганди ва уч нафар фарзандини мактабимизга бепул қабул қилганди. Мен ва укаларим уйимизга ижарачилар келганидан хурсанд бўлдик. Чунки, энди полициячилар ва ўғрилар ўйинини ўйнаш учун шерикларимиз нақд эди.

Ўша ижарачининг телефон қилишдан мақсади бизга таҳдид қилинганини аниқлаштириш учун бизникига

полиция келгани ҳақида хабар бериш бўлган экан. Суҳбатни тугатгандан сўнг, отам Мингора полиция бўлими бошлиғининг ўринбосарига қўнғироқ қилди ва ундан ҳам таҳдидлар ҳақида эшитди.

– Нега бу ҳақда сўраяпсиз, аниқ маълумотингиз борми? – отам ташвишга тушиб сўради.

Офицер аниқ бир нарса айтмади, фақат отамдан Мингорага қайтиб келганида полиция бўлимига учрашишини сўради. Шундан сўнг, бизнинг Карачига қилган саёҳатимиз аввалги жозибасини йўқотди. Мен ота-онамнинг кўзларида ғамгинликни кўрдим. Опасининг ўлимидан ташвишга тушиб юрган онам мукофотларим ортидан бошимга балолар ёғилишидан кўрқарди. Бечора онам. Ўзини қўярга жой топа олмади...

– Нега бу қадар ташвишланаяпсиз? Интернетдаги ушбу аҳмоқона таҳдидлар туфайлими, – ўшқирдим ота-онамга қараб.

Ота-онам менга уйдан қилинган қўнғироқ ҳақида гапириб беришди ва вазият мен ўйлагандан ҳам жиддийроқ эканлиги ҳақида огоҳлантиришди. Негадир мен умуман кўрқмадим. Ахир, барчамиз эртами-кечми барибир ўламиз. Ер юзида яшовчи ҳеч бир жонзот бу тақдирдан қочиб қутула олмайди. Ўлимингизга нима сабаб бўлиши муҳим эмас – сувга чўкиб ўлиш, саратон касаллиги ёки отилган ўқ. Инсон ҳуқуқлари бўйича фаолиятимни тўхтатмасликка қатъий қарор қилдим.

– Эҳтимол, бироз вақтгача жим турганинг маъқулдир, Жани, – таклиф киритди отам.

– Бунинг иложи борми? – жавоб бердим. – Ўзингиз ҳаёт бу дунёда энг муҳими эмас, ҳатто ўлсак ҳам, бизнинг овозимиз эшитилади, деб айтмаганмидингиз? Курашни тўхтатишга ҳаққимиз йўқ!

Мени доимий равишда турли учрашув ва конференцияларда нутқ сўзлашга таклиф қилишарди. Ўз навбати-

да, мен ҳам толибларнинг қасос олишдан қўрқаётганимни билдириб, одамларга рад жавобини бермоқчи эмас эдим. Ахир, мағрур ва қўрқмас пуштун халқига мансуб киши ҳеч қачон қўрқмаслиги керак! Отам тез-тез қахрамонлик пуштунлар қонида борлиги ҳақида уқтирган.

Шунга қарамай Сватга юрагимизни қўлтиқлаб қайтдик. Отам дарҳол полицияга мурожаат қилди, у ерда менга ўзим ҳақимдаги файлни кўрсатишди. Ушбу файлда менинг инсон ҳуқуқлари бўйича фаолиятим толибларни ғазаблантираётгани акс этганди. Полиция ходимлари толиблар билан ҳазиллашиш яхши оқибатларга олиб келмаслигини уқтирди. Шунингдек, махсус эҳтиёт чоралари кўрилишини айтишди. Полициядагилар менга кўриқчи ажратишни таклиф қилишганида отам бир нечта кўриқчилари бўлса ҳам, Сватнинг кўп-лаб оқсоқоллари ўлдирилганлигини, шунингдек, Панжоб губернаторини ўз кўриқчиси ўққа тутганини рўкач қилиб, бунга рози бўлмади. Бундан ташқари, у менинг ортимдан эргашган қуролланган соқчилар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини ташвишга солишини яхши билар эди. Тўғри, отам ҳам бир пайтлар танқидлар нишонига айланган, аммо сира қўрқмаган. Ҳозирда гап мен ҳақимда кетаётгани учун отамнинг ичига ҳадик кириб олгани яққол билиниб турарди. «Агар кимнидир ўлдириш керак бўлса, мени ўлдиришсин. Боламга тегишмасин! Отам бу мавзудаги якуний гапини айтди.

Шуларни ўйлаб, отам мени Абботтабаддаги Хушал ўқийдиган мактаб-интернатга юборишни таклиф қилди. Аммо мен кетишдан қатъиян бош тортдим. Отам билан учрашган армия қўмондонларидан бири уни Абботтабаддаги мактаб-интернат мен учун ишончли ҳимоя маскани бўлишига ишонтирди. Аммо ўзимга эътиборни жалб қилмасам, Сватда менга ҳеч ким тегмаслиги тайин эди. Шунинг учун, Хайбер Пахтунхва вилояти ҳукумати

мени тинчлик элчиси этиб тайинлашни таклиф қилганда, отам бу таклифни рад этишни жоиз деб топди.

Тунда дарвозани қулфлайдиган одат чиқардим. Онам менинг қўрқувни ҳис қилаётганимни сезиб, отамга шикоят қилди. Отамнинг ҳолатини ҳам яхши деб бўлмасди. У менга кечалари хонадаги пардаларни тушириб қўйишимни айтар, лекин доимо буни унутиб қўярдим.

«Ғалати воқеалар ҳали ҳам содир бўлмоқда, аба», дедим отамнинг тиззасига бош қўяр эканман. «Толиблар водийда очиқчасига ўзбошимчалик қилганларида, биз ҳеч нарсадан қўрқмасдик. Ва энди толиблар ҳайдаб чиқарилганидан кейин биз қўрқа бошладик.

– Ҳа, Малала, – деди отам хўрсиниб. – Энди толибларнинг барча ёвузликлари сен ва мен каби одамларга, ўзларига душман деб билганларга қаратилган. Улар энди бошқаларга аҳамият бермайдилар. Фойтун ҳайдовчилари ва дўкон эгалари энди тинч яшашлари мумкин. Толиблар бир нечта аниқ мақсадларни ўз олдларига қўйишди ва биз ҳам ушбу нишонлар қаторига кириб қолдик.

Мен олган мукофотларнинг бир салбий томони бор эди – улар жуда кўп дарс қолдиришимга сабаб бўларди. Март ойи имтиҳонларидан сўнг шкафимда яна бир кубок пайдо бўлди. Фақат иккинчи ўрин учун...

ШАХСИЙ ТОЛИБОНЛАШУВ

– Кел, кинолардагидек «вампи́р-вампи́р» ўйнаймиз, – дея таклиф бердим дўстим Монибага.

2012 йил апрель ойи. Мактаб жамоаси билан ҳавоси салқин, атрофи баланд тоғлар билан ўралган сўлимгина гўша – Марғузорга ташриф буюрдик. Биллурдек зилол сув оқаётган дарё қирғоғида бироз пикник қилмоқни режалаштирдик. Шу яқин ўртада илгари валининг ёзги қароргоҳи вазифасини ўтаган «Оқ уй» меҳмонхонаси жойлашган эди.

Саёҳатдан мақсад – оғир ўтган имтиҳонлардан сўнг бироз ҳордиқ чиқариб олиш. Умумий ҳисобда 72 ўқувчи-қиз саёҳатга чиқишди. Ўқитувчиларимиз ва отаонам бизга ҳамроҳлик қилишди. Отам учта автобус ёллади, аммо барча одам автобусларга сиғмагани боис беш киши – мен, Мониба ва яна уч нафар қиз мактаб микроавтобусига жойлашдик. Биз манзилга жуда қийналиб етиб олдик, чунки микроавтобус полида пикник учун олинган товук гўшти ва гуруч ҳам ортилган эди. Бахтимизга, манзил ярим соатлик бўлиб, шунинг учун кўнглимизни чўктирмасдан, аксинча, йўл бўйи кўшиқлар куйлаб бордик.

Оппоққина Мониба жуда-жуда лобар кўринарди. Шу сабаб, қизиқсиниб ундан сўрадим:

– Қандай крем ишлатасан?

– Сен билан бир хил, – жавоб берди у.

Мен унинг рост гапирмаётганини яхши билардим.

– Бўлмаса, нега менинг терим рангсиз-у, сеники тиниқ?

Мониба бунга жавобан шунчаки елкасини қисди.

Биз «Оқ уй»га ташриф буюрдик, вали ётган хонани ва чаманзорлар, боғ-роғларни айланиб чиқдик. Афсуски, тошқин пайтида катта зарар кўрган вали идорасини кўра олмадик.

Дарахтлари аллақачон куртаклай бошлаган ўрмон бўйлаб юриб, майсазорлар атрофида югуриб, суратга тушдик, сўнгра дарёга тушиб, бир-биримизга сув сепа бошладик. Томчилар офтобда жилоланиб, ўзгача гўзаллик касб этарди. Тўсатдан, бироз баландроқда, тошлар орасидан қанақадир шовқин эшитилди. Биз бир мунча вақт тинчланиб қолдик. Ўртадаги сукунатни Мониба-нинг менга сув пуркаб, қочиши бузди.

– Тўхта, ярама! – қичқирдим ғазабланиб. – Кийимларимни ҳўл қилдинг-ку! Мониба қиқир-қиқир кула бошлади. Шундан сўнг мен ундан узоқлашиб, Мониба ёмон кўрган икки қизнинг ёнига бордим. Мониба билан яна бир марта содир бўлган «даҳанаки» жангимиз кайфиятимни бироз туширди, лекин кечки овқат қилиш учун тепаликка чиққанимизда, яна кайфиятим кўтарилди. Ҳайдовчимиз Усман Бхай Ян ҳар доимгидек кулгили воқеаларни айтиб берди. Марям хоним ўз фарзандлари – гўдак ўғли ва икки ёшли Ханнани бирга олиб келганди. Болакайлар кўғирчоқларга ўхшашар, аммо кўғирчоқдан фарқли ўлароқ, бир дақиқа ҳам тек туришмасди.

Аммо овқатланишни бошлашимиз билан кўнгилсиз ҳодиса юз берди. Мактаб ходимлари товуқ бульони солинган идишни оловга қўйганларида бу овқат бунча одамга етмаслиги аён бўлганди. Ходимлар ўйлай-ўйлай бульонга дарё сувини қўшишга қарор қилишди. Натижада, бульоннинг таъми роса бузилиб кетди. Бу умрим давомида қилган энг ёмон тушлик эди.

Ҳар доимгидек, экскурсия якунида отам тош устида туриб, биздан ушбу кун ҳақидаги таассуротларимиз

билан ўртоқлашишимизни сўради. Бу сафар аксарият қизлар учун энг катта таассурот даҳшатли кечки овқат бўлди. Қизлар кечки овқат ҳақида гапирганларидан сўнг отам уятдан ер чизиб қолди.

Эртаси кунни эрталаб мактабимиз ишчиси уйимизга сут, нон ва тухум олиб келди. Бу аёл киши қиладиган иш эмас, деб ҳисоблагани учун эшикни ҳар доим отамнинг ўзи очарди. Ишчи дўкон эгаси хат нусхасини берганини маълум қилди. Ушбу хатни ўқиб, отамнинг авзои бироз бузилди ва «Мактабимизга қарши ваҳший ташвиқот яна бошланади», деганча хатни ўқий бошлади:

«Мамлакатимизда «Хушал мактаби» деб номланган мактаб мавжуд. Унинг эгаси кўплаб нодавлат ташкилотларнинг аъзоси (нодавлат ташкилотлар диндорлар орасида жуда ёмон обрўга эга, шунинг учун одам ушбу ташкилотлардан бирига мансуб эканлиги ҳақида хабар бериш унга ғазабни жалб қилишнинг ишончли усули ҳисобланади). Ушбу мактаб имонсизлик ва одобсизлик масканидир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифда шундай дейдилар: «Ёмонликни кўрган ҳар бир киши буни ўз қўли билан тўхтатиши керак. Агар у буни қила олмаса, бошқа одамларга қилинаётган ёмонлик ҳақида айтиб бериши керак, шунда улар ёвузликка чек қўядилар. Агар бу ҳам имконсиз бўлса, ҳар бир ҳақиқий мўминнинг вазифаси қалбидаги ёвузликка қарши туришдир». Мен ва ушбу мактаб эгаси ўртасида ҳеч қачон шахсий адоват бўлмаган, фақат сизларга ислом шариатига зид бўлган баъзи нарсаларни эслатиб қўяман. Агар биз ушбу имонсизлик ва одобсизлик ин қуриб олган мактабни йўқ қилмасак, қиёмат кунини бу ҳаракатсизлигимиз учун Аллоҳ олдида қандай жавоб берамиз? Ушбу мактабда ўқиётган қизларни доимий равишда пикник деб аталадиган жойга олиб боришади. Улар охириги марта «Оқ уй»да бўлишган. У ерга бо-

ринг ва менежердан ушбу пикниклар пайтида қандай одобсизликлар юз берганини сўранг».

Отам ғазабланганча мактубни отиб юборди. «Имзо йўқ, мактуб эгаси номаълум».

Барчамиз ҳайратдан ёқа ушладик.

«Бу туҳматни ёзган одам ҳеч ким «Оқ уй»га бормаслигини ва менежерни сўроқ қилмаслигини жуда яхши билади, – отамнинг ушбу гапи сукунатни бузиб юборди. – Улар шунчаки ҳар хил даҳшатларни тасаввур қилишади. Қандай асоссиз уйдирмалар! Ахир, қизлар нотўғри иш қилишмаган!»

Отам аноним хат қанчалик кенг тарқалганлигини билиш учун амакиваччам Ханжигга кўнғироқ қилди. Билишимизча, хатнинг нусхалари ҳамма жойда тарқалган, барча дўкон эшикларига ёпиштириб чиқилган экан. Тўғри, баъзи дўкон эгалари қоғозни юлиб олишибди. Масжид олдида эса мактабимизга қарши айбловлар ёзилган улкан реклама тахтаси ўрнатилибди.

Бу воқеалардан синфдошларим роса кўрқиб кетишди.

– Жаноб, мактабимиз ҳақида турли гап-сўзларни эшитяпмиз, – дейишди улар отамга. – Ота-онамиз нима деб ўйлашади?

Отам барча ўқувчиларни ҳовлига йиғди. Қизларни нима кўрқитаётгани ҳақида сўради.

– Ислом динига зид иш қилдингизми? Ёки бирор-та ахлоқсиз хатти-ҳаракатни амалга оширдингизми? Ахир, шунчаки сув сепиб, суратга тушаётган эдингиз-ку. Ҳеч нарсадан кўрқмасангиз ҳам бўлаверади. Файзуллоҳнинг издошлари бизга туҳмат қилишга уринишмоқда, холос. Уларга эътибор берманг! Сиз ҳам ўғил болалар сингари ўтлоқда югуриш, тоза ҳаводан нафас олиш ва табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эгасиз.

Отамнинг кўриниши хотиржам бўлса-да, ич-ичидан роса ташвишланаётганини ҳис қилдим. Тўғри, туҳмат

аксарият ўқувчи қизларнинг қариндошларига кучли таъсир кўрсатмади, фақат битта одамгина сингисини мактабдан олиб кетди. Аммо отам муаммолар шу билан тугамаслигини яхши биларди. Кўп ўтмай, биз Дера томон тинчлик марши ўтказаетган Исмоил Хоннинг Мингорага яқинлашаётгани ҳақида эшитдик ва унга пешвоз чиқишга интилдик. Биз уйдан чиқиб кетаётганимизда, паканагина одам бизга яқинлашиб, у ерга бормаслигимиз, худкуш-террорчилар қўпоровчилик ҳаракатини амалга ошираётгани тўғрисида огоҳлантирди. Аммо биз тинчлик маршини ўтказаетган қахрамонни кутиб олишга ваъда бергандик, шунинг учун бошқа йўл билан у юрадиган кўчага етиб келдик. Исмоилхоннинг бўйнига гулчамбар осимиз билан тезда уйга қайтдик.

Баҳор ва ёз давомида ғалати воқеалар содир бўлди. Баъзи номаълум одамлар уйимиз атрофида ўралашиб, қўшниларибиздан оиламиз тўғрисида маълумот олишга ҳаракат қилишди. Отам уларни ҳарбий разведка агентлари деб ҳисоблади. Отам етакчилигидаги Сват Куми Жирға армия раҳбариятининг Мингорода тунги патрулларни ташкил этиш тўғрисидаги қарорига қарши митинг ўтказганларидан кейин уларнинг ташрифлари тез-тез содир бўла бошлади.

Ўша митингда отам:

– Армия қўмондонлари мамлакатимизда тинчлик ҳукм сураётганини айтишади. Агар шундай бўлса, нега бизга тунги патруллар керак, – деган гапларни айтиб ўтганди.

Мактабимиз Мингоранинг кўплаб болалари иштирок этган ёш рассомлар танлови ўтказиладиган жойга айланди. Ушбу мусобақага отамнинг дўсти бўлган хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилот раҳбари ҳомийлик қилди. Болаларнинг расмлари ўғил ва қиз болаларнинг тенг имкониятларга эга экан-

лигини исботлаши ва аёлларга нисбатан камситишнинг асоссизлигини кўрсатиши акс эттириши керак эди.

Бир куни эрталаб отамнинг олдига иккита ҳарбий разведка ходими келди ва отамдан сўради:

– Бу ер қаер?

– Кўрмаяпсизми? Мактаб-ку, – деди отам. – Худди иншо танлови ёки нотиклар танлови сингари рассомчилик танловини ўтказяпмиз.

Буни эшитган офицерлар қаттиқ ғазабландилар. Отам ҳам ғазабланди.

– Бу мамлакатда ҳамма мени танийди ва нима иш қилишимни билади! – ўдағайлади отам. – Сизларнинг аслингиз қўллари тинч аҳолининг қонига бўялган Файзуллоҳ ва унинг ҳамтовоқларини қўлга олиш. Менинг орқамни ковлаш эмас!

Рамазон ойи кириб келди. Карамиди яшайдиган отамнинг дўсти Вакил Хон камбағалларга тарқатиш учун кийим-кечак юборди. Ушбу тадбир учун катта зални ажратдик. Ҳар ерда ҳозир нозир бўлган ҳарбий разведка агентлари ҳам етиб келишди.

– Бу ерда нима қияпсиз? – отамни сўроққа тутди агентлардан бири. – Бу латта-путталар қаердан пайдо бўлди?

Агентларнинг келиши одатий ҳолга айланиб қолди...

2011 йил 12 июлда ўн тўрт ёшга тўлдим. Ислон меъёрларига кўра, бу ёшдан бошлаб инсон вояга етган ҳисобланади. Менинг туғилган кунимда толиблар тинчлик қўмитаси аъзоси бўлган «Сват» меҳмонхонаси эгасини ўлдирганлиги ҳақида хабар келди. У уйдан меҳмонхонаси томон кетаётганида пистирмага тушган экан.

Сват водийси аҳолиси яна толибларнинг қайтиб келишидан хавотирга туша бошладилар. Толибонлар 2008-2009 йилларда турли хил одамларга таҳдид қилишган бўлишса, энди фақат жангарилар ва армиянинг ўзбошимчаликларига қарши бўлган ҳуқуқ ҳимоячилари таҳдидлар нишонига айланиб қолганди.

– Толибон биз ўйлаганчалик қудратли ташкилот эмас, – деди отамнинг дўсти Ҳидаятуллоҳ. – Бу шунчаки Покистонда кенг тарқалган фикрлаш услуби. Америка ва Ғарбнинг турмуш тарзи ва кучли давлат ҳокимиятини ёмон кўрадиган ҳар қандай одам толибонга маълум даражада симпатия билдиради.

Учинчи август куни кечқурун «Geo TV»нинг Маҳбуб исмли мухбири отамга қўнғироқ қилди. У отамнинг дўсти Зоҳид Хоннинг жияни бўлиб, 2009 йилда толибон ҳужумига учраган. Ўша вақтларда одамлар Зоҳидхон ҳам, отам ҳам толибон нишони остида ва эртами-кечми ўлдирилади, деб ишонишарди. Маҳбуб амакиси жиддий жароҳат олганини айтди – масжидга шом намозини ўқиш учун борганида кимдир унга ўқ узган экан. Бу даҳшатли хабарни эшитган отамнинг хуши бошидан учди.

– Бу нафақат Зоҳидхонга, балки менга ҳам қаратилган ўқ, – деди отам. – Эҳтимол, менинг навбатим ҳам тез орада келади.

Кеч бўлиб қолгани ва Зоҳидхонга ўқ узганлар кўчада отамни кутиб турган бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, отамдан касалхонага бормаслигини илтимос қилдик. Аммо отам қўрқоқлик қилиб, уйда ўтириш ниятида эмаслигини айтди. Албатта, у ҳуқуқ ҳимоячиларидан бирини ўзи билан ҳамроҳ қилиши ҳам мумкин эди, аммо бунга ҳам унамади. Шундай қилиб, отам фақат амакиваччамни олиб, касалхонага жўнади. Онам ибодат қилишни бошлаб, Худодан эрини хавф-хатарлардан сақлашини сўради.

Отам касалхонага етганида, у ерда Куми Жирғанинг фақат битта аъзоси келганини билди. Зоҳидхоннинг ярасидан шу қадар қаттиқ қон отилардики, соқоли қизил рангга бўялганга ўхшарди. Барибир унга омад кулиб боқди. Жангари унга яқин масофадан уч марта ўқ узган, аммо Зоҳид Хон чап беришга муваффақ бўлган

ва фақат биринчи ўқ нишонга бориб теккан. Зоҳид Хон кейинчалик ўзига келганида, ўқ узган кимсанинг бўйи пастгина бўлганини айтиб берганди. Соқоли олинган, ўзига қараб кулиб турган, ҳеч қанақа ниқоб тақмаган жангари Зоҳидхон хотирасидан бир умрга ўчмади. Тақдирнинг ўйинини қарангки, Зоҳидхон ўз хавфсизлигини ўйлаб, узоқ вақт мобайнида масжидга бормаган. Ўзига нисбатан хавф йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг илк бора шом намозига қатнай бошлаган...

Дўстининг соғайиши учун ибодат қилганидан сўнг отам журналистларга мурожаат қилди:

– Агар мамлакатимизда мустаҳкам тинчлик ўрнатилган бўлса, нега бу одамга ҳужум қилишди? Шу саволни Покистон ҳукумати ва армия раҳбариятига беришни хоҳлардим.

Одамлар отамга касалхонадан чиқиб кетишни, таваккал қилмасликни маслаҳат беришди.

– Кеч бўлди. Бошингга бирорта бало орттириб олма. Аммо қайсар отам бу гапларга қўнармиди?

Ниҳоят, Зоҳидхон операцияни бошдан кечириш учун Пешоварга жўнатилди. Отам уйга қайтди. Мижжа қоқмасдан уни кутиб ўтиргандик. У келиши билан барча эшикларнинг қулфларини текширдим. Эртаси куни эрталаб телефонимиз том маънода қўнғироқлардан ёрилиб кетди. Одамлар отамни эҳтиёт бўлинг, деб огоҳлантиришди. Ҳамма унинг террорчиларнинг навбатдаги нишонига айланиши мумкинлигига ишонарди. Ҳидаятуллоҳ биринчилардан бўлиб қўнғироқ қилди:

– Сиз унинг ўрнида бўлишингиз мумкин эди, – деди у. – Улар Қуми Жирға аъзоларини бирма-бир отиб ташлашмоқда. Сиз энг таниқли фаоллардансиз. Ҳали ҳам тириклигингиз ажабланарли.

Отам Толибон уни ўлдириш ниятида юрганини яхши биларди. Бироқ у полиция ҳимоясидан воз кечди.

– Агар мен хавфсизлик чораларини кучайтирсам, толиблар Калашников ёки худкуш бомбалардан фойдаланадилар, – деди у. – Натижада, мен билан бирга яна бир неча киши ҳалок бўлиши мумкин. Улар мени ўлдиришмоқчи бўлишса, ёлғиз ўзимни ўлдиришсин.

У Сват водийсидан кетишни ҳам қатъиян рад этди:

– Қандай қилиб бу ерни ташлаб кетишим мумкин? Менинг бутун ҳаётим шу ер билан чамбарчас боғлиқ. Мен Умумий тинчлик кенгашининг президенти, Оқсоқоллар кенгаши спикери, Сват водийси хусусий мактаблар ассоциациясининг президенти, ўз мактабим директори ва оилам раҳбариман. Шунақа масъулиятлари бор одам, қандай қилиб кетиши мумкин?

Отам кўрган ягона эҳтиёт чораси бу ўзгармас кун тартибидан воз кечиш бўлди. У ҳар куни бошланғич мактаб, ўғил болалар ва қизлар мактабларига навбатма-навбат ташриф буюрар, аммо энди ташриф қандай кетма-кетликда бажаришини ҳеч ким билмас эди. Шунингдек, отам кўчага чиқиб, атрофга тез-тез олазарак назар ташлаб қўяётганига гувоҳ бўлдим.

Шунча хавф-хатарга қарамай, отам ва унинг дўстлари инсон ҳуқуқлари бўйича фаолиятларини давом эттиришди, матбуот анжуманлари ва норозилик митинглари уюштиришди. Армия ва ҳукумат олдига қуйидаги масалаларни қўйишди:

«Агар толиблар зулмига барҳам берилган бўлса, унда Зоҳидхонни ким отиб ташлади? Ҳа, тўғри, сўнгги пайтларда толибоннинг армия ва полицияга нисбатан қилинган ҳужумлари тўхтаб қолди. Эндиликда толибоннинг асосий нишони хавфсизлик кучларига тегишли бўлмаган одамлар – тинчлик ва инсон ҳуқуқлари учун курашганларга қаратилди».

Фаоллар фаолиятини ёқтирмаган маҳаллий армия раҳбарияти «Мингорода террорчилар йўқ», деб баёнот беришди:

– Зоҳидхонга қилинган ҳужумнинг сиёсат билан алоқаси йўқ. Эҳтимол, у мол-мулк масаласида кимдир билан зиддиятга борган.

Зоҳид Хоннинг бурнини асл шаклига қайтариш учун операция қилишди, шундан сўнг у ўн икки кун касалхонада ётди ва бир ой давомида уйда даволанди. Аммо унинг иродасини синдира олишмади. Шунча хунрезликлардан сўнг ҳам у ўз фикридан қайтган эмасди. Ўз нутқларида ҳарбий разведка толибларни яширинча қўллаб-қувватлаётгани ҳақида гапираверди.

– Мени ким нишонга олганини яхши биламан, – деди у газетага ёзган хатларидан бирида. – Фуқароларимиз жангарилар кимнинг буйруғи билан ҳаракат қилаётганини билишлари керак.

Зоҳидхон суддан толибонларнинг водийда қулоч ёйишига ким шароит яратиб бергани борасида маҳкама ўтказишни талаб қилди. У ўзини отиб ташлаган одамнинг портретини чиздирди ва жинойатчини қўлга олишларига умид қилиб, ушбу портретни полицияга топширди. Аммо полиция уни қидиришни хаёлига ҳам келтирмади...

Толибонлар менга таҳдид қила бошлашганидан кейин онам кўчаларда ёлғиз юришни тақиқлаб қўйди. Унинг талабига биноан мен фойтунда мактабга борар ва автобусда қайтардим. Фақатгина беш дақиқагина пиёда юришимга тўғри келарди. Кўчамизга олиб борадиган зинапоя ёнида автобусдан тушдим. Одатда қўшни болалар ўша атрофда ўйнаб юришарди. Баъзида улар орасида Ҳорун исмли бола ҳам бўларди. У мендан бир ёш катта бўлиб, илгари бизнинг кўчада ҳам яшаган, биз ёшлигимизда бирга ўйнар эдик. Ҳорун бир куни тўсатдан мени севишини айтди. Аммо тез орада қўшнимиз Сафинанинг уйига гўзал амакиваччаси кўчиб келди ва Ҳорун уни севиб қолди. Бироқ қиз унга рўйиҳушлик бермади. Кейин у яна ёнимга қайтди ва биз қайтадан

дўстлашдик. Орадан вақт ўтиб унинг оиласи бошқа кўчага, биз эса уларнинг уйига кўчиб ўтдик. Ҳорун бошқа шаҳарга йўл олди ва ҳарбий мактабга ўқишга кирди.

Бир марта мактабдан қайтаётганда уни кўчада кўриб қолдим. Билишимча, таътил сабаб уйига қайтган эди. Ҳорун уйимгача мени изма-из таъқиб қилди. Уйга киришим билан Ҳорун дарвозамиз остидан қанақадир қоғозни силжитиб юборди ва аста ортига қайтди. Қоғозда қуйидаги гаплар ёзилган эди:

«Сен жуда машҳур бўлиб қолдинг, лекин мен ҳали ҳам сени яхши кўраман ва сен ҳам мени яхши кўришингни биламан. Менга кўнғироқ қил. Мана менинг телефон рақамим. ...»

Ушбу ёзувни отамга кўрсатганимда роса ғазаби кўзиди. Дарҳол Ҳорунга кўнғироқ қилиб, отанг билан гаплашаман дея кўрқитиб, мени тинч қўйишни талаб қилди. Шундан кейин Ҳорунга бошқа кўзим тушмади. Йигитлар бизнинг кўчага келишни тўхтатишди.

Фақатгина, укам Аталнинг бир дўсти мени масхара қилиб, ҳар кўрганида: «Эринг Ҳорун қани?» дея жиғимга тегаверарди. Бир куни унинг гапларидан жаҳлим чиқиб Аталга қараб чунонам бақирдимки, укам кўрқиб кетганидан дўстидан бошқа менга бунақа аҳмоқона ҳазиллар қилмаслигини талаб қилди.

Мониба билан ярашиб олганимиздан сўнг мен унга бўлган воқеани айтиб бердим. У ҳар доим ўғил болалар билан муносабатларда жуда эҳтиёткор эди, чунки акалари унинг ҳар қадамини кузатиб туришарди.

Баъзида «Зулмат остонасидаги муҳаббат» фильмидаги вампир бўлиш Сват водийсида яшайдиган қиз бўлишдан кўра яхшироқ деб ўйлайман», дея хўрсиниб қўярдим.

20-боб

«ҚАЙСИ БИРИНГИЗ МАЛАЛА?»

Ёзнинг охириги кунларида мактаб очилишига тайёр-гарлик кўраётган отам Карачидаги мактаб ўқувчилари томонидан тақдим этилган портретим рамкасида кўчиб кетганига кўзи тушиб қолди. Отам ушбу портретни жуда яхши кўрар, уни ўз каравоти рўпарасига илиб қўйганди. Шу сабаб портретни ҳозирги аҳволда кўриш отамга ўнғайсиз туюлди.

- Уни тузатиб қўй, - деди отам онамга ғайриоддий кўпол оҳангда.

Бир неча кундан сўнг, математика ўқитувчимиз Шазия хоним мактабга жуда тушкун аҳволда келди ва отамга тунда ёмон туш кўрганлигини айтиб берди. У тушида менинг мактабга қуйган оёғим билан келганимни ва менга ёрдам кўрсата олмаганлигини кўрибди. Шазия хоним отамдан камбағалларга иложи борича қайнатилган гуруч тарқатишни илтимос қилди. Пуштунлар нафақат қайнатилган гуруч истеъмол қиладиган одамлар, балки дастурхонга тушган гуручларни териб ейдиган қушлар ва чумолилар ҳам биз учун ибодат қилишади, деган гапга ишонишади. Отам камбағалларга гуруч ўрнига пул берди. Шазия хоним пул гуруч ўрнини босмайди, деб отамдан биров ранжиди.

Шазия хонимнинг бизни тинмай огоҳлантиришлари кулгимизни қистатди, аммо тез орада мен ҳам ёмон тушлар кўришни бошладим. Лекин ота-онамга ҳеч нарса демадим. Қўрқув мени тобора кўпроқ таъқиб қила бошлади. Кўчада юрганимда толиблар Афғонистонда-

ги аёллар билан бўлгани каби менга ҳам ўқ узишидан ёки юзимга кислота сепишидан кўрқардим. Кўчамизга олиб борадиган зинапоядан чиқаётганимда қанақадир оёқ товушларини эшитишим билан юрагим шув этиб кетарди. Баъзан тунда қулоғимга қадам товушлари чалиниб, «Зулмат остонасидаги муҳаббат»даги кимнингдир даҳшатли соялари кўзимга кўрингандек бўларди.

Отамдан фарқли ўлароқ, мен эҳтиёт чораларини кўриб қўйдим. Ҳар куни кечкурун уйдагилар ухлаб қолишганларидан сўнг эшик ва деразалар ишончли қулфланганлигини текшира бошладим. Дастлаб, ҳовлига чиқиб, дарвоза қулфланганини текширар, сўнгра барча хоналарни навбат билан айланиб чиқардим. Хонамнинг иккита деразаси бўлиб, отам менга кечалари пардани тушириб қўйишни тайинлар, бироқ мен ҳовлига кирган террорчиларни дарҳол кўриш учун бундай қилмасдим. Ўзимга ўзим ушбу сўзни такрорлашдан чарчамасдим:

– Агар толибларнинг нияти мени ўлдириш бўлганида, буни 2009 йилдаёқ амалга оширишарди.

Шунга қарамай жангарилар деворга нарвон қўйиб, ҳовлига ошиб тушиб, деразани синдириб уйга кириб келишларидан ҳадиксирардим.

Охири ибодат қилишни бошладим. Тунлари янада кўпроқ ибодат қилардим. Толиблар отам билан мени мусулмон деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини эълон қилди. Аммо унақа эмаслиги аниқ эди. Биз ҳам Худога ишонамиз ва ҳар доим ундан мадад кутамиз. Одатда Қуръони каримнинг «Бақара» сурасидаги «Оят ал-Курсий»ни қайта-қайта ўқирдим. Бу махсус оят бўлиб, мусулмонлар қуйидаги нарсаларга қаттиқ ишонишади:

Агар уни тунда уч марта ўқисангиз, уйингиз шайтон ва бошқа ёвуз руҳларнинг босқинидан ҳимоя қилинади.

Агар сиз уни беш марта ўқисангиз, ёвуз руҳлар сизнинг кўчангизга кириб бормайди,

Агар сиз уни етти марта ўқисангиз, бутун шаҳар ёки қишлоқ ҳимояланган бўлади.

Мен оятни ҳар тунни етти марта, ҳатто ундан ҳам кўпроқ ўқиган бўлсам керак.

Сўнгра Аллоҳга мурожаат қилдим:

– Бизни ўз марҳаматингдан дариф тутма, ё Раббим. Отамга ва бутун оиламизга, кўчамизга, маҳалламизга, бутун Сват водийсига ва барча мусулмонларга барака бергин. Йўқ, йўқ, нафақат мусулмонларга, балки Ер юзидаги барча инсонларга барака ато этгин.

Имтиҳонлар пайтида, айниқса, кўп ибодат қилардим. Бу вақтда нафақат мен, балки дўстларим ҳам кунига беш маҳал намозни қанда қилмасди. Кундузи ибодат қилиш жуда қийин эди – бу вақтда одатда телевизорда қизиқарли дастурлар намойиш этилар, телевизор қаршисидан кетиш учун эса катта жасорат талаб қилинарди. Аммо имтиҳонлар пайтида мен доимо намозга турар ва Аллоҳдан яхши баҳолар олишимда ёрдам беришини сўрардим. Тўғри, ўқитувчиларимиз қуйидаги гапларни тез-тез такрорлашарди:

– Агар сиз ўзингиз ҳаракат қилмасангиз, Худо сизга ҳеч қанақа ёрдам бермайди. Худо фақат лойиқ бўлганларга Сахий ва Раҳмлидир.

Имтиҳонларга кучли тайёргарлик кўрдим. Имтиҳонлар менга нималарга қодир эканлигимни исботлаш имкониятини бергани туфайли уларни жуда яхши кўрардим. Аммо 2012 йил октябрь ойи яқинлашиб келгани сайин асабийлаша бошладим, чунки яна март ойида бўлгани каби Малка-и-Нурга ютқазиб, иккинчи бўлиб қолишим мумкин эди-да. Ўшанда у мендан бир-икки баллга эмас, балки беш баллга илгарилаб кетганди. Ғолибликни кўлдан бой бермасликни хоҳлаганим сабабли, ўғил болалар мактабининг ўқитувчиси жаноб Амжаддан кўшимча дарслар ола бошладим. Имтиҳон-

лар арафасида тунги соат учгача дарс қилдим, дарсликларни бошидан охиригача қайта ўқидим.

Саккизинчи октябрь душанба куни биринчи имтиҳон физика фанидан бўлиб ўтди. Дунёдаги сиёсий вазиятга, жамият кайфиятига ёки мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга боғлиқ бўлмаган оламнинг ўзгармас ва объектив қонунларни ўргангани сабаб физика фанига ўзгача меҳр бергандим. Имтиҳон бошланиши арафасида муқаддас оятларни қайта-қайта такрорладим. Имтиҳонга кирганимда барча саволларга тез-тез жавоб бердим, аммо имтиҳон варақасини қайта текшириб кўрганимда битта жавобда хатога йўл қўйганим аён бўлди. Ҳўнграб йиғлаб юбордим. Битта саволга нотўғри жавоб бериш фақат бир баллдан маҳрум қилади, бироқ бу менга ҳақиқий фалокатдек туюларди.

Уйга қайтганимда жуда чарчаганимни ҳис қилдим ва кўзимга уйку келмади. Аммо эртаси куни доим менга қийинчилик туғдирган Покистон тарихидан имтиҳон топширишимиз керак эди. Яна «қовун тушириш»ни хоҳламасдим, шунинг учун уйқусирашнинг олдини олиш учун ўзимга сутли қаҳва тайёрладим. Қаҳвани тайёрлаб, энди ичмоқчи бўлганимда онам ошхонага кириб келди ва финжондаги қаҳвани хўплаб-хўплаб ичиб қўйди. Мен онамга: «Ичманг, бунини ўзим учун тайёрладим», деб айта олмадим. Устига-устак, шкафимизда бошқа қаҳва қолмаган экан... Ноилож, мустақил ватанимиз тарихини қаҳвасиз ўрганиб чиқишга мажбур бўлдим.

Эрталаб ота-онам одатдагидек хонамга кириб, мени уйғотишди. Тўғриси айтсам, охириги марта қачон ўзим уйғонганим эсимда йўқ. Онам ҳар доимгидек биз учун нонушта тайёрлади – майдаланган тухум, чапатис ва ширин чой. Барчамиз, мен, ота-онам ва укаларим Ҳушал ва Атал биргаликда нонушта қилдик. Бу онам учун ўзгача кун эди. Бугун у мени бир пайтлар ўқитган

бошланғич мактаб ўқитувчиси Улфат хонимдан сабоқ олишни бошлайди.

Отам соясидан ҳам кўрқадиган саккиз ёшли Атални масхара қилди:

– Атал, Малала бош вазир бўлганида, сен унинг ёрдамчиси бўласан, бундан ортиғини бажара олмайсан.

Атал бу гаплардан жуда хафа бўлди.

– Йўқ, йўқ. Мен Малаладан кўра ақлсиз эмасман. Аксинча, мен Бош вазир бўламан ва уни котиба қилиб ишга оламан.

Ушбу ўйноқи суҳбатга чалғиб, столда жуда узоқ қолиб кетибман. Кечикканимни англаганимда тухумни тугатмасдан сакраб ўрнимдан турдим ва ўқишга отилдим.

Покистон тарихидан бўлиб ўтган имтиҳон кутганимдан яхшироқ ўтди. Менга Муҳаммад Али Жиннаҳ Покистон тарихдаги илк мусулмонлар давлатини қандай тузгани ва Бангладешнинг мустақил бўлишига олиб келган миллий фожиа ҳақидаги саволлар тушди. Покистондан минглаб километр узоқликда жойлашган Бангладеш бир пайтлар мамлакатимизнинг бир қисми бўлганлигини тасаввур қилиш қийин эди. Имтиҳон варақасини тез ва ишончли тўлдирдим. Имтиҳон тугаганидан хурсанд бўлиб, дўстларим билан мактаб автобуси уйимизга олиб кетишини кутиб, суҳбатлашиб, кулишиб ўтирдик.

Автобус ҳар куни икки маротаба ўтади, биз иккинчи марта кетаётган эдик. Дугоналарим билан бир-биримиздан айрилгимиз келмасди. Мониба имтиҳондан сўнг суҳбатлашиш ёқимли эканини айтиб ўтди. Мен унинг фикрига тўла қўшилдим. Имтиҳонни топширгандан сўнг, ўзимни шу қадар енгил ҳис қилдимки, барча ташвишларимни унутаяздим. Аммо жуда очиқиб кетгандим. Афсуски, ўн беш ёшда бўлганимиз сабабли, ташқарига чиқиб, бемалол таомлана олмасдик. Жуда қорним очиб кетса, олдимда турган ягона йўл – кичкина қизлардан

бирига қайнатилган маккажўхори сўтасини олиб келишини илтимос қилиш эди. Шундай қилдим ҳам. Сўтани бир неча марта тишлаб, бошқа қизга бердим.

Ниҳоят, кундузи соат 12 да карнай орқали автобус келганлиги эълон қилинди ва биз автобус томон югурдик. Мендан бошқа барча қизлар мактаб дарвозасидан чиқишлари билан юзларини ёпдилар. Мен эса бошимни шарф билан ёпишни етарли деб билдим.

Ўриндиқларимизга ўтирганимиздан сўнг биз билан бирга кетадиган иккита ўқитувчини кута бошладик. Мен ҳайдовчи Усмон Бхай Жандан кулгили воқеани айтиб беришини сўрадим. У ҳар доим қизиқ-қизиқ латифалар айтиб беришни канда қилмасди. Аммо шу кун у латифа ўрнига, бизга тошлар билан бир нечта фокус кўрсатди.

Кўз ўнгимизда амалга оширилиб, бизни лол қолдирган ушбу фокуснинг сирини Усмон Бхай Жан ошкор қилмади.

Ниҳоят, ҳамма тайёр бўлди. Руби хоним ва икки ёш қизалоқ ҳайдовчи кабинасида ўтирди. Яна бир қизчанинг кўзи ёшга тўлди ва у ҳам кабинада ўтирмоқчи эканлигини айтди. Ҳайдовчи бошқа жой йўқлигини билдирса ҳам, мен унга жуда ачиниб кетдим ва кабинадагиларни у ўтириши учун бироз сурилишга кўндирдим.

Онам бошланғич мактабда ўқийдиган Аталдан мен билан бирга уйга қайтишини талаб қилди. Бироқ қайсар Атал пиёда борган маъкул, деди ва дўстлари билан уйига кетди. Усмон Бхай бензин қуйиб олганидан сўнг автобус ҳаракатлана бошлади. Мен Мониба билан суҳбатлашиб кетдим.

Уша куну Ҳожи Бобо кўчасида ўзгача тароват ҳукмрон эди. Кўчадаги бир-биридан чиройли безатилган фойтунлар, хуш кайфиятдаги пиёдалар ва трюк кўрсатувчи мотоциклчилар турли шоулар кўрсатарди. Бир сўз билан айтганда, байрам кайфияти ҳукмрон эди.

Қизил ва оқ ядровий ракетанинг тасвири туширилган катта уч оёқли велосипедда музқаймоқ сотувчи ўқитувчилардан бири кўлини силкитгунча бизни кузатиб борди. Бир киши йўл бўйида қонини сачратиб товуқларни сўяётган эди. Бу воқеа негадир кайфиятимни кўтарди. Ёшлигимда, Сват водийси аҳолиси тинч ва тотув яшаган даврларда, бу ерда товуқ сўядиган одамни топиш қийинлигини тез-тез эшитганман. Аммо йиллар одамларни ўзгартирди...

Димоғимизга уриладиган ҳид – дарёдан чиқаётган ахлат, дизель ёқилғиси ҳамда иссиқ нон ва кабоб ҳидларининг аралашмаси – бошқа жойда учрамайди. Отамнинг атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларига қарамай, одамлар ахлатни дарёга ташлашда давом этаверди. Майли. Яқинда, қиш келади. Қор ёғади ва атрофдаги ҳамма нарсани қайтадан поклайди.

Автобус армия назорат пунктидан ўнгга қайрилди. У ерда «Террористлар қидирилмоқда!» сарлавҳали салла кийган, узун соқолли ва кўзлари қўрқинчли одамларнинг фотосуратлари ўрин олган баннер илинганди. Табиийки, бу одамлар ичида Файзуллоҳ ҳам бор эди. Сват водийсини толибондан озод қилиш операцияси бошланганига ҳам уч йилдан кўпроқ вақт бўлди. Албатта, толиблар ҳукмронлигига чек қўйган армиядан миннатдор эдик, аммо нега бизнинг водий ҳали ҳам ҳарбий ҳолат остида эканлигини тушуна олмасдик. Ҳар қадамда назорат пунктлари ўрин олган, пулемётчилар томларда куну тун ўтиришади. Сватга келиш учун одамлар расмий рухсатнома олиши талаб этилади.

Тепаликка олиб борадиган йўл одатда фойтунлар ва пиёдаларга тўла бўлади, аммо ўша куни негадир атрофда зоғ ҳам кўринмасди.

– Қизиқ, одамлар қаерга кетди? – деб сўрадим Монибадан. Қизлар билан бақир-чақир қилиб келаётган

эдик, шу сабабли бошқа қизлар атрофда одамлар йўқлигига деярли эътибор беришмади.

Мактабни олти ёшида ташлаб кетиб, эндигина қайта ўқий бошлаган онам бу вақтда мактабда эди. Шу ҳақида ўйлаб турганимда...

Йўлни тўсиб қўйган икки ёш йигитни пайқамадим. Автобус бошқа сабаб билан тўхтаб қолди, деб ўйладим. Тўсатдан қурол кўтарган икки йигит рўпарамизга келишганида уларнинг муддаосини тушундим:

– Қайси бирингиз Малала?

Мен уларга дунёдаги барча қизлар, шу жумладан, сингиллари ва қизлари ҳам мактабга боришга ҳақли эканлигини тушунтиришга улгурмадим... Миямдан бугун кечқурун навбатдаги имтиҳонга тайёргарлик кўришим керак деган ўй ўтди. Учта ўқ овози эшитилди. Кўзим олдида товуқ сўяётган одам гавдаланди.

21-боб

РАББИМ, МЕНДАН ЎЗ МАРҲАМАТИНГНИ ДАРИФ ТУТМА!

Усмон Бхай Жан нима бўлганини тушуниши биланок катта тезликда Марказий касалхонага қараб йўл олди. Барча қизлар йўл бўйи йиғлаб кетишди. Монибанинг тиззасида ётганим элас-элас ёдимда. бошим ва чап қулоғимдаги жароҳатдан қон отилиб чиқди. Касалхонага кетадиган йўлнинг ярмига етганимизда полиция ходими автобусни тўхтатиб, саволга тута бошлади ва қимматли вақтимизни беҳуда сарф қилди. Қизлардан бири нафас олаётганимни текширмоқчи бўлиб, кўкрагимга қулоғини қўйди:

– У тирик! – жон ҳолатда бақирди. – Уни зудлик билан касалхонага олиб боришимиз керак. Бизни сўроқ қилгандан кўра, бу ишни қилган жиноятчиларни қидирганингиз маъкул!

Биз учун Мингора улкан шаҳар бўлиб туюлади, аслида, унақа эмас. Бу ерда янгиликлар яшин тезлигида тарқалади. Воқеа содир бўлган вақтда отам хусусий мактаблар ассоциациясида ўтказилган пресс-клубда бўлган. Эндигина сўзга чиқмоқчи бўлганида, уяли телефони жиринглаган ва «Хушал мактаби»нинг рақамини кўриб, дўсти Аҳмад Шохга жавоб бериши учун телефонни узатган.

«Террористлар мактаб автобусига ҳужум қилишибди»... Аҳмад Шохнинг бўғиқ овозда айтган гапидан отамнинг ранги кути ўчиб кетган. Менинг ушбу автобусда бўлишим мумкинлиги эса уни янада ташвишга солган. Отам иштирок этаётган учрашув ниҳоятда му-

ҳим ҳисобланиб, унда Сват водийси бўйлаб 400 га яқин мактаб эгалари иштирок этаётганди. Уюшма аъзолари ҳукуматнинг хусусий мактабларни марказий ҳокимият назорат остига олиши борасидаги режаларига қарши норозилик намоишларини ўтказмоқчи эдилар. Уюшма президенти сифатида отам учрашувдан кетишга ҳаққи йўқ эди. Шунинг учун, у ўз чиқишини бекор қилмади. Минг бир хаёл билан, қора терга ботиб, амаллаб ўз нутқини яқунлашга ҳаракат қилди.

Отам ўз нутқини тугатиши биланоқ, томошабинларнинг саволларини кутмасдан дўстлари Аҳмад Шоҳ ва Риаз билан биргаликда касалхонага югурди. Улар касалхонага кириб келганларида камералар билан қуролланган кўплаб журналистлар тўпланиб қолишганди. Журналистларни кўрган отам менинг яраланганимни дарҳол пайқади ва юраги сиқилиб кетди. Журналистларнинг ҳайҳайлашига қарамасдан, оломон орасидан ёриб ўтиб, ичкарига ўзини урди. Мен каравотда бошим боғланган ҳолда ётар эдим. Кўзларим юмуқ, қип-қизил қонга беланган сочларим ёстиқ устига ёйилган...

– Жасур ва гўзал қизалоғим, – деди отам пешонам ва ёноқларимни ўпиб. Негадир, отам инглиз тилида гапирётганди. Гарчи кўзларим юмилган бўлса ҳам, отамнинг гапларини эшитаётгандим.

Отам кимгадир юзланиб:

– Сабабини тушунтириб беролмайман, лекин у мени эшитаётганини ҳис қилдим.

Кимдир менинг кулганимни айтди. Отам ҳам лабларимнинг ҳаракатини пайқаб қолди ва қалбида мени йўқотиб қўймаслик умиди пайдо бўлди. Орадан йиллар ўтиб отам ўша кун ҳаётидаги энг қора кун эканлигини тез-тез такрорлади. Барча болалар ота-оналари учун бебаҳо ҳисобланади, аммо отам учун мен тасвирлаб бўлмайдиган даражада муҳим эдим. Эсимни танибманки, мен унга нафақат фарзанд, балки дўст, ҳамфикр, ўр-

тоқ бўлдим. Даставвал, яширинча Гул Макай тахаллу-си ортида, кейинчалик очиқчасига чиқишлар қилдим. Менга нисбатан қилинган таҳдидларга қарамай, отам толибонлар қиз болага нисбатан бунчаликка боради деб ўйламаганди. Улар бир ўқ билан иккита қуённи ур-моқчи бўлишган: мени ўлдириш ва отамнинг овозини абадий ўчириш...

Отамнинг юраги қайғудан адойи тамом бўлди, аммо кўзидан бир томчи ёш чиқмади. Атрофимиз тўла одам-лар. Учрашувнинг барча иштирокчилари касалхона-га келишди, шунингдек, журналистлар ва жамоат ар-боблари зални тўлдиришди. Гўё бутун шаҳар шу ерда йиғилгандек эди. Отам ҳаммадан мен учун ибодат қи-лишларини сўради. Шифокорлар отамга компьютер то-мографияси ўқ мияга таъсир қилмаганини кўрсатгани-ни, жароҳатга малҳам қўйиб, боғлашганини айтди.

– Эй Зиёвуддин! Қандай қилиб бунақа воқеа содир бўлиши мумкин! – Марям хоним шундай деганча хонага отилиб кириб келди. У ўша кунни уй ишлари билан ово-ра бўлиб, мактабга бормаганди. Уйда телевизор кўриб ўтирганида, «Хушал мактаби»нинг автобусига ҳужум уюштирилгани ҳақидаги хабарга кўзи тушиб, ҳуши бо-шидан учибди. Менинг жароҳат олганимни билгач эса дарҳол эрини чақириб, касалхонага мотоциклида етиб келибди. Ушбу транспорт воситаси пуштун аёлига ун-чалик мос кўрилмайди, аммо тиғиз пайтда урф-одатга қараб ўтирадимиз одам?

– Малала, Малала, эшитяпсанми? – деди Марям хо-ним хавотирли овоз билан.

Мен жавобан инграб қўйдим. Марям хоним менинг аҳволим ҳақида батафсил маълумот олишга ҳаракат қилди. У таниган шифокор унга ўқ мияга тегмасдан фронтал суякни тешиб ўтганини ва менинг ҳаётимга ҳеч қандай хавф солмаслигини айтди. Мен билан бир-га жароҳат олган икки қиз ҳам касалхонада эди. Шазия

иккита ўқ еган эди: бири суягини тешиб ўтган, иккинчиси – кафтини. Коинот эса яраланганини сезмаган ҳам. Фақат уйга борганида ўқ унинг чап билагига текканидан хабардор бўлган. Шундан сўнг оила аъзолари уни касалхонага олиб борган.

Менинг каравотим олдидан бир дақиқа ҳам кетишни истамаган отам шогирдларининг аҳволидан ҳам хавотир ола бошлади. Шу онда унинг телефони жиринглашдан тўхтамасди. Биринчи бўлиб Хайбер Пахтунхва Бош вазири қўнғироқ қилди.

– Хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади, – деди у. – Қизингиз Пешовардаги энг яхши касалхонага кўчирилади.

Армия ҳам бизни ёлғизлатиб қўймади. Кундузи соат учларда касалхонага маҳаллий ҳарбий қисм қўмондони келиб, мени Пешоварга вертолётда олиб кетишларини айтди. Мен Пешоварда аёлларнинг ёрдамига муҳтожлик сезардим. Аммо онамни кутиб туришга вақт йўқ, шу сабабли Марям хоним биз билан учиб кетадиган бўлди. Марям хонимнинг оиласига эса бу қарор ёқмади, чунки у яқинда кичик операцияни бошидан ўтказган ўғлини эмизиши керак эди. Аммо иккинчи онам ҳисобланган Марям хоним мени ташлаб кетолмади.

Вертолёт майдони томон кетар эканмиз отам биз ҳаракат қилаётган тез ёрдам машинасига толиблар ҳужум қилишидан хавотирга тушди. Унга атрофдагилар машинада ким кетаётганини биладигандек туюлди. Вертолёт участкаси касалхонадан атиги бир километр узоқликда жойлашган, беш минутда босиб ўтиладиган йўл эди, аммо отам учун бу беш дақиқа беш асрдек туюлди. Биз етиб келганимизда, вертолётдан дарак йўқ эди, шу сабаб озроқ кутиб туришимизни айтишди. Отам кутишдан тоқати тоқ бўлганди. Бахтимизга, вертолёт бизни кўп куттирмади. Мендан ташқари вертолётга отам, амакиваччам Ханжи, Аҳмад Шоҳ ва Марям хоним чиқишди. Илгари ҳеч биримиз вертолётда учмаганмиз.

Вертолёт ҳавога кўтарилиб, қанақадир армия байрами бўлиб ўтаётган стадион устидан учиб ўтди. Кулоғимизга Ватан ҳақидаги кўшиқлар чалина бошлади. Отаминг энсаси қотиб, қўллари билан кулоқларини ёпиб олди. Аслида, отам кўшиқ эшитишни жуда суяди, лекин ўн беш яшар қизи ёнида ўликдек хушсиз ётганида баландпарвоз кўшиқлар кулоққа кирармиди?!

Йиғлаб-йиғлаб кўз ёшлари қуриб қолган онам маъюслик билан томимизда туриб, вертолётнинг ўтишини кузатарди... Мен яраланиб, касалхонага олиб кетилаётганимда, онам Улфат хонимдан сабоқ олаётган, ҳаётида биринчи марта «китоб» ва «олма» сўзларини ўқишга ҳаракат қилаётган эди. Даҳшатли хабар онамга етиб келганида мактаб автобуси автоҳалокатга учради ва шунчаки оёғим жароҳатланди деб ишонган экан. Онам яшин тезлигида уйга югурди ва биз билан бирга яшаётган бувимга борини айтиб берди, бувимдан мен учун ибодат қилишни илтимос қилди. Биз пуштунлар сочига оқ оралаган кексаларнинг ибодатлари Аллоҳга тезроқ этиб боришига ишонамиз. Эрталаб ўқишга шошиб, тўлиқ ейилмаган майдаланган тухум қолдиқларига кўзи тушган онам бошқа чидай олмади. Ўкириб йиғлаб юборди. Деворларда турли хил мукофотларга сазовор бўлганимда тушган фотосуратларим илинган турарди. Ҳар доим бирорта тадбирда қатнашиб, мукофот олганимдан сўнг, онаминг кўнгли ғашланарди. Энди онам расмларимга боқиб ўтирибди... «Малала, Малала, Малала, Аллоҳ сени Ўз паноҳида асрасин».

Тез орада уйимиз аёллар билан тўлиб кетди. Пуштун урф-одатларига кўра, агар кимдир вафот этса, марҳумнинг уйини одамлар босиб кетади.

Уйимизда бунчалик кўп одамнинг ўтириши онаминг капалагини учириб юборди. Лекин ўзини қўлга олган онам дарҳол жойнамозга ўтирди ва Қуръон сураларини тиловат қилишни бошлади. Бундан ташқари

атрофдаги аёлларга «Йиғламанглар, ибодат қилинглари ундан кўра», деди. Сўнгра иккала укам бирин-кетин уйга келди ва телевизорни ёқиб, менга ўқ узилгани ҳақидаги хабарни ўз қулоқлари билан эшитди. Иккала укам ҳам нима бўлаётганини англолмайдиган даражада қараётганга тушишди. Телефон тинимсиз жиринглар эди. Онамга ҳаётим учун ҳеч қандай хавф йўқлиги, ўқ фақат олд суякка теккани ҳақидаги хабар етиб келганидан сўнг сал-пал хотиржам бўлди. Аммо энди унинг хаёллари тўзғиб кетганди – дастлаб оёғим жароҳатлангани ҳақидаги хабар, кейин бошимдан яраланганим....

Онам касалхонага боришни ва менинг ёнимда бўлишни хоҳлар эди, аммо одамлар уни уйда қолишга ундашди. Бироз вақт ўтиб отамнинг дўстларидан бири қўнғироқ қилиб, мени Пешоварга олиб кетишаётганини айтди. Кимдир ҳужум содир бўлган жойдан менинг калитларимни олиб келибди. Шу пайтгача ўзини хотиржам тутган онам энди чидай олмади ва йиғи аралаш бақирди:

– Менга калитлар эмас, қизим керак! Малала ёнимда бўлмаса, менга унинг калитлари нега керак?

Вертолётнинг шовқини эшитилди. Аёллар томга шошилишиб, қичқиришди:

– Малала учмоқда!

Онам рўмолини бошидан юлиб олиб, қўлида силкитди ва пичирлади:

– Раббим, мен уни Сенинг паноҳингга топшираман. Биз Сенинг қўриқлашингга ишонганимиз учун қўриқчилардан воз кечдик. Қизимнинг ҳаёти сенинг қўлингда, Сен инсон яшашини ёки ўлишни ҳал қиласан.

Вертолётда қон қусишни бошладим. Отам бунини ички қон кетишининг аломати деб билиб, даҳшатга тушди. Сония сайин унинг умидлари чилпарчин бўла бошлади. Аммо Марям хоним рўмолимнинг учи билан оғзимни артмоқчи бўлганимни пайқаб қолди ва: «У ҳушига келди!» дея қичқириб юборди. «Бу яхшилик аломати!»

Ниҳоят, Пешоварга етиб келдик. Мен билан бирга келганлар бизни энг зўр нейроржарроҳ дўхтир Мумтоз ишлайдиган «Lady Reading» касалхонасига олиб боришади, деб ўйлашган эди, аммо бунинг ўрнига Буюк Британиянинг ҳукмронлиги даврида қурилган 600 ўринли Пешовардаги энг катта касалхона – Бирлашган ҳарбий касалхонага олиб боришди. Пешовар – Федерал бошқариладиган қабила ҳудудларига кириш эшиги бўлгани боис, бу ерда армия ва жангарилар ўртасида қуроли тўқнашувлар бошланганидан бери шифохона доимо одамлар билан тўла бўлган. Бу ерда ярадор аскарлар ва теракт қурбонлари ёрдам олишади. Мамлакатимиздаги кўплаб шифохоналар сингари, бу ер ҳам баланд бетон деворлар билан ўралган ва унинг ҳудудига етиб бориш учун назорат пунктидан ўтишингиз керак. Буларнинг барчаси худкуш террорчиларга қарши қўлланган зарур чоралар ҳисобланади.

Мени зудлик билан жонлантириш бўлимига юборишди. Палатада ўрнатилган соат тушдан кейинги бешни кўрсатарди. Ҳамшира менга қанақадир укол юборди. Ёнимдаги каравотда бомба портлаши туфайли оёғи узилиб кетган ёш аскар ётарди. Кўп ўтмай, ёш нейроржарроҳ полковник Жунайд палатамизга кириб келди. Отам шифокорнинг ёш эканлигидан норози бўлди. Чунки бу одам кўринишидан дўхтирга ўхшамас эди. Марям хоним ҳаммага ўзини «Малаланинг онаси» сифатида таништирганди ва шу сабаб ичкарига киришга муваффақ бўлди.

Шифокор мени обдан текширди. Мен ўзимни билаётган эдим, гоҳ-гоҳида оғриқдан инграб қўярдим, лекин ҳеч нарса дея олмасдим. Дўхтир чап қошим устидаги ярани – ўқнинг кириш тешигини тикиб қўйди. Ажабланирлиси шундаки, ўқ рентген нурида кўринмасди.

– Агар кириш жойи бўлса, демак, чиқиш жойи ҳам бўлиши керак, – деди шифокор.

У умуртқа поғонамни кўздан кечирди ва чап елка суягимдаги ўқни топди.

– Жангарилар унга ўқ узишганда, унинг боши олдинга эгилган бўлган.

Мени яна компьютер томографиясидан ўтказишди. Шифокор отамни ўз хонасига таклиф қилди ва текширув натижаларини кўрсатди. Унинг сўзларига кўра, Мингора касалхонасида сканерлаш фақат битта кўринишда қилинган экан. Янги рентген натижаларига кўра вазият аввалгидан кўра жиддийроқ эди.

– Кўряпсизми, Зиёвуддин, ўқ мияга анча яқинлашган, – деб тушунтирди шифокор отамга. – Суяк бўлақлари мия мембраналарига зарар етказган. Бундан буёғига умид қилишдан ўзга нажотимиз йўқ. Ҳозирда қизингизни операция қилиш мантиқсиз.

Отам тушкун аҳволда қолди. Мингоралик шифокорлар унга менинг ҳаётимга ҳеч нарса таҳдид солмайди, деб ишонтиришганди, аммо энди жароҳат жуда хавфли эканлиги маълум бўлди. Аммо... Хўп, вазият шунақа жиддий экан, нега операцияни кейинга қолдириш керак бўлиб қолди? Шубҳа-гумонлар...

Ҳарбий касалхонада отам ўзини жуда ноқулай ҳис қила бошлади. Армия кўп марта ҳокимиятни куч билан эгаллаб олгани учун одамлар ҳарбийлардан эҳтиёт бўлишади. Узоқ вақт давомида ҳарбий ҳолат остида бўлган Сват водийсида бу ҳушёрлик янада кучлироқ эди. Отамнинг дўстларидан бири уни чақириб:

– Малалани тезда бу касалхонадан олиб чиқинг. Унинг бу дунёда қиладиган ишлари ҳали кўп, Лиқаат Али Хон сингари шаҳид бўлиб кетишига йўл қўймаслигимиз даркор, – дейишди.

Ота нима қиларини билмасдан, гангиб қолди ва дарҳол Полковник Жунайдиннинг ёнига бориб, бор дардини тўкиб солди:

– Мен тушунмай қолдим, нега бизни бу ерга олиб келишди? Мен қизимни оддий фуқаролар шифохонасига олиб боришади, деб ўйлагандим. Майли, борига шукр дермиз. Аммо дўхтир Мумтозни маслаҳатга таклиф қила оласизми?

– Унинг рози бўлишига амин эмасман, – жавоб қайтарди полковник Жунайд ранжигандек бўлиб.

Кейин билсак, полковник Жунайд ёш кўринишига қарамай, армиянинг ўн уч йиллик энг тажрибали ва билимдон мутахассисларидан бири ҳисобланаркан. Кейинчалик у ҳарбий нейрожарроҳ бўлган амакиси изидан бориб, ҳарбий шифокор бўлишга қарор қилганини айтиб берганди. Армия касалхоналари фуқаролик шифохоналарига қараганда яхшироқ шароитга эга эди. Пешовар касалхонаси толибон билан урушда энг катта ёрдами теккан шифохона бўлса, полковник Жунайд энг фаол шифокорлардан бўлган.

– Мен Малала сингари минглаб одамларни даволадим, – деди у кейинроқ.

Аммо ўша пайтда буларнинг ҳеч биридан хабардор бўлмаган отам ёш шифокорга ишончсиз муносабатда бўлган. Кейинчалик отам дўхтирга қараб: «Ўзингиз тўғри деб билган ишингизни қилинг, сиз дўхтирсиз», деди ва хомуш кайфиятда хонани тарк этди.

Кейинги бир неча соат ҳаяжонли кутиш билан ўтди. Ҳамширалар юрак уриш тезлигини ва бошқа муҳим белгиларни доимий равишда кузатиб боришди. Вақти-вақти билан инградим, кўзимдан ёш чиқиб турди ёки қўлимни қимирлатдим. Қулоғимга Марям хонимнинг исмим билан чақиргани чалинди:

– Малала, Малала.

Бир маротаба кўзимни ҳам очдим ва буни пайқаган Марям хоним:

– Мен ҳеч қачон унинг кўзлари бунчалик гўзаллигини олдин пайқамаган эканман, – деди.

Кўлимга ўрнатилган датчикни олиб ташламоқчи бўлиб ҳаракат қилганимда, Марям хонимдан дакки эшитдим.

– Хоним, мени дарсдан ҳайдаманг, – деб алжирадим, худди мактабда бўлганимиз каби. Марям хоним қаттиқ-қўл директор эди-да.

Кечкурун онам ва Атал касалхонага етиб келишди. Уларни отамнинг дўсти Муҳаммад Фарруҳ олиб келибди. Марям хоним онамга олдиндан кўнғироқ қилиб, уни огоҳлантирибди:

– Малалани кўрганингизда, ачинишингиз ёки йиғлашингиз шарт эмас. У кўзлари юмилган бўлса ҳам, беҳуш бўлиб туюлса ҳам, ҳамма нарсани эшитади.

Отам ҳам онамга кўнғироқ қилиб, ҳар қандай вазиятга тайёр туришлари кераклигини айтган экан. Онам ва отам кучоқлашиб кўришишди.

– Қизим, Атал шу ерда, – деди онам менга қараб. – У сени кўриш учун келди. Кўзингни оч!

Кичкина укамдан ўзини тутишни сўрашган бўлишса-да, у мени кўргач, баланд овозда йиғлаб юборди.

Онам нима учун шифокорлар жарроҳлик амалиётини ўтказмаётгани ва ўқни олиб ташламаётганини билишга қизиқди. Жавобдан унинг кўнгли тўлмади.

– Жасур қизим, гўзал қизим, – деб сочларимни силади онам.

Атал шовқин кўтаравергач, охир-оқибат бутун оиламни касалхонадаги меҳмонхонага олиб боришди. Айни пайтда шифохона ташқарисида кўплаб одамлар – менга ҳамдардлик билдирмоқчи бўлган сиёсатчилар, давлат амалдорлари, жамоат арбоблари, журналистлар тўпланишган эди. Ҳатто, вилоятимиз ҳокими ҳам келиб, менинг даволанишим учун отамга 100.000 рупия ташлаб кетди. Мамлакатимизда марҳумнинг уйига ҳукумат аъзолари ҳамдардлик билдириш учун келишса, алоҳида шараф ҳисобланади. Аммо отам бизга кўрсатилаётган эҳтиромдан фақат ғазабланди. Чунки

бу одамлар мени ҳимоя қилиш учун ҳеч нарса қилишмаганди.

Меҳмонхонада Атал телевизорни ёққанида отам дарҳол ўчириб қўйишни буюрди. У қизига қилинган суиқасд ҳақидаги янгиликларни эшита олмасди. Отам хонадан чиққач, Марям хоним яна телевизорни ёқди. Худди мен аллақачон вафот этгандек, барча каналларда мен билан содир бўлган воқеа ёритиларди.

– Малала, менинг бечора Малалам, – онам фарёд солди. Марям хоним ҳам унга қўшилди.

Ярим тунда полковник Жунайд отамни хонасига чақирди.

– Зиёвуддин, Малалада мия шиши бор, – деди у босиқлик билан.

Отам бу нимани англатишини ва қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билмасди. Шифокор менинг аҳволим ёмонлашаётганини, хотирам аста-секин йўқолишини ва яна қон қусишни бошлашимни айтди. Ниҳоят, мия шиши ҳаётимга таҳдид солиш-солмаслигини аниқлайдиган яна бир томография ўтказишга қарор қилишди.

– Аммо бизга ўқ мияга тегмади, дейишганди-ку, – минғирлади отам.

Шифокор ўқ суякни парчалагани, суяк парчалари мияни шикастлаб, шишиб кетишини тушунтирди. Мия учун кўпроқ жой ажратиш мақсадида бош суягининг бир қисмини олиб ташлаш керак экан, чунки интракраниал босимнинг ошиши ҳаётимга бевосита таҳдид солар эди.

– Фақатгина операция қизга омон қолиш имкониятини бериши мумкин. Агар қўл қовуштириб ўтирсак, у аниқ ўлади. Мен эса ҳаракатсизлигим натижасида афсусланиб ўтиришни хоҳламайман.

Бош суягининг бир қисмини олиб ташланиши кераклигини эшитган отам сесканиб кетди:

– Операцияни амалга оширсангиз, у омон қоладими? Шифокор унга ҳеч қандай кафолат бера олмаслигини айтди.

Гарчи касалхона раҳбарияти мени чет элга жўнатиш керак, деб ҳисоблаб, операциядан қайтарган бўлса ҳам, полковник Жунайд дадил қарор қабул қилди. Лекин шифокорнинг қатъияти сабаб ҳаётим сақлаб қолиниши мумкин эди. Отам ишни пайсалга солмасдан ҳаракат қилишни илтимос қилди. Полковник Жунайд дўхтир Мумтоздан ёрдам сўрашини айтди. Отам яхшилаб дуо қилганидан сўнг, операция учун розилик бериши тўғрисидаги ҳужжатни имзолади. Бу ҳужжатда: «Бемор ўлиши мумкин», деб ёзилганди.

Амалиёт тунги соат бир яримда бошланди. Ота-онам операция хонаси ёнидаги йўлакда тинмай дуо қилиб чиқишди.

– Раббим, ўтинаман, Малаланинг ҳаётини сақлаб қол! Қизимнинг тирик қолиши учун умрим охиригача саҳрода ялангоёқ юришга ҳам тайёрман. Мен усиз яшай олмайман. Раббим майли менинг жонимни ол, мен етарлича яшадим. Аммо қизимнинг ҳаётини сақлаб қол, ёлвораман. Майли, ногирон бўлиб қолса ҳам, тирик қолса бўлди.

Отамнинг телбанамо гапларини онам бўлиб қўйди:

– Худо бахил эмас ва сиз билан савдолашмайди. Агар у Малаланинг яшашини хоҳласа, уни тирик ва соғлом ҳолатда бизга қайтаради.

Онам қўлларига Қуръон ушлаганча намоз ўқишни бошлади. Бир неча соат тўхтамасдан муқаддас сураларни ёддан тиловат қилди.

– Мен ҳеч қачон бир одамнинг бунчалик ибодат қилганини кўрмаганман, – дейди кейинчалик ушбу воқеани эслар экан Марям хоним. – Айнан шундан сўнг, Аллоҳчин дилдан ибодат қилган одамга сўраганини беришига амин бўлдим.

Бу орада полковник Жунайд тиббий арра ёрдамида бош суягимнинг юқори чап томонидан саккиз сантиметр квадрат қисмини кесиб ташлади. Энди менинг шишган миямнинг атрофида бўшлиқ ҳосил бўлди. Сўнгра шифокор қорин бўшлиғимнинг тери ости тўқимасини кесиб ташлади ва бош суягининг бир қисмини жойлаштирди. Шундан сўнг, шиш туфайли нафас олишим билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида менга трахеотомия (нафас олиш пайтида юз берадиган тўсиқни бартараф этиш учун нафас трубасига найча ўрнатиш) амалиётини ўтказди. Шунингдек, шифокор миямдаги қон қуйқалари ҳамда чап елкам остидаги ўқни ҳам олиб ташлади.

Амалиёт деярли беш соат давом этди. Отам касалхонада йиғилган одамларнинг 90 фоизи менинг ўлимим ҳақидаги хабарни кутишяпти, деган ўйга борди. Албатта, улар орасида чин дилдан хавотирланадиганлар ҳам бор эди. Аммо кўпчилик бизнинг шон-шуҳратимизга ҳасад қилишар, менинг бу қўйга тушганимдан ич-ичидан роҳатланишаётганди. Отам ўзига келиб олиш учун бироз йўлак бўйлаб юришга қарор қилди. Операция хонасидан узоқлашиши билан ҳамшира уни чақирди:

– Сиз Малаланинг отасисиз-а?

Отамнинг юраги сиқилиб кетди. Индамай бош ирғади. Ҳамшира уни палатага олиб борди.

Отам ҳамширадан «Кўлимиздан келганини қилдик, аммо бандалик...», деган гапни кутган эди. Бунинг ўрнига ҳамшира қон қуйиш станциясига бориб, қон олиб келишни буюрди. Отам бир вақтнинг ўзида ҳам енгиллик, ҳам безовталиқни ҳис қилди.

– Ҳақиқатан ҳам мендан бошқа буни қиладиган одам йўқми? – деб ўйлади ва дўстларидан бирини станцияга жўнатди.

Ниҳоят, эрталаб соат олти яримда жарроҳлар операция хонасидан чиқиб келишди. Улар отамга бош

суягимдан бир парча суякни олиб, қорин бўшлиғимга тикканликларини айтишди. Шифокорлар беморнинг қариндошларига узоқ вақт тушунтириш беришлари одат тусига кирмаган, шу сабаб отам ҳайиқиброқ сўради:

– Рухсат этсангиз, бир аҳмоқона савол бермоқчиман. У тирик қолади, деб айта оласизми?

– Тиббиётда икки карра икки доимо тўрт бўлавермайди, – жавоб қилди полковник Жунайд. – Биз қўлимиздан келганича ҳаракат қилдик. Энди буёғига фақат кутишимиз керак.

– Маъзур тутсангиз, яна битта аҳмоқона саволим бор, – давом этди отам. – Нега унинг қорин бўшлиғига суяк жойлаштирдингиз?

– Уч ой ичида биз уни чиқариб, яна бош суягига қўямиз», – деб тушунтирди дўхтир Мумтоз. – Бу одатий амалиёт.

Эртаси куни эрталабки хабар ҳаммани хушнуд этди. Қўлларим қимирлай бошлади! Мени текшириш учун уч нафар энг малакали жарроҳ шифохонага келди. Улар полковник Жунайд ва дўхтир Мумтоз жуда яхши иш қилишганини ҳамда операция муваффақиятли ўтганини таъкидлашди. Шунингдек, ҳушимга келсам, интракраниал босим кучайиши мумкинлигини инobatга олиб мени сунъий кома ҳолатида сақлаш кераклигини маслаҳат беришди.

Мен ҳаёт билан ўлим ўртасида сарсон бўлиб юрганимда толибон менинг ҳаётимга қилинган суиқасд учун жавобгарлигини ўз бўйнига олди. Бироқ жангарилар суиқасднинг сабаби менинг инсон ҳуқуқлари учун курашганим эканлигини рад этишди. Толибон вакили Эҳзануллоҳ Эҳсон қуйидаги баёнот билан чиқди:

«Ҳа, биз уни отиб ташладик. Бизга қарши бўлганларнинг бошига шу кун тушишини эслатиб ўтмоқчимиз. Куфрни тарқатишда бош-қош бўлгани учун Малалани отиб ташладик. Ёш бўлишига қарамай, у пуштун ўл-

каларида Ғарб турмуш тарзини тарғиб қилди. У ғарб-параст. Унинг раҳнамолари ғарбликлар бўлгани боис у бизни доимо қоралаб келган. У Президент Обамани ўзининг кумири деб атаган».

Отам толибон вакили нимага ишора қилаётганини яхши билар эди. Бир йил олдин Тинчлик бўйича миллий мукофотга сазовор бўлганимдан бери, кўплаб телевизион шоуларда қатнашдим. Улардан бирида мендан севимли сиёсатчим кимлигини сўрашди ва мен Хон Абдул Ғаффор, Беназир Бхутто ва Барак Обаманинг исмларини айтдим. Мен шунчаки, Америка президентининг ҳаёти ҳақида ўқиб, камбағал оиладан чиққан ёш афроамерикалик ўзининг барча орзулари ва амбисияларини амалга ошира олганига қойил қолгандим. Аммо АҚШнинг Покистондаги обрўси шубҳасиз салбий бўлиб, дрон хужумлари, ҳудудимиздаги махфий рейдлар ва Марказий разведка бошқармаси агенти Раймонд Девисдан кейин бу обрў янада пасайганди. Толибон вакили Файзуллоҳ икки ой олдин бўлиб ўтган йиғилишда мени отиб ташлашни буюрганини айтди:

– Бизга қарши ҳукуматни қўллаб-қувватлайдиган ҳар ким бизнинг қўлимизда жон беради. Доимо шундай бўлиб келган ва энди ҳам шундай бўлади. Тез орада янги марраларни забт этамиз.

Файзуллоҳ, шунингдек, мен ва менинг саёҳат йўналишим тўғрисида маълумот тўплаган сватлик икки фуқаронинг хизматидан фойдаланганини, хужум толибларнинг армиядан кўркмаслигини кўрсатиш учун айнан армия назорат пункти яқинида амалга оширилганини кўшимча қилиб ўтди.

Операциядан кейин эрталаб касалхонада шов-шув кўтарилди – ҳамширалар ҳамма ёқни тозалай бошлашди, шифокорлар янги формаларини кийиб олишди, хўжалик ходимлари газонларни бўяшга тушишди. Кейин билсак, армиянинг бош қўмондони, генерал Каяни ка-

салхонага ташриф буюриши керак экан. Қўмондон ўзини кўп куттирмади ва палатага кириши биланоқ отамга хушмуомалалик билан деди:

– Бутун Покистон халқи сиз ва қизингиз учун ибодат қилмоқда.

Мен генерал Каяни билан 2009 йилда, у Сват водийсига келиб, толибларга қарши митинг ўтказилаётганда учрашганман.

– Армия ўз вазифасини бажариб, толибонни қувиб чиқарганидан хурсандман, – дегандим ушбу митингда қўмондонга қараб. – Энди фақат Файзуллоҳни қўлга олиш қолди.

Ушбу сўзлар ортидан роса чапак чалинганди...

Генерал Каяни ёнимга келиб, оталарча меҳр билан қўлини бошимга қўйди. Полковник Жунайд генерал билан операция натижалари ва кейинги даволаниш режалари тўғрисида ўртоқлашди. Генерал малакали мутахассислардан маслаҳат олиш учун томография натижасини чет элга юбориш кераклигини айтди. Генерал кетганидан сўнг ҳам йўқлаб келган одамларнинг кети узилмади: крикетчидан сиёсатчига айланган Имрон Хон, вилоятимизнинг ахборот вазири, ёлғиз ўғлини отиб ўлдирган толибондан биздан кам нафратланмайдиган Миан Ифтихор Хусейн, вилоятимизнинг Бош вазири Ҳайдар Хотини шулар жумласидандир. Аммо уларнинг ҳеч бирига мени кўришга рухсат беришмади.

– Малала ҳали кўп яшайди, деб умид қиламиз, – деди Хотини касалхонага йиғилган одамларга қараб. – У ҳали кўп иш қилиши керак.

Кундузи соат учлар атрофида вертолётда икки нафар инглиз мутахассиси – дўхтир Жавид Каяни ва дўхтир Фиона Рейнолдс етиб келишди. Иккаласи ҳам ўша пайтда Бирмингемдаги клиникаларда ишлаган ва Покистондаги биринчи жигар кўчириб ўтказиш дастури бўйича армия жарроҳларига маслаҳат бериш учун

мамлакатимизга келган эди. Покистон нафақат таълим соҳасида, балки соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам анча оғир аҳволда эди. Покистонлик болаларнинг 15 фоизга яқини гепатит билан касалланган бўлиб, инфекция кўпинча тиббий муассасаларда шприц ёрдамида юктириб олинади. Покистонда жигар циррози касаллигидан ўлим даражаси ҳам жуда юқори. Генерал Каяни бу вазиятни ўзгартиришга қарор қилди ва армия яна бир бор фуқаролик ҳокимиятининг кучи етмайдиган вазифани ўз зиммасига олди. Генерал британиялик мутахассислардан уйларига учиб кетишидан олдин ўз ютуқлари тўғрисида маҳорат-дарси ўтиб кетишни илтимос қилди. Шифокорларнинг генерал билан учрашуви мен яраланганимнинг эртаси куни бўлиб ўтди. Улар генералнинг идорасига киришганида, мониторда иккита телеканал, биридан маҳаллий урду канали, иккинчисидан эса инглиз тилидаги «Sky News» қўйилган экан.

Генерал ва шифокор бир хил фамилияли бўлишига қарамай, ўзаро қариндош эмасди. Генерал дўхтир Жавидга менинг аҳволимдан хавотирда эканлигини айтди ва мени текширишни илтимос қилди. Қиролича Елизавета касалхонасининг фавқулодда вазиятлар бўйича мутахассиси дўхтир Жавид эса бунга рози бўлиб, Бирмингем болалар касалхонаси ходими ва болалар интенсив терапияси мутахассиси дўхтир Фионани ўзи билан олиб келишини айтди. Лекин у чет элликлар учун ёпиқ бўлган Пешоварга боришдан қўрқарди. Аммо қизларнинг ўқиш ҳуқуқи учун курашганимни билгач, у барча қўрқувларини енгиб ўтиб, менга ёрдам беришга қарор қилди. Дўхтир Фиона Ер юзидаги барча қизларнинг таълим олиш имкониятга эга бўлишини хоҳлар эди. Полковник Жунайд ва шифохона раҳбари инглиз шифокорларини унчалик хушламади. Аммо генерал Каяни уларни юборганини билганидан сўнг, ноилож мени кўришга рухсат беришди. Пешовар касалхонасидаги ва-

зият инглизларни умуман қониқтирмади. Шифокорлар қўлларини ювмоқчи бўлганларида канализация тизими йўқлигини билиб даҳшатга тушишди. Касалхонада ишлатилаётган ускуналар эса уларга 1950 йилларни эсга солиб юборди. Дўхтир Фиона менинг қон босимим охирги марта қачон ўлчанганлигини сўради. Икки соат олдинлигини билганидан сўнг, бошини чайқаб, қон босимимни доимий равишда ўлчаб туриш лозимлигини айтди. Анализ натижаларини текширгандан сўнг, қонимда карбонат ангидрид миқдори жуда паст эканлигини аниқлади.

Отам дўхтир Жавиднинг гапларини эшитмаётганидан бахтиёр эди. Дўхтир Фиона ҳамкасбига операция ўз вақтида қилингани ва муваффақиятли бўлгани туфайли омон қолишим учун умид борлигини айтди, аммо операциядан кейинги тўғри даволанишнинг етишмаслиги менинг имкониятларимни сезиларли даражада камайтирарди. Нейрожарроҳлик амалиётдан сўнг беморнинг нафас олиш тезлигини ва газ алмашинувини кузатиб бориш жуда муҳимдир. Қонда карбонат ангидрид даражаси нормал даражада сақланиши керак. Албатта, бунинг учун тегишли жиҳозларга эҳтиёж сезилади. Дўхтир Жавид айтганидек, бундай операциядан сўнг касал одамни ҳаётга қайтариш самолётни қайтадан йиғишга ўхшайди. Кўплаб мураккаб воситаларсиз бу ишни амалга ошириш мумкин эмас. Аксига олиб, касалхонада зарур жиҳозлар йўқ эди, мавжудларидан эса ходимлар қандай қилиб тўғри фойдаланишни билишмасди. Британиялик шифокорлар аҳволимдан жуда хавотирга тушишди, лекин Пешоварда узоқ вақт тура олишмаслиги туфайли тез орада вертолёт билан ўз юртига жўнаб кетишди.

Мен ётган палатага киритилмаган меҳмонлар орасида Покистон ички ишлар вазири Раҳмон Малик ҳам бор эди. У мен учун паспорт ҳам олиб келганди. Гарчи бу

паспорт мен учун фойдали бўлишига умуман ишонмаса ҳам, отам унга миннатдорчилик билдирди.

– Рости, Малалага нима учун паспорт кераклигини билмайман, – деди у кечкурун онамга паспортини кўрсатиб. – Ахир, жаннатга киришдан олдин ҳеч қанақа ҳужжат сўрашмайди-ку...

Отам ҳам, онам ҳам йиғлаб юборишди. Улар касалхонани тарк этишмагани туфайли ҳаётимга қилинган тажовуз ҳақидаги хабар аллақачон бутун дунёга тарқалиб кетганлигини, кўплаб мамлакатларнинг энг илғор клиникалари мени қабул қилишга тайёрлигини билишмас эди. Менинг аҳволим ёмонлаша бошлади. Отам телефон кўнғироқларига камдан-кам жавоб берадиган бўлди. Шунга қарамай, форумларнинг бирида мен билан ёзишиб қолган панжоблик Арфа Карим исмли қизнинг ота-онаси билан телефон орқали мулоқот қилди. Компьютер даҳоси бўлган Арфа дастурлашда шундай муваффақиятга эришган эдики, тўққиз ёшида компьютер сертификатига эга бўлиб, дунёдаги энг ёш компьютер мутахассиси, дея эътироф этилганди. Арфа Карим ҳатто Силикон водийсига ташриф буюрган ва у ерда Билль Гейтс билан учрашган. Афсуски, 2012 йил январь ойида, эндигина 16 ёшга тўлганида, эпилептик тутилиш натижасида юрак хуружидан вафот этганди. Қабул қилгичда отам Арфанинг отасининг овозини эшитиши билан йиғлаб юборди:

– Қизимни йўқотиб қўйганимдан кейин қандай яшашни ўргатинг...

НОМАЪЛУМ ЙЎНАЛИШ САРИ

Мени сешанба куни тушдан кейин отиб кетишганди. Пайшанба куни эрталаб эса отамда менинг тирик қолишим борасида заррача умид қолмаганди. У ҳатто тоғам Файз Муҳаммадга қишлоқдаги қариндошларимиз дафн маросимига тайёргарлик кўришни бошлашлари кераклигини ҳам тайинлаганди. Мен сунъий кома ҳолатида эдим. Ҳаёт кўрсаткичларим ёмонлашган. Юзим ва танам шишиб кетган, буйрақларим ва ўпкам ишлашдан тўхтаганди. Мени найчалар билан ўралган ҳолда ҳаракатсиз ётганимни кўрган отамнинг юрак-бағри эзилиб кетди.

«Қизим ҳали бу дунёни тарк этмаслиги керак. Ахир, у эндигина 15 ёшга тўлди-ку!» отамнинг миясида шу фикр тинмай айланди.

Онам тунлари ухламай ибодат қилиб чиқди. Файз Муҳаммад Қуръоннинг «Ҳаж» сурасини ўқиш фойда беришини айтганидан сўнг онам тинмасдан шу сурани қайтара бошлади. Онам отамга юраги менинг тирик қолишимни сезаётганини айтди. Аммо бу отамга унчалик таскин бермади, сабаби аҳволим кундан кунга тобора оғирлашиб борарди.

Полковник Жунайд хонага кирганида, отам тағин сўради:

- Қизим яшаб кетади-а?
- Худого ишонасизми? – саволга савол билан жавоб берди шифокор.
- Ҳа, – отам бош ирғади.

Сўнмас имон ва юксак маънавият соҳиби бўлган полковник Жунайд отамга чин дилдан ибодат қилишни тавсия қилди.

Чоршанба куни кечқурун Исломободдан интенсив терапия бўйича мутахассис ҳисобланган икки нафар ҳарбий шифокор етиб келди. Уларни британиялик шифокорларнинг Пешовар касалхонасида тўғри даволанмаётганим ва юқумли касалликлар ёки операциядан кейинги асоратлар туфайли вафот этишим мумкинлиги ҳақидаги ахборотидан хавотирда бўлган генерал Каяни юборган экан. Британиялик мутахассислар мени бошқа касалхонага ўтказиш зарурлигини таъкидлашди. Улар, шунингдек, дўхтир Фионанинг тавсиялари касалхона ходимлари томонидан бажарилмаганлигини ва менинг аҳволим ёмонлашишда давом этаётганини аниқлашди. Пайшанба куни эрталаб ҳарбий шифокорлардан бири полковник Аслам дўхтир Фионага қўнғироқ қилиб, деди:

– Малаланинг аҳволи оғир. Қон босими кескин пайсайдан ва қонидаги кислота даражаси кўтарилган. Буйрақлар деярли пешоб чиқаришни тўхтатган. Умуман олганда, тана бутунлай ишдан чиққан. Вазият янада оғирлашиши мумкин...

Бу вақтда дўхтир Фиона эндигина Бирмингемга учиб кетиш учун аэропортга келган эди. Лекин бу қўнғироқдан сўнг у мени қутқариш учун Пешоварга қайтишга қарор қилди, шунингдек, Бирмингемда бирга ишлаган иккита ҳамширасини ҳам олиб келди.

Дўхтир Фиона пайшанба куни тушга яқин Пешоварга етиб келди ва мени текширганидан сўнг, отамга мени зудлик билан тажрибали реаниматологлар ишлайдиган Равалпинди шаҳридаги касалхонага етказиш кераклигини айтди. Отам воқеа жойидан Пешоваргача вертолётда келганимда катта қийинчиликларни бошимдан кечирганимни эслаб, юраги орқага тортиб кет-

ди. Аммо дўхтир Фиона транспортда менга ҳеч қанақа ноқулайлик бўлмаслигига ишонтирди. Отам дўхтирдан яшаб қолишим учун умид бор ёки йўқлигини билмоқчи бўлганида, дўхтир: «Агар умид бўлмаса, мен бошқа шаҳарга олиб боришни талаб қилмаган бўлар эдим», дея жавоб берди. Отам ўзини қўлга олишга ҳарчанд уринмасин, барибир, ўзини тута олмади. Йиғлаб юборди.

Бироз вақт ўтгач, кўзларимга дори томизиш учун палатага ҳамшира кириб келди.

– Қаранг, Хайиста, дўхтир Фиона тўғри айтган, – деди онам отамга. – Агар умид бўлмаганида, улар Малаланинг кўзларига томчи томизишмасди.

Толибон тажовузидан жабр кўрган яна бир Шазия исмли қизни мен турган касалхонага олиб боришди ва дўхтир Фиона уни ҳам текшириб кўрди. Дўхтир отамга Шазиянинг ишлари жойида эканлигини ва мени доимо асраб-авайлаш кераклигини уқтирди.

Тез ёрдам машинаси бизни вертолёт майдонига олиб борди. Худди ҳукумат делегацияларидек, фараси ёниб ўчадиган чироқли машиналар билан мотоциклчилар эскорти бизни кузатиб қўйди. Парвоз бир соату ўн беш дақиқа давом этди. Дўхтир Фиона бу вақт давомида тез-тез ҳаётий кўрсаткичларимни текшириб турди. Айтишларича, бу шифокор Буюк Британиядаги жуда кўп оғир касалга чалинган болаларнинг тузалишига сабаб бўлган экан. Аммо ҳозиргидек вазиятга умрида илк бора тушиб қолди. Пешовар чет элликлар учун хавfli жой эканлигини менинг исмимни гугллаб билиб олиш мумкин. Шу сабаб дўхтир Фиона жуда эҳтиёт бўлишга қарор қилди. Кейинчалик, у ўз хотираларида:

– Агар бу қизга бирон нима бўлса, бунинг учун оқ танли шифокор айбдор бўлиб қолишини тушуниб етдим. Агар у вафот этганида, мен Покистон миллий қаҳрамонининг қотили, деб эълон қилинардим, – деб айтганди.

Вертолёт Равалпиндига кўниши билан, тез ёрдам машинаси бизни ҳарбий эскорт ҳамроҳлигида ҳарбий кардиология институти касалхонасига олиб борди. Бунин билган отамнинг хавотири янада ортди. Бошидан жароҳат олган қизни нега кардиологик институтга олиб бормоқчи бўлишлари ҳақида ўйлаб, ўйига ета олмади. Аммо дўхтир Фиона унга касалхонада Покистондаги энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган энг яхши интензив терапия бўлими ва Британияда ўқитилган мутахассислар ўрин олганини тушунтирди.

Биз билан бирга бўлган бирмингемлик ҳамширалар маҳаллий ҳамшираларга нейрожарроҳликни бошидан ўтказган беморга ғамхўрлик қилишнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиришди. Кейинги бир неча соат давомида шифокорлар мени ёлғиз қолдиришмади, доимий равишда антибиотиклар жўнатишди ва бир неча бор қон қуйишди. Бир неча соатдан сўнг, ниҳоят, шифокорлар аҳволим барқарорлашганини эълон қилишди.

Каттаконларнинг буйруғига кўра касалхона стратегик ҳарбий объект сифатида қўриқлана бошланди. Батальон аскарлари ўз ҳудудида, мерганлар томда ўтириб, касалхонани мудофаа қилишди. Барча шифокорларга ҳарбий кийим кийдирилди, беморларнинг ҳол-аҳволини билишга келганлар қаттиқ назорат остига олинди. Майор унвонига эга бўлган ҳарбий офицер ота-онамга бириктириб қўйилди, ҳар қадамда уларга соядек эргашди.

Буларнинг барчаси отамнинг кайфиятини тушириб юборди ва тоғамга қараб:

– Эҳтиёт бўлинг, бу ерда махфий агентлар кўп бўлиши керак, – дея тайинлади.

Менинг ортимдан келганларга офицерлар меҳмонхонасидан учта хона ажратилди. Барчанинг мобил телефонлари йиғиштириб олиниб, бу хавфсизлик нуқтаи

назаридан амалга оширилгани уқтирилди. Менимча, асл сабаб бошқача эди – шифохона раҳбарияти отамнинг журналистлар билан гаплашишини истамаган. Ҳар доим ота-онам меҳмонхонадан чиқиб, касалхонага боришни истаб қолишса, рация орқали рухсат олишлари керак эди ва бу камида ярим соат вақтни оларди. Меҳмонхонадан овқатланиш хонасига бораётганда ҳам ҳарбийлар уларга соядек эргашишди. Албатта, мени кўргани келган бирорта одам ичкарига қўйилмаган. Ҳаттоки, Бош вазир ҳам. Ушбу эҳтиёт чораларининг барчаси ғалати туюлса ҳам, бошқа томондан ўйланса, мантиқийлиги аён бўлади. Чунки, сўнгги уч йил ичида толибон қаттиқ кўриқланадиган ҳарбий объектларга – Меҳрондаги денгиз базасига, Камрадаги ҳаво кучлари базасига ва Равалпиндидаги армия штабига ҳужум қилишга муваффақ бўлган.

Хавфсизлик чоралари кучайтирилганига қарамай, толибон ҳужуми хавфи анча юқори эди. Отамга укаларимдан эҳтиёт бўлиш тавсия этилди. Хушалнинг Мингорода қолгани отамнинг хавотирини янада оширди. Аммо тез орада уни Равалпиндига олиб кетишди. Меҳмонхонада компьютер ёки Интернет алоқаси мавжуд эмас, лекин ошпазлардан бири Ясим Мама оиламга газета-журналларни етказиб бериб, уларнинг меҳрини қозонди. Ясим оилам учун таом тайёрлашни алоҳида шараф, деб билишини айтди. Ота-онам унинг меҳрибонлигидан таъсирланиб, у билан барча тажрибаларини ўртоқлашди. Ошпаз иложи борича оиламнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиб, ширин-ширин таомлар тайёрлаб турди.

Отам газеталар орқали ҳаётимга қилинган тажовуз халқаро миқёсда катта реакцияга сабаб бўлганлигини билиб олди. БМТ бош котиби Пан Ги Мун суиқасдни «жирканч ва қўрқоқ иш», дея таъкидлаган бўлса, Пре-

зидент Барак Обама «фожиали», деб изоҳ берди. Бироқ Покистондаги реакция у қадар ижобий бўлмади. Баъзи газеталар мени «тинчликпарварларнинг иконаси» деб атади, бошқалари эса бу воқеани «саҳналаштирилган» деб ҳисоблади. Баъзи блогерлар ҳаттоки суиқасд фактини шубҳа остига олишди ва менга ҳеч ким ўқ узмаган дея даъво қилишгача боришди. Аслида, урду матбуоти ҳар хил уйдирмаларга тўла эди. Масалан, журналистлардан бири мен эркакларнинг соқол қўйишига қарши эканлигимни айтди. Менинг энг ашаддий рақибим «Жамоа-и-Исломиё» диний партиясидан парламент аъзоси ҳисобланган Раҳила Қози эди. У мени «Америка қўғирчоғи» дея атади. Қози менинг Америка элчиси Ричард Холбрукнинг ёнида ўтирган фотосуратимни «Америка ҳарбийлари бошимни силаётганига» аниқ далил, дея эълон қилди.

Мана шунақа вазиятларда дўхтир Фиона оиламнинг асосий тасалли берувчисига айланди. Онам фақат пуштун тилида гаплаша олгани боис дўхтир у билан фақат имо-ишора орқали гаплашди. Масалан, хонамдан чиққанидан сўнг онамга қараб, «Ҳаммаси яхши!» маъносини берадиган бош бармоғини юқорига кўтариб қўйиш ишорасини кўрсатарди. У менинг аҳволимда қандай ўзгаришлар юз берганини отамга сабр-тоқат билан тушунтирар, шундан кейин отамнинг онамга етказишини кутарди. Бундай ҳурматли муносабат отамни ҳайратда қолдирди, чунки бизнинг мамлакатда шифокорлар, одатда, беморнинг ниманидир тушунтиришни зарур деб ҳисобламайди. Мени даволанишга қабул қилиш учун хориждан таклифлар тинмай кела бошлади. Американинг энг яхши шифохоналаридан бири бўлган Жон Хопкинс касалхонаси мени бепул даволашга тайёрлигини билдирди. Кўплаб америкаликлар эса шахсий ёрдамларини таклиф қилишди. Улар орасида Покистонга кўп марта

ташриф буюрган сенатор Жон Керри ва Конгресс аъзоси Габриелл Гиффордс ҳам бор эди. Шунингдек, Германия, Сингапур, БАА ва Буюк Британия касалхоналари ва фуқаролари ҳам тақдиримга бефарқ қараб туришмади.

Энг қизиғи, мен ҳақимдаги қарорлар бўйича бирор ким ота-онамдан маслаҳат сўрамас эди. Барча қарорлар армия раҳбарияти томонидан қабул қилинди. Мени даволаниш учун чет элга юбориш ёки юбормаслик тўғрисида қарор қабул қилиш учун генерал Каяни дўхтир Жавидга мурожаат қилди. Армия қўмондони менга бунчалик катта эътибор қаратгани ажабланарли ҳол эди. Кейинчалик, дўхтир Жавиднинг эслашича, улар бу масалани олти соат давомида муҳокама қилишган экан. Генерал менинг ўлимим ёмон сиёсий оқибатларга олиб келишини билар эди. У толиблар мағлуб бўлганидан сўнг, сиёсий келишувга рози бўлишига умид қилган. Аммо бу фақатгина сиёсий жиҳатларга боғлиқ эмасди. Генерални яқиндан биладиган ҳар бир киши унинг одамларга жуда диққатли ва ғамхўр эканлигини эътироф этади. Унинг отаси оддий аскар бўлган ва бўлажак генерал атиги саккиз ёшдалигида вафот этган. Тўнғич ўғил сифатида оилани боқиш унинг зиммасига қолиб кетган. Шу сабабли ҳам генерал Каяни бош қўмондон бўлганидан сўнг биринчи навбатда аскарларнинг уй-жойи ва таълими билан шуғулланган.

Дўхтир Фиона менинг нутқимда нуқсонлар пайдо бўлиши ҳамда ўнг қўлим ва оёғим қисман фалажланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Шунингдек, ушбу асоратларга йўл қўймаслик учун Покистонда зарур жиҳозлар етишмаслиги сабабли амалга ошириб бўлмайдиган узоқ муддатли реабилитация зарурлигини эслатиб ўтди:

– Агар ҳаммаси яхши бўлишини хоҳласангиз, Малалани чет элга олиб бориш керак, – деб маслаҳат берди дўхтир Фиона.

Генерал Каяни мени Америкага боришимга йўл қўй-маслигини айтди, чунки Раймонд Девис билан содир бўлган воқеа ва Бин Ладенни йўқ қилиш операциясидан кейин Покистон ва Америка ўртасидаги муносабатлар бирмунча кескинлашганди. Бундан ташқари, яқинда чегара ҳудудида бир неча покистонлик аскарлар АҚШ ҳаво кучлари вертолёти томонидан ўлдириб кетилганди.

Дўхтир Жавид Лондон, Эдинбург ва Глазгодаги бир нечта инглиз шифохоналарига боришни маслаҳат берди.

– Нега Бирмингемдаги сиз ишлайдиган касалхонани тавсия қилмаяпсиз? – сўради генерал Каяни.

Бирмингемдаги Қиролича Елизавета касалхонасида Афғонистон ва Ироқдаги ҳарбий можаролар пайтида яраланган инглиз аскарлари даволанарди. Дўхтир Жавид хўжайини Кевин Болгерга қўнғироқ қилганида, бош шифокор дастлаб рози бўлганди. Аммо вояга этмаган чет эл фуқаросини Британия шифохонасига жойлаштириш осон эмаслиги ҳамда Покистон ва Буюк Британия бюрократиясининг бир нечта ноқулайликлари сабабли дўхтир Фиона бошқа шифохонани тавсия бергани аён бўлди. Бундан ташқари, вақт ўтиб бораётган эди. Вазият барқарорлашган бўлса-да, шифокорлар мени кўпи билан уч кун ичида бошқа касалхонага ўтказиш керак, деган хулосага келишди.

Ниҳоят, барча керакли ҳужжатлар тахт бўлди. Энди шифокорлар олдида мени бошқа давлатга етказиш муаммоси пайдо бўлди. Транспорт учун ким маблағ ажратиши ҳам ноаниқ эди. Дўхтир Жавид Афғонистондан ярадор аскарларни олиб кетадиган қироллик ҳарбий-ҳаво кучларининг ёрдамидан фойдаланишни таклиф қилди, аммо генерал Каяни бу ҳақда эшитишни ҳам хоҳламади. Кечга яқин генерал дўхтир Жавидни уйига чақирди ва бу масалани ҳал қилиш учун хорижий ҳаво кучларини олиб келмаслик кераклигини тушунтирди.

Менинг ҳаётимга қилинган суиқасд аллақачон жуда кўп тахмин ва миш-мишларни келтириб чиқарганди. Баъзи одамлар мени Марказий разведка бошқармаси агенти деб ҳисоблашарди. Генерал оловга мой сепишни истамади. Духтир Жавид нима қилишни билмай қолди. Британия ҳукумати ёрдам таклиф қилган бўлса-да, уни қабул қилиш учун Покистон ҳукуматининг расмий жавоби талаб қилинарди. Покистон ҳукумати бунини ўзи учун камситиш, дея баҳолаб, таклифни рад этди. Яхшиямки, вазиятга Бирлашган Араб Амирликларининг қироллик оиласи аралашди – оғир касалларни ташиш учун зарур жиҳозларга эга бўлган шахсий самолётдан фойдаланишни таклиф қилишди. Ун бешинчи октябрь, душанба куни эрта тонгда самолёт ҳавога кўтарилди. Бу ҳаётимдаги илк бора Покистонни тарк этишим эди.

Ота-онамнинг мамлакатни тарк этишим борасида қандай қизғин тортишувлар бўлганидан хабарлари йўқ эди. Улар фақатгина мени даволаниш учун чет элга жўнатишга қарор қилинганлигини билишарди. Табиийки, улар ҳам менга ҳамроҳ бўлишга тайёрланишди. Аммо онам ва укаларимда на паспорт ва на бошқа ҳужжатлар мавжуд эди. Якшанба куни полковник отамга эртаси куни мени Англияга юборишларини ва менга ёлғиз отамнинг ўзи ҳамроҳлик қилишини, онам ва укаларим бора олмасликларини айтди. Бундай қисқа вақт ичида уларга паспорт беришнинг иложи йўқ эди. Шунингдек, унга хавфсизлик нуқтаи назаридан яқинлашаётган парвоз ҳақида ҳеч кимга, ҳатто, онамга ҳам айтмаслиги кераклиги уқтирилди. Бутун ҳаёти давомида онамдан сир яширмаган отам бундай муҳим янгиликларни яшира олармиди? Шу сабабли уйга келиши билан онамга мен билан Англияга учаётганини, онам ва укаларим Покистонда қолишини маълум қилди. Ушбу суҳбатни тинглаб турган амаким Файз Муҳаммад жуда ғазаблан-

ди ва хавотирга тушди. Туғри-да, бу ерда қолишса, уларнинг ҳоли не кечади?

– Агар янгам Мингорода икки ўғли билан ёлғиз қолса, улар билан ҳамма нарса содир бўлиши мумкин, – деди амаким.

Отам полковникка кўнғироқ қилди ва хотини ҳамда ўғилларини ташлаб кета олмаслигини, уларни Покистонда қолдириб, ҳаётларини хавф остида қолдирмаслигини айтди. Отамнинг мен билан учишдан бош тортиши янги муаммо туғдирди: мен вояга етмаганим сабабли ёши катта қариндошларим ҳамроҳлигисиз мамлакатни тарк эта олмасдим. Полковник Жунайд, дўхтир Жавид ва дўхтир Фиона отамни кўндиришга уринди. Аммо уни кўндиришдан кўра, хўроздан тухум кутган яхшироқ. Отам бу қандай қийинчиликларга олиб келишини тушуниб турган бўлса-да, қарорида қатъий турди.

– Қизим ҳозир ишончли қўлларда, – дея тушунтирди дўхтир Жавидга. – У бораётган мамлакатда унга ҳеч нарса таҳдид солмайди. Мен хотиним ва ўғилларимни ҳимоясиз қолдириб кета олмайман. Бу ердаги хавф жуда катта. Мен қизимни Аллоҳнинг паноҳига топшираман. Фақат Унинг айтгани бўлади. Мен барча болаларимни бирдек кўраман, ўғилларим ҳам мен учун қизим сингари азиздир.

Дўхтир Жавид отам билан ёлғиз гаплашиш учун уни ўз кабинетига таклиф қилди.

– Малалага ҳамроҳлик қилишдан бош тортишингизнинг ягона сабаби оилавий хавфсизлик эканлигига аминмисиз?» – деб сўради у.

Дўхтир Жавид хавфсизлик кучлари отамга яширинча босим ўтказмоқда, деб гумон қилганди.

– Хотиним мендан ёлғиз қолдирмаслигимни сўради, – деб жавоб берди отам.

Шифокор қўлини отамнинг елкасига қўйиб, менга ғамхўрлик қилишга ва соғайишим учун барча имкониётларни ишга солишига ваъда берди.

– Малала яраланганида бизнинг мамлакатингизда бўлганимиз мўъжиза эмасми? Ишонаманки, Худо одамларга синов жўнатиб, у билан биргаликда, албатта, ечимини ҳам юборади.

Отам дўхтир Фиона Рейнолдс Буюк Британияда эканлигимда менга васийлик қилишига розилик билдириб, хужжат имзолади. У кўзларида ёш билан паспортимни узатди ва дўхтирга юзланди

– Фиона, мен сизга тўлиқ ишонаман. Илтимос, қизимга ғамхўрлик қилинг.

Шундан сўнг, ота-онам мен билан хайрлашиш учун палатага боришди. Бу воқеа якшанба куни соат 23:00 да содир бўлди. Менинг кўзларим юмуқ бўлиб, фақат кўкрак тарафимнинг кўтарилиб-тушишигина тирик-лигимдан далолат берарди. Онам палатага кириши билан йиғлай бошлади. Отам хавф ўтиб кетганини, энди тузалиш босқичига ўтганимни айтиб, уни юпата бошлади. Бу пайтга келиб, мия шиши пасайиб, қон тестлари сезиларли даражада яхшиланганди. Дўхтир Фиона ва дўхтир Жавид мени ҳаётга қайтаришга қодир эканлигига отамда заррача шубҳа бўлмаган.

Ота-онам меҳмонхонага қайтиб келишди, аммо кўзларига уйқу келмади. Ярим тунда эшик тақиллади. Бу отамни оиласини ташлаб Буюк Британияга учиб кетишга кўндирмоқчи бўлган офицерлардан бири эди. У отам мен билан бирга учиши кераклигини айтди. Акс ҳолда, мени Покистондан чиқаришмас экан.

– Мен бу масалани ёпдим, – жавоб қилди отам. – Мен оиламни ёлғиз қолдириб кета олмайман. Сиз бизни ортиқ безовта қилманг.

Зобит индамай кетган бўлса-да, тез орада телефон жиринглади.

– Сиз Малала билан бирга кетишингиз керак, – деди салом-аликсиз ҳарбий амалдор. – Сиз унинг отасисиз ва агар сиз унга ҳамроҳ бўлмасангиз, Британия шифохонаси уни қабул қила олмайди.

– Қарор қабул қилинди, – такрорлади отам. – Мен бу қароримни ўзгартирмоқчи эмасман. Бир неча кундан сўнг, паспортлар тайёр бўлгач, биз бутун оиламиз билан унинг олдига учамиз.

– Дарҳол касалхонага боринг, баъзи ҳужжатларни имзолашингиз керак, – буйруқ берди офицер.

Бу эса отамга шубҳали бўлиб туюлди. Ярим кечаси у ҳарбийларга нега керак бўлиши мумкинлигини тушунмади. У ёлғиз боришдан ҳадиксираб, онамни ўзи билан ҳамроҳ қилишга қарор қилди. Отам хавотирга тушганидан, касалхонага кетаётганида Қуръон оятларини такрорлаб борди.

Ота-онам касалхонага етиб келганларида, офицер уларга агар мен Буюк Британияга ёлғиз учсам, баъзи ҳужжатлар имзоланиши кераклигини айтди. Ушбу бюрократик ҳийла-найранглар унчалик кўрқинчли бўлмаса-да, отам асабийлаша бошлади. Апил-тапил шартнома имзолаган ота-онам тушкун кайфиятда меҳмонхонага қайтиб келишди. Чет элда ҳеч бир яқинимсиз қолишим, бир неча кун у ерда яшашим ҳақида ўйлаган отамнинг юрак-бағри эзилиб кетди. Мактаб автобусида отиб кетилганим ва хушимни йўқотганимдан сўнг юртимдан ва жигарларимдан узоқда кўзимни очганимда, қандай аҳволга тушишимни ўйлаб, отамнинг тушкунлиги янада ортди...

Ўн бешинчи октябрь куни тонгги соат 5 да армия эскорти ҳамроҳлигида мени аэропортга олиб боришди. Касалхонадан аэропортга борадиган йўл тўсиб қўйилган, мерганлар энг яқин уйларнинг томларидан жой олишганди. БАА қироллик оиласи томонидан тақдим

этилган самолёт аллақачон учиш-қўниш йўлагиди кутиб турган эди. Салонда ўн олтита ўриндикдан ташқари, ҳашаматли тўшак ҳам жойлашган бўлиб, орқа қисмида ҳақиқий мини-касалхона ўрин олганди. Шунингдек, менга Германиядан келган ҳамшира ва шифокор ҳамроҳ бўлишди. Бу пайтда мен беҳуш ҳолатда бўлганман ва буларнинг ҳеч бирини кўрмаганман. Эсиз... Самолёт аввал Абу-Дабига учиб, у ерда ёқилғи қуйди, сўнг Бирмингемга йўл олди.

Ота-онам эса меҳмонхонада қолиб, фақат дуо қилишди. Уларга паспортлари бир неча кун ичида тайёр бўлишини, паспорт олишлари биланоқ менинг ёнимга боришлари мумкинлиги ҳақида ваъда беришди. Кутиш нақадар азоб. Эҳ...

23-боб

БОШИДАН ЖАРОҲАТ ОЛГАН ҚИЗ БИРМИНГЕМДА

Суиқасддан роппа-роса бир ҳафта ўтгач, 16 октябрь куни кўзимни очдим. Уйимдан минглаб километр узоқликда. Кўзимни очганим биланоқ гапирмоқчи бўлдим. Аммо томоғимга қўйилган найчалар бунга тўсқинлик қилди. Кўз олдимда компьютер томографиясидан сўнг реанимация бўлимига аравада олиб борилаётганим намоён бўлди. Шундан сўнг, яна хушимни йўқотиб, бир неча соатдан кейингина ўзимга келдим.

– Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, мен тирикман – бу хаёлимга келган биринчи фикр бўлди. Қаерда эканлигимни аниқ билмасам ҳам, Покистонда эмаслигимни тахмин қилдим. Шифокорлар ва ҳамширалар инглиз тилида гаплашишар, кўринишидан улар покистонликка ўхшашмасди. Мен улар билан гаплашмоқчи бўлдим, бироқ томоғимдаги найча бунга халақит берди. Фақат чап кўзим билан ғира-шира кўраётганим сабабли икки-та бурун ва тўрт кўзли одамлар қаршимда гавдаланди. Сал-пал ўзимга келганимдан сўнг, миямга бир қанча фикрлар кела бошлади:

– Мен қаердаман? Қандай қилиб бу ерга келиб қолдим? Ота-онам қаерда? Улар тирикми?

Уйғонганимда ёнимда бўлган дўхтир Жавид кейинчалик кўрқиб кетганини ва бу ҳолатимни ҳеч қачон унутмаслигини айтганди. У менга урду тилида нималардир деди. Менинг билганим – Аллоҳ менга умримни қайтариб бергани. Бошига рўмол ўраб олган бир кўҳликкина аёл қўлимдан ушлаб, мусулмонларнинг анъанавий сало-

ми – «Ассаламу алайкум» деди. Сўнгра у намоз ва Куръон оятларини ўқишни бошлади. Аёл менга исми Реҳанна эканини, ўзи отинойи бўлиб ишлашини айтди. Унинг мулойим овози оз-моз таскин бергандай туюлди ва яна ухлаб қолдим. Тушимда уйимизни кўрдим...

Эртаси куни уйғонганимда, деразалари бўлмаган, жуда ёруғ чироқли хонада ётибман. Бу қиролича Елизавета касалхонасининг жонлантириш бўлими эди. Мингора шаҳридаги касалхонадан фарқли ўлароқ, бу ерда ҳамма нарса ярақлаб турарди. Ҳамшира менга қалам ва битта қоғоз ёпиштирилган планшет берди. Бармоқларим ўзимга бўйсунмади. Бирор сўз ёза олмадим. Аслида, отамнинг телефон рақамини ёзмоқчи эдим, лекин бу қўлимдан келмади. Сўнгра дўхтир Жавид менга алифбо ёзилган столни олиб келди ва мен ҳарфларни бирма-бир кўрсатишни бошладим. Дастлабки кўрсатган сўзларим «ота» ва «мамлакат» сўзлари бўлди. Ҳамшира менга Бирмингемда эканлигимни айтди, лекин бу шаҳар ҳақида олдин эшитмагандим. Кейинчалик улар мен учун географик атлас олиб келишди ва шу орқали Англияда эканлигимни билиб олдим. Суиқасддан сўнг менга нима бўлгани ҳақида сўраганимда, ҳамширалар менга ҳеч нарса дейишмади. Мени ҳатто исмим билан ҳам чақиришмаганидан сўнг юрагимга ғулғула оралади. Мен ҳали ҳам Малаламанми?

Бошим оғриқдан ёрилиб кетай дерди. Уколлар заррача таъсир қилмасди. Чап қулоғимдан мунтазам қон оқар, чап қўлим шолдек бўлиб қолганди. Ҳамширалар ва шифокорлар бир пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиб қолишарди. Улар менга бир нечта саволлар бериб, агар жавоб ижобий бўлса, икки марта кўзимни юмиб-очишимни сўрашди. Аммо ҳеч ким менга бу ерга қандай етиб келганим ҳақида маълумот бермасди. Улар ҳам бу ҳақида хабардор эмас, деган хулосага келиб қўя қолдим.

Юзимнинг чап томони қимирламагани кўркувимни янада оширди. Бир нуқтага жуда узоқ тикилиб турсам, чап кўзим сувлана бошлади. Чап қулоғим эшитмай қолди. Чап тарафдаги жағларимни силжита олмадим. Имоишоралар ёрдамида шифокорлар ва ҳамшираларга ўнг томонда туришлари кераклигини тушунтиришга ҳаракат қилдим.

Дўхтир Фиона исмли меҳрибон аёл менга ўйинчоқ айиқ олиб келди. У ўйинчоғимни Жунайд деб чақиришим кераклигини ва буни кейинроқ тушунтириб беришини айтди. Аммо мен Жунайд кимлигини билмаслигим боис айиққа Лили исмини қўйдим. Бир неча кун ўтиб дўхтир Фиона менга пушти дафтар ва қалам олиб келди. Энди мен бир нечта сўзларни ёза олардим. Дастлабки ёзган гапим шу бўлди: «Отам қани?» Кейингиси эса: «Отамнинг пули йўқ. Даволаниш учун ким тўлайди?»

– Отанг тирик ва соғлом, – деди дўхтир Фиона. – У Покистонда қолди. Пул ҳақида қайғурма.

Бу саволларни хонага кирганларнинг барчасига бердим ва бир хил жавоб қабул қилдим – отам хавфсиз, даволаниш учун пул тўлашдан ташвишланмаслик керак экан. Аммо улар менга ҳақиқатни айтаётганларига амин эмасдим. Агар отам тирик ва соғлом бўлса, нега бу ерда, менинг ёнимда эмас? Эҳтимол, ота-онам менинг қаердалигимни, менга нима бўлганини билишмас? Эҳтимол, мени Мингора кўчаларидан ва бозорларидан ахтаришаётгандир? Мен уларнинг хавфсиз эканлигига ишонмадим. Дастлабки кунларда барча хотираларим ўчиб кетар, тағин ақлим қайтиши билан дафтаримга: «Отам қани?» деб ёзаверардим. Баъзида суиқасд пайтида отам ёнимда бўлгандек туюлар, лекин бу тушимда ёки ҳақиқатда бўлганига амин эмасдим.

Бу ерда қанча муддат қолишим ҳам мени ташвишга сола бошлади. Бонусларимдан ҳеч нарса қолмаганди –

пул мактабга ва Шангладан ер участкаси сотиб олишга сарфланганди. Шифокорлар менга эшиттирмай суҳбатлашаётганида, «Малалада пул йўқ. Малала даволаниш учун пул тўлай олмайди», деяётгандек туюларди. Полшадан келган шифокорлардан бири жуда ғамгин кўринарди. Мен уни беморларидан бири тўловга лаёқатсизлигидан хафа бўлган касалхона хўжайини, деб тахмин қилдим. Ишоралар орқали ҳамширадан қоғоз ва қалам сўрадим: «Нега бунча ғамгинсиз?» деб ёздим. «Мен умуман хафа эмасман», деб жавоб берди у. «Мен учун ким пул тўлайди? Бизда пул йўқ», тағин ёздим. «Хавотир олма, сен учун ҳукуматинг тўлайди», деб жавоб қилди дўхтир. Шундан сўнг, полшалик шифокор ҳар сафар мени кўрганида табассум қила бошлади.

Ота-онамга кўнғироқ қилишнинг турли йўлларини ўйлай-ўйлай, қабулхонадаги телефон хаёлимга келди. Шифохона бўлгандан кейин, қабулхонаси бўлади, қабулхонада эса телефон, албатта, бўлади. Аммо... Халқаро телефон кўнғироғи учун менда пул йўқ. Ва мен Покистон кодини билмайман. Ҳечқиси йўқ. Тез орада соғайиб кетаман, ишлай бошлайман, пул топаман ва отамга кўнғироқ қиламан, деб ўзимни тинчлантирдим. Эртами-кечми оиламиз яна бирлашади.

Миям чалкашиб кетди. Дўхтир Фиона менга совға қилган айиқча дастлаб яшил бўлиб кўринганди, аммо ётоқхона столида оқ айиқ ўйинчоғини кўриб, уни бошқа ўйинчоқ деб ўйлардим.

– Яшил айиғим қаерда?

Минг маротаба бу гапни ёзган бўлсам, минг маротаба «Яшил айиқ йўқ» деган жавоб келди. Эҳтимол, жонлантириш бўлимининг яшил деворлари туфайли айиқ менга яшил бўлиб кўрингандир, Аммо мен буни тушунадиган аҳволда эмасдим ва жаҳлим чиқди.

Устига-устак, инглизча сўзлар ҳам эсимдан чиқиб кета бошлади. Бир марта ҳамширага тишимни ювиш

учун сим олиб келишини сўраб хат ёздим. Мен тиш ковларни назарда тутган эдим. Ҳамшира нима сўраётганимни билмасдан, хуноб бўлди.

Менинг ягона таскиним Реҳаннинг ташрифи эди. У узундан-узоқ дуо ўқир, унинг келганидан куч олиб, лабларим ҳам беихтиёр қимирлай бошлади. Намоз охирида ҳатто «омин» дейдиган бўлдим.

Хонадаги телевизор доимий равишда ўчирилган турарди. Тўғри, бир марта менга Мингорадалигимда кўрган ва мен севиб томоша қиладиган реалити-шоу ҳисобланган «Уста ошпаз»ни томоша қилишга рухсат беришди. Бироқ экрандаги тасвир хиралиги боис бу менга завқ бағишламади. Кейинчалик билсам, шифокорлар ва ҳамширалар атайлаб мен билан гаплашишдан қочишган ва мени ташвишланишимни истамасликлари сабабли газета-журнал олиб келишмаган экан.

Отам тирик ёки тирик эмаслиги ҳақида ўйлаш ичтимни кемириб юборди. Ниҳоят, дўхтир Фиона менга бир ҳафта олдинги Покистон газетасини кўрсатди. Унда отамнинг генерал Каяни билан суҳбатлашаётгани акс этган фотосуратни кўриб анча таскин топдим. Отамнинг ёнида укам Хушал ва бошдан оёқ паранжи билан ўралган бир аёл бор эди. Юзи ёпиқ бўлишига қарамай, мен уни дарҳол таниб олдим. «Бу менинг онам!» Шундай деб қоғозга ёздим. Худди шу куни дўхтир Жавид ёнимга уяли телефон билан кириб келди.

– Энди ота-онангга қўнғироқ қиламиз.

Буни эшитиб қанчалик қувонганимни тасвирлаб бера олмайман.

– Фақат йиғидан ўзингни тийишга ваъда бер.

Унинг овози кўпол эшитилса ҳам, аслида, жуда меҳрибон инсон эканлигини тушуниб етдим. У рақамни терди, гўшакка бир нечта сўзларни гапирди ва телефонни менга узатди. Мен отамнинг овозини эшитдим! Томоғимдаги

найча туфайли гапира олмасдим. Аммо, барибир, отамнинг овозини эшитиш ўзгача ҳиссиётларни ҳады этди. Юз мушакларим менга бўйсунмагани туфайли табассум қила олмасдим, руҳимга табассум югурди.

– Тез орада ёнингда бўламан, – ваъда берди отам. – Икки кундан кейин сочингни силаётган бўламан. Ҳозирча дам ол.

Кейинчалик отам менга дўхтир Жавид мени хафа бўлмаслигим учун уни йиғламасликка чақирганини айтганди. Шифокор иккаламизнинг ҳам кучли бўлишимизни хоҳларди. Суҳбат узоқ давом этмади, чунки ота-онам мени зериктириб қўйишни исташмасди. Отам телефонни онамга узатди, у менинг соғайишим учун кечаю кундуз ибодат қилаётганини айтди.

Телефонда гаплашиб бўлгандан сўнг миямга бир фикр келди. Ота-онам нега бу ерга келмаганини тушунгандек бўлдим. Улар менинг даволанишим учун пул тўплаш мақсадида қишлоқдаги ер участкасини ва мактабни сотиш учун Покистонда қолишган. Аммо участка жуда кичик эди, мактаб биноси ҳам ижарага олинганди. Улар пулни қаердан топишади? Эҳтимол, бирорта бойдан қарз кўтаришар...

Мен билан телефон орқали суҳбатлашгандан кейин ҳам, ота-онамнинг менинг тириклигим ва тузалишимга ишончи комил эмасди. Ахир, улар менинг овозимни эшитмадилар-да! Уйимизга келганлар турли-туман янгиликлар билан келишарди. Сват водийсидаги ҳарбий операцияни бошқарган генерал Ғулом Қамар отамга Буюк Британиядан хушxabар борлигини айтди. «Биз қизимиз омон қолганидан хурсандмиз», деди генерал мени бутун халқнинг қизи деб биладиган тарзда. Генерал шунингдек, Сват водийси ва унинг атрофларида менга ўқ узган жангариларни қидириш ишлари олиб борилаётганини айтди. Улар йигирма иккита толибдан

ташкил топган қароқчи гуруҳга тегишли экан. Худди шу тўда аъзолари икки ой олдин Зоҳид Хонга ўқ узишган.

Отамнинг ичидаги ғазаб тўлиб-тошган бўлса ҳам, ҳеч нима демади. Армия раҳбарияти узоқ вақт олдин Мин-горада толиблар қолмаганига, водийимиз жангарилардан тозаланганига ишонтиришган эди. Генераллар Зоҳидхонга қилинган суиқасднинг Толибон билан ҳеч қандай алоқаси йўқ ва у оилавий жанжал натижасида азият чекди, дея баёнот беришди. Энди эса Зоҳидхон билан мен битта тўданинг нишони бўлганимизни айтишяпти. Отам генералга «Водийни толиблар бошқаради ва сиз бу ҳақида камида икки ой олдин билгансиз», «Сиз улар менинг қизимни ўлдирмоқчи бўлганларидан хабардор эдингиз. Нега уларни тўхтатмадингиз?» деган саволларни беришни истар, бироқ бундай саволлар бекфойда эканлигини англаб, сукут сақлади.

Генерал фақат яхши янгилик келтирмаганди. У хушимга келган бўлсам-да, кўриш қобилиятим йўқолганини айтди. Отамнинг ўйлари чалкашиб кетди. Нега нотаниш одам ўзига ҳам номаълум бўлган маълумотга эга эканлигини тушунолмасди. Менинг кўр бўлиб қолишимни ўйлаб, отам даҳшатга тушди. Нима, энди севимли қизининг кўзи мангуликка очилмайдими? Умидсиз зулматда яшайверадими? Доимо «Мен қаердаман, аба?» деб сўрайверадими?

Бу ҳақда ўйлаш отам учун чидаб бўлмас оғриқ эди. Гарчи илгари ҳеч қачон сир яширмаган бўлса-да, бу сарфар онамга ушбу машғум гапни айтмади.

Кўзимни сақлаб қолишини сўраб Худога илтижолар қилди.

– Майли, менинг кўзларимни ол, униқини қайтар...

Отам менга ўз кўзини беришга тайёр эди, лекин қирқ уч ёшли эркакнинг кўзи трансплантация учун яроқсиз бўлиб қолишидан кўрқарди. У тунни бедор ўтказди ва

эртаси куни эрталаб шифохона хавфсизлик хизмати бошлиғидан полковник Жунайдага кўнғироқ қилиб беришни сўради.

– Малаланинг ҳеч нарсани кўра олмаётганидан хабар топдим, – деди у титроқ овозда.

– Бемаънилик, – жавоб берди шифокор. – У ўқияпти, ёзаяпти. Демак, ҳаммаси жойида. Дўхтир Фиона билан алоқадаман. Малала уйғониши билан дарҳол сиз ҳақингизда сўрайди. Хавотир олманг.

Кундан кунга ҳаётга қайта бошладим. Ҳамширалардан кўзгу келтиришларини илтимос қилдим, аниқроғи пушти дафтаримга «ойна» сўзини ёздим. Қай аҳволдалигимни билишни хоҳладим. Ҳамширалардан бири менга кичкина оқ пластик кўзгу олиб келди. Ойнадаги аксимни кўриб, ҳайрон қолдим. Энди узун сочларим йўқ эди. «Энди сочларим калта», деб ёздим дафтаримга. Толиблар сочларимни қирқиб олишган, деб ўйладим. Аслида бу ишни Покистон касалхонасида қилишган экан. Юзим бинт билан ўралган бўлиб, чап кўзимда улкан чандиқ бор эди. – Буни ким қилди? – дафтарга ёздим. – Менга нима бўлди?

Ҳаяжонланганимдан ҳарфлар ўрни алмашиб кетди.

Оз-моз ўзимга келганимдан сўнг, «Чироқни ўчириб қўйинг» деб ёздим, чунки кучли ёруғлик бошимни оғритаётганди.

«Шунчаки, бахтсиз ҳодиса», деди дўхтир Фиона.

– Улар мени отишдими? Отамни ҳам отиб кетишдими?

Дўхтир Фионанинг айтишича, мактаб автобусида уйга қайтаётганимизда ҳаётимга суиқасд уюштиришган. Мен билан бирга яна икки қиз яраланган экан. Дўхтир бу қизларнинг исмларини айтган бўлса-да, эслай олмадим. Шунингдек, ўқ пешонамга чап кўзимнинг юқорисидан кирганини, бу ерда чандиқ қолганини, ўқ қирқ олти сантиметр узунликда юриб, чап елкамга ти-

қилиб қолганини билиб олдим. Ўқ миямга ёки кўзимга кириши ҳам мумкин эди. Дўхтир бундай бўлмагани учун Худога шукрона айтишим зарурлигини таъкидлади. Ҳа, тирик қолганим ҳақиқий мўъжиза эди...

Бахтли эканлигимни умуман ҳис қилмай қўйдим.

«Шундай қилиб, улар буни бажаришди», деб ёздим ўзимда қандайдир ғалати мамнуният ҳис қилиб. Суиқасд содир этган жангарилар билан суҳбатлашишга, уларга қилаётган ишларининг нақадар ёмон эканлигини тушунтиришга улгурмаганимдан афсусланардим. Энди улар мени ҳеч қачон эшита олмайди. Мен уларга нисбатан нафрат ҳис қилмадим, қасос олиш хаёлимга ҳам келмади. Ягона истагим Сват водийсига қайтиш эди. Уйга қайтиш.

Ушбу хаёллардан сўнг, хотирамда баъзи тасвирлар тиклана бошлади, лекин мен уларнинг ҳақиқат ёки хаёл эканлигини фарқлай олмасдим. Суиқасд ҳақидаги хотираларим менга айтилганлардан анча фарқ қиларди. Хаёлимда, автобусда мен ва бошқа қизлардан ташқари, отам ҳам бор эди. Уйга қайтаётганимизда автобусни бошидан оёғигача қора кийимда бўлган икки толибон жангариси тўхтатди. Улардан бири менинг бошимга автомат тиради ва ўқ отди. Назаримда улар отамга ҳам ўқ узгандек туюлганди. Сўнг зулматга тушиб қолдим. Зулмат бироз нари кетгач, замбилда ётганимни ва нотаниш одамлар атрофимда гавжум бўлаётганини сездим. Ҳорғин нигоҳ билан отамни қидирдим ва бир амаллаб уни топдим. Аммо мен у билан гаплаша олмасдим, чунки сўзлар томоғимга тиқилиб қолганди. Баъзи пайтларда суиқасд мактаб автобусида эмас, балки турли жойларда – Исломободнинг асосий майдонида, Мингородаги Хитой бозорида содир бўлгандек туюлади. Баъзида эса мени даволаётган шифокорлар кўзимга толиблар бўлиб кўрина бошлайди.

Ўзимни тиклай бошлашим билан суиқасд тафсилотлари ҳақида кўпроқ билмоқчи бўлардим. Менинг хонамга келган одамларнинг ёнида мобил телефонлар бўлиши тақиқланган бўлса-да, дўхтир Фиона ҳеч қачон жонажон айфонидан ажралмасди. Бир куни дўхтир адашиб уни менинг палатамда қолдириб кетди. Мен уни дарҳол олиб, ўз исмимни гугллашга ҳаракат қилдим. Афсуски, уринишим Муваффақиятсиз яқунланди. Кўзим ғира-шира кўргани боис нотўғри тугмаларни босиб юборган эканман. Мен электрон почтамни текширишни жуда хоҳлардим, лекин паролим ёдимга келмади.

Ўзимга келганимдан беш кун ўтгач, нафас олиш найчасидан халос бўлдим. Эркин гапира олган бўлсам ҳам, ўз овозимни таний олмадим – овозим жуда ғалати ва хириллаган ҳолда чиқаётган эди. Шу пайтда Реҳанна келиб қолди. Уни кўришим билан дарҳол суиқасд ҳақида гапира бошладим.

– Улар менга ўқ узишди, – дедим оғир овозда.

– Ҳа, мен бу ҳақида биламан, – деди у бош ирғаб. Ислом оламидаги кўпчилик одамлар мусулмонлар буни амалга ошириши мумкинлигига ишонишни хоҳлашмайди. Албатта, бу қароқчилар мусулмон эмас. Баъзилар ўзларини мусулмон деб аташса ҳам, уларнинг амаллари исломга тўла зиддир.

Реҳанна иккимиз мен билан содир бўлган фожианинг сабаблари ҳақида суҳбатлашдик. Унга «айбим» фақат қизларнинг таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя қилганим эканлигини айтдим. Шу асосга кўра, толибон мени ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаш мумкин эмас, дея эълон қилганди. Айни пайтда, исломда аёлларнинг эркаклар билан тенг равишда ўқишига ҳеч қандай қаршилиқ йўқ. Шундай қилиб, мен жаҳолат қурбонига айландим.

Гапира бошлаганимдан кейин дўхтир Жавид отаонам билан гаплашишим учун яна телефон олиб келди.

Менинг хириллаган овозим уларни ёмон аҳволга туширишдан кўрқардим.

– Мени танидингизми? – отамга айтган биринчи сўзим шу бўлди.

– Албатта, – жавоб берди отам. – Овозинг ўзгарибди, янада ёқимли бўлибди. Ўзингни қандай ҳис қиляпсан?

– Яхши, – жавоб бердим мен. – Фақат озроқ бошим оғрияпти. Баъзан оғриқ чидаб бўлмас даражага етади.

Буни эшитган отам хавотирга тушди. Уйлашимча, суҳбатдан сўнг унда мендагидан ҳам баттар бошоғриқ пайдо бўлади. Суҳбатимиз шу зайлда давом этди:

– Хавотирланадиган ери йўқ, ота, – озроқ таскин бергандек бўлдим.

Гарчи бўйнимга қилинаётган укол жонимни оғритаётган бўлса-да, отамни хафа қилишни хоҳламаслигим боис шикоят қилмадим.

– Қачон келасиз?

Бу саволни беришдан ҳам кўра жавобини кутиш оғирроқ бўлди. «Бора олмайман» деган гапни ҳазм қила олмасдим...

Ота-онам ҳалигача Равалпиндидаги касалхона меҳмонхонасида яшаб келаётган эди. Уларга Бирмингемга учишга қачон рухсат берилиши ҳақида эса ҳеч қандай хабар йўқ эди. Онам шу қадар умидсизликка тушди-ки, очлик эълон қилмоқчи бўлди. Отам хавфсизлик хизмати раҳбарига онамнинг нияти ҳақида айтиб берди. Ходим бу қуруқ таҳдид эмаслигини тушунди. Худди шу кунни ота-онамга Исломободга боришлари мумкинлиги ҳақида хабар берилди.

– Сен яхши одамсан! – деди отам онамга. – Малала ва мен тажрибали «жангчи»лармиз деб ўйлардим. Аммо натижаларга қандай эришиш мумкинлигини биздан яхшироқ билар экансан!

Ота-онам Исломободда парламент аъзолари учун мўлжалланган Кашмир меҳмонхонасига жойлашишди.

У ерда ҳам кучли хавфсизлик чоралари кўрилганди. Отам соқолини олдирмоқчи бўлиб, сартарошхонага боришни сўраганида полиция ходими тепасида туришини айтишди. Эҳтимол, у сартарошнинг мижози томоғини кесишга тўсқинлик қилиши мўлжалланганди.

Аммо энди уларнинг телефонлари қайтариб берилиб, дунё билан қайта алоқа ўрнатишди. Дўхтир Жавид отамга кўнғироқ қилиб, мен билан қанча вақт гаплашиши мумкинлигини сўрамоқчи бўлди, аммо отамнинг телефонига тушиб бўлмасди. Алоқа доимий равишда банд эди, чунки отам телефонда тинмай гаплашарди. Ниҳоят, онамнинг ўн битта сондан иборат бўлган телефон рақамини эсладим. Дўхтир Жавид хотирам бу қадар тез тикланганидан ҳайратда қолди. Ниҳоят, ота-онам билан гаплашганимда, уларнинг келиши масаласи ҳали ҳам очиқ эканлигини билиб олдим. Дўхтир Жавид муаммо нимада эканлигини аниқлай олмади. Ота-онамга ҳам бунинг сабаби қоронғи эди. Дўхтир Жавид ўз алоқаларидан фойдаланишга уринди, аммо унга бу муаммони ҳал қилиш ҳарбийлар қўлида эмас, балки ҳукуматга боғлиқ эканлигини тушунтиришди.

Кейинчалик ҳаммаси аён бўлди. Ички ишлар вазир Раҳмон Малик ота-онамни дастлабки самолётдаёқ касал қизи уларни интиқлик билан кутаётган Бирмингемга олиб бориш ўрнига, улар билан бирга учиб, касалхонада матбуот анжумани ўтказишни ният қилиб, қасддан тўхтатиб қўйгани аёнлашди. Бундай тадбирга тайёргарлик узоқ давом этгани боис мен ота-онамни узоқ муддат кўра олмадим. Бундан ташқари, вазир ота-онамнинг Буюк Британиядан сиёсий бошпана сўрамаслигига, шу билан Покистон ҳукуматини хижолатга солиб қўймаслигига ишонч ҳосил қилишни хоҳлади. Охир оқибат вазир ота-онамдан шундай ниятлари бор-йўқлигини очиқчасига сўради. Вазирнинг шубҳалари

мутлақо асоссиз эди. Онам сиёсий бошпана нималигини тушунмас, бундай хаёллар ҳатто отамнинг хаёлига ҳам келмаганди.

Кашмир меҳмонхонасига ота-онам учун бир вақтлар Исломободдаги мактабга саёҳат уюштирган оиламизнинг азалий дўсти Шизанинг онаси Сониа Шаҳид ташриф буюрди. Сониа ота-онам узоқ вақтдан бери Бирмингемда, менинг ёнимда деб ўйлаган экан. Уларнинг ҳали ҳам Покистонда эканликларини билгач, бироз хайрон қолибди. Ота-онам унга Бирмингемга учадиган самолёт учун чипталар мавжуд эмаслигини айтишганида, унинг хайрати янада ошди. Ота-онамнинг барча кийими Мингорода қолгани сабабли Сониа бир қанча кийим олиб келганди. Отамнинг телефон рақамини эса Президент Зардарининг офисидан олибди. Президент исмини эшитган отам унинг офисига қўнғироқ қилдириб, хабар қолдирди. Ўша кун кечқурун Президент уни қабулига чақирди ва менинг ёнимга тезроқ жўнатишга ваъда берди.

– Мен фарзандлардан узоқда яшаш қандайлигини биламан, – деди у қамоқда ўтказган йилларига ишора қилиб.

Отам менга икки кун ичида Бирмингемда бўлишларини айтганида, оғзимдан чиққан биринчи гап шу бўлди: «Менга бир сумка дарслик олиб келинглар. Бунинг учун Сватга боришга вақтингиз йўқлигини тушунаман. Лекин мен учун янги дарсликлар сотиб олишингиз мумкин. Менга улар жуда зарур, чунки март ойида мактабимизда имтиҳонлар бўлади». Шунча воқеадан сўнг ҳам яна синфдаги биринчи рақамли ўқувчи бўлиб қолишни истардим. Мен учун энг қийин фанлар бўлгани боис математика ва физика дарсликларини олиб келишларини хоҳлардим.

Ноябрь ойида уйга қайтишни режалаштириб қўйдим.

Дарҳақиқат, ота-отам режалаштирилганидек икки кундан кейин эмас, балки ўн кундан кейин етиб келишди. Бу ўн кун менга ўн асрдек туюлди. Кутишдан чарчаб кетдим. Хонадаги деворга осилган соатдан кўз узмадим. Фақатгина соат милларининг ҳаракати мени вақт тўхтамаганига ва мен ҳали ҳам тириклигимга ишонтирарди. Туни билан мижжа қоқмай чиқишни, шунингдек эрта уйғонишни бошладим. Ҳар куни эрталаб соат еттидан туриб олиб, ҳамширалар келишини сабрсизлик билан кутадиган бўлдим. Ҳамширалар ва дўхтир Фиона мен билан электрон ўйинлар ўйнашарди. Менинг сеvimли ўйиним «Sonnest 4» бўлиб, дўхтир Фионани камдан-кам юта олардим. Аммо бошқаларга мени мағлуб этиш қийинчилик туғдирарди. Ҳамширалар ва бошқа касалхона ходимлари менга ўзгача муносабат билдирарди. Чунки бу ерда мен бутунлай ёлғиз эдим. Ҳамма менга илиқ муносабатда бўларди. Айниқса, дўхтир Има Чоудхари атрофимда гирдикапалак бўлар, бош ҳамшира Жулиа Трейси эса тез-тез ёнимга келиб, бошимни силаб ўтирарди. Покистондан мен билан бирга келган ягона нарса полковник Жунайд дўхтир Фионага совға қилган рўмол эди.

Касалхона ходимлари менга кийим совға қилишга қарор қилишди. Аммо улар Сват водийсидаги қизларнинг инглиз ўсмирларидан фарқли кийинишлари ҳақида тасаввурга эга эмас эдилар. Шундай қилиб, улар бутикларни айланиб, менга бир нечта кийимлар – футболка, пижама, шалвар ва ҳатто, ичкийим олиб келишди. Има мендан мусулмон қизлари киядиган анъанавий кўйлак-лозим кийишни хоҳлаш-хоҳламаслигимни сўради. Мен розилик билдиргандай бош ирғадим. Қайси ранг ёқишини сўраганида, иккиланмасдан пушти, дея жавоб бердим.

Ҳамширалар ва шифокорлар иштаҳам йўқолганидан хавотирга тушишди. Менга шифохона овқатлари уму-

ман ёқмади, шунингдек, уларни ҳалол эмас, яъни шариат қоидаларига кўра тайёрланмаган дея гумон қилдим. Шунинг учун фақатгина сут коктейли билан кифояландим. Жулиа исмли ҳамширанинг мен учун тайёрлаб келган пишлоқ қўшилган таоми жуда ёқди. Ўшандан кейин Жулиа ҳар куни менга бу таомни олиб келаётган бўлди.

Атрофимдагилар доимо қайси овқатни ёқтиришим тўғрисида тинмай сўрашар, мен ҳаммасига «қовурилган товуқ» дея жавоб берардим. Има «Кичик дашт» деб номланган ҳудудда ҳалол қовуриладиган товуқ гўшти сотадиган «KFC» борлигини билганидан сўнг ҳар куни атайдан мен учун сотиб олиб келаётган бўлди. У бир марта дудланган товуқ ҳам пишириб келди.

Мени зериктирмаслик учун хонага DVD плеер олиб келишди. Бу ерда кўрган биринчи фильмларимдан бири «Бекхем сингари ўйнанг» фильми бўлди. Эҳтимол, шифохона ходимлари Синд вилоятдан келиб, ўз халқининг анъанавий хулқ-атвор меъёрларига қарши чиқиб, футбол ўйнашни бошлаган қизнинг ҳикояси менга ёқади, деб қарор қилишгандир. Аммо экранда майдон бўйлаб шортик ва футболкада чопаетган қизларни кўриб, даҳшатга тушдим ва ҳамширадан фильмни ўчиришни илтимос қилдим. Шундан сўнг, улар менга фақат мультфильмлар кўйиб беришадиган бўлди. «Шрек» ва «Сув ости эртаги» мультфильмларининг барча қисмларини кўриб чиқдим. Чап кўзим ҳали ҳам яхши кўрмаётган эди, шунинг учун ҳам фильмни томоша қилаётганда чап кўзимни ёпиб қўярдим. Устига-устак чап қулоғимдан доимий равишда қон оқиб туриши ҳали ҳам тўхтамаган, шунинг учун унга пахта тиқиб қўядиган бўлдим.

Бир куни мени кўргани келган ҳамширадан қорнимни кўрсатиб:

– Бу нима? – деб сўрадим. Чунки анчадан бери терим остида қаттиқ нарса борлигини ҳис қилиб келаётгандим.

– Бу бош суюгингнинг бир бўлаги, – деб жавоб берди у. Шунчаки ҳайратда қолдим...

Гапира бошлаганимдан кўп ўтмай, ўрнимдан туриб, юришга ҳаракат қила бошладим. Сизга ёлғон, менга чин, кўлларим ва оёқларимда ҳеч қанақа муаммо сезмаётгандим. Ўқ чап елкамга тикилиб қолгани боис чап кўлим бироз увушадиган бўлди. Юриш пайтида қандайдир муаммоларга дуч келаман деб ўйламагандим, аммо дастлабки бир неча қадамни ташлаганимдан сўнг, юз километр босиб кўйган каби жуда чарчадим. Шифокорлар мени тез орада югуриб кетишимга ишонтиришга уринишди. Улар физиотерапия мушакларимни одатдаги ҳаракатчанликка қайтишига ёрдам беришини кўшимча қилишди.

Бир куни яна бир Фиона билан танишдим – Фиона Александр. У касалхонанинг матбуот котиби бўлиб ишлар экан. Бу ерда бундай лавозим борлигига жуда ҳайрон қолдим. Покистон касалхоналарида матбуот хизмати йўқ эди, уларнинг пайдо бўлишини тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Фиона Александр ташрифидан олдин тақдирим жамоатчиликда бу қадар қизиқиш уйғотади, деб ўйламаган эдим.

Мени чет элга жўнатишганида яшаш жойимни оммавий ахборот воситаларидан сир тутишга қарор қилишганди. Аммо Буюк Британияга юборилишимдан олдин Покистонда олинган фотосуратлар матбуотга тарқалди ва журналистлар Бирмингемда эканлигимни шу орқали билиб олишди. Ўшандан бери «Sky News» вертолётчи шифохона устида бир неча бор пайдо бўлди, журналистлар матбуот хизматини сиқувга олишди. Журналистларнинг баъзилари Австралиядан, баъзилари эса Япониядан келишганди. «Бирмингем Пост» газетасининг муҳаррири ҳам ҳисобланган Фиона Александр йигирма йил давомида журналист бўлиб ишлаганлиги боис жур-

налистлар маълумот учун ҳамма нарсага тайёр эканликларини яхши биларди. Шу сабабли, матбуот хизмати ҳар куни аҳволим ҳақидаги сўнгги янгиликларни тақдим этадиган брифинглар ўтказишни бошлади.

Кўпчилик одамлар – вазирлар, дипломатлар, сиёсатчилар, ҳаттоки, Кантербери епископи вакили – мени кўришни хоҳлашларини билдиришди. Баъзи одамлар эса шифохонага бежирим гулдаста жўнатишди. Фиона Александр менга турли-туман юмшоқ ўйинчоқлар олиб келди. Асосий диний байрамимиз ҳисобланган Қурбон ҳайити кириб келгани боис гулдасталарнинг барчасини мусулмонлар юборган, деган хаёлга келдим. Аммо кейинроқ совғалар юборилган саналарга назар ташлаганимдан сўнг, уларнинг байрамга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини англадим. Бутун дунёдаги одамлар, айниқса, тенгдошларим менга соғлик тилаб мурожаат қилишди. Буларнинг бари мени таъсирлантириб юборди. Фиона ҳайратланган юзимга боқиб, кулиб қўйди:

– Сен улар юборган совғаларнинг фақат бир қисминигина кўрдинг.

Маълум бўлишича, менга атаб 8000га яқин совға юборилган экан. Баъзиларида манзил ўрнига «Малала, Бирмингем касалхонаси» деб ёзилган. Бошқаларида эса шунчаки «Бошидан жароҳат олган қиз. Бирмингем» деб қўйилган. Шунга қарамай, почта бўлими посилкаларни менинг манзилимга етказиб берган. Баъзи мактуб муаллифлари мени етим деб ўйлаб, ўз оилаларига қабул қилишни таклиф қилишган. Хабарлар орасида турмуш қуриш таклифлари ҳам мавжуд бўлган.

Реҳанна бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамлар менга ҳамдардлик билдириб, мен учун ибодат қилаётганини айтди. Ушбу одамларнинг кўмаги ва ёрдами ҳаётимни сақлаб қолганлигини англадим. Омон қолибманми, бунда бир ҳикмат бор. Совғалар орасида ҳар хил

ранг ва ўлчамдаги шоколад ва ўйинчоқ айиқлар жой олганди. Аммо менга Беназир Бхуттонинг фарзандлари Билавал ва Бахтавар ҳадя қилган совға жуда ёқди. Улар юборган пакетда мархум онасига тегишли иккита шарф солинган эди. Беназир Бхутто нинг тафти қолган шарфни юзимга босдим. Шарфларнинг бирида узун қора соч толаси қолиб кетган экан. Бу совғани янада қадрли қилди.

Толиблар томонидан отилган ўқ менинг ғояларим оламга тарқалишига сабабчи бўлди. Ўрнимдан туришга ижозат кутиб ётганимда, БМТнинг таълим бўйича махсус вакили ва Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Гордон Браун «Мен Малаламан» деб номланган мурожаат билан чиқишди. Мурожаатномада Покистондаги тегишли ёшдаги барча болалар 2015 йилгача мактаб билан тўлиқ қамраб олиниши талаб қилинганди. Менга ҳукумат раҳбарлари, вазирлар ва кино юлдузларидан мактублар келди. Улар орасида вилоятимизнинг сўнги инглиз губернатори сер Олаф Кароенинг набираси Беёнсдан ҳам келган мактуб бор эди. У сўзининг бошида гарчи бобоси пуштун ва урду тилларини билган бўлса-да, ўзи бу тилда гапира олмаслигидан хижолатда эканлиги ҳақида ёзганди. Беёнс менга поскард юборди ва ушбу поскарднинг фотосуратини «Facebook»ка жойлаштирди. Селена Гомес эса мен ҳақимда твит ёзди, Мадонна менга атаб қўшиқ куйлади. Поскардлар орасида севимли актрисам Анжелина Жолидан келганига кўзим тушиши билан хурсанд бўлиб кетдим. Мониба ёнимда бўлганида эди, унга роса мақтанардим.

Ўша пайтларда уйга қайтишим номаълум муддатга қолдирилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмагандим...

УНИНГ ТАБАССУМИНИ ТОРТИБ ОЛИШДИ

Ота-онам Бирмингемга учиб кетишган кунни мени жонлантириш бўлими оддий бўлимга ўтказишди. Эндиги жойлашган хонамда деразалар ҳам мавжуд бўлиб, Англияни ҳаётимда биринчи марта кўришга муваффақ бўлдим

Биринчи берган саволим: «Тоғлар қаерда?» дейиш бўлди. Бу ер ёмғирли ва туманли бўлгани боис атроф тоғлар билан ўралган, деб ўйлагандим. Бу мамлакатда Қуёш камдан-кам чарақлашидан ҳам хабарим йўқ эди. Деразадан фақат уйлар ва кўчаларга кўзим тушди. Қизил ғиштдан қурилган уйлар бир хил кўринишга эга эди. Атрофдаги барча нарса тинч ва осойишта турарди. Одамларнинг роботлардек ҳаётларини давом эттиришларини кўриш ғалати туюлди.

Дўхтир Жавид ота-онам келишаётганини айтди. Бу гапни эшитишим билан эшикдан кўз узмай, каравотда ёта олмай қолдим. Юрагим ҳаяжондан тез-тез ура бошлади. Ўн олти кун олдин мактабга шошилаётган ва Мингорадаги уйимиздан чиқиб кетаётгандим. Шу вақт ичида тўртта касалхонада бўлиб, минглаб километр масофани босиб ўтдим. Ўн олти кун эмас, балки ўн олти йил ўтгандай туюлди.

Ниҳоят, эшик очилиб, она тилимда айтилган «Жани» ва «Писо» сўзларини эшитдим. Ота-онам дарҳол мени кучоқлаб олишди ва бир-бирларига навбат бермасдан қўлларимни ўпа бошлашди. Ҳарчанд ўзимни ушлаб

туришга уринмай, хўнграб йиғлаб юбордим. Шифоҳонада ўтказган кунларимнинг ҳеч қайсисида, ҳаттоки, бўйнимга укол қилинганида ҳам йиғламагандим. Аммо энди ўзимни тўхтата олмай қолдим. Ота ва онам ҳам хўнг-хўнг йиғлашарди. Кўз ёшлар билан биргаликда ич этимдан ўзгача ҳиссиётлар ўта бошлади. Энди ҳаммаси яхши бўлишига шубҳам йўқ эди. Ота-онам билан биргаликда укаларим ҳам келишганди. Уларни, ҳаттоки, доимо жанжаллашиб, уришиб юрадиган Хушални кўриб ҳам, бошим кўкка етди. «Биз сени соғиндик, Малала», дейишди укаларим. Мен ҳам уларни соғинганлигимни англадим. Бироқ тез орада уларнинг эътиборларини менга юборилган совғалар ва ўйинчоқлар тортиб олди.

Ота-онамнинг ўзларини олдириб қўйганини пайқадим. Покистондан узоқ парвоз уларни чарчатган деган яхши гумонга бориб қўя қолдим. Ота-онамнинг юзи бироз қариган, иккаласининг ҳам сочларига оқ оралганди. Гарчи яширишга уринишган бўлишса ҳам, улар менинг ташқи кўринишимдан ҳам хафа бўлгандай туюлди. Кейинчалик билишимча улар менинг хонамга киришларидан олдин дўхтир Жавид уларни огоҳлантирган экан: «Қизингиз атиги 10 фоиз ўзини тиклади. Яна 90 фоиз бор».

Аммо барибир ота-онам юзимнинг ярми фалаж бўлганини ва кула олмаётганимни кўтара олишмади. Сочларим кесиб ташланган, чап кўзим бўртиб чиққан, оғзим буришган ва табассум ўрнида ғалати мимика пайдо бўлганди. Миям юзимнинг чап томонини унутиб қўйганга ўхшарди. Чап қулоғим ҳам деярли эшитмай қўйганди.

Ота-онам университет ётоқхонасига жойлаштирилди. Касалхона раҳбарияти улар касалхона меҳмонхонасига жойлаштирилса, журналистлар уларга тинчлик бермайди деган мақсадда шу қарорга келишди. Ота-онамда деярли ҳеч қандай юк йўқ эди – фақат кийган

кийимлари ва Шизанинг онаси олиб келган майда-чуйдалар. Тўққизинчи октябрь куни Мингорадан чиқиб кетишганида, бунчалик узоқ вақт уйдан узоқда юришларини тасаввур қилишмаган эди. Ётоқхонага етиб келишганида, ёш болаларга ўхшаб кўз ёш қилиб олишди. Бунга табассум қила олмаётганим сабаб эди. Мен ёшлигимдан жуда қувноқ қиз эдим. Отам дўстларига мени «табассум фариштаси» дея мақтарди. Энди у мен ҳақимда кўз ёш билан гапирарди:

– Унинг чиройли юзини буришганини кўриш нақадар аламли. Бетакрор кулгиси ва нурли табассумидан айрилганини кўриш нақадар қайғули. Лаънати толиблар унинг табассумини ўғирлашди. Севимли инсонингизга буйрак ёки бошқа аъзонгизни беришингиз мумкин, лекин унга ҳеч қачон табассумингизни бера олмайсиз.

Юзимдаги асаб толалари шикастланган эди. Ўша пайтда шифокорлар асабни тиклай олиш мумкинлиги ёки у абадий йўқ бўлиб қолиши ҳақида аниқ айта олишмаган. «Юзимнинг қандай бўлишининг аҳамияти йўқ, муҳими қалб», дея ота-онамни юпатдим. Улар бу гапимга ишонқирашмади, чунки сочларимни ҳадеб ушлаётганимдан ва ойнага ҳадеб қарайверишимдан ўз ташқи қиёфамдан хавотирда эканлигимни сезиб қолишди. Аммо ўлим билан юзма-юз бўлгандан кейин кўп нарса ўзгаради. Ота-онамни ҳам бунга ишонтирмоқчи бўлдим:

– Табассум қила олишим ёки қила олмаслигимнинг қандай фарқи бор, – дедим онамга қараб. – Барибир Малалангиз бўлиб қолавераман-ку. Худо менга яна яшаш имконини берди. Шуниси муҳим эмасми?

Шунга қарамай, ҳар сафар табассум қилишга уринганимда, онамнинг туси ўзгарарди.

Отам юзида савол назари зоҳир бўлган онамга қараб туриб, ўйга толди:

– Нима учун Малала бундай бўлиб қолди? Ўн беш йил мобайнида юзидан кулги аримаган қиз нега кулгисизлик касалига йўлиқди?

Саволлар исканжасида қолиб кетган отам ҳаммаси Аллоҳнинг синови, деган хулосага келди.

Бир марта отам онамдан очикчасига сўради:

– Пекаи, менга очиғини айт, Малаланинг бошига тушган кўргиликларда мени айблайсанми?

– Йўқ, Хайста, – жавоб берди онам. – Сиз қизимизга ёмон нарсаларни ўргатмагандингиз, уни ўлдириш учун юбормагандингиз. У ҳақиқат учун курашди.

Шунга қарамай, отамнинг кўнгил ғашлиги босилмади. У нафақат ташқи қиёфам, балки характерим ҳам ўзгарганини пайқади. Уйда мен жуда ҳам эрка ва тантиқ қиз эдим, арзимаган нарсалар учун ҳам кўзимнинг «шўрва»сини оқизиб ўтирардим. Аммо Бирмингемдалигимда ҳарчанд қаттиқ азоб чексам ҳам йиғламадим ва бир оғиз шикоят қилмадим.

Ота-онамдан бошқа бирон бир меҳмонга мени кўришга рухсат беришмади. Шифокорлар бегоналарнинг ташрифи реабилитация жараёнига халақит бериши мумкин деб ҳисоблашди. Ота-онам келганидан тўрт кун ўтгач, касалхонага менга ёрдам берган учта мамлакатдан сиёсатчилар келишди: Покистон ички ишлар вазири Раҳмон Малик, Буюк Британия ташқи ишлар вазири Уилям Хейг ва БАА ташқи ишлар вазири шайх Абдуллоҳ бин Зайд. Уларга мени кўришга рухсат берилмаган бўлса-да, шифокорлар ва отам билан учрашишга муваффақ бўлишган. Негадир бу суҳбатдан отамнинг дили хуфтон бўлиб қайтди. Кейин билсам Раҳмон Малик унга шундай деган экан:

– Малаланинг табассумини бутун халқ кутяпти.

Самимий айтилган бу сўзлар эгаси менинг жилмайишдан маҳрум бўлганимни қаердан ҳам билсин?

Раҳмон Малик мени Атауллоҳ Хон исмли толибон жангариси отиб ташлаганини айтди. 2009 йилда Сват водийсида ўтказилган ҳарбий операция давомида уни ҳибсга олишган, аммо уч ойдан сўнг озод қилишган экан. Матбуотнинг ёзишича, у Жаҳонзеб коллежини тамомлаган экан. Малик мени ўлдириш режаси Афғонистонда ишлаб чиқилган, деб тахмин қилди. У, шунингдек, Атауллоҳнинг боши учун миллион доллар мукофот пули тайинланганини айтди ва жиноятчи тез орада қўлга олинишига ваъда берди. Аммо бунга шубҳа қилишимиз учун яхши сабаблар бисёр эди. Беназир Бхуттонинг қотиллари, биринчи Бош вазиримиз Лияқат Али Хоннинг қотиллари, генерал Зиё-ул-Ҳақ вафот этган авиаҳалокатни уюштирган террорчилар қилмишлари учун ҳеч қандай жазо олмаган жойда, менга суиқасд уюштирганларга йўл бўлсин.

Энг қизиғи, суиқасддан сўнг қотилликнинг ҳақиқий айбдорлари эмас, умуман бошқа кишилар ҳибсга олинди – мактаб ҳайдовчиси Усман Бхай Жан ва ҳайдовчимиз суиқасддан сўнг дарҳол кўнғироқ қилган ва нима бўлганлиги ҳақида айтиб берган мактаб ҳисобчиси. Ҳисобчи бир неча кундан кейин озод қилинди, бироқ бечора Усмон Бхай Жан ҳанузгача қамоқда эди. Армия раҳбарияти у жиноятчиларнинг кимлигини аниқлашда ёрдам берадиган гувоҳ сифатида керак, дея таъкидлади. Биз бу ҳолатдан жуда хафа бўлдик. Нега яқин дўстимиз Бхай Жанни қамаб қўйишади-ю, ҳақиқий айбдор маза қилиб юраверади?

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти суиқасд уюштирилганидан бир ой ва бир кун ўтиб, 10 ноябрни «Малала куни» деб эълон қилди. Мен бунга унчалик аҳамият бермадим, чунки бу вақтда юз асабининг функцияларини тиклашга ёрдам берадиган жиддий операцияга тайёргарлик кўраётгандим. Асаб электр импульслари-

га жавоб бермади ва шифокорлар ўқ боис асаб тизими ўлган деган хулосага келишди. Фақатгина шошилинич операция мени юз фалажидан қутқариши мумкин эди. Журналистлар касалхона матбуот хизматидан ҳолатим борасида доимий равишда хабардор бўлиб туришди, аммо ОАВ да шовқин кўтармаслик учун яқинлашиб келаётган операция сир тутилди.

Ўн биринчи ноябрь куни мени операция хонасига олиб боришди. Ричард Ирвинг исмли жарроҳ менга шикастланган юзимнинг чап томони ҳаракатни бошқаришини, асабни тиклаш жуда қийин ва нозик иш эканини тушунтирди. Операция саккиз ярим соат давом этди. Аввало, жарроҳ кулоқ каналини суяк парчалари ва қон қуйилишидан тозалаб, чап қулоғимнинг пардаси шикастланганлигини аниқлади. Кейин шифокор темпоралдан жағ суягига ўтадиган юз нервларини очиб ташлади ва суягимни силжитишимга халақит берадиган кўплаб суяк бўлақларини олиб ташлади. Маълум бўлишича, икки сантиметр узунликдаги юз нервнинг бўлаги бутунлай йўқ қилинган экан. Йўқотилган ўринни қоплаш учун жарроҳ кулоқ орқасидаги асаб толасининг ўрнини ўзгартириб, кулоқ олдида кўчирди.

Операция муваффақиятли ўтди, аммо юзимнинг чап томони аста-секин тикланишини уч ой давомида кутишим талаб этиларди. Ҳар куни кичик ойна олдида махсус машқлар бажара бошладим. Дўхтир Ирвинг менга олти ой ичида асаб ўз фаолиятини тиклашини, аммо юзим ҳеч қачон аввалгидек ҳаракатчан бўлмаслигини тушунтирди. Аммо, энг муҳими, энди ота-онам кулганимни кўра олишарди. Кундан кунга юз ифодаларим ўзгариб бораверди. Тўлақонли табассум қилганимдан сўнг, ниҳоят, ота-онамнинг кўнгли ёришиб кетди. Эски Малаланинг юзи қайтганини кўриб, кўзлари қувнади. Кейинчалик, дўхтир Ирвинг бундай ажойиб нати-

жа кутмаганлигини тан олди. Илгари бундай ҳолатда бўлганларнинг ҳеч бирининг юз асаб толалари меники каби тўлиқ тикланмаган эди.

Операция, шунингдек, бош оғриғи сусайишига ва ниҳоят, ўқий олишимга ёрдам берди. Дастлаб Гордон Браун томонидан менга юборилган «Оз сеҳргари»ни ўқишни бошладим. Уйга қайтиш истагида бўлишига қарамай, муҳтожларга ёрдам бериш учун вақт сарфлашдан кўрқмаган Дорот исмли қиз менда яхши таассурот қолдирди. Дорот кўплаб тўсиқларни енгиб, ўз мақсадига эришди. Менимча, агар инсон ҳақиқатан ҳам танланган мақсади сари интилса, йўлида учраган тоғларни силжитишга қодир бўлади. Китоб мени шунчалик мафтун этдики, бир нафасда ўқиб чиқиб, таассуротларимни отамга айтиб бердим. У ўқиганларимнинг энг кичик тафсилотларини ҳам эслаб қолаётганимдан жуда хурсанд бўлди. Бу менинг хотирам тикланаётганидан далолат берарди.

Ота-онам хотирам билан юзага келиши мумкин бўлган муаммолардан жуда хавотирда эканликларини билардим: суиқасд ҳақида ҳеч нарса эслолмадим, дўстларимнинг исмларини ҳам унутдим.

Бир куни отам ёнимга келиб сўради:

– Малала, пуштун термаларидан куйлай оласанми?

Отам ва мен жуда яхши кўрган бир термани хиргойи қилдим:

– Агар илоннинг думидан бошласангиз, заҳарли бошида тугайсиз.

Терма айтиб бўлганимдан сўнг, отамга дедим:

– Биласизми, менда янги терма бор.

Отам менга ажабланиб қараб қўйди. Терма – бу асрлар давомида тўпланган халқ донишмандчилиги натижасида юзага келган жанр.

– Қайси бири? – сўради отам.

Шеърни ўқишни бошладим:

Жангда эркаклар ғалаба қозона олмаса, аёллар олдинга чиқиб, шон-шараф келтиради.

Ушбу сатрларни қуйидагича ўқиш тўғрироқ бўларди:

Эркаклар жангда ғалаба қозониши ёки мағлуб бўлишидан қатъи назар, аёллар олдинга чиқиб, шон-шараф келтиради.

Қўшиқни тугатишим билан отам кулиб юборди. Мана шу айтган қўшиғимни 10 йилдан кейин ҳам эслаб юрдим.

Ҳар куни махсус мутахассис билан физиотерапия машғулотларини ўтайдиган бўлдим. Қўлларим ва оёқларим тобора яхшиланиб борар, 6 декабрь куни касалхонадан биринчи марта чиқишимга рухсат берилди. Имега табиатга бўлган муҳаббатим ҳақида гапириб бердим. У онам билан мени касалхонага яқин жойда жойлашган Бирмингем ботаника боғида сайр қилиш учун олиб борди. Бизга икки ходим ҳам эргашди. Кўп-лаб журналистлар касалхона атрофида айланиб юришгани ва таниб қолишлари мумкинлиги боис отамга биз билан бирга юришга рухсат беришмади. Чет элнинг манзарасини касалхона деразасидан эмас, тўсиқсиз кўраётганим учун еттинчи осмонда уча бошладим.

Машинанинг деразаси ёнида эмас, икки ходим ўртасида ўтирганим дилимни хира қилди. Бу иш бошимни тебраниш ва титрашдан ҳимоя қилиш учун қилинганлигидан ўша онда хабардор эмасдим. Боққа кириб, яшил ўсимликларни кўрганимда, дарҳол уйим ёдимга тушди. «Бу бута бизнинг водийда ўсади», деб юбордим беихтиёр. Боғда одам жуда кўп эди. Мен ўзимни ниҳоят, узоқ сафардан кейин уйга қайтган Доротнинг қизи каби ҳис қилдим. Онам қувонганидан, отамга қўнғироқ қилди ва деди:

– Икки ой деганда биринчи марта бахтни ҳис қилдим!

Бу ердан чиқиб кафега бориб, ўзгача тамдаги чой билан жуда мазали пирожни тановул қилдик.

Икки кундан сўнг мени кўргани шахсан президент Осиф Зардари ташриф буюрди. Касалхона раҳбарияти бу ташрифга қарши бўлгани, бу муқаррар равишда журналистлар тартибсизлигини келтириб чиқариши эҳтимолига қарамай, отам президентнинг юзидан ўта олмади. Зардари давлатимиз раҳбари бўлибгина қолмай, ҳозиргача 200 минг фунт стерлингни ташкил этган тиббий тўловларимни тўлашга ваъда қилганди. Президентимиз ташаббуси билан Бирмингем марказида ота-онам учун квартира ижарага олинди ва улар талабалар ётоқхонасидан квартирага кўчиб ўтишди. Президентнинг ташрифи 8 декабрь, шанба кунига белгиланган эди. Ҳаммаси Жеймс Бонд фильмидаги каби содир бўлди.

Эрталаб журналистлар касалхона атрофида президентнинг келишини кутишди. Аммо президент келмади. Бунинг ўрнига мени ёпинчиққа ўраб, шифохонанинг орқа эшигидан олиб чиқиб кетишди ва машинага миндириб, касалхона офисига олиб боришди. Дарвозадан чиқаётганимизда, асосий кириш эшиги ёнида сабрсизлик билан ўтирган кўплаб журналистларга кўзимиз тушди. Уларнинг баъзилари ниманидир ўтказиб юбормаслик учун ҳатто дарахтларга чиқиб олишганди. Мен ўтирган машинага ҳеч ким эътибор бермади. Офисда узоқ кутишимиз керак бўлгани боис укам Атал билан «Элф боулинг» деб номланган компьютер ўйини ўйнаб вақт ўтказдим. Бу ўйинни биринчи марта ўйнаётган бўлсам-да, Атални кетма-кет мағлубиятга учратдим. Ниҳоят, Президент етиб келди. Унга ўнга яқин киши ҳамроҳ бўлганди. Улар орасида Президентнинг ҳарбий котиби, хавфсизлик хизмати бошлиғи ва Покистоннинг Британиядаги элчиси ҳам бор эди. Президент билан

биргаликда унинг мендан бир неча ёш катта қизи Асифа ҳам бор эди.

Шифокорлар ташриф буюрувчиларни суҳбат чоғида юзим ҳақида гапирмаслик бўйича огоҳлантиришганди. Осифа менга гулдаста совға қилди. Президент, анъанага кўра, бошимни силаб қўйди. Бу ҳаракат отамнинг хавотирига сабаб бўлди, чунки бош суягимнинг муҳим қисмини йўқотганим боис бошимга азият етиши мумкин эди. Отам президент билан узоқ вақт суҳбатлашди ва мени Англияга юборишганидан бахтиёр эканлигини айтди:

- Эҳтимол, у Покистонда тирик қолмаган бўларди. Мабодо тирик қолганида ҳам, муносиб парвариш олмасдан, бутун умр табассумсиз юришга маҳкум бўлар эди.

Президент Зардарининг буйруғи билан отамга таълим делегати унвони берилди. Бу орқали отам нафақат яхшигина маошга, балки дипломатик паспортга ҳам эга бўлди. Энди Англияда қолиш учун сиёсий бошпана сўрашга ҳожат қолмади. Бу отам учун жуда катта енгиллик берарди. Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим бўйича махсус вакили Гордон Браун отамга маслаҳатчиси сифатидаги маошсиз лавозимни таклиф қилди. Президент Зардари бунга қарши бўлмади ва отамга иккала лавозимни эгаллаши мумкинлигини айтди. Ушбу учрашувдан сўнг Президент мени журналистларга «Покистон фахрланадиган ажойиб қиз», деб айтди. Аммо Покистондаги ҳамма ҳам унинг эътирофига қўшилмас эди. Мамлакатимизда мен ҳақимда турли кулгили миш-мишларни тарқатадиган одамлар ҳам бор эди. Улар мени отамнинг ўзи отган деб даъво қилишарди. Уларнинг ишонишича, менинг ҳаётимга қилинган тажовуз биз чет элга кўчиб ўтиш учун сахналаштирилган экан.

Янги 2013 йилни жуда яхши кайфиятда кутиб олдик. Январь ои бошида касалхонадан чиқдим ва оилам билан бирга яшай бошладим. Покистон ҳукумати Бирмингем марказида биз учун кенг жиҳозланган квартирани ижарага олди. Квартира замонавий бинонинг ўнинчи қаватида жойлашган эди. Албатта, ҳаммамиз учун бу жуда ғайриоддий бўлиб туюлди. Бир пайтлар биз уч қаватли уйда яшаганмиз, аммо зилзиладан кейин онам энди баланд хонадонларда яшашни хоҳламаслигини айтганди. Ўнинчи қаватда яшаш биз учун жуда оғир эди... Ота-онам узоқ вақт давомида лифтга киришдан бош тортишди. Сабаби оддий – лифтда ўлиб қолишдан қўрқув!

Яна бутун оила бўлиб яшашдан бахтиёр эдик. Аммо дўстлари ва мактабидан йироқ бўлган укаларим Англияда зерикиб қолишди. Албатта, янги ва ғайриоддий нарсаларнинг кўплигидан ҳайратда тушишди. Ота-онам менга укаларимга хоҳлаганимча буйруқ бериб, хоҳлаган пайтимда уларга танбеҳ бериш «хуқуқини беришди».

Бу ернинг қиши жуда қорли бўлиб, деразадан қор билан қопланган кўчага қараб, қорбўрон ўйнашни орзу қилардим. Аммо ҳозирча бунга рухсат йўқ эди. Баъзан сайрга чиққанимизда ҳам тез чарчаб қоладиган бўлиб қолдим.

Биз яшаган ҳудудда жойлашган уйларнинг ойнасига «Costa Coffee» деб ёзилган кафе бор эди. Сайрга чиққанимда, столда ўтирган ва бемалол суҳбатлашаётган одамларга ҳавасим келарди. Сват водийсида яшаганимда, бундай нарса бўлиши мумкинлигини тасаввур қилишим қийин эди. Уйимиз яқинида савдо мажмуалари, тунги клублари жойлашган «Broad Street» жойлашган эди. Баъзида дўконга бориш учун онамга ҳамроҳ бўлардим. Қиш ўрталарида ҳам аёлларнинг шаффоф колгот-

ки билан ўралган оёқларини очиб ўтирганларини кўриб, уятдан қизариб кетардим: Аввалига онам бундан шокка тушиб қолди ва:

– Мен бу шармандаликка чидай олмаяпман! – дея шикоят қилди отамга. – Келинг, Дубайга кўчиб ўтамиз! Мен бу уятсиз аёллар орасида яшашни хоҳламайман!

Вақт ўтиши билан онам инглиз аёлларига ўрганиб қолди ва ҳатто уларни масхара қилишни бошлади: -Ўзини кўз-кўз қилиш ўз йўлига, наҳотки, улар оёқлари орасини совуқ уришини ўйлашмаса!

Хавфли бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, дам олиш кунлари кечкурун кенг кўчада юрмаслигимиз ҳақида огоҳлантиришди. Ушбу огоҳлантиришдан кулгимиз қистади. Бу ердаги хавф-хатарларни бизнинг ватанимизда дуч келиниши мумкин бўлган хавф билан таққослаш мумкин эмасди. Толиблар билан ёнма-ён яшаб, одамларнинг боши кесиб ташланганини кўрган одам бир гуруҳ маст безорилардан кўрқмайди. Аммо кўринишидан осиеликка ўхшаган ҳар қандай шахсдан кўрқа бошладим. Бундай одамни ҳар сафар учратганимда, ичимдаги кўркув аланга ола бошлади. Худди ҳозир тўппончасини олиб, мени отиб ташлайдигандек таассурот уйғотарди.

Ҳафтада бир марта Мингородаги дўстларим билан Skуре орқали гаплаша бошладим. Улар мактабдаги ўрним ҳали ҳам мени кутаётганини айтишарди. Ўқитувчининг айтишича, суиқасд куни Покистон тарихидан топширган назорат ишим учун 75 баллдан 75 балл тўплабман. Аммо бошқа имтиҳонларни ёмонроқ топширганим боис Малка-и-Нурга ғолибликни бериб қўйибман. Албатта, касалхонадалигимда ҳам ўқишга ҳаракат қилдим, аммо касаллигим пайтида синфдошларим анча илгарилаб кетишганди. Эндиликда Малкининг асосий рақиби Мониба эди.

– Мен сени жуда соғиндим, – деди Малка-и-Нур. – Ёнингда асосий рақибинг бўлмаса, ўқиш унчалик қизиқ эмас экан. Сен борлигингда кундан кунга кучлироқ бўлиб борардим.

Олдимда яна битта операция турганди – қорнимдаги бош суяги бўлагини ўз жойига қайтариш. Шифокорлар эшитиш қобилятим йўқолганидан хавотирда эдилар. Кўчада, одамлар орасида ота-онамнинг айтганларини эшита олмасдим. Чап қулоғим доимо шанғиллаб турарди. Иккинчи февраль, шанба куни яна касалхонага қайтдим. Бу сафар операцияни Энвин Уайт исмли аёл амалга оширди. Аввало, бош суягимнинг бир қисмини қорин бўшлиғимдан олиб ташлади, лекин унинг ҳолатини кўздан кечиргандан сўнг уни ишлатмасликка қарор қилди. Суяк яхши сақланмагани боис вирус юқиш эҳтимоли мавжуд эди. Мен титан краниопластика деб аталадиган операцияни бошдан кечирдим (охирги вақтларда кўплаб тиббий атамаларни ёдлаб олдим). Оддийроқ айтганда, бош суяги вазифасини бажариш ва миямни ҳимоя қилиш учун саккизта винтли титан пластинка жойлаштирилди.

Операция столига ётганимда, юзимдаги асабларни тиклаган жарроҳ дўхтир Ирвинг шикастланган эшитиш пардам билан муаммони ҳал қилди. У бош суягимнинг ичига «саянгоз» деб номланган кичик электрон мосламани қулоғимга яқин жойлаштирди. Бир ой ичида ушбу қурилманинг яна бир қисми қулоғимнинг орқасига жойлаштирилиб, шундан сўнг чап қулоғим ҳам эшита бошлашини айтди. Дарҳақиқат, бир неча ҳафта ўтгач, кичкина приёмник қулоғим орқасига ўрнатилганидан сўнг эшитиш қобилятим тиклана бошлади. Аввалига барча товушлар бошқача бўлиб туюлди, лекин аста-секин ҳаммаси ўз ҳолига қайтди.

ЯКУНИЙ СЎЗ

Биз одамлар Аллоҳнинг буюклигини англай олмай-миз. У бизга фойдаланишимиз учун ақл, ҳис қилишимиз учун юрак каби мўъжизаларни ҳадя этган. У бизни гапиришимиз ва ҳис-туйғуларимизни ифода этишимиз учун лабларимизни, атрофимиздаги гўзалликдан баҳраманд бўлишимиз учун кўзларимизни, хушбўй ҳидлардан баҳраманд бўлишимиз учун бурунни берган. Аллоҳ сари борадиган йўллардан юришимиз учун оёқларимизни ва яхши амалларни бажаришимиз учун қўлларимизни ҳадя этган. Ушбу органлардан бирортасини йўқотмагунимизча, биз учун қанчалик муҳимлигини англай олмаймиз. Бир қулоғим кар бўлганидан сўнг бунини ўз тажрибамдан англадим.

Менга малакали ва тажрибали шифокорларни юборгани учун Аллоҳга беҳисоб шукроналар айтаман. Бу дунёда барча инсонга ўз йўлини танлаш имконияти берилади. Кимдир яхшилик, кимдир эса ёмонлик йўлини тутлади. Бир киши менга ўқ узди. Бир сония ичида бу ўқ миямга зарар етказди, юз асабимни шикастлади ва кар қилиб қўйди. Шундан сўнг, уч миллион киши менинг соғайишим учун ибодат қилишди ва шифокорлар мени ҳаётга қайтаришди. Мен ҳар доим яхшилик йўлидан юришга ҳаракат қилганман. Одамларга ёрдам бериш истаги доимо юрагимда яшайди. Мен бунини мукофот ёки пул учун қилмайман. Мен ҳар куни Аллоҳ йўлида ибодат қиламан ва ундан менга муҳтож бўлган ҳар бир кишига ёрдам беришим учун мадад беришини сўрайман. Толибон жангариси мактаб автобусидаги уч қизни

яқин масофадан ўққа тутган бўлса ҳам, бирортаси ўлим топмади. Бу ақл бовар қилмайдиган ҳодиса. Саломат-лигимнинг тикланиши ҳам алоҳида мўъжиза. Иккинчи яраланган дўстим Шазия Уелсдаги Атлантика коллежига ўқишга кирди ва тез орада Англияга келадиган бўлди. Умид қиламанки, Коинот ҳам юксак марраларни эгаллайди. Мен фақат Аллоҳнинг иродаси эвазига омон қолганимни биламан. Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ менга иккинчи умр ато этди. Яратган эгам менинг соғайишим учун қилинган ибодатларни Ўз даргоҳида қабул қилди ва умримнинг сўнггигача одамларга ёрдам беришим учун мени омон қолдирди. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин! Бу «ТИК ТУРИБ ТАЪЛИМ ОЛГАН ВА ТОЛИБОНЛАР ТОМОНИДАН ХЎРЛАНГАН ҚИЗАЛОҚ»нинг ҳикояси эди.

ТАМОМ

МУНДАРИЖА

Муқаддима. Ҳаётим ўзгарган кун	3
1-боб. Янги туғилган қизалоқ.....	11
2-боб. Менинг отам – лочин.....	29
3-боб. Мактаб.....	45
4-боб. Қишлоқ.....	68
5-боб. Нега мен сирға тақмайман ва пуштунлар «рахмат» сўздан фойдаланишмайди?	82
6-боб. Ахлат уюмидаги болалар	98
7-боб. Мактабимизни ёпишга уринган муфтий	112
8-боб. Кузги зилзила	129
9-боб. Радио.....	137
10-боб. Сват водийсидаги ирислар, теннис тўплари ва буддалар.....	155
11-боб. Энг ақли синф	171
12-боб. Қонли хиёбон.....	188
13-боб. Гул Макай кундалиги.....	196
14-боб. Тинчликнинг қизиқарли тури.....	210
15-боб. Водийни тарк этиш	223
16-боб. Қайғулар водийси	235
17-боб. Новчароқ бўлиш учун ибодат	255
18-боб. Аёл ва денгиз	272
19-боб. Шахсий толибонлашув.....	283
20-боб. «Қайси бирингиз Малала?»	294
21-боб. Раббим, мендан ўз марҳаматингни дариғ тутма! ...	302
22-боб. Номаялум йўналиш сари	321
23-боб. Бошидан жароҳат олган қиз Бирмингемда	334
24-боб. Унинг табассумини тортиб олишди.....	352
Яқуний сўз.....	365

Адабий-бадиий нашр

МАЛАЛА ЮСУФЗОЙ, КРИСТИНА ЛАМБ

МЕН МАЛАЛАМАН

Қисса

Мухаррир

Зебинисо ҲАЙИТОВА

Мусаҳҳиҳ

Жавлон ИКРОМ

Бадиий муҳаррир

Ойбек ХУДОЙБЕРДИЕВ

Саҳифаловчи

Дилдора ЖҰРАБЕКОВА

Техник муҳаррир

Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10да берилган.

Босишга 21.12.2023 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 12,0. Шартли босма табағи 20,16.

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғоз.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 326-23.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Yangi asr avlodi» NMMda tayyorlandi.

«Yoshlar matbuoti» MChJda chop etildi.

100113. Toshkent, Chilonzor-8, Qatortol ko'chasi, 60.

Murojaat uchun telefonlar:

Nashr bo'limi - (71) 230-00-50;

Savdo va Marketing bo'limi - (77) 013-00-50;

(77) 013-00-60;

www.book.uz;@bookuzbekistan

email: yangiasravlodi@mail.ru

Энди ҳеч қачон мактабга бормаслик ҳақида ўйлаш мени даҳшатга соларди. Атиги ўн бир ёшда бўлсам ҳам, бутун борлигимни йўқотиб қўйгандек ҳис қилдим. Илгари мен толиблар фақат оғизда дўқ уришади, қилган таҳдидларини амалда бажаришмайди, деб ишонардим ва синфдошларимни ҳам бунга ишонтирардим: «Улар сиёсатчиларимиз билан бир хил – камдан-кам ҳолатларда ваъдаларини бажаришади», деган гапни ҳар бир синфдошим қулоғига қўйиб чиқардим. Мактабимиз ёпилгани сабабли, нима қилишни билмай қолдим. Қўлимдан фақатгина йиғлаш келарди. Онам мени юпата олмасдан, менга қўшилиб йиғлади, отам эса ўзини қўлга олиб, бир гапни айтишдан чарчамади:

– Қачондир, албатта, мактабга борасан!..

WWW.BOOK.UZ

ISBN 978-9943-20-818-6



9 789943 208186



YULGI ASR AVLOQI



/@bookuzbekistan